

## СЎЗ БОШИ

Доривор ўсимликларга доир мазкур маълумотнома жумҳуриятимизда ўзбек тилида нашр қилинган дастлабки бирмунча тўлиқ асардир. Агар масалага сиёсий томондан ёндошадиган бўлсак, бу иш Ватанимизда кенг қулоч ёйган мустақиллик мевасидир.

Ушбу маълумотнома бундай китобларга чанқоқ халқимизнинг талаб ва эҳтиёжларини тўла қондира олмайди, албатта. Бу соҳада ҳали кўп ишлар қилишимиз керак. Ўлкамизнинг бой ўсимлик дунёси олимларимиз томонидан ўрганилишни, тадқиқ қилинишини кутиб ётибди. Ҳали шундай ўсимликлар борки, улар халқ таботатида ишлатиб келинади-ю, аммо фан намоёндалари уларни илмий равишда муфассал ўрганиб чиққанлари, илмий тиббиётга тадбиқ қилганлари йўқ. Бинобарин, олдимизда халқимиздан қарздор саналган талайгина муаммолар борки, уларни ечиш, ҳал этиш ва тезроқ таботатга тадбиқ қилиб инсонлар оғирини енгил қилиш, дардига шифо бериш вазифаси турибди. Ушбу қўлланмани ёзишда биз мана шу фикр-мулоҳазаларга суяндик.

Китобнинг камчиликлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирган азиз китобхонларга ўз миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз.

*Муаллифлар.*

## КИРИШ

Мазкур маълумотнома Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари табиатида қадим замонлардан бўён униб-ўсиб келаётган, кир-адир, дашт-чўл, тоғ-ўрмон ва бошқа турли хил суғориладиган ва суғорилмайдиган сувли ва сувсиз, кумлоқ ва тошлоқ ерларда кенг тарқалган айрим доривор ўсимликлар хусусидадир<sup>1</sup>.

Маълумки, Ўрта Осиёда ўсимликларнинг 500 дан ортиқ тури қадимдан турли касалликларни даволашда, олдини олишда қўлланиб келинади. Айни вақтда илмий тиббиётда уларнинг фақат 100 дан ортиқроғидангина фойдаланилмоқда.

Китобда аввал ўсимликнинг ўзбекча, русча ва латинча номлари ҳамда қайси оилага мансублиги берилган бўлиб, бу уларни қиёслаш орқали таниб олиш имконини беради. Сўнгра ўсимликнинг қисқача тасвири, тарқалган ўлкалари, ўсадиган ерлари берилган. Маълумотнома нинг ўзига хос томони шундаки, бунда ҳар қайси ўсимликнинг замонавий тиббиёт амалиёти билан халқ табobatiдаги ўрни, уларнинг органларидан олинадиган ёки табиий кўринишида ишлатиладиган шифобахш моддаларнинг аҳамияти, уларни тайёрлаш усуллари, қандай касалликларда қайси қисми қай шаклда қўлланилиши атрофлича баён қилинган. Айниқса, ўсимликларнинг қадимги даврда ва ҳозирда халқ табobatiда қандай қўлланганлиги ва қўлланиб келиниши ҳақидаги маълумотлар китобхон учун амалий аҳамиятга эга.

Китобнинг яна бир фойдали томони, унда келтирилган далил ва маълумотлар илмий асосланган бўлиб, табобат билан қизиқувчи китобхонларни доривор ўсимликлардан

<sup>1</sup> Баъзи ўсимликлар гарчи бизнинг иқлим шароитида ўсмаसा ёки ўстирилмаса-да, аммо уларнинг аъзоларини, брикетларини, йиғмаларини (чойларини) ва улардан тайёрланган дори моддаларни республикамиз дорихоналаридан, савдо тармоқларидан зирвор сифатида харид қилиш мумкин бўлганлиги ҳамда халқ табobatiда кенг ишлатилиши ва бозорларда сотилишини назарда тутиб улар ҳақида ... кетишни лозим топдик.

кўр-кўрона фойдаланмай, балки тушуниб, ўз ўрнида тўғри фойдаланишга ўргатади. Қолаверса, маълумотнома ўсимликларнинг шифобахш томонларини, уларнинг инсон саломатлиги йўлида келтирадиган фойдали аҳамиятини оммага етказиш билан инсониятнинг ўз она табиатига бўлган меҳрини уйғотади ва шу билан китобхонни табиат муҳофазасига, экологияни, шунингдек тобора йўқолиб бораётган камёб ўсимликларни сақлаб қолишга чақиради.

Давр такозоси билан халкимиз ўсимликлар номини русча аташга кўпроқ ўрганиб қолганлигини инобатга олиб биз юқорида айтиб ўтганимиздек, ўзбекча номлар тагида русча номларини ҳам бериб ўтдик. Айрим ўсимликларни хоҳ ўзбек тилида бўлсин, хоҳ рус тилида бўлсин шеваларда ҳар хил аталишини ва уларнинг синонимларини ҳисобга олиб қисқаш нуктаи назаридан уларнинг латинча номларини ҳам келтирдик. Ҳар қайси ўсимлик номидан кейин ўсимлик тасвири берилди ва шу ўринда мазкур ўсимликнинг қайси онлага мансублиги ўзбек ва латин тилларида кўрсатилди. Сўнг ўсимликнинг географик тарқалиши, қўлланиладиган қисми, кимёвий таркиби ва ишлатилиши, ундан кейин ўсимлик аъзоларидан уй шароитида дори тайёрлаш ва фойдаланиш, охирида эса врачлар ва фельдшерлар учун дорихонадан олиниши мумкин бўлган препаратларнинг рецепти кўрсатиб ўтилди. Бу маълумотномадан фойдаланиш имконини яна ҳам кенгайтиради деб ўйлаймиз.

Асосий қисмдан кейин ёрдамчи қисм бошланади. Бунда ҳозирги кунда таъобатда кўпроқ қўлланиб келинаётган ва дорихоналардан олиш мумкин бўлган дори шакли — йиғмалар (уни чойлар деб аташади) ва улар ҳақида қисқача тушунча берилди. Кейин дорихоналарда тайёрланадиган доривор ўсимликлар, уларнинг ишлатиладиган органлари ва таркибидаги дори моддаларнинг таъсир хусусиятлари, қайси касалликларда ишлатилиши жадвал тарзида кўрсатиб ўтилади. Сўнг дорилардан фойдаланиш ва уларни ишлатиш баёнида тез-тез тилга олиб ўтилган касалликлар номи луғат тарикасида изоҳи билан алфавит бўйича бериб кетилди, чунки муайян дори аллергияда ишлатилади, аритмияда берилади, истискода ичирилади, чипконда суртилади, бод касаллигида бойланади, тери яллиғланишида ўша ер ювилади деган билан китобхонларнинг ҳаммаси ҳам у касалликларни дарҳол тушуна олмайди. Шу бонсдан улар ҳақида қисқача бўлса ҳам тушунтириш бердик-ки, ўқувчининг ўзи унинг қандай касаллик экани, кечиши ҳақида тушунчага эга бўлсин.

Маълумки, ҳозирги кунда бутун дунёда, жумладан Ўзбекистонда ҳам экология оғир аҳволга тушиб қолди. Табиат, ўсимлик дунёси инсон ҳимоясига муҳтож. Йилдан-йилга доривор ўсимликлар сони камайиб бормоқда. Шуни ҳисобга олиб китобнинг сўнгги қисмида шифобахш ўсимликлардан ўринли фойдаланиш нақадар зарур эканлиги ва ўсимлик муҳофазаси ҳусусида ҳам фикр баён қилдик. Ундан кейин эса айрим китобхонларни назарда тутиб, ўсимлик номларини русчаси орқали ўзбекчасини тезроқ топиб олишларига кўмаклашиш мақсадида уларнинг русча-ўзбекча номлари кўрсаткичини бердик.

Айрим ўсимликларнинг оиласи, унинг препаратлари ва баъзи касалликлар номи синонимларга эга бўлса, у хоҳ ўзбекча бўлсин, хоҳ русча, хоҳ латинча бўлсин, кавс ичида берилди. Бу ўринда шуни айтиб ўтиш керакки, ботаника фанида ҳам, фармакогнозияда ҳам ўсимликнинг латинча номларини бош ҳарф билан ёриш расм бўлган. Биз шу кондидан келиб чиқиб, мазкур китобда ўзбекча ҳамда русча номларни ҳам текст ичида бўлса-да, бош ҳарф билан беришни лозим кўрдик. Уйлаймизки, бу — ўсимликлар номини тез топиш, ўқиш ва эслаб қолишда қулайлик яратади.

Китобда 100 га яқин ўсимликнинг расми берилди. Бу, назаримизда, китобхонларни ўсимлик дунёси билан таништиришда амалий аҳамият касб этади.

## ДОРИВОР ЁСИМЛИКЛАРНИНГ ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

Маълумки, одам ва ҳайвонларда учрайдиган касалликларни даволаш ҳамда шу касалликларнинг олдини олиш мақсадида ишлатиладиган ёсимликлар доривор ёсимликлар ҳисобланади. Касалликларни даволаш учун одатда доривор ёсимликлардан дорихона, фармацевтика заводлари ва фабрикалари, Гален лабораторияларида ёки уй шароитида бир қатор дори препаратлари тайёрланади ёки улардан дори тайёрлаш учун соф ҳолида кимёвий бирикмалар — ёсимликларнинг биологик актив моддалари ажратиб олинади.

Ёсимликлардан соф ҳолда ажратиб олинган кимёвий бирикмалар баъзан тирик организмга кучли таъсир қилувчи заҳарли биологик актив моддалар бўлиши мумкин. Аммо айрим ёсимликларнинг ўзи ҳам заҳарли бўлиши табиий. Масалан: *кучала, парпи, исирик, Туркистон адониси (сарикгул), омонқора, афсонак, аччиқмия (эшакмия), қизилча (эфедра)* ва бошқалар заҳарли ёсимликлар ҳисобланади. Лекин шу билан бирга бир қанча аслида овқатга ишлатиладиган ёсимликлардан шифобахш восита сифатида фойдаланса бўлади ва фойдаланиб келинади ҳам. Қуйидагиларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин: *амор, анжир, ўрик, беҳи, кашаник, швид, гаримдори, зигир, турли хил мойлар, мурч, хантал* ва бошқалар.

Ёсимликларнинг кўпчилиги заҳарли бўлмаган биологик фаол моддалар сақловчи ва турли касалликларни даволаш учун қўлланиладиган шифобахш ёсимликлардир.

Қадим замонларда одам ўзини ёмон сезган, касалланган, яраланган, шикастланган ҳолларда дардига даवони атрофдаги бор нарсалардан, эҳтимол, биринчи галда ёсимликлардан ахтаргандир ва уларнинг бирортасидан фойдалангандир, шу билан шифо топгандир. Ахир, ҳозир ҳам бирор ҳайвон касалликка чалинса, дардига давони аксарият ёсимликлардан топади-ку. Бу ҳодиса ҳаммага аён. Шуниси қизиқки, касалликдан мусаффо

бўлган ҳайвон кейинчалик (бошқа соғ ҳайвонлар ҳам) шу ўсимликни қайта истеъмол қилмайди. Демак, ибтидоий (энг бурунги) одам ҳам ўз касаллигини онгсиз ёки онгли равишда ўсимлик, унинг органлари билан даволай бошлаган. Шундай экан, ўсимликларни доривор восита сифатида инсон томонидан қўлланиш тарихини ўша даврдан, инсон ўзини биринчи марта ўсимлик билан даволаган вақтдан бошлаб ҳисоблаш керак.

Кўп вақтлар давомида бутун дунё халқларининг асосий шифобахш воситалари доривор ўсимликлар бўлган. Дори олишнинг синтетик, кимёвий усуллари яратилиши билан турли хил янги, табиатда учрамайдиган бирикмалар, шу жумладан, дори моддалар кўплаб синтез қилина бошланди. Натижада, илмий тиббиётда доривор ўсимликларга бўлган қизиқиш ва улардан фойдаланиш бир оз эътибордан четда қолди. Лекин халқ орасида ҳамда анъанавий тиббиёт яхши тараққий этган давлатларда, айниқса Жануби-Шарқ, Жанубий Осиё ҳамда Африка давлатларида доривор ўсимликлар ҳамон асосий даво воситалари бўлиб қолмоқда.

Кейинги 30—40 йил ичида эса синтетик кимё кучли ривожланган, синтез йўли билан жуда кўплаб янги ва яхши самара берадиган, кучли таъсир этувчи дори моддалар яратилган бўлишига қарамай, бутун дунё мамлакатларида, шу жумладан, кимё саноати яхши тараққий этган давлатларда ҳам доривор ўсимликларга бўлган қизиқиш яна кучайди. Бунга сабаб:

1. Ўзок вақт давомида мунтазам равишда турли синтетик дори препаратларни истеъмол қилиш организм структураси ва функциясини турли хилдаги бузилишларга олиб келиши ҳозирги кунда маълум бўлди. Бунга тиббиёт амалиётида мисоллар кўп. Масалан, синтетик ухлатувчи дориларни кўп қўллаш натижасида болаларнинг майиб бўлиб туғилиши, қатор бошқа синтетик дори препаратлар касаллигини келтириб чиқариши ёки антибиотикларни ўзок ишлатиш натижасида микоз касаллигининг келиб чиқиши ва бошқалар шулар жумласидандир.

2. Доривор ўсимликларни касалликларни даволаш мақсадида қўллаш учун одатда улардан кўпинча дамлама, қайнатма, настойка, экстракт ёки бошқа препаратлар тайёрланади. Уларнинг аксарияти сув, турли даражадаги спирт ва бошқалар ёрдамида маҳсулотлардан ажратиб олинади. Натижада биологик актив моддалар йиғиндисидан иборат дори вужудга келади. Тайёрланган (ёки олинган) дорилар таркибида ўсимликларнинг асосий таъсир этувчи биологик актив бирикмалари билан бир

каторда одатда шу эритувчида эриб, ажралиб чиққан бошқа моддалар ҳам бўлади. Булар асосий таъсир этувчи биологик актив моддалар билан бирга учрайдиган бирикмалар бўлиб, улар ҳам киши организмга ўзига хос таъсирини кўрсатиши, асосий биологик актив моддаларнинг таъсирини кучайтириши ёки пасайтириши ёки уларнинг эришини яхшилаб, организмга шимиллишини тезлатиши мумкин. Шу сабабли ўсимликлардан тайёрланган дамлама, қайнатма, настойка, экстракт ва йиғинди — суммар дори препаратлар билан улардан ажратиб олинган соф ҳолдаги моддаларнинг тирик организмга кўрсатадиган таъсири орасида қатта фарк бор. Бинобарин, ажратиб олинган соф ҳолдаги бирикмалар шу ўсимликдан тайёрланган дорилардек таъсир кўрсата олмайди, баъзан шундай ҳам бўладик, доривор ўсимликнинг асосий таъсири йўқолади. Шу сабабларга кўра доривор ўсимликлардан тайёрланган дорилар ёки уларнинг суммар препаратларининг тиббиётдаги аҳамияти борган сари ортиб бормокда.

3. Тиббиёт амалиётида қўлланиладиган аксарият доривор ўсимликлар заҳарли эмас ёки кам заҳарли бўлиши билан синтез қилиб олинган моддалардан фарқ қилади. Сабаби, ўсимлик ҳам ҳайвонлар сингари ҳужайра ва тўқималардан таркиб топган бўлиб, тирик организм хусусиятларига эга. Бунинг устига одамлар қадимдан ўсимликларнинг шифобахш хусусиятига ўрганиб қолган, унга ишонади. Бундан ташқари, доривор ўсимликлар доимо аҳоли яшайдиган жойларда ўсади, уни йиғиб олиш қийинчилик туғдирмайди. Улардан уй шароитида дори тайёрлаш осон.

Шунга ва яна бошқа сабабларга кўра ўсимликлардан олинаётган дори препаратлари сони йил сайин кўпаймоқда, янгидан-янги дорилар ишлаб чиқарилмоқда. Булар эса ўз навбатида дориворлар ўсимликларнинг ҳар йилги тайёрлаш миқдорини кўпайтиришни, керакли доривор ўсимликлар ўсадиган янги ерларни излаб топишни ёки уларни жамoa ва давлат хўжаликлариде экишни ҳамда янги ўсимликларнинг, айниқса, табобатда қўлланиладиган доривор ўсимликларни текшириб, ўрганиб, тиббиёт амалиётида кенгрок фойдаланишни талаб этади.

Ҳозирги кунда ёввойи ҳолда ўсадиган ва ўстириляётган доривор ўсимликларнинг 230 дан ортиқ туридан табобатда маҳсулот тайёрланади. Шулардан 152 турининг 171 маҳсулотидан кимёвий фармацевтика саноатида 254 хилга яқин дори препаратлар олинмоқда.

Кейинги 4—5 йил ичида 10 га яқин йиғма ҳолдаги

фитопрепаратлар (ўсимликлардан олинган доривор препаратлар) тиббиёт амалиётида турли хил касалликларни даволаш учун татбиқ қилинди. Бундай препаратларга: алором, антрасеннин, арфазетин, датискан, ротокан, карсилон, сафинар, танацехол, тризофлан, фларонин, халепин, стахиглен, биосегман, сенадексин, нигедаза, ледин, патулатен кабилар киради.

Ёввойи ҳолда ўсадиган ҳамда жамоа ва давлат хўжаликларида экиладиган ўсимликлардан тайёрланган доривор маҳсулотлар миқдори йил сайин ортиб бормоқда. Масалан, тайёрланган доривор ўсимлик маҳсулотларининг жами миқдори 1975 йилда 1960 йилга нисбатан 1,27 марта, 1980 йилда — 1,55 марта ортган. Бу миқдор 1990 йилда 1960 йилга нисбатан анчагина ошиши кутилган эди.

Юқорида зикр этилган далил ва мулоҳазалар доривор ўсимликларнинг тиббиётда тутган ўрни ҳамда уларнинг аҳамияти кун сайин ортиб боришининг исботидир. Бежиз эмаски, ҳозирги вақтда доривор ўсимликларга бўлган талаб ва эҳтиёж уларни етиштирувчи ва тайёрловчи давлат идоралари олдига ечилиши лозим бўлган қатор масалаларни кўндаланг қўймоқда. Чунончи, фармацевтика саноати, дорихоналар, Гален фабрика ва лабораторияларини доривор ўсимлик маҳсулотлари билан таъминлаш, ёввойи ҳолда ўсадиган ва ўстириладиган доривор ўсимлик маҳсулотлари миқдорини кўпайтириш, ёввойи ҳолда ўсадиган доривор ўсимликларни табиий шаронда сақлаб қолиш, уларни муҳофаза қилиш ва кўпайтириш, доривор ўсимликларни давлат ва жамоа хўжаликларида кўплаб экиш шулар жумласидандир.

Халқ соғлигини сақлаш, касалликларнинг олдини олиш, авлодларни соғлом қилиб тарбиялаб етиштириш масалаларига аҳамият берар эканмиз, ўз вақтида ва тез юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, касалликни даволаш ва олдини олишнинг асосий омилларидан бири бўлмиш яхши таъсир этувчи доривор ўсимликлар, улардан олинадиган ва тайёрланадиган препаратлар ҳамда бошқа воситаларни кўплаб етказиб беришга бор имкониятлар жалб қилинмоғи лозим. Маҳаллий раҳбар ходимлар, тегишли идора ва муассасалар, жамоа ва давлат хўжаликлари маъмурияти бунга астойдил кўмаклашмоқлари зарур.



## **ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИНГ МАҲСУЛОТИ, УЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, ҚУРИТИШ ВА САҚЛАШ**

Ўсимликлар ўз таркибида маълум касалликка шифо бўла оладиган, киши организмга қандайдир таъсир кўрсата оладиган биологик фаол моддалар сақлайди. Шу сабабли уларнинг доривор ўсимликлар деб аталиши ва тиббиётда қўлланилиши ҳақида айтиб ўтган эдик. Мана шу биологик фаол моддалар ўсимликларнинг ҳамма органларида бир хил миқдорда тўпланмас экан. Баъзи бир моддалар кўпроқ ўсимликларнинг ер остки органларида — илдизи, илдизпояси, туганаги ёки пиезида йиғилса, баъзилари аксинча, асосан ер устки қисмида — барги, гули, меваси, уруги, пўстлогиди тўпланар экан. Бинобарин, беморларга бериладиган дориларни тайёрлаш ёки уларни соф ҳолда ажратиб олиш учун ўсимликларнинг айна шу биологик фаол бирикмалар кўп йиғилган органларидан фойдаланилади. Дори тайёрлаш, дори препаратлари ёки соф ҳолдаги дори моддалар олиш учун ишлатиладиган биологик фаол бирикмаларга бой бўлган ўсимлик органлари *доривор маҳсулот* деб аталади.

Доривор маҳсулот сифатида ўсимликнинг ҳамма органлари (барги, гули, меваси, уруги, пўстлоги, куртаги, илдизи, илдизпояси, туганаги, пиезбошиси) айрим-айрим ҳолда ёки ҳаммаси биргаликда (ўсимликнинг бутун ер устки қисми) қўлланиши мумкин. Баъзан ўсимлик органларидан бирламчи ишлов бериш йўли билан (эфир мойлари, ёғлар, шира, шарбат) ёки ўсиб турган ўсимликдан (смола, дарахт елимлари, дарахт шираси) олинган моддалар ҳам доривор маҳсулот бўлиб хизмат қилади.

Доривор маҳсулотлар таркибида биологик фаол моддалар кўп тўпланган, яъни сифати ошган даврда дори тайёрланади. Шунга кўра, маҳсулотлар ўсимликлардан турли фаслларда йиғилади ва улар ўз қимматини йўқотмаслиги учун зудлик билан қуритилади ёки қуритилмай фармацевтика заводи, фабрика ва лабораторияларига юборилади. Хўллигича ишлатилмайдиган маҳсулотларни ўз вақтида қуритилмаса, ўсимлик органлари намлик ва иссиқлик таъсирида кизиб, таркибидаги биологик фаол моддалар парчаланаяди, доривор ўсимликлар ўз қимматини йўқотади.

### **ЎСИМЛИК ОРГАНЛАРИ ВА УЛАРНИ ЙИҒИБ ОЛИШ ВАҚТЛАРИ**

Барглари одатда ўсимлик гуллашидан олдин ёки гуллаганида жуда эҳтиёткорлик билан иложи борица қарар етказмасдан йиғиб олинади.

Ўсимликнинг ер устки қисми (ўти) ўсимлик гуллаганида поясининг энг тагидаги барги олдида ўриб олинади. Бўйи баланд бўлган ўсимликларнинг эса поясининг тепа қисми (10—25 см узунликда) ва шохлари кесиб олинади.

Куртаклари эрта баҳорда, ўсимлик танасида суюқлик юра бошлаган вақтда, очилмасдан олдин йиғилади. Куртаклар одатда қўл билан териб олинади ёки куртакли шохлари қирқиб олиниб, қуритилади ва асти қоқиб йиғиб олинади.

Пўстлоқлари ҳам эрта баҳорда, ўсимлик танасида суюқлик юришиб, ёғоч қисмидан осон ажраладиган даврда пояси билан йўғон шохларидан шилиб олинади.

Гуллари ўсимлик кийғос гуллаганида алохида алохида ёки майда гуллари билан гултўпламининг ҳаммаси кесиб олинади. Баъзи гулларнинг фақат айрим қисмлари (гултож барглари ёки саватчадаги тилсимол гуллари) йиғиб олинади.

Мева ва уруғлари тўлиқ пишиб етилганди қўл билан териб ёки ёғоч ёрдамида қоқиб олинади. Кўпчилик ўт ўсимликларнинг майда мева ва уруғлари дои ўсимликлари сингари ўриб (плантацияларда махсус комбайнлар ёрдамида), хирмонда қуритиб, сўнгра янчилади ва елпиб ажратиб олинади.

Ер остки органлари (илдизпояси, илдизи, туганаги ва пиёзлари) — ўсимлик ўзининг ўсиш даврини тугатиб, уйкуга кирган вақтда — кеч кузда ёки уйкудан уйғонмасдан бурун — эрта баҳорда, кетмон, белкурак теша ва бошқа асбоблар билан қовлаб олинади ёки катта майдонларда жуда кўплаб ўсиб, ер остки органлари яхши тараққий этган бўлса, плугли трактор ёрдамида ҳайдаб йиғиб олинади. Йиғиб олинган ер остки органларини лой тупроқ, қум ҳамда барг ва поядан тозалаб, сувда ювиб йирикларини майда бўлақларга қирқиб, қуритишга тайёрланади.

Ўсимликнинг ер устки қисмини (барги, гули, ўти) ҳаво очик вақтида эрталабки шудринг ва нам кўтарилгандан сўнг йиғилади. Акс ҳолда гул ва барг устидаги нам қуритиш вақтида ўсимлик рангининг ўзгариб, қорайиб ёки сарғайиб кетишига, уларнинг сифати бузилишига олиқ келади.

Йиғилган маҳсулотларни кераксиз қисмлардан, қум тупроқлардан тозалагандан сўнг тезлик билан қуритиш лозим. Чунки юқорида айтганимиздек, нам маҳсулотлар бир ерда йиғилиб турса қизиб, чирий бошлайди, таркибидаги биологик фаол моддалар парчаланadi. Натижада доривор ўсимликлар ўз шифобахш хусусиятини йўқотади.

Ўсимликларнинг гули, барги, ер устки қисми ва куртаклари соя (шийпонда, чордоқларда ёки хоналарда) ва ҳаво яхши ўтиб турадиган ерда, бирор нарсанинг (фанер, қоғоз, березент, қоплар ва бошқалар) устига юпка қилиб ёйиб қурилади. Зарурат туғилса, ҳарорати 50—60° ли қуритгичларда қурилади.

Ўсимликларнинг қолган қисми (меваси, уруғи, пўстлоғи, илдиэпоясн, илдиэи, туганаги, пиёэи ва бошқалари) очик жойда, офтобда бирор нарсанинг устига ёйиб қурилади.

Маҳсулотлар яхшилаб қуритилгандан сўнг қоп, яшик, пакетларга солиниб, курук, соя, салкин ва ҳаво кириб турадиган жойда сақланади.

### **ДОРИВОР ЎСИМЛИК МАҲСУЛОТЛАРИДАН УЙ ШАРОИТИДА ДОРИ ТАЙЁРЛАШ**

Маълумки, доривор ўсимлик маҳсулотлари турли касалликларни даволашда ишлатилади. Бунинг учун улардан турли усулда дори тайёрланади. Уй шароитида тайёрланадиган дамлама ва қайнатма шулар жумласидандир.

Китобнинг асосий қисмида айрим доривор ўсимликларнинг тиббийетда қўлланилиши баён этилади, шунда маҳсулотлардан дори тайёрлаш усуллари ҳақида тўхтаб ўтамиз. Куйида доривор ўсимликлардан уй шароитида дори тайёрлаш тартиб қоидалари ҳақида тўхталиб ўтишни лозим топдик. Бунда Давлат фармакопеясида қабул қилинган ва ҳамма дорихоналарда қўлланиладиган дори тайёрлаш усуллари ҳақида гап боради.

Уй шароитида дорилар фақат заҳарли бўлмаган доривор ўсимликлардан тайёрланади. Биз буни бошқа ўринларда ҳам айтиб ўтдик.

Одатда, доривор ўсимликларнинг юпка ва нозик қисмларидан — барги, ер устки қисми, гули ва баъзи мева ҳамда уруғларидан дамлама, ер остки органлари, пўстлоғи, меваси, уруғи ва баъзи қалин баргларида қайнатма тайёрланади. Заҳарли бўлмаган доривор ўсимликлардан дамлама ва қайнатма 1:10 нисбатда тайёрланади, яъни оғирлиги 10 қисм маҳсулотдан доқада сиқиб сузиб олингандан сўнг ҳажми 100 қисм дамлама ёки қайнатма олиниши керак.

## ДАМЛАМА ВА ҚАЙНАТМА ТАЙЕРЛАШ УСУЛЛАРИ

Сув ҳаммомида 15 минут қиздирилган шиша ёки сирланган идишга (хўқача ёки кичик кастрюлкага) йирик майдаланган доривор ўсимлик маҳсулотидан керакли микдорда солиб, устига керакли микдорда уй ҳароратидаги сув қуйилади, қопқоғи ёпилади ва яна қайнаб турган сув ҳаммомида тутиб турилади (дамлама — 15 минут, қайнатма — 30 минут). Қиздириш вақтида маҳсулот тез-тез чайқатиб турилади. Сўнгра дамламали (ёки қайнатмали) идишни сув ҳаммомидан олиб уй ҳароратида 45 минут (қайнатма 10 минут) совутилади. Сўнг икки қават доқада сиқиб сузилади. Дамлама (ёки қайнатма) одатда кўрсатилган микдорда совуқ ёки илиқ ҳолида ичилади.

*Сув ҳаммоми ўрнида сув қуйиб қайнатилган ҳар қандай идишдан фойдаланиш мумкин.*

## АДОНИС

*Адонис (горицвет) — Adonis L.*

Айиктовондошлар — Ranunculaceae оиласига мансуб бир ва кўп йиллик ўт ўсимлик. Ўрта Осиёда ўсадиган адониснинг қуйидаги учта кўп йиллик тури доривор ўсимлик сифатида тиббиётда кўпроқ қўлланилади:

**Тилла рангли адонис (сувурўт) — Адонис золотистый — Adonis chrysocyathus Hook. fil. et Thoms** — кўп йиллик ўт ўсимлик.

• **Ўсимлик тасвири.** Пояси тик ёки кўтарилиб ўсади, шохланмаган ёки шохланган, баландлиги 15—30 см. Барглари ништарсимон ёки думалок — ромбсимон бўлақларга уч марта патсимон қирқилган бўлиб, узун банди (поясининг пастки қисмидагилари) ёрдамида ёки бандсиз (юқори қисмидагилари) поя ва шохларида кетма-кет жойлашади. Пирик сарик гуллари поя ва шохларининг учида якка-якка ҳолда ўрнашган. Меваси ёнғоқчасимон бўлиб, шарсимон бошчали тўп мевани ҳосил қилади.

*Ўсимликнинг ҳамма қисми заҳарли!*

**Географик тарқалиши.** Ўзбекистон (Шоҳимардон, Олой тоғ тизмалари), Қирғизистон, Тожикистон ва Қозоғистоннинг жанубидаги тоғ тизмаларида (денгиз сатҳидан 2500—3000 м баландликда), қора тупроқли, майда шағалли қияликларда, нам ерларда, нам ўтлоқларда, қорга яқин ва бошқа ерларда ўсади.

Қўлланиладиган қисми. Ер устки қисми.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Таркибида 0,5—0,93 % юрак гликозидлари (цимарин, К-строфантин-В ва бошқалар), 9,7 % стероид сапонинлар, 0,4 % кумаринлар, 0,81—1, 55 % флавоноидлар (ориентин, адонивернит ва бошқалар), органик кислоталар, витамин С, каротин ва бошқа моддалар бор.

Ўсимликдан К-строфантин В гликозиди олиш мўлжалланган. Бу гликозид асосан четдан келтириладиган строфант уругидан олиниб, юрак-қон томирларнинг оғир касалларини (юрак томирнинг II — III даражали етишмовчилигини) даволашда қўлланилади.

**Туркистон адониси (сарикгул) — Адонис (горицвет) Туркестанский** — *Adonis turkestanica* (Karsh.) Adolf.

**Ўсимлик тасвири.** Бўйи 30—80 см га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Поялари кўп, тик ўсувчи, кам шоҳли. Барглари йирик, ништарсимон ўткир учли, 1—2 бўлакчали бўлакларга икки марта патсимон қирқилган бўлиб, бандсиз поя ва шоҳларида кетма-кет жойлашган. Йирик сарик рангли гуллари пояси билан шоҳлари учига якка-якка ҳолда учрайди. Меваси — шарсимон, бошчага тўпланган ёнғоқча.

*Ўсимликнинг ҳамма қисми заҳарли!*

**Географик тарқалиши.** Ўзбекистоннинг жанубидаги ҳамда Тожикистон ва Қирғизистондаги тоғларнинг юмшоқ тупроқли ва майда шағал тупроқли қияликларида (субальпик зонада) ва баъзан арчазорларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Ер устки қисми.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Таркибида 0,28—0,65 % юрак гликозидлари (цимарин, строфантин, К-строфантин, конваллатоксин ва бошқалар), кумаринлар (умбеллиферон, скополетин), 0,75 % флавоноидлар (ориентин, лютеолин, витексин, адонивернит ва бошқалар), 9,2—12,5 % сапонинлар, 0,02 % холин, фенолкарбон ва бошқа органик кислоталар, витамин С, каротин ва бошқа моддалар бор.

Ўсимликнинг ер устки қисмидан тайёрланган дамлама халқ табобатида иситма, бадан увишиши, нафас олишнинг қийинлашиши ва бошқа касалликларни даволашда қўлланилади.

Илмий тиббиётда Туркистон адониси юрак қон томирларнинг оғир касалликларини (юрак-томирнинг II—III даражали етишмовчилиги ва бошқа касалликларни) даволашда ишлатилади. У таъсири жиҳатидан баҳорги адонис — адонис (горицвет) весенний препаратлари билан бир қаторда туради. Баҳорги адонисдан дамлама тайёрланади, адонизид ва бошқалар олинади.

**Тяншань адониси — Адонис (горицвет) Тянь-Шанский** — *Adonis tianschanica* (Adolf.) Lipsch.

**Ўсимлик тасвири.** Бўйи 10—40 см га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Поялари бир нечта бўлиб тик ўсади, шоҳланган ёки шоҳланмаган. Барглари икки марта ёки уч марта қизиксимон-ништарсимон бўлакчаларга патсимон қирқилган бўлиб, бандсиз поя ва шоҳларида кетма-кет ўрнашган. Йирик, тилла-сарик рангли гуллари якка-якка ҳолда пояси билан шоҳлари учига жойлашган. Меваси — бошчасига тўпланган ёнғоқча.

### **Ўсимликнинг ҳамма қисми заҳарли!**

**Географик тарқалиши.** Тяньшань ва Жунгар ола тоғларидаги (Ўрта Осиё) чўлларда, субальпик ўтлоқларда, тоғдаги дарё vodiylарида ўсади.

**Кўлланиладиган қисми.** Ер устки қисми.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Таркибида 0,04—0,53 % юрак гликозидлари (строфантин, цимарин, К-строфантин-В, конваллатоксин ва бошқалар), 3,4—8,7 % тритерпен сапонинлар, 0,59 % флавоноидлар (оринтин, адонивернит, лютеолин ва бошқалар), холин, кумаринлар, фенолкарбон ва бошқа органик кислоталар, витамин С, каротин ва бошқа бирикмалар бор.

Тяньшань адонисидан ажратиб олинган гликозидлар ва уларнинг доривор препаратлари баҳорги адонис препаратлари билан бир қаторда юрак-томирнинг оғир касалликларини даволашда илмий тиббиётда ишлатишга тавсия этилган.

### **АЖГОН, ЗИРАМ ҚАРМОНИ**

*Айован душистый (ажгон) — Trachyspermum ammi (L.) Sprague*

**Ўсимлик тасвири.** Селдердошлар (соябонгулдошлар) — *Ariaceae* (*Umbelliferae*) oilасига мансуб, бўйи 40—60 см га етадиган бир йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, кўп қиррали, асос қисмидан шохланган. Барглари икки ёки уч марта патсимон ажралган бўлиб, қини ёрдамида пояда кетма-кет жойлашган. Майда оқ ёки оч бинафша рангли гуллари мураккаб соябонга тўпланган. Меваси — кўшалок писта.

Июнь ойларида гуллайди, меваси август — сентябрда етилади.

**Географик тарқалиши.** Ҳиндистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон жумҳуриятларида ўстирилади. Ўзбекистон ва Туркменистоннинг баъзи вилоятларидаги суғориладиган ерларда ва боғларда ёввойи ҳолда ўсади.

**Кўлланиладиган қисми.** Меваси.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Меваси таркибида 2—11 % эфир мойи, 25—32 % ёғ, 15—17 % оксил ва бошқа моддалар бор. Эфир мойи 40—60%, феноллар (тимол ва қисман карвакрол), пинен, фелландрен, цимол ва бошқа терпеноидлардан ташкил топган.

Ажгоннинг эфир мойидан тимол олинади. Тимол ва унинг препаратлари оғиз шиллик қаватини дезинфекция қилиш, тиш оғриғини қолдурish ва терининг замбуруғ касалликларини даволаш учун ҳамда гижжа (айникса

қилбош гижжаларни) ҳайдовчи восита сифатида қўлланилади.

Шарқ мамлакатларида ажгон меваси истисқо ва меъда касалликларини даволаш учун ҳамда гижжа ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади.

Мевасининг винода тайёрланган дамламасини Абу Али ибн Сино кўкракда йиғилган йирингни чиқариб юбориш, сурункали иситмада ҳароратни пасайтириш, илон ва чаён чаққани даволаш ҳамда буйрак-тош ва бошқа касалликларда сийдик ҳайдовчи восита сифатида қўллаган.

### АЛОЙ

*Алоэ — Aloe (Tourn.) L.*

**Ўсимлик тасвири.** Пиёзгулдошлар. *Liliaceae* оиласига мансуб, бўйи 4 м гача етадиган доим яшил дарахтсимон ёки ўт ўсимлик. Барглари кини ёрдамида пояда кетма-кет жойлашади, кўпинча поясининг юқори қисмида тўпбарг ҳосил қилади. Барглари қалин, сершира, юмшоқ, қиличсимон, юқори томони ботик, пастки томони дўнг бўлиб чиққан, кирраси тиконлар билан қопланган, узунлиги 20—65 см, қалинлиги 12—15 мм га етади. Гуллари чиройли ва турли рангда бўлиб, поясининг юқори қисмидаги тўпбарг ўртасидан чиққан узун цилиндрсимон гул ўкига жойлашган шингилни ҳосил қилади. Меваси — уч қиррали цилиндрсимон кўсакча.

**Географик тарқалиши.** Ватани Африканинг жануби-шарқидаги ярим чўллар. Собик СССРда икки тури: Дарахтсимон алой — Алоэ древовидное — *A. arborescens* Mill. ва Йўл-йўл алой — Алоэ полосатое — *A. striatula* Now. Грузия (Аджария, Украина (Одесса атрофи) ва Ўрта Осиёда бир йиллик ўсимлик сифатида, хоналарда кўп йиллик ўсимлик ўрнида ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Барги.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Барглари ва ундан олиннадиган сабур таркибида антрацен ҳосилалари (алоин, наталоин, изозмодин) смолалар, эфир мойи, аччиқ ва бошқа моддалар бор.

Сабурнинг юқори дозаси (0,03--0,2 г) сурги дори сифатида, кичик дозаси (0,01—0,02 г) овқат ҳазмини яхшилаш ва иштаҳа очиш мақсадида ичилади. Биоген стимуляторларга бой баргларида суюқ экстракт (флакон ва ампулаларда чиқарилади), линимент (эмульсия), шарбат ва таблетка тайёрланади. Суюқ экстракти ва таблеткаси кўз касалликларида (конъюнктивит, кўз шишасимон таначасининг хиралашиши ва бошқалар)





1- расм. Алой.

ҳамда бошқа касалликларда (хроник артрит, меъда ва ўн икки бармоқ ичак яраси, бронхиал астма) қўлланади. Алой линименти ва шарбати куйганга, турли яраларга (тропик, юқумли, йирингли ва бошқа), курук ва ҳўл эпидермитларга, нур билан даволаш пайтида II — III даражада куйганга ишлатилади. Шарбати яна гастрит, энтероколит, колит ва қабзиятда ичилади.

Алой барги қадимдан халқ таботатида ишлатиб келинган. Қуритилмаган барги ва унинг шираси меъда ва ўн икки бармоқ ичак яраларини даволашда қўлланилади. Ўпка силини даволашда алой барги ширасини асал ва чўчка (чарвисси) ёғи билан аралаштириб пиширилади ва беморга истеъмол қилишга берилади. Алой баргини ўртасидан узунасига кесиб (пичок, шиша ва бошқа нарсалар билан) тананинг кесилган жойига, ширасини яраларга, улар йиринглаб кетмаслиги ва тез битиши учун қўйилади. Шунингдек, алой барги милк яллиғлаганда, шишиб оғриганда милкларга ҳам қўйилади.

Сабур препаратларини бавосил касаллигида, ҳомиладорликда ва ҳайз кўрганда истеъмол қилмаслик лозим. Акс ҳолда қон кўп кетиши, ҳомиладор аёлларда бола тушиши мумкин.

## ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Алойдан аралашма тайёрлаш учун 1500 г майдалаб киймаланган баргига 2500 г асал, 850 г вино кўшиб яхшилаб аралаштирилади. Жигарранг шиша идишга солиб, оғзи зич қилиб беркитилади ва 5—7 кун қоронғи жойга кўйиб кўйилади. Сўнг 5 кун 1 чой қошиқдан 1 маҳал овқатдан 1 соат олдин, кейин 3 маҳал ичилади. Даволаш курси 2—3 ой. Мазкур дорига мўлжалланган алойдга охирги 5 кун ичида сув куймаслик керак, шунда у ўзига яхши шира олади.

Алойдан шира олишда унинг баргини узунасига ўткир пичоқ билан тилиб тагига идиш кўйилса, шираси (суви) оқиб тушади.

2. Алойдан суюқ экстракт олишда эса консерваланган баргини киймалаб сувга солиб кўйилади. Сўнг ҳосил бўлган суюқликни 1 чой қошиқдан 3 маҳал ичилади. Даволаш курси 30—45 кун. Салқин, қоронғи жойда сақланади. Асосан дорихоналарда тайёрланади ва 100 мл ли шиша идишларда сотувга чиқарилади.

3. Алой ширасини тайёрлашда янгигина баргидан олинган 80 мл алой сувига 96° ли спиртдан 20 мл кўшилади. Унга 0,5 г хлоробутанолгидрат кўшилса яна ҳам яхши бўлади. Буни асосан гастрит, гастро-энтерит, энтероколитда кунига 2—3 маҳал овқатдан ярим соат олдин ичилади. Йирингли яраларга, куйган жойларга суртилади. Бу ҳам салқин ва қоронғи жойда сақланади. Асосан 100 мл ли шиша идишларда чиқарилади.

## РЕЦЕПТЛАР

Rp.: Extr. Aloe fluidi 1,0

D. i. d. N 15 in amp.

S. 1 мл дан тери остига юбориш учун.

Rp.: Succ. Aloes 200,0

D. S. Кунга 1 чой қошиқдан 2—3 маҳал ичилсин, куйган ва жароҳатланган жойларга суртилсин.

Rp.: Extr. Aloes fluidi 100,0

D. S. 5—6 ишар болага ярим чой қошиқдан 3 маҳал ичилсин.

## АНЖАБОР, ЕРОНГУЛ, ТЕПАЛИК ЕРОНГУЛИ

*Герань холмовая — Geranium collinum Steph.*

**Ўсимлик тасвири.** Тепалик ёронгули ёронгулдошлар — Geraniaceae оиласига мансуб, бўйи 15—60 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Пояси бир нечта, тик ўсувчи, сертук ва тармоқланиб шохланган. Баргларининг умумий

шакли буйраксимон, йирик тишсимон қиррали ёки бўлакчали (5—7 бўлакка ажралган) бўлиб, узун банди ёрдамида ёки бандсиз (поясининг юқори қисмидагилари) пояси билан шохларида кетма-кет ўрнашган. Хира пушти рангли, беш бўлакли гуллари 2 тадан барг қўлтиғига жойлашган. Меваси пишганда очиладиган, кўп уруғли кўсакча. Июнь — сентябрь ойларида гуллайди ва меваси етилади.

**Географик тарқалиши.** Собиқ СССР нинг Европа қисми, Кавказ, Ғарбий Сибирь ва Ўрта Осиёдаги адирларда, тоғ этакларидан то тоғларнинг ўрта қисмигача бўлган тоғ ён бағирларида, нам ва шўр ерларда, сув бўйларида ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Халқ табобатида тепалик ёронгулининг (анжаборнинг) ер остки органлари — илдизпояси ва илдизи ишлатилади. (Уларни одатда кеч кузда, меваси етилиб тўкилгандан сўнг ёки эрта баҳорда ковлаб олинади, сув билан ювиб тупроқ ва лойлардан тозаланади ва очик ҳавода, қуёшда қуритилади).

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Ёронгул илдизпояси ва илдизи таркибида 23,5 % гача (ер устки қисмида 14,12—16,17 % гача) ошловчи ва бошқа моддалар, баргида яна 29,58—45,7 мг % витамин С бор.

Ўсимликнинг ер остки қисмидан тайёрланган қайнатма халқ табобатида ич кетиш ва бошқа меъда-ичак касалликларини ҳамда турли қон оқишларни (туққандан сўнг қон кетиши, қон тупуриш, ичдан қон кетиш ва бошқаларни) даволаш учун қўлланилади.

## ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

Ёронгул илдизпояси ва илдизидан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 1 стакан сув қуйилади, устига майдаланган ер остки органларидан 2 чой қошиқ солиб, 15 минут қайнатилади ва 1 соат дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузилади. Юқорида кўрсатилган касалликларга даво қилиш учун кунига 3—4 маҳал овқатдан олдин 1 ош қошиқдан ичилади.

## АНЖИР, ОДДИЙ АНЖИР

*Инжир (смоковница) обыкновенный — Ficus carica L.*

**Ўсимлик тасвири.** Тутдошлар — Могасеае оиласига мансуб, бўйи 8 м гача етадиган бута ёки дарахт. Барглари йирик, умумий кўриниши юмалоқ-тухумсимон ёки тухумсимон, уч-беш бўлакли бўлиб, узун банди

ёрдамида пояси билан шохларида кетма-кет жойлашган. Майда, кўримсиз гуллари ноксимон, учи тешик тўпгулнинг ичига ўрнашган. Меваси — ноксимон ёки ясси сариқ ёки тўқ кизил кўнғир рангли, сершира тўп мева.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиё, Қозоғистон, Краснодар ўлкаси, Кавказ ва Қримда ўсади ва кўп микдорда ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Барги ва меваси.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Меваси таркибида 20,3 % гача (қуритилганида 75 %) кандлар, витамин В ва С, каротин, органик (оксалат, лимон, олма, сирка) кислоталар, фицин, амилаза ва протейназа ферментлари ва бошқа моддалар, баргида фурукумаринлар (псорален, бергаптен ва бошқалар) бор.

Меваси сурги дори — кафиол таркибига кирди. Баргининг фурукумаринлар суммаси препарати — псеберан эритма ва таблетка ҳолида пс — витидиго касаллигини даволашда ишлатилади.

Анжир меваси таркибида фицин ферменти бўлгани учун у яна тромбоземболия касаллигини, кўп микдорда кандлар ва калий тузлари сақлаганлиги учун юрак-қон томир касалликларини даволашда қўлланилади.

Абу Али ибн Сино анжир мевасини балғам кўчирувчи восита сифатида ейишни, йўтални қолдириш учун мевасини сутда пишириб, сўнг истеъмол қилишни буюрган.

Анжир меваси халқ табobatiда гастрит, сурункали қабзиятни даволаш учун ҳамда балғам кўчирувчи ва сийдик ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади. Сутда пиширилган мева ёки унинг қайнатмаси (баъзан мевасининг ўзи) кўкрак юмшатувчи дори сифатида йўтал, кўкйўтал, трахеит, бронхит ва нафас йўлларининг бошқа шамоллаш касалликларини даволаш учун қўлланилади. Нафас йўллари касаллигида қайнатмаси билан томоқ чайилади, яраларга иссиқ қайнатмасига ҳўлланган дока боғланади.

Қамқонлик касаллигида қувватлантирувчи восита сифатида анжир мевасини истеъмол қилиш буюрилади.

#### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Анжирнинг қуритилган мевасини (қоқисини) майдалаб 1 ош қошиқда олинади-да, 2 стакан қайнаб турган сутга солиб 10 минут қайнатилади ва совиғач докадан ўтказилади. Юқорида айтиб ўтилган касалликларда кунига чорак — ярим стакандан овқатдан олдин 3 маҳал ичилади.

2. Худди шу усулда тайёрланган қайнатма билан кунига 4—5 маҳал оғиз чайиш, эритмага ҳўлланган докани теридаги яраларга қўйиш яхшигина наф беради.

### АНОР, АНОР ДАРАХТИ

*Гранат обыкновенный — Punica granatum L.*

**Усимлик тасвири.** Анордошлар — *Punicaceae* оиласига мансуб, бўйи 1,5—5 м келадиган бута ёки дарахт. Барглари эллипсимон ёки тескари тухумсимон, қалин, ялтироқ бўлиб, калта банди ёрдамида пояси билан шохларида қарама-қарши жойлашган. Қизил гуллари якка-якка, баъзан 2—5 тадан бўлиб шохларига ўрнашган. Меваси — йирик шарсимон, кўп уруғли серсув сохта мева. Уруғлари тўқ кизил, оч қизил, пушти ёки оқ рангли, серсув, ширин ёки нордон мазали эт билан ўралган.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиё ва Кавказ тоғларининг тоши қияликларида ўсади. Ўрта Осиё, Кавказ ва Қримда ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Пояси, шохи, илдиз пўстлоғи ҳамда меваси.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Пўстлоғи таркибида 0,25 % алкалоидлар (пельтьерин, изопельтьерин ва бошқалар), смола, бетулин кислотаси, ошловчи ва бошқа моддалар, мева пўстида — 28 % гача ошловчи модда, урсол кислота, ейиладиган қисмида қандлар, лимон, олма кислоталар, витамин С бор.

Анор пўстлоғи препаратлари (қайнатмаси ва пельтьерин алкалоиди тузлари) организмдан лентасимон гижжаларни ҳайдаш учун, мева пўсти қайнатмаси — ич кетар ва яраларни даволашда қўлланади. Мева пўстидан танин, ширасидан лимон кислота олинади. Анорнинг нордон навлари таркибида (шираси) 9 % гача лимон кислотаси бор.

Ибн Сино анор пўсти қайнатмаси билан қон тупуриш, милк қонаши ва меъда касалликлари (ич кетиш, қон аралаш ич кетиш)ни даволаган. Шунингдек, уни ибн Сино яраларни ювиш, тишни мустаҳкамлаш мақсадида оғизни чайиш учун ҳамда сийдик ҳайдовчи восита сифатида қўллаган.

Халқ табобатида анор пўстлоғи билан мева пўстининг қайнатмаси, гулининг дамламаси, меваси ва унинг ширасини истиско, ич кетиши, дизентерия, сариқ касалликларини, кўтирни даволашда ҳамда қон окшинини тўхтатишда (қон тупурганда, милкдан қон окканда), сийдик ва гижжа ҳайдашда, оғрик қолдиришда ишлатила-

ди. Цинга (зангила) касаллигининг олдини олиш ва даволаш, иштаҳа очиш учун анор меваси ширасини ичиш тавсия этилади.

#### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ

Мева пўстидан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан сув қўйилади, устига бир чой қошиқда майдаланган мева пўстидан солиб бир оз қайнатилади ва 2 соат дамлаб қўйилади. Кейин докада сузилади ва юкорида кўрсатилган касалликларда кунига 3 маҳал овқатдан олдин 1 ош қошиқдан ичилади.

#### АРПАБОДИЁН, АНИССИМОН АРПАБОДИЁН

*Анис обыкновенный — Anisum vulgare Gaertn*

**Ўсимлик тасвири.** Селдердошлар (соябонгулдошлар) — *Apiaceae (Umbelliferae)* оиласига мансуб бир йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, кўп қиррали, юкори қисми шохланган, бўйи 30—60 см га етади. Илдиз олди ва поясининг пастки қисмидаги барглари узун бандли, юмалок, буйраксимон, тухумсимон ёки бўлакли ва йирик тишсимон қиррали, ўрта қисмидагилари — узун бандли, уч бўлакли (бўлаклари ромбсимон), аррасимон қиррали, юкори қисмидагилари кинли, 2—5 бўлакка патсимон қирқилган ёки наштаарсимон бўлади. Барглари пояга кетма-кет ўрнашган. Майда, кўримсиз, оқ рангли гуллари мураккаб соябонга тўпланган. Меваси — кўшалок писта.

**Географик тарқалиши.** Воронеж вилояти, Украина ва Шимолий Кавказда ҳамда зиравор ўсимлик сифатида Ўрта Осиёда кўп ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Меваси.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Меваси таркибида 6 % гача эфир мойи, 8—28,4 % ёғ, оксил ва бошқа моддалар бор. Эфир мойи 80—90 % анетол, 7—10 % метилхавикол, анис альдегиди, анис кислотаси ва бошқа бирикмалардан ташкил топган.

Меваси ва эфир мойи балғам кўчирувчи (бронхит, трахит, ларингит, кўкйўтал, нафас йўллариининг яллиғланиш касалликларида), ичак фаолиятини кучайтирувчи, ел ҳайдовчи (метеоризм — қорин дам бўлганда) ва сурги сифатида қўлланилади. Меваси ич юмшатувчи ва кўкрак оғриғига қарши ишлатиладиган чойлар — йиғмалар, шунингдек эфир мойи, новшадил-арпабодиён томчиси ва кўкрак эликсири таркибига кириди. Эфир мойи доришуносликда дори таъминини яхшилаш учун ишлатилади.

Арпабодиён мевасидан тайёрланган дамлама меъда-ичак касалликларини даволашда ҳамда иштаҳа очувчи, балғам кўчирувчи, ел, ўт ва сийдик хайдовчи, терлатувчи ҳамда енгил сурги сифатида халқ табобатида қадимдан ишлатиб келинади. Шў мақсадлар учун арпабодиён мевасидан Ибн Сино ҳам ўз вақтида кенг фойдаланган.

Арпабодиён меваси ва ундан олинадиган эфир мойи озик-овқат саноатида, эфир мойидан ажратиб олинган анетол эса парфюмерияда қўлланилади. Арпабодиён мевасидан олинган мой совун пиширишда ҳам кенг ишлатилади.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

Арпабодиён меваси (пистаси)дан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 1 стакан қайнаб турган сув қуйиб, устига 1 қошиқ майдаланган арпабодиён солинади ва 1 соат дамлаб қўйилади. Кейин докада сузиб, тайёр бўлган препаратдан юқорида айтиб ўтилган касалликларда кунига 1 ош қошиқдан 3 маҳал овқатдан 15 минут олдин ичилади.

#### РЕЦЕПТЛАР

- Rp.: Inf. fructuum Anisi 15,0—200,0  
D. S. Кунига 1 ош қошиқдан 3—4 маҳал овқатдан 15 минут олдин ичилсин.
- Rp.: Ol. Anisi 15,0  
D. S. Бир чакмок қандга 2—3 томчи томизиб шиммасин.
- Rp.: Lig. Ammoni anisati 15,0  
D. S. Кунига катталарга 8—10 томчидан, болаларга 1—2 томчидан 3 маҳал берилсин.

#### АРСЛОНҚУЙРУК

*Пустырник — Leonurus L.*

**Ўсимлик тасвири.** Арслонқуйрук турлари ясноткадошлар (лабгулдошлар) — Lamiales (Labiatae) оиласига мансуб, бўйи 50—150 (200) см га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси бир нечта, тик ўсади, шохланган, тўрт қиррали. Барглари тухумсимон бўлиб, беш бўлакка қирқилган, юқоридагилари чўзик эллипсимон, уч бўлакка қирқилган бўлиб, пояси билан шохларида банди ёрдамида қарама-қарши ўрнашган. Пушти ёки пушти бинафша рангли, беш бўлаккли, икки лабли гуллари ўсимликнинг юқори қисмидаги барглари қўлтнгида ҳалқа шаклида жойлашиб, бошоқсимон тўпгулни ҳосил қилади. васи — тўртта ёнғоқча.



2- расм. Арслонқуйруқ

Июнь — август ойла-  
рида гуллайди, меваси  
июль — сентябрда етила-  
ди.

#### Географик тарқалиши.

Арслонқуйруқ турлари  
Собик СССРнинг Европа  
қисми, Кавказ ва Ғарбий  
Сибирдаги аҳоли яшайди-  
ган жойларга яқин ерлар-  
да, бўш ётган ва ташлан-  
дик жойларда, экинзор-  
ларда ва бошқа ерларда  
ўсади.

Тиббиётда арслонқуй-  
руқнинг икки тури: беш  
бўлакли арслонқуйруқ —  
пустырник пятилопест-  
ной — *L. quinquelobatus*  
Gilib ва оддий арслонқуй-  
руқ — пустырник сердеч-  
ный (обыкновенный) —  
*Leonurus cardiaca* L.  
қўлланади.

Қўлланиладиган қис-  
ми. Тиббиётда арслонқуй-  
руқ турларининг ер устки  
қисми ишлатилади. Ҳсим-  
лик гуллаган даврида пояс-  
сининг юқори қисми 30—  
40 см узунликда ўрок  
бағлан ўриб олинлади ва соя  
ерда куритилади.

Қимёвий таркиби ва  
ишлатилиши. Арслонқуй-  
руқ турларининг ер устки  
қисми таркибида флавоно-  
идлар (рутин, кверцетин  
ва квинквелозид), 0,4 %  
алкалоидлар, эфир мейи,  
витамин С, каротин, канд-  
лар, 9 % гача ошловчи,  
аччиқ ва бошқа моддалар  
бор.

Доривор препаратлари  
(дамлама, настойка ва су-



юк экстракти) тинчлантирувчи восита сифатида гипертония, асаб қўзғалиши ва баъзи юрак касалликлари — юрак неврози ҳамда кардионеврозни даволаш учун қўлланилади.

Ўрта Осиё халқ табобатида арслонқуйруқнинг яна бир тури — Туркистон арслонқуйруғи — Пустырник туркестанский — *L. turkestanicus* V. Krecg et Kirg. ишлатилади.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиёнинг тоғли ноҳияларида тоғ этакларидан то ўрта қисмигача бўлган тош-туپроқли қияликларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Халқ табобатида Туркистон арслонқуйруғининг ер устки қисми ишлатилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Ўсимлик гуллаган вақтида поясининг учки қисми 30—40 см узунликда ўриб олинади ва соя ерда қуритилади. Туркистон арслонқуйруғининг ер устки қисми таркибида 0,15 % эфир мойи, смолалар, сапонинлар, алкалоидлар, флавоноидлар, аччик, 10,1 % ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Ўсимликнинг ер устки қисмидан тайёрланган дамлама халқ табобатида тинчлантирувчи восита сифатида юрак, меъда ва асаб касалликларини даволаш учун қўлланади.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

Туркистон арслонқуйруғидан дамлама қуйидагича тайёрланади:

Идишга 2 стакан қайнатиб совутилган сув қўйилади, устига ўсимликнинг қуритиб майдаланган ер устки қисмидан 2 чой қошиқ солиб, 6—8 соат қўйиб қўйилади. Сўнгра доқада сузилади. Юқорида кўрсатилган касалликларга даво қилиш учун кунига 3—4 маҳал овқатдан ярим соат олдин чорак стакандан ичилади.

2. Оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан қайнаб турган сув қўйилади, устига қуритиб майдаланган ўсимлик ер устки қисмидан 15 г солиб, 2 соат давомида дамба қўйилади. Кейин доқада сузиб, кунига овқатдан ярим соат олдин 3—5 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

#### АСТРАГАЛ

*Астрагал — Astragalus L.*

**Ўсимлик тасвири.** Дуккакдошлар — Fabaceae оиласига мансуб бир ёки кўп йиллик ўт ўсимлик ҳамда бутта. Барглари жуфт патли мураккаб бўлиб, бандлари ёрдамида поя ва шохларида кетма-кет жойлашган. Баргчалари (барг бўлаклари) жуда майда, ништарсимон, тўмтоқ учли тухумсимон, қуриганда асосий барг бандидан

тўкилади, асосий банди эса учли бўлгани учун пояда тикан холида сақланиб қолади. Майда, сарик рангли гуллари жуфт-жуфт бўлиб, барг қўлтиғига жойлашган. Меваси — бир уруғли, сертук, пишганда очилмайдиган дуккак.

**Географик тарқалиши.** Астрагалнинг елим олинадиган турлари: Сершоҳ астрагал — Астрагал войлочновистый — *A. pileocladus* Freyn et Siut — Майдабош астрагал — Астрагал мелкоголовчатый — *A. microcephalus* Willd ва бошқа турлари Туркменистон, Арманистон, Озарбайжон ва Ўзбекистоннинг жанубидаги тоғли ноҳияларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Елими.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Асосан пояси ва шохларидан олинадиган елими ишлатилади. Елим (трагагант) таркибида 60 % бассорин, 8—10 % арабин ва бошқа углеводлар бор.

Астрагал елимидан (араб елими каби) таблетка, хаб дори, эмульсия ва бошқа дори шакллари тайёрлашда фойдаланилади.

#### АТИРГУЛЛАР, ЭФИР МОЙЛИ АТИРГУЛЛАР

##### *Розы эфирномасленные*

Оқ атиргул — Роза белая. — *Rosa alba* L., Қизил атиргул (Дамашк атиргули) — Роза дамасская (Казанлыкская роза) — *Rosa damascena* Mill., Пушти атиргул — Роза столепестная — *Rosa centifolia* L., Франция атиргули — Роза французская — *Rosa gallica* L.

**Ўсимлик тасвири.** Атиргул турлари раъногулдошлар оиласига мансуб, бўйи 60—125 см гача етадиган бутта. Поялари бир нечта, шохланган, тиканли (шохлари ҳам тиканли). Барглари тоқ патли мураккаб бўлиб, поя ва шохларида банди ёрдамида кетма-кет ўрнашган. Баргчалари 5—7 та, тухумсимон, эллипссимон ёки ништарсимон, аррасимон киррали. Қизил, тўқ қизил, пушти ёки оқ рангли, йирик, хушбўй гуллари якка-якка ёки 2—3 тадан поя ва шохларига жойлашган. Гулкосача барги 5 та, гултож барглари (гулбарглари) кўп сонли. Меваси — гул ўрнидан ҳосил бўлган ширали сохта мева.

Май — август ойларида гуллайди, меваси август — сентябрда пишади.

**Географик тарқалиши.** Атиргул турлари ёввойи ҳолда учрамайди. Қрим вилояти, Краснодар ўлкаси, Молдавия, Грузия, Озарбайжон ва Тожикистоннинг айрим ноҳияларида эфир мойи олиш учун қизил атиргул билан Франция атиргулининг чатиштирилган тури ўстирилади. Кўп навлари манзарали ўсимлик сифатида экилади.

Қўлланиладиган қисми. Гули.

Қимёвий таркиби ва ишлатилиши. Атиргул турларининг гул барги таркибида 0,09—0,24 % эфир мойи бор. Эфир мойи 50—60% гераниол, 25—30 % цитронеллол, 10 % гача нерол ва бошқа терпеноидлардан ташкил топган.

Атиргул турларининг гул барги ва улардан олинган эфир мойи табобатда турли касалликларни даволаш ҳамда бошқа дориларнинг ҳиди ва таъмини яхшилаш учун қадимдан қўлланиб келинган. Абу Али ибн Сино гулбарги (поясининг ҳам) шираси билан қон тупуришни, кўз яллиғланишини, меъда ва бошқа касалликларни даволаган. Оғрик қолдириш учун йўғон ичак ва бачадон соҳасига ишлатган. Шишларни қайтариш учун қайнатилган гул баргини боғлаган. Қуритилмаган атиргул ва гулбаргини бош оғриғига, жигар ва меъда касалликларига даво қилган. Гулбаргидан тайёрланган асалли мурабо ва гул шарбатини меъдани мустаҳкамлаш ва овқат ҳазмини яхшилаш учун ишлатган. Тез-тез ҳушидан кетиб турадиган беморларга ҳўплаб ичишни буюрган.

Эфир мойи ва унинг хушбўй суви фармацевтика амалиётида дориларнинг ҳиди ва таъмини яхшилаш учун қўлланади.



3-расм. Атиргул.

Эфир мойидан Болгарияда тайёрланган дорив препараты — розанол спазмага қарши таъсирга эга бўли бўйрак, ўт пуфағи, қовук ҳамда сийдик йўллари учрайдиган тош касалликларини даволашда ишлатилади.

Атиргул эфир мойидан парфюмерия саноатида ке фойдаланилади.

**АЧЧИҚМИЯ (ЭШАҚМИЯ), ҚАЛИН МЕВАЛИ АЧЧИҚМИЯ**  
*Софора толстоплодная (векцибия толстоплодная, талх толстоплодный) — Sophora raphanifera С. А. Мей.*  
*(Vexibia raphanifera (Schrenk. ex С. А. Мей) jakovl)*

**Ўсимлик тасвири.** Дуккакдошлар — Fabaceae (кап лакгулдошлар — Papilionaceae оиласига мансуб, бў 30—60 см га етадиган кўп йиллик ўт ўсимли. Пояси бир нечта, тик ўсади, асос қисмидан бошл шоҳланган. Барглари тоқ патли мураккаб, 6—12 жу чўзинчок ёки эллипсимон баргчалардан ташкил топг бўлиб, банди ёрдамида пояси билан шоҳларида кетма-к ўрнашган. Оч сарик рангли, беш бўлакли (кап лакгулдошларга хос тузилишга эга) гуллари пояси бил шоҳларининг учига жойлашган шингил гул тўплами. ҳосил қилади. Меваси йўғон, кўнғир рангдаги 1—2 уруғл пишганда очилмайдиган дуккак. Ўсимлик сертук, оч яш рангли.

Май — июнь ойларида гуллайди, меваси июль августда етилади.

*Ўсимликнинг ҳамма қисми заҳарли!*

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиё ва Қозоғистонни чўл ва ярим чўлларида, қирларда, тоғ этакларида, кумли ерларда ҳамда бегона ўт сифатида буғдойзорларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Ер устки қисми. Ўсимлик гуллашидан олдин, гуллаган даврида ёки гуллаб бўлганидан сўнг ер устки қисми ўриб олинади ва салқин, ҳаво кириб турадиган жойда қуритилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Ер устки қисми таркибида 1,5—3 % (уруғида 4 % гача) алкалоидлар (пахикарпин, пахикарпидин, софокарпин, матрин ва бошқалар), 3,8—12, 6 % органик кислоталар, уруғида 5,5 % ёғ ва бошқа моддалар бор.

Пахикарпин гидройдид (таблеткаси ва ампуладаги эритмаси) туғруқни тезлатиш, периферик (четки, майда) қон томирлар спазмини яхшилаш, сурункали экзема, гипертония ва мускул (мушак)лар дистрофиясини даволаш учун қўлланади.

Аччиқмиянинг ер устки қисми халқ табобатида оғрик

колдирувчи ва қон томирлар спазминн яхшиловчи дори сифатида ҳамда экземаи даволашда, янчилган меваси — овқат ҳазмини яхшилаш ва иштаха очиш учун ишлатилади.

Аччиқмиянинг яна бир тури — Тулкидум аччиқмия (окмия) — Софора обыкновенная (векцибия обыкновенная, талхак обыкновенный) — *Sophora alopecuroides* (L.) Jakovl — Халқ табобатида қалин мевали аччиқмия каби ишлатилади. Бу ўсимликлар кўпинча бирга учрайди. Тулкидум аччиқмия қирларда, тўқайзорларда, арик бўйларида ва экинзорларда бегона ўт сифатида ўсади. Ер устки қисми таркибида 2,5 % гача, уруғида — 1,64 % алкалоид бўлиб, йингидисидан софокарпин, софорамин, алоперин, цитизин ва бошқа алкалоидлар соф холида ажратиб олинган.

Дори препарати — пахикарпин гидройодид порошок ва таблетка шаклида 0,1 г дан, 5 % ли эритмаси 2 мл дан ампулаларда чиқарилади. Уларни фақат врач рецепти билан олиш мумкин. Ҳомилани тушириш мақсадида бу дорилардан катта дозада ичган ҳолларда ундан захарланиб қолиш мумкин!

#### АЧЧИҚ ТАРВУЗ

*Арбуз колоцинт (колоцинт обыкновенный) — Citrulus colocynthis* (L.) Schrad.

**Ўсимлик тасвири.** Аччиқ тарвуз ковокдошлар — Cucurbitaceae оиласига мансуб, бўйи 1—2 м га етадиган судралиб ўсувчи кўп йиллик ўт ўсимлик. Барглари-нинг умумий кўриниши тухумсимон, 5—7 та бўлакчаларга патсимон чуқур ажралган бўлиб, бандлари ёрдамида поясига кетма-кет жойлашган. Барглари асосида поясидан ўсиб чиққан, шохланмаган ёки иккига ажралган жингалаклари бўлади. Гуллари бир жинсли, сарик рангли, беш бўлакли бўлиб, қисқа бандлари ёрдамида барг қўлтиғига яқка-яқка ҳолда жойлашган. Меваси — кўп уруғли, сарик рангли, думалоқ шаклли йирик «ковокча».

Август — сентябрь ойларида гуллайди, сентябрь — октябрда меваси етилади.

**Географик тарқалиши.** Ватани — Шимолий Африка. Туркменистоннинг Теджен воҳасида ва Қорақумда, четдан келиб қолган ўсимлик сифатида қурук қумли чўллар ва ярим чўллардаги экинзорлар атрофида, кунжутзорларда ўсади. Ўрта Осиё жумҳурияларининг ботаника боғларида ўстирилади.

Кўлланиладиган қисми. Меваси. Уни пишиб етилган вақтида йиғилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Ўсимликнинг ҳамма қисмида тритерпен бирикмалар — кукурбита-цинлар учрайди. Шулардан меваси таркибида кукурбита-цин В, D, E (0,8 %), Y, L ва уларнинг гликозидлари ҳамда алкалоидлар, салонинлар, фенолкарбон кислоталар, хо-лиц, витаминлар В, В<sub>2</sub> ва РР, 15,8 % (мева пўстида) эфир мойи, фенол бирикмалари, 20,4 % пектин ва бошқа моддалар бўлади. Уруғида яна 10—13,49 % крахмал ва 10,7—54,21 % ёғ бор.

Мева пўстидан олинган эфир мойи таркибида 49,7 % цитронеллаль, 3,4 % цитронеллол, 11,6 % метилэвгенол, 31,2 % метилгелтенон ва бошқа терпеноидлар бор.

Мева настойкаси кучли сурги сифатида қўллаёди.

#### РЕЦЕПТ

Rp. : Fructus Colocynthis 0,3  
D. t. d. N 20 in pulv.  
S Кунга 2—3 маҳал 1 поршокдан сурги сифатида ичилсин.

#### БАНГИДЕВОНА

*Дурман — Datura L.*

**Ўсимлик тасвири.** Итузумдошлар — Solanaceae оила-сига мансуб бир ёки кўп йиллик ўт ўсимлик.

Тиббиётда унинг икки тури ишлатилади. Шулардан Мексика бангидевонаси — Дурман индийский — *D. in-  
poxia Mill.* — бўйи 60—150 см келадиган кўп йиллик ўт ўсимлиги. Пояси гик ўсади, айрим-айрим шохлардан. Барги тухумсимон ёки чўзик тухумсимон ўткир учли, текис қиррали ёки чети бир оз ўйилган қиррали бўлиб, банди ёрдамида пояси билан шохларида кетма-кет ўрнашган. Оқ рангли йирик гуллари якка-якка жойлашган, фақат бир кечали. Меваси — кўп уруғли, шарсимон, тиканли, кулранг яшил ёки кўнғир рангли кўсак.

*Ўсимликнинг ҳамма қисми заҳарли!*

**Географик тарқалиши.** Ватани Марказий ва жанубий Америка. Закавказьеда ва Қозоғистоннинг Чимкент вилоятида бир йиллик ўсимлик сифатида ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Меваси ва уруғи.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Таркибида 0,15—0,83 % алкалоидлар (скополамин, гиосциамин ва бошқалар) бор. Пишиб етилмаган (пишмаган) мевасидан ва уруғидан скополамин алкалоиди олинади. Алкалоиди азрон препарати таркибига кирди.

**Оддий бангидевона** — дурман обыкновенный — *D. stramonium* L.

**Ўсимлик тасвири.** Бўйи 120 см га етадиган бир йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, айрисимон шохланган. Барглари тухумсимон, ўткир учли, потекис чукур ўйилган бўлакли (йирик бўлаклари тишсимон қиррали) бўлиб, узун банди ёрдамида пояси билан шохларида кетма-кет жойлашган. Йирик, оқ рангли гуллари якка-якка ўрнашган. Меваси — тухумсимон, кўп уруғли, каттик ва қалин тиканли, тўртта чаноғи билан очиладиган кўсак.

Майнинг охири, сентябрда гуллайди, меваси июлдан етила бошлайди.

*Ўсимликнинг ҳамма қисми заҳарли.*

**Географик тарқалиши.** Собик СССР нинг Европа қисми, Кавказ, Ўрта Осиё, Қозоғистон, қисман Сибирь ва Узок Шарқда йўл ёқаларида, сув бўйларида, аҳоли яшайдиган жойларга яқин ерларда, боғ ва экинзорларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Барги.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** 0,23—0,37 % алкалоидлар (гносциамин, атропин, скополамин), эфир мойи, каротин ва бошқа моддалар, уруғида 25 % гача ёғ бор.

Барги нафас қисиши, кучли йўтал, бронхиал астма ва нафас йўллариининг бошқа



4-расм. Бангидевона.

касалликларида чекиладиган астматол ва астматин сигареталари таркибига киради.

Бангидевона қадимдан халқ табобатида ишлатили келинган доривор ўсимлик бўлиб, Абу Али ибн Сино унни барги билан кўз касаллиги ва йўтални даволаган.

Баргининг дамлама ва қайнатмаси асаб касаллигид тинчлантирувчи, нафас қисиши ҳамда ревматизмда, тинч кўкрак ва бел оғирганда оғрик қолдирувчи, ухлатувчи тинчлантирувчи восита сифатида қўлланади. Бунинг учу иссиқ ҳолдаги дамламаси ҳидланади ёки қуритилган бар кукуни ўраб чекилади, кўз оғриғида эса янги узиб олинган баргини эзиб кўзга боғланади. Бавосил касаллигида оғри қолдириш учун уруғидан олинган мойи орқа чиқару тешигига суртилади.

### БЕҲИ, ЧҶЗИНЧОҚ БЕҲИ

*Айва продолговатая — Cydonia oblonga Mill.*

**Ўсимлик тасвири.** Раъногулдошлар — Rosaceae оиласи га мансуб, бўйи 1,5—6 м гача етадиган дарахт. Танас қорамтир-қулранг пўстлоқли, сершоҳ. Кесиб турилмаси илдизпоясидан кўплаб бачки новдалар чиқариб кўпайи кетади. Дастлаб улар кўз илғамас майда тукли бўлади аммо кейинчалик улар тўкилиб кетиб, яланғоч қолади. Барглари тухумсимон ёки чўзиқ тухумсимон, пастк томони сертук, қулранг, усти тўқ яшил, киска банди била поя ва шоҳларида кетма-кет жойлашган. Гуллари о пушти, беш бўлакли, якка, йирик, гулкочаси мевас учида сакланиб қолади. Меваси ҳар хил шаклда, катта кичиклиги ҳам ҳар хил. Сарик, тўқ сарик, баъзан қизғиш Бешта уячасида уруғи жойлашган. Беҳи сувсиз, ширин буриштирувчи таъмга эга бўлиб, ҳиди ёқимли.

Апрель ойида гуллаб, октябрь — ноябрда мевас пишиб етилади.

**Географик тарқалиши.** Беҳи Урта Осиё, Кавказ, Қри. ва бошқа ерларда мевали дарахт сифатида ўстирилади. Ҳозирги вақтда унинг бир қатор янгидан-янги навлари етиштирилиб беҳизорлар ташкил қилинган.

**Қўлланиладиган қисми.** Халқ табобатида мевасининг ўзи, уруғи ишлатилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Уруғи таркибида 20 % гача шиллик модда, 0,58 % амигдалин гликозиди, 8,15 % ёғ ва бошқа бирикмалар бор. Етилган меваси таркибида 10 % гача қандлар (6,2 % фруктоза), 5 % атрофида пектин ва 0,6 % ошловчи моддалар, 3 % дан ортиқроқ органик (олма, вино ва лимон) кислоталар, эфир



мойи, 10—20 мг % витамин С, темир, мис тузлари ва бошқа бирикмалар бўлади.

Уругининг қайнатмаси ўраб олувчи восита сифатида меъла ва ичак деворлари таъсирланишини камайтириш ҳамда дори моддаларнинг сўрилишини (шимилишини) чўзишда қўлланилади. Бундан ташқари, қабзиятда сурғи, нафас йўллари касалликларида (айниқса болалар касалланганда) кўкракни юмшатувчи ва балғам қўчирувчи дори сифатида ишлатилади.

Беҳи меваси халқ табobatiда турли касалликларни даволаш учун қадимдан ишлатиб келинади. Беҳи мевасининг дамлама ва қайнатмасини Абу Али ибн Сино ич кетиш, қон аралаш ич кетиш касалликларини даволашда ишлатган. Иштаҳа очувчи, буруштирувчи ва сийдик ҳайдовчи дори сифатида ичишга берган. Мева шираси билан қон тупуриш, астма ва бошқа касалликларни, уруғ қайнатмаси билан ўпка ва юқори нафас йўллари касалликларини даволаган.

Беҳи меваси қайнатмаси ҳамда димлаб пиширилган беҳи жигар, қон тупуриш, йўтал ва бошқа кўкрак касалликларини даволаш, овқат ҳазмини яхшилаш, қусиш ва қон оқишини тўхтатиш учун ишлатилади. Шу билан бирга ундан яна сийдик ҳайдовчи ва буруштирувчи восита сифатида, уруғ қайнатмасидан эса ич кетиш, қон тупуриш ва бачадондан қон оқишини тўхтатиш мақсадида фойдаланилади.

Озиқ-овқат саноатида беҳи мевасидан мураббо, компот ва консервалар тайёрланади.

### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Беҳи димламаси тайёрлаш учун унинг меваси учки томондан озгина ўйилади ва уруги олиб ташланади. Ҳосил бўлган ковакчага сариёғ ёки асал (ҳар иккаласи бўлса яна ҳам яхши), думба ёғи солиб духовкага то ҳил-ҳил бўлиб пишиб етилгунча қўйиб қўйилади. Уни кунда, кун ора кечкурун овқатдан олдин еб туриш яхши фойда қилади.

2. Уругидан елимшак (шиллик эритма) тайёрлаш учун эса 5 г (1 қошиқ) беҳи уругини 1 л қайнаб турган сувга солиб дамланади. Ҳосил бўлган елимшак эритмани ичак йўлларини юмшатиш учун ҳар кунни бир пиёладан 3—4 маҳал ичилади. Докани унга ботириб куйган жойга қўйилса, оғрикни қолдириб тузалишини тезлаштиради.

## РЕЦЕПТЛАР

- Rp. : Mucilaginis seminis Cydoniae 200,0  
D. S. Докани хўллаб куйган жойга кўйиш учун.
- Rp. : Mucilaginis seminis Cydoniae 10,0—200,0  
D. S. Кунига 1—2 ош қошиқдан 2—3 маҳал ичилсин.
- Rp. : Mucilaginis Cydoniae 20,0 - 200,0  
D. S. Кунига 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилсин.

### БИНАФША

*Фиалка — Viola L.*

**Ўсимлик тасвири.** Бинафша турлари гунафшадошлар — Violaceae оиласига мансуб, бўйи 10—40 см бўладиган бир, икки ёки кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, шохланмаган ёки шохланган. Барглари юмалокроқ тухумсимон ёки чўзиқ бўлиб, узун банди (поясининг юкоридагилари кисқа бандли) ёрдамида пояси ва шохларида кетма-кет ўрнашган. Сарик рангли (уч рангли бинафшанинг иккита тож барги бинафша ранг, учтаси сарик рангли), беш бўлакли гуллари узун банди билан барг қўлтиғига жойлашган. Меваси — пишганда очиладиган кўсакча.

Апрель ойидан бошлаб кеч кузгача гуллайди ва меваси етилади.

**Географик тарқалиши.** Бинафша турлари Собик СССР нинг Европа қисми ва Ғарбий Сибирдаги ўрмон четларида, ўдалаларда, ўтлоқларда, буталар орасида ва бегона ўт сифатида экинзорларда ўсади.

Тиббиётда икки тури ишлатилади. Дала бинафшаси — *Фиалка полевая — V. arvensis Murr.* ва Уч рангли бинафша (капалак гул) — *Фиалка трехцветная — V. tricolor L.*

**Қўлланиладиган қисми.** Тиббиётда бинафша турларининг ер устки қисми ишлатилади. Уни ўсимлик гуллаган вақтида йиғиб олинади ва соя ерда қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Бинафша турларининг ер устки қисми таркибида флавоноидлар (рутин, виолакверцетин ва бошқа), антоциан гликозидлари, эфир мойи, витамин С, каротинонлар, сапонинлар, шиллиқ ва бошқа моддалар бор.

Дамламаси нафас йўллари касаллигида балғам кўчирувчи восита сифатида қўлланади. Ер устки қисми балғам кўчирувчи ва сийдик ҳайдовчи чойлар — йиғмалар таркибига киради.

Маҳсулотни дорихонадан олиш мумкин.

## ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Уч рангли бинафшанинг ер устки қисмидан дамлаб тайёрлаш учун ундан тахминан 40 г олиб 2 стакан қайна турган сувга солинади ва 2 соат дамлаб қўйилади. Сўй доқада сузиб юқорида кўрсатилган касалликларда кунин 3 маҳал ярим стакандан ичилади.

2. Бинафша дамламасини ҳар ким ўзи тайёрлаши ҳа дорихонадан тайёр ҳолда олиши ҳам мумкин. Қўйида: рецептларга қаранг.

### РЕЦЕПТЛАР

Rp.: Inf. herbae Viola tricoloris 20,0—200, 0

D. S. Қўнғиға 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилсин.

Rp.: Herbae Viola tricoloris 200,0

D. S. Маҳсулотдан 20 г олиб 1 стакан қайн сувга солинсин ва 1 соат дамлаб қўйиб кунин 3 маҳал ярим стакандан ичилсин.

### БОДОМ, ОДДИЙ БОДОМ

*Миндаль обыкновенный — Amygdalus communis L.*

**Ўсимлик тасвири.** Раъногулдошлар — Rosaceae оил сига мансуб, бўйи 2—5, баъзан 8 м га етадиган д а р а х Барглари ништарсимон ёки энсиз эллипссимон, ўткир учли, аррасимон қиррали бўлиб, банди ёрдамида пояси билан шохларида кетма-кет ўрнашган. Оқ ёки пушти рангли гуллари шохларида якка-якка ҳолда жойлашган. Меваси — чўзиқ тухумсимон, баъзан бир оз қийшиқ, қурук, еб бўлмайдиган пўст билан қопланган данакли мева.

Март — апрель ойларида барг чиқармасдан олдин гуллайди, меваси июнь — июлда пишади.

**Географик тарқалиши.** Аччиқ данакли бодом ёввойи ҳолда Ўрта Осиё, Озарбайжон ва Арманистон тоғларидаги тошли ва майда шағалли қияликларда, денгиз сатҳидан 800—1000 м баландликда ўсади. Аччиқ ва чучук данакли бодом Ўрта Осиё, Кавказ ва Кримда кўп ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Уруғи ва унинг мойи ишлатилади.

**Таркиби ва ишлатилиши.** Уруғи таркибида 45—62 % мой, 20% оксил, 2—3 % сахароза, витамин В<sub>1</sub> ва В<sub>2</sub>, эмульсия ферменти ва бошқа бирикмалар, аччиқ данакли бодом уруғида эса бунга қўшимча 2,2—4 % , баъзан 8 % гача амигдалин гликозиди бор.

Бодом мойи ва унинг эмульсияси ич юмшатувчи дори сифатида, фармацевтикада баъзи дори моддалар (камфора, гормонлар ва бошқалар)ни эритиш ва суртмалар

тайёрлашда қўлланади. Чучук бодом уруғидан (мағзидан) тайёрланган эмульсия ва аччиқ бодом уруғининг кунжарасидан тайёрланган аччиқ бодом суви меъда ва ичак оғриқларида оғриқ қолдирувчи ва тинчлантирувчи восита сифатида ишлатилади.

Аччиқ бодом уруғи ва унинг мойини Абу Али ибн Сино кон тупуриш, йўтал, астма, ўпка, буйрак ва қовук касалликларини даволашда ҳамда қовукдаги тошни тушириш учун ишлатган.

Халқ табобатида аччиқ бодом мойи йўтал, кўкрак оғриғи, астма, кулок оғриғи, ўпка ва меъда касалликларини даволашда қўлланади. Чучук бодом мағзини қанд билан бирга эзиб аралаштириб қувватсизланган беморларга истеъмол қилишга берилади ҳамда уйқусизликда тинчлантирувчи восита сифатида йўтални қолдириш, астма ва бош оғриғини даволаш учун ишлатилади. Чучук бодом пўчоғи қайнатмасини қизамиқ чиққан болаларга ичирилади.

Чучук ва аччиқ бодом мойи ҳамда чучук бодом уруғи озик-овқат саноатида ишлатилади.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Ярим стакан чучук бодом пўчоғини данагидан ажратиб олинади-да, 2 стакан сувга солиб бир қайнатиб олинади. Сўнг докадан ўтказиб қизамиқ касаллигида болага чорак стакандан 3 маҳал ичирилади.

2. Бодом мойини дорихоналардан олиб (шиша идишларда — флаконларда 100 г дан чиқарилади) 1 ош қошиқдан сурғи ўрнида ахволга қараб кунига 1—3 маҳал ичирилади.

#### РЕЦЕПТ

Rp.: Ol. Amygdalari 100,0

D. S. Кунига 1—3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилсин.

#### ВОЗУЛБАНГ (ЛАГОХИЛУС), ГАНГИТУВЧИ ВОЗУЛБАНГ

*Зайцегуб (заячья губа, лагохилус) опьяняющий —  
Lagochilus inebrians Vge.*

**Усимлик тасвири.** Ясноткадошлар — Lamiales оила-сига мансуб, бўйи 30—40 (60) см га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, тўрт қиррали, шохланмаган ёки шохланган. Барглари уч — беш бўлакка бўлинган бўлиб, пояси билан шохларида қиска банди

ёрдамида карама-қарши жойлашган. Ўсимлик гуллаш даврида пастки барглари қуриб қолади. Пушти гуллари пояси билан шохларининг юқори қисмидаги барглари қўлтиғида 4—6 тадан ҳалқа шаклида ўрнашган. Мева-си — тўртта ёнғоқча.

**Географик тарқалиши.** Ўзбекистон, Туркменистон ва қисман Тожикистоннинг айрим вилоятларидаги адирлар ва шағалли тоғ ён бағирларида ўсади. Чимкент вилояти-нинг собиқ Фрунзе давлат хўжалигида ўстирилади.

**Қўланиладиган қисми.** Ер устки қисми — гули ва барги.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Гули ва барги таркибида 0,2 % эфир мойи, витамин С ва К, каротин, органик кислоталар, қанд, смола, 0,67 % флавоноидлар, лагохилин, 11—14 % ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Дори препаратлари (дамлама, настойка ва курук экстракти таблетка ҳолида ва логоден препарати) қон ивишини тезлатиш ва қон босимини пасайтириш таъсирига эга бўлгани учун бачадондан, ўпкадан, бурундан, яра-лардан ва бошқа жойлардан қон оқишини тўхтатиш ҳамда бавосил, гемофилия, Верльгоф, Шенлейн-Генох, гиперто-ниянинг (қон босими ошишининг) I—II даражали касалликларини даволаш учун қўлланади.

Бозулбангдан тайёрланган дамлама ёки қайнатма халқ табobatiда турли қон оқишларни тўхтатиш учун ишлати-лади.

Бозулбанг Қизил китобга киритилган. Шунинг учун уни табиий ўсиш жойларидан йиғишга рухсат этил-майди.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Дорихонадан ўсимликнинг қуритилган гули ва барги аралашмасидан олиб, ярим литрли чойнакка то ярим бўлгунча солинади-да, устига тўлдириб қайнаб турган сув қуйиб 2—3 соат дамлаб қўйилади. Сўнг докадан ўтказиб врач кўрсатмасига қараб кунига 3—4 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади. Тери касалликларида ўша жойлар ювилади.

2. Дорихонадан ўсимликнинг тайёр настойкасини ҳам олиш мумкин. У 50,0 г ли флаконларда (шиша идишларда) чиқарилади. Қон оқишининг ҳамма турида ундан 30—40 томчидан 3—4 маҳал ичилади. Кучли қон оқишида 1 чой қошиқдан бир неча марта ичса яхши наф беради.

3. Ўсимликнинг 0,2 г ли таблеткаси ҳам чиқарилади (болалар учун). Катталар 2 та таблеткадан кунига 3 маҳал ичишлари мумкин.

## РЕЦЕПТЛАР

Rp.: Inf. Lagochili 10 % — 200,0

D. S. Қунига 3 маҳал 1—2 ош қошиқда ичилсин.

Rp.: Dec. Lagochili 20 % — 200,0

D. S. Қунига 2—3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилсин  
ёки докани хўллаб кон оқаетган жароҳатга  
кўйилсин.

Rp.: T-ra Lagochili 50,0

D. S. Қунига 3 маҳал 30—40 томчидан ичилсин.

Rp.: Lagochili 0,2

D. t. d. № 50

S. Болаларга 1 таблеткадан, катталарга 2 таблеткадан 3 маҳал ичишга берилсин.

### БРУСНИКА, ОДДИЙ БРУСНИКА

*Брусника обыкновенная* — *Vaccinium vitis idaea* L.

**Ўсимлик тасвири.** Брусника брусникадошлар — *Vacciniaceae* оиласига мансуб, бўйи 25 см гача етадиган доим яшил бута. Пояси тик ўсади, шохланган. Барглари қалли, тескари тухумсимон ёки эллипссимон, чети бир оз пастга қайрилган бўлиб, банди ёрдамида пояси билан шохларида кетма-кет ўрнашган. Оч пушти рангли, тўрт бўлакли (тишли), кўнғироқсимон гуллари шингил тўпгулига жойлашган. Меваси — шарсимон, қизил рангли, ялтирок, кўп уруғли, сершира хўл (резавор) мева.

Май — июнь ойларида гуллайди, меваси август — сентябрда пишади.

**Географик тарқалиши.** Ўрмон ва тундра зоналарида ҳамда Кавказ тоғларида ўсади.

**Кўлланиладиган қисми.** Тиббиётда брусниканинг барги ва баргли новдалари ишлатилади. Барги ва баргли новдалари эрта баҳорда ва ўсимликнинг гуллаш даврига қадар ёки кеч кузгача йигилади ва соя, ҳаво кириб турадиган жойда ёки қуритгич хоналарда қуритилади. Кеч кузда йиғилса, барглари қуритиш даврида қорайиб кетади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Брусника барги таркибида 6—9 % гача арбутин гликозиди, флавоноидлар (гиперозид ва бошқалар), урсол, галлат, элаг, вино, хин кислоталари, 2—9 % гача ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Баргининг дамламаси ва қайнатмаси буйракка тош келганда, сийдик йўллари ва қовук (цистит ва бошқа) касалликларда дезинфекция қилувчи, сийдик ҳайдовчи восита сифатида ҳамда бод ва подагра касалликларида қўлланади.

1. Брусника баргидан дамлама тайёрлаш учун дорихонадан (мазкур ўсимлик бизда ўсмайди) 1 кутича (100 г) барг олиб 1 ош қошиғини 1 стакан қайнаб турган сувга солинади ва ярим — бир соат дамлаб қўйилади. Сўнг докада сузиб юкорида айтиб ўтилган касалликларда кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

2. Брусниканинг тайёр қайнатмасини врач рецепти билан дорихонадан олиш ҳам мумкин. Қўйига қаранг.

#### РЕЦЕПТ

Rp.: Dec. fol. Vitis idaeae 20,0—200, 0

D. S. Кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилсин.

#### БҶЗНОЧ, ҚУМЛОҚ БҶЗНОЧИ

*Бессмертник песчаный — Helichrysum arenarium (L) Moench*

**Ўсимлик тасвири.** Астрадошлар (мураккабгулдошлар) — Asteraceae (Compositae) оиласига мансуб, бўйи 30 см гача ўсадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Поястик ўсади, бир нечта, шохланмаган бўлади. Илдиз олди барглари қиска бандли, поядагилари бандсиз кетма-кет жойлашган. Барглари чўзиқ тескари тухумсимон (поясининг юкори қисмидагилари ништарсимон-чизиксимон), текис қиррали. Сарик гуллари шарсимон саватчара тўпланиб, қалқонсимон рўвак гул тўпланиши ҳосил қилади. Меваси — писта. Ўсимликнинг пояси ва барглари сертук, шунинг учун кулранг кўринади.


Июнь — август ойларида гуллайди, меваси — август — сентябрда етилади.

**Географик тарқалиши.** Собик СССР нинг Европа қисмида, Кавказ, Фарбий Сибирь, жанубий Қозоғистон ва Ўрта Осиёнинг айрим ноҳияларидаги қумли нам ерларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Гули.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Гули таркибида флавоноидлар, кумаринлар, эфир мойи, инозит, витамин К, бўёқ, ошловчи ва бошқа моддалар бор. Флавоноидлар суммаси нарингенин, апигенин, кемпферол ва уларнинг гликозидлари, салипурпозид ва бошқалардан таркиб топган.

Гулининг доривор препаратлари (қайнатма, таблетка ҳолидаги қуруқ концентрати — фламин қуруқ экстракти ва ўт хайдовчи йиғма — чой таркибида) жигар (сарик)



5-расм. Кумлок бӯзночи.

қасаллиги, хроник холецистит ва бошқаларда, ўт-тош, ўт йўллари касалликларида ўт ҳайдовчи восита сифатида қўлланади.

Гулининг флавоноидлар суммаси — аринариндан тайёрланган суртмаси кўз касалликлари (кўз шикастланиши, кўз шох пардасининг яраси, куйиш ва бошқа касалликлар)ни даволашда ишлатилади.

Бўзноч гулининг дамламаси ёки қайнатмаси халқ табobatiда жигар касалликларида, буйракка, сийдик ва ўт йўллари га тош йиғилганда ҳамда истискода сийдик ҳайдовчи восита сифатида қўлланади. Баъзан ушбу дамма юмшоқ сурги сифатида ҳам ишлатилади.

#### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШИ

1. Бўзноч гулидан дамма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 1 стакан қайнаб турган сув куйиб, устига 10 г бир оз майдаланган гул солинади ва бир соат давомда дамба кўйилади. Сўнгра докада сузилади ва юқорида кўрсатилган касалликларда кунга 3 маҳал овқатдан 15—20 минут олдин ярим стакандан ичилади.

2. Дорихонада бўзноч грануласини (дона-дона шаклга келтирилган гу-



лини) олиб 2 грамини (9—10 дона келади) 1 стакан қайноқ сувга солинади, усти ёпиқ ҳолда паст оловда бир марта қайнатиб олинади ва ярим соат иссиқроқ жойда сакланади. Совигандан кейин докадан ўтказиб ярим стакандан 2 маҳал овқатдан 1 соат олдин юқорида қайд этилган касалликларда ичилади.

### БЎЛАКЛИ ИТУЗУМ

*Паслен дольчатый — Solanum laciniatum Alt.*

**Ўсимлик тасвири.** Итузумдошлар — Solanaceae оила-сига мансуб, бўйи 2—2,5 м бўладиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, юқори қисми айрисимон шохланган. Поясининг пастки қисмидаги барглари йирик (узунлиги 35 см гача), бандли, тоқ патли, юқори қисмидагилари бандсиз ва бутун, ништарсимон шаклда бўлади. Барглари поя ва шохларида кетма-кет ўрнашган. Тўқ бинафша рангли, йирик, беш бўлакли гуллари шингил гултўпламига жойлашган. Меваси — тухумсимон, сарик рангли, кўп уруғли ҳўл мева.

**Географик тарқалиши.** Ватани — Янги Зеландия ва Австралия. Бир йиллик ўсимлик сифатида Краснодар ўлкасида, Қримда, Қозоғистон (Чимкент вилояти) ва Ўзбекистонда (Наманган вилояти) ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Ер устки қисми. Далаларга экилган ўсимликнинг ер устки қисми ёз давомида 2—3 марта ўриб олинади, салқин ерда қуритилади ва ундан алкалоидлар олиш учун заводларга юборилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Бўлакли итузум таркибида (баргида 2,48—3,87%, поясида 0,26—0,32%, хом мевасида 6,16%) гликоалкалоидлар (соласонин, соламаргин ва бошқалар) бўлиб, пишган мевасидан ташқари ўсимликнинг ҳамма қисми заҳарли!

Гликоалкалоидларнинг агликони — соласонин прогестерон, кортизон ва бошқа кортикостероид препаратларни синтез қилиш учун, ўзининг препарати бод, артрит, эндокардит касалликларини ва куйганни даволашда ишлатилади.

### БЎРИГУЛ

*Барвинок — Vinca L.*

**Ўсимлик тасвири.** Кендирдошлар — Arosupaseae оила-сига мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик.

Тиббиётда бўригулнинг Ўрта Осиёда ўсадиган икки туридан фойдаланилади. Улар заҳарли! Шулардан бири —

**Кичик бўригул — Барвинок малый — *V. minor* L.** доим яшил ўсимлик. Пояси ётиб ўсади, узунлиги 60 см гача етади, шохланган, гул ҳосил қилувчи новдалари тик ўсади. Барглари қалин, ялтирок, эллипсимон, ўткир учли бўлиб; калта банди ёрдамида поясида қарама-қарши жойлашган. Йирик, тўқ кўк рангли гуллари узун банди билан барг қўлтиғига яқка-яқка жойлашган. Меваси — 2 та баргчадан ташкил топган.

**Географик тарқалиши.** Туркменистоннинг айрим жойларида (Ашхобод ва Мари вилоятларида), собиқ СССР Европа қисмининг жанубий, Закавказьенинг шимоли-ғарбий ноҳияларидаги ўрмонларда, буталар орасида ва тоғ қияликларида ўсади.

**Кўлланиладиган қисми.** Ер устки қисми.

**Кимёвий таркиби.** Таркибида 0,6 % алкалоидлар (20 дан ортиқ) ва бошқа моддалар бор. Асосий алкалоидлари винкамин (девинкан), минорин, винкаминорин изовинкамин ва бошқалар ҳисобланади.

**Тик ўсувчи бўригул — Барвинок прямой — *v. erecta* Rgl. et Schmalh.**

**Ўсимлик тасвири.** Пояси бир нечта, тик ўсувчи, шохланмаган, бўйи 30—40 см. Барглари эллипсимон, баъзан тухумсимон, поясида бандсиз қарама-қарши жойлашган; йирик, пушти рангли (гулбаргининг ички томони оқ рангли бўлади) гуллари алоҳида-алоҳида барг қўлтиғига ўрнашган. Меваси 2 та баргчадан иборат.

Апрель — май ойларида гуллайди, меваси — май — июнда пишади.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиё тоғларининг Угам, Псков, Чотқол, Фарғона, Олой, Ҳисор, Вахш, Дарвоз тоғ тизмалари этагидан ўрта қисмигача бўлган ёнбағирларида ўсади.

**Кўлланиладиган қисми.** Ер устки қисми, илдизпояси ва илдизи.

**Кимёвий таркиби.** Таркибида 2—3 % алкалоидлар, стероид сапонин, урсол кислота ва бошқа моддалар бор. Асосий алкалоидларига винканин, винканидин, винервин, резерпинен ва бошқалар киради.

**Бўригул турларининг ишлатилиши.** Доривор препаратлари (таблетка ҳолидаги девинкан, винкапан, винкатон) қон босимини пасайтирувчи восита сифатида гипертония қасаллигида ҳамда мия қон томирлари спазмини даволашда қўлланилади.

Бўригул турларидан тайёрланган қайнатма халқ табобатида бош оғриганда оғрик қолдирувчи ҳамда бош айланишини, ич кетишини, шунингдек қон оқшини

тўхтатувчи восита сифатида қўлланади. Тиш оғриганда қайнатма билан оғиз чайилади, ер устки қисмидан тайёрланган порошоги (кукуни) яраларга сепилади. Лекин бўригул турлари заҳарли ўсимлик эканлигини эсда тутиш лозим!

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Кичик бўригулдан қайнатма тайёрлашда ўсимликнинг йирик қилиб майдаланган ер устки қисмидан 2 ош қошиқда олиб 2 стакан қайнаб турган сувга солинади ва уни 15 минут сув ҳаммомига қўйиб қайнатилади. Сўнг совитиб, докадан ўтказилади. Шу йўсинда тайёр бўлган қайнатманинг 1 стаканини учга бўлиб 3 маҳал ичилади. Қайнатмани ҳар 2 кунда янгитдан тайёрлаган маъқул.

2. Винкапан таблеткасини (0,01 г дан чиқарилади) дорихонадан олиб 2—3 маҳал қон босими ошганда ичиш мумкин. Болгарияда чиқади.

#### РЕЦЕПТ

Rp.: Tab. Vincapani 0,01 N. 25.

D. S. I таблеткадан 3 маҳал ичилсин.

#### БУТАСИМОН АМОРФА

*Аморфа кустарниковая — Amorpha fruticosa*

**Ўсимлик тасвири.** Дуккакдошлар — Fabaceae оиласига мансуб, бўйи 1—2 м гача етадиган бута.

Барглари (20—25 та баргчали) мураккаб бўлиб, банди ёрдамида поя ва шохларига кетма-кет жойлашган. Барг бўлакчалари — баргчалари янгичка эллипсимон ёки чўзиқ эллипсимон шаклда. Майда хушбўй, тўқ қизил-бинафша рангли гуллари шингил гултўпламини ҳосил қилади. Меваси — бир ёки икки уруғли, чўзиқроқ дуккак, юнда гуллайди.

**Географик тарқалиши.** Улар манзарали бута сифатида Ўрта Осиё ва Россия Европа қисмининг жанубий ноҳияларида боғ ва хиёбонларда ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Барги билан уруғи.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Уруғи таркибида рогеноидларга кирадиган аморфин ва аморфол гликозидлари, 13 % мой ва бошқа моддалар бор. Гликозидлар, эфир мойи, бўёқ ва бошқа моддалар барглари билан бир қаторда ёш новдаларида ҳам бор.

Аморфиннинг дори препарати — фрутицин тинчлантирувчи ва кардиотоник восита сифатида юрак-томир (юрак-



6-расм. Газанда.

томир неврози, пароксизмал тахикардия ва бошқа) касалликларда қўллашга тавсия этилади.

**ГАЗАНДА (ЧАЕНЎТ, КИЧИТКИ),  
ИККИ УЙЛИ ГАЗАНДА**

*Крапива двудомная —  
Urtica dioica L.*

**Ўсимлик тасвири.** Газандадошлар — *Urticaceae* оиласига мансуб, бўйи 60—120 (150) см келадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, тўмток тўрт киррали, шохланмаган ёки қарма-қарши шохланган. Барглари кенг тухумсимон, ўткир учли, сертук, йирик аррасимон киррали бўлиб, поя ва шохларида банди ёрдамида қарма-қарши ўрнашган, Бир жинсли, майда, кўримсиз, яшил рангли, тўрт бўлакли гуллари барг қўлтигидан чиққан бошokka тўпланган. Меваси — ёнғокча.

Ўсимликнинг ҳамма қисми ачитувчи туклар билан қопланган.

Май — сентябрь ойларида гуллайди ва меваси етилади.

**Географик тарқалиши.** Украина, Белоруссия ва Россиянинг Европа қисми, Сибирь, Кавказ, Ўрта Осиё, Қозоғистон, қисман Ўзоқ Шарқдаги сувга яқин эрларда, салқин ўрмонларда, йўл ёқаларида, бутазорларда, аҳоли яшайдиган ерларга яқин жойларда, уйлар атрофида ва тоғ этакларида ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Барги. Ўсимлик гуллаганда барглари қўлқоп кийиб териб олинади ёки ер устки қисмини ўриб олиб сўлитилади (ўсимлик сўлитилганда унинг ачитувчи хусусияти йўқолади), сўнгра барги териб олинади ва соя ерда қўритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Барги таркибида 100—600 мг % витамин С, К, В<sub>2</sub>, 14—30 мг % каротиноидлар, пантотен кислота, кверцетин, ацетилхолин, эфир мойи, органик кислоталар, 2—5 % хлорофилл, микроэлементлар, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Дори препаратлари (дамлама, суюқ экстракти, витаминли чой — йиғмалар таркибида) қон оқишларни (бавосил касаллигида, ўпқадан, бурундан, ичакдан ва ҳайз бузилганда бачадондан қон кетганда) тўхтатувчи восита сифатида ҳамда сурункали яраларни, витаминлар етишмаслигидан келиб чиққан касалликларни — авитаминозларни даволаш учун ишлатилади. Барги яна жигар касалликларида қўлланиладиган ўт ҳайдовчи аллахол препарати таркибига киради.

Газанда ўсимлиги мевасини Абу Али ибн Сино нафас қисиши касаллигини даволаш учун, баргини қон оқишини тўхтатувчи ва сурги восита сифатида қўллаган.

Ўсимлик баргидан тайёрланган дамлама, қайнатма ва барг кукуни халқ табобатида кўкрак оғриғи, нафас қисиши, диабет, иситма ва бод касалликларини даволаш учун ишлатилади. Булардан ташқари, баргидан тайёрланган дамлама ва порошоги нафас йўллари касаллигида балғам кўчирувчи, сийдик ҳайдовчи (сийдик йўллари ва буйрак-тош касалликларида) ҳамда ичакдан қон оқишини тўхтатувчи дори сифатида қўлланади.

*Соя тўқилишини тўхтатиш учун газанда барги дамламаси билан бош ювилади.*

Баргидан ажратиб олинган хлорофиллдан фармацевтика ва озиқ-овқат саноатида ишлатиладиган зарарсиз бўёқ тайёрланади.

## ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Дамлама тайёрлаш учун оғзи ёниладиган идишга 1 стакан қайнаб турган сув қуйиб, устига майдаланган газанда баргидан 1 ош қошиқда солинади ва 1 соат давомида дамланади. Сўнгра докада сузилади ва тайёр бўлган дамламадан юқорида кўрсатилган касалликларда кунига 3—4 маҳал овқатдан ярим соат олдин 1 ош қошиқдан ичилади. Худди шу дамлама билан бош ювилса (ҳўлланса) соя тўқилишида яхши наф беради.

2. Янги узиб олинган ёш ер устки қисми шираси сиқиб олинади-да, кунига 3 маҳал 1 чой қошиқдан ичилади.

3. Қайнаб турган 2 стакан сувга ўсимликнинг уруғи ва майда қилиб тўғралган илдизидан 1 ош қошиқда солинади-да, то сувнинг ярми қолгунча паст оловда қайнатилади. Сўнг докадан ўтказиб, тайёр бўлган қайнатмадан кунига 4—5 маҳал 3 ош қошиқдан ичилади.

4. Ўсимлик уруғининг қуритилган куқунидан буйрак-тош касаллигида, бронхитда кунига 3—4 маҳал 2—4 г дан ичилса, яхши қор қилади.

5. Дорихонадан баргларида тайёрланган брикетини олиб (прессланган курук барги, у 10 та бўлакка бўлинган, жами оғирлиги 75 г) 1 бўлагини 1 стакан қайнаб турган сувга солинади-да, 15 минут дамлаб қўйилади. Сўнг уни докадан ўтказиб юқорида айтиб ўтилган касалликларда кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

6. Ўсимлик дамламасини рецепт билан тайёрлатиб дорихоналардан ҳам олиш мумкин. Куйидаги рецептга қаранг.

#### РЕЦЕПТ

Rp.: Inf. fol. Urticae 7,5 - 10, 0—200,0

D. S. Кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилсин.

#### САМИНЧЎП, ТУКСИЗ САМИНЧЎП

*Грыжник голый — Herniaria glabra L.*

**Ўсимлик тасвири.** Саминчўп чиннигулдошлар — Caryophyllaceae оиласига мансуб, шохларининг узунлиги 5—10 см бўладиган, ерда ётиб ўсувчи бир ёки кўп йиллик ўт ўсимлик. Барглари эллипсимон ёки чўзиқроқ, текис қиррали бўлиб, пояси билан шохларида бандсиз қарама-қарши ўрнашган. Майда, кўримсиз, оқниш рангли, беш бўлакли гуллари барг қўлтиқларига тўп-тўп бўлиб жойлашган. Меваси — ёнғоқча.

Июнь — август ойларида гуллайди ва меваси етилади.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиё, Кавказ, собиқ СССРнинг Европа қисми ва Ғарбий Сибирнинг тоғли ноҳияларидаги йўл ёқаларида, тошлок, қумлоқ ва бошқа курук ерларда, тоғларнинг ўрта қисмидаги курук қияликларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Саминчўпнинг ер устки қисми ишлатилади. Уни ўсимлик гуллаган даврида йиғилади ва соя ерда қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Саминчўп ер устки қисми таркибида 11,62 % гача тритерпен сапонинлар,

0,84 % кумаринлар (скополетин, герниарин, умбеллиферон), 1,38—2,43 % флавоноидлар (гиперозид, кверцитрин, рутин ва бошқа), 0,6 % гача эфир мойи, 2,5 % канд, 5,5 % шиллик, 3,16 % ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Саминчўп ер устки қисми дамламаси халқ табобатида истиско касаллигини, сийдик йўллари ва буйрак яллиғланишини, сарик, ўсқа, меъда касалликларни даволаш учун қўлланади.

Ер устки қисми дамламаси илмий тиббиётда сийдик ҳайдовчи ва спазмолитик восита сифатида буйрак ва сийдик йўллари яллиғланишини даволашда ҳамда буйрак, ковуқ ва сийдик йўлларидаги тош ва кумларни ҳайдаш учун ишлатилади.

Саминчўп ер устки қисми сийдик ҳайдовчи чой — йиғмалар таркибига киради. Йиғма одатда саминчўп ер устки қисми ва толокнянка баргини баравар микдорда майдалаб аралаштириб тайёрланади.

### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Йиғмадан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 1 стакан қайнаб турган сув қуйилади, устига араланимадан 2 ош қошиқда солиб 10 минут қайнатилади ва совигунча дамба қўйилади. Кейин доқада сузиб, юқорида кўрсатилган касалликларга даво қилиш учун кунига 3—4 маҳал чорак стакандан ичилади.

2. Ўсимликнинг ер устки қисмидан дамба тайёрлаш учун 2 чой қошиқ майдаланган ер устки қисмидан олиб 1 стакан қайнаб турган сувга солинади ва совигунча дамба қўйилади. Сўнг доқада сузиб кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

3. Ўсимликнинг ер устки қисмини эзиб, шираси олинади ва кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан овқатдан олдин ичилади.

### ГРЕЧИХА, ЭКМА ГРЕЧИХА

*Гречиха посевная — Fagopyrum sagittatum Gilib.*

**Ўсимлик тасвири.** Торондошлар — Polygonaceae оиласига мансуб, бўйи 15—70 см келадиган бир йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, бўғинли, юқори қисми шохланган. Барглари учбурчак шаклида, асоси ёйсимон, текис қиррали бўлиб, пояси билан шохларида банди ёрдамида (пастки барглари) ёки бандсиз (юқоридаги барглари) кетма-кет ўрнашган. Хушбўй қизил, пушти ёки ок рангли гуллари қалқонсимон рўвакни ҳосил қилувчи қисқа шингилга тўпланган. Меваси — уч қиррали ёнғоқча.

Июнда гуллайди.

**Географик тарқалиши.** Гречиха Ўзбекистоннинг Тошкент ва Самарқанд вилоятларидаги экинзорларда ва йў. ёқаларида бегона ўт сифатида ўсади. Россия, Украина ва Белоруссия жумҳуриятларида ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Ер устки қисми.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Таркибида 4 % гач: флавон гликозиди — рутин, хлороген, галлат ва коф. кислоталари, уруғида 67 % гача крахмал, ёғ, олма ва лимон кислоталари, витамин В<sub>1</sub> ва В<sub>2</sub> бор.

Ер устки қисмидан рутин олинади. Рутин ва унинг препаратлари витамин Р таъсирига эга бўлиб, қон томирлар ўтказувчанлиги ва эластиклиги бузилишида келиб чиққан касалликлар ҳамда баъзи қон оқишлар ва юкумли касалликлар, бод, гипертония (қон босими ошиши), нур касалликларини даволаш ва олдини олишда қўлланади.

Гречиха фойдали парҳез таом сифатида овқатга ишлатилади. Чунки у яхши ҳазм бўладиган оксил, витаминлар, темир, кальций, фосфор тузларига бой.

#### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Гречиха гулидан дамлама тайёрлаш учун 2 стакан қайнаб турган сувга майдаланган гулдан 1 ош қошиқда солиб, ўраб дамлаб қўйилади. Совигач донадан ўтказиб юқорида айтиб ўтилган касалликларда кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

2. Гречиха гулидан (қуритилгани бўлса ҳам бўлаверди) 2 ош қошиқда олиб, устига 1 л қайнаб турган сув солинади ва 20 минут дамлаб қўйилади. Сўнг донадан ўтказиб қурук йўтал тутиб турган ҳолатларда кунига 4 маҳал (ёшга қараб) чорак — ярим стакандан ичилади.

#### РЕЦЕПТ

Pr. : Rutini 0,25  
Acidi ascorbinici 0,05  
M. f. pulv. 0,05  
D. t. d. N. 20  
S. Кунига 3 маҳал 1 порошокдан ичилсин.

#### ГУЛРАЙҲОН

*Чабер садовый — Satureja hortensis L.*

**Ўсимлик тасвири.** Гулрайҳон яснотқадослар (лабгулдошлар) — Lamiaceae (Labiatae) оиласига мансуб, бўйи 10—12 см бўладиган бир йиллик ўт ўсимлик. Пояси



тик ўсади, ингичка, шохланмаган ёки юқори қисми шохланган. Барглари чизиксимон, бир оз этли, чуқурчалнуктали бўлиб, пояси билан шохларида бандсиз қарама-қарши ўрнашган. Оч бинафша рангли, майда, икки лабли гуллари пояси билан шохларининг учига жойлашган бошоқсимон тўпгулни ҳосил қилади. Меваси — тўртта ёнғоқча.

Июль — сентябрь ойларида гуллайди, меваси август — октябрда пишиб етилади.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиё жумҳуриятларида, собиқ СССР Европа қисмининг жанубий ўлкаларида ва Кавказда ўстирилади. Ёввойилашган ҳолда ҳам учрайди.

**Қўлланиладиган қисми.** Халқ табобатида гулрайхоннинг ер устки қисми ишлатилади. Уни ўсимлик гуллаган вақтида йиғилади ва соя ерда қуритилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Гулрайхоннинг ер устки қисми таркибида 0,3—2 % эфир мойи, 4—8 % ошловчи моддалар бор. Эфир мойи 30—40 % карвакрол, 20—30 % п-цимол, дипентен ва бошқа терпеноидлардан ташкил топган.

Гулрайхоннинг ер устки қисмидан тайёрланган дамламаси халқ табобатида бош оғриганда, йўтал, тумовда, ич кетганда, овқат ҳазм қилиш бузилганда, қорин дам бўлганда, кўнгил айнаганда ва бошқа касалликларни даволашда ҳамда сийдик ва ел ҳайдовчи, буриштирувчи, терлатувчи, бактерицид ва спазмага қарши восита сифатида қўлланилади.

## ГУЛХАЙРИ

*Алтей — Althaea L.*

**Ўсимлик тасвири.** Гулхайридошлар — Malvaceae оила-сига мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси битта ёки бир нечта, тик ўсувчи, шохланмаган ёки юқори қисми шохланган, бўйи 1,5 м гача етади. Барглари уч ёки беш бўлакли (поясининг юқори қисмидагилари бутун, тухумсимон) бўлиб, банди ёрдамида поясида кетма-кет жойлашган, пушти ёки оқ рангли гуллари барг қўлтиғида, поя ва шохлари учига тўп-тўп бўлиб жойлашади. Меваси — ясси, юмалоқ, кўн уруғли тўп писта.

Июнь — сентябрь ойларида гуллайди, меваси июлдан бошлаб етилади. Тиббиётда гулхайрининг икки туридан фойдаланилади: Доривор гулхайри — Алтей лекарственный ва Арман гулхайриси — Алтей армянский.

**Географик тарқалиши.** Собиқ СССР нинг Европа қисми, Ғарбий Сибирь, Кавказ, Ўрта Осиё ва Қозоғистон-



7- расм. Гулхайри.

даги тўқайзорларда, арик кўл, дарё бўйларида ва бошқа ерларда ўсади.

**Кўлланиладиган қисми.** Илдизи ва илдизпояси баъзи ҳолларда барглари билан гуллари ишлатилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Илдизи таркибида 35 % шиллик моддалар, 37 % крахмал 10,2 % сахароза, микрос элементлар, пектин ва бошқа моддалар бор.

Илдиз препаратлари (кукуни, дамламаси курук экстракти, шарбати) ва мукалтин балғи кўчирувчи, кўкракни юмшатувчи, ўраб олувчи ва яллиғланишга қарши восита сифатида нафас йўллари ҳамда меъда-ичак (гастрит, энтероколит ва бошқа) касалликларни даволашда ишлатилади. Майдаланган илдизи нафас йўллари шамоллаганда ишлатиладиган йиғмалар — чойлар таркибига киради. Илдизидан тайёрланган шарбати фармацевтика амалиётида суюқ дорилар таъмини яхшилаш учун, кукуни ҳаб дори тайёрлашда қўлланилади.

Гулхайри турлари халқ табибатида қадимдан ишлатиб келинадиган ўсимликларга киради. Ибн Сино уларнинг илдизи, барги ва уругидан тайёрланган дамлама билан зотилжам, қон тупуриш, йўтал, буй-

рак касалликларини даволаган ҳамда балғам кўчиручи ва шишларни қайтарувчи восита сифатида қўллаган.

Ўрта Осиё халқлари гулхайри турлари илдизидан тайёрланган дамламани кўкрак оғриганда, нафас қисиши, ўпка шамоллаши, йўтал, кўкйўтал ва нафас йўлларининг бошқа касалликларида кўкракни юшатувчи, оғрик қолдирувчи ва балғам кўчирувчи дори сифатида ишлатадилар. Илдизининг дамламаси яна меъда ва ўн икки бармоқ ичак яраси касаллигида, дизентерияда, болаларнинг ичи кетганда, буйрак (сийиш қийинлашганда) ва бошқа касалликларни даволашда қўлланилади. Томоқ яллиғланганда, томоқ оғриғида ушбу дамба билан томоқ чайилади.

Гулхайри илдизи, гули ва баргидан тайёрланган маҳкамни курук яралар, йирингли яралар ва чипқон чиққан жойга боғлаб қўйилса, яхши наф беради.

### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФЙДАЛАНИШ

1. Гулхайри илдизидан дамба тайёрлаш учун бирор идишга 2 стакан қайнатиб совутилган сув қўйилади ва майдаланган илдиздан 4 чой қошиқ солиб, вақти-вақти билан чайкатиб турган ҳолда 8 соат қўйиб қўйилади. Сўнг докадан ўтказилади. Тайёр бўлган дамбамдан кунига 3—4 маҳал ярим стакандан ичилади.

2. Гулидан дамба тайёрлаш учун 1 чой қошиқ майдаланган гулни 1 стакан қайнаб турган сувга солиб, 2 соат қўйиб қўйилади. Кейин докадан ўтказилади ва тайёр бўлган дамбамдан кунига 1 чой қошиқдан 3 маҳал илитиб ичилади. Бу балғам кўчирувчи, йўталга қарши восита сифатида қўлланади.

3. Илдизи, гули ва баргидан дамба тайёрлаш учун аралашмадан 2 ош қошиқда олиб 2—3 стакан қайнаб турган сувга солинади ва 2 соат қўйиб қўйилади. Сўнг докадан ўтказиб, тайёр бўлган дамба билан томоқ чайилади, кўз ювилади, жароҳатлар артилади, тўғри ичакда яллиғланиш бўлганда ташқаридан докани қўллаб қўйилади.

4. Болаларга гулхайри илдизидан дамба тайёрлаш учун дориҳонадан 100 г гулхайри илдизи (1 қутича) олиб, 1 стакан қайнатиб совутилган сувга 2 чой қошиқ солинади ва 8—10 соат қўйиб қўйилади. Сўнг докадан ўтказиб ўпкаси, бронх йўллари шамоллаган болаларга 1 ош қошиқдан 3—4 маҳал ичирилади.

## РЕЦЕПТЛАР

Rp.: Inf. rad. Althaeae 10,0—200, 0  
D. S. Кунига 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилсин.

Rp.: Rad. Althaeae ex 6,0—180, 0  
Sir Liquiritiae ad 200,0  
M. D. S. Кунига 1 ош қошиқдан 4—5 маҳал ичилсин.

Rp.: Inf. rad. Althaeae 3,0—100, 0  
Sir. Althaeae 20,0  
M. D. S. 3 яшар болага 1 чой қошиқдан 5 маҳал ичирилсин.

## ДАЛА ОНОНИСИ

*Стальник полевой — Ononis arvensis L.*

**Ўсимлик тасвири.** Дала онониси дуккакдошлар — Fabaceae оиласига мансуб, бўйи 30—50 (80) см гача ўсадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси бир нечта, тик ўсади, шохланган, асос қисми ёғочланган. Поясининг пастки ва ўрта қисмидаги барглари уч пластинкали мураккаб, юкоридагилари оддий бўлиб, банди ёрдамида пояси билан шохларида кетма-кет ўрнашган. Баргчалари тухумсимон-эллипсимон, ўткир учли, ўткир тишсимон қиррали. Пушти рангли, беш бўлакли (капалакгулдошларга мансуб) гуллари барг қўлтигига иккитадан жойлашиб, пояси ва ён шохлари унда бошқосимон тўпгулни ҳосил қилади. Меваси 2—4 уруғли, эллипсимон ёки тухумсимон, сертук дуккак.

Июль — август ойларида гуллайди, меваси июль — сентябрда етилади.

**Географик тарқалиши.** Собик СССР Европа қисмининг ўрмон-чўл ва чўл зоналарида, Кавказ, Сибирнинг жанубида ва Қозогистондаги ўтлоқларда, буталар орасида ҳамда ариқ бўйларида ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Тиббиётда дала ононисининг илдизи ишлатилади. Кузда ўсимликнинг ер остки органлари қовлаб олинади, сув билан ювиб тупроқ ва лойдан тозаланади, узун, йирик илдизлари бўлақларга бўлинади ва очик жойда қурилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Ононис илдизи таркибида флавоноидлар (трифолиризин ва онон), изофлавоно гликозидлар (ононин ва оноспин), сапонинлар, эфир мойи, смола, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Доривор препаратлари (қайнатма, настойка) бавосил касаллигини даволаш учун ҳамда сийдик ҳайдовчи восита сифатида қўлланилади.

1. Ўсимликнинг илдизидан қайнатма тайёрлаш учун 1 л сувга 30 г майдаланган илдиз солинади-да, 0,5 соат қайнатилади. Совигач доқада сузиб овкатдан ярим соат олдин кунига 3 маҳал ярим стакандан ичилади.

2. Ўсимликнинг қурук илдиз кукунидан кунига 3 маҳал 0,3—0,5 г дан овкатдан олдин ичилади.

### ДАЛА ҚИРҚБЎҒИМИ

*Хвоц полевой — Equisetum arvense L.*

**Ўсимлик тасвири.** Қирқбўғимдошлар — Equisetaceae оиласига мансуб, бўйи 15—60 см келадиган спорали кўп йиллик ўт ўсимлик. Ўсимлик пояси икки хил — баҳорги ва ёзги бўлади.

Баҳорги пояси жигарранг ёки қизғиш тусли, юмшоқ, бўйи 15—20 см, учида споралар ҳосил қилувчи бошоқча бўлади. Споралар етилиб ва сочилиб кетгандан сўнг баҳорги пояси қуриб қолади. Кейин ёзги поялари ўсиб чиқади. Бу поялари каттик, бўғимли, 6—18 қиррали бўлиб, бўғимларидан тўп-тўп шохчалар ўсиб чиқади. Барглари яхши тараққий этмаган, тангачасимон, поя бўғинларида ўрнашган.

Споралари апрель — май ойларида етилади.

**Географик тарқалиши.** Собик СССР нинг чўл ва ярим чўл районларидан ташқари ҳамма ердаги ариқ бўйларида, қумли ўтлоқларда, буталар орасида, ўрмонларда ва экинзорларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Ер устки қисми. Ёз ойларининг ўрталарида дала қирқбўғимининг ёзги, спора ҳосил қилмайдиган поялари ўриб олинади ва соя ерда қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Ер устки қисми таркибида 5 % гача сапонинлар, алкалоидлар, флавоноидлар (апигенин, лютеолин, кверцетин, кемпферол ва уларнинг гликозидлари, эквизетрин, нарингенин), 190 мг % гача витамин С, каротин, оксалат, 25 % гача силикат (сувда эрийдиган турида) ва бошқа кислоталар, ошловчи, аччиқ моддалар бор.

Дамламаси (ёки қайнатмаси) ва суюқ экстракти қон айланиши етишмовчилигида, истиско, сийдик пуфағи (қовуқ) яллиғланишида ва сийдик йўллариининг бошқа касалликларида сийдик ҳайдовчи, меъдадан, ичакдан, бачадондан ва бавосил касаллигида қон оқишларни тўхтатувчи восита сифатида ҳамда ўпка сили касаллиги-



8-расм. Киркбўғим.

нинг баъзи турларини даволаш учун қўлланилади. Ер устки қисми Здренко йиғмаси ва сийдик ҳайдовчи йиғма — чойлар таркибига киради.

Киркбўғим қадимдан халқ орасида турли касалликларга даво қилишда ишлатилган. Абу Али ибн Сино унинг қуритилмаган ер устки қисмидан олинган шираси билан яраларни даволаган. Қуритилган ва майдаланган ер устки қисмига шароб кўшиб тайёрланган дамламасни жигар шишида, қон аралаш ич кетиш ва истиско касалликларини даволашда қўллаган.

Ер устки қисмидан тайёрланган дамламаси халқ табобатида ўпка сили, буйрак касалликларини даволашда ишлатилади. Ундан буйрак ва сийдик йўлларидаги тошларни туширишда, сийдик ҳайдашда, турли қон оқишларда (қон тупурганда, қон аралаш ич кетганда, бурун, милк ва яралардан қон оққанда) фойдаланилади. Дамламаси билан яна яралар, чиққон ва баъзи тери касалликлари даволанади.

#### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Усимликдан дамба тайёрлаш учун қопқокли идишга дала киркбўғимининг майдаланган ер устки қисмидан 4 чой қошиқда солиб, устига 2 стакан қайнаб турган сув қуйилади ва дамба қуйилади. Сўнгра доқада сузиб, кун бўйи оздан иссиқ ҳолида ичилади.

2. Ўсимликнинг прессланган барги — брикетини дорихонадан олиб, 3 бўлагини (кўпинча ўн бўлакка бўлиб кўйилган бўлади) 2 стакан совуқ сувга солиб ярим соат мобайнида сует оловда қайнатилади. Совигач докадан ўтказиб, юкорида айтиб ўтилган касалликларда кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

3. Дала қирқбўғимининг ер устки қисмидан дона-дона қилиб тайёрланган препаратдан (дорихонада гранула шаклида сотилади) 20 г олиб 2 стакан иссиқ сувга солинади ва усти ёпиқ ҳолда наст оловда 15 минут қайнатилади. Совигач докадан ўтказиб кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади (сийдик ҳайдайди, шу сабабли буйраги шамоллаган кишиларга тавсия қилинмайди).

4. Ўсимлик ширасини дока ҳўллаб яра-чақаларга боғланса, тузуккина наф беради.

#### РЕЦЕПТ

Rp.: Herbae Equiseti 50,0

D. S. 2 стакан қайнаб турган сувга 4 қошиқ ўсимлик маҳсулотидан солиб, ўраб дәмлаб кўйилсин. Совигач докадан ўтказиб чорак стакандан 3 маҳал ичилсин.

#### ДАНАКЛИ ОҚКУРАЙ

*Psoralea costянковая — Psoraleя drupacea Vge.*

**Ўсимлик тасвири.** Дуккакдошлар — Fabaceae (Leguminosae) оиласига мансуб, бўйи 70—130 см бўладиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, шоҳланган, сертук. Барглари оддий (баъзан уч бўлакли), кўшимча баргчали, думалок шаклли, ўйилган тишсимон қиррали (баргининг асос қисми текис қиррали), сертук (айниқса пастки томони) бўлиб, қисқа банди ёрдамида пояси билан шоҳларида кетма-кет ўрнашган. Майда, оқ-кўкиш рангли гуллари барг қўлтиғидан ўсиб чиққан шингил гултўпламига жойлашган. Меваси — майда, юмалок, бир уругли, сертук дуккак.

Май — июль ойларида гуллайди, меваси июнь — сентябрда етилади.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиёнинг ҳамма жумҳуриятлари ҳамда жанубий Қозоғистоннинг текис чўлларида, баҳорикор ерларда, қирларда ва тоғ ёнбағирларида бегона ўт сифатида ўсади. Амударё ва Сирдарё водийларида катта чакалакзорни ташкил қилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Меваси ва илдизи. Меваси етилганда ўсимлик йиғиб олиниб хирмонда янчилади ва

шамолда совуриб меваси ажратиб олинади. Илдизи куз (ёки эрта баҳорда) ковлаб олинади, сувда ювиб, тупрсдан тозаланади, майда бўлакларга бўлиб, очик ҳаво қуритилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Мева ва илди таркибида 0,03—0,4 % эфир мойи, 12,34 % ошлов моддалар, 0,1—1,1 % фурукумаринлар (псорален изопсорален), кумарин умбеллиферон, гликозид друпациканд ва бошқа бирикмалар бор. Псорален (псорален изопсорален аралашмаси порошogi, таблеткаси ва спигдаги эритмаси) пс касаллигини даволашда қўлланилади.

Оққурай баргидан тайёрланган кукуя билан хатоботида чипқон, экзема, пс касалликлари ҳам бошдаги соч тўкилишини даволашади.

Ўсимликнинг ер устки қисмидан баъзи микроблар бактерияларни ва замбуругларни ўлдирувчи ёки ўсиши тўхтатувчи кучли антибиотик модда — бакучиол ажратилинган.

#### РЕЦЕПТ

Rp.: Tabul. Psoraleni 0,01

D. t. d. N. 50

S Кунга 3 маҳал 1 таблеткадан оқатдан ярим со  
олди ичилсин.

#### ДАСТАРБОШ, ОДДИЙ ДАСТАРБОШ

*Пижма обыкновенная — Tanacetum vulgare*

**Ўсимлик тасвири.** Астрадошлар (мураккабулдолар) — Asteraceae (Compositae) оиласига мансуб, бў. 50—150 см бўладиган кўп йиллик ўт ўсимли. Пояси тик ўсади, сершоҳ. Барглари патсимон ажралга устки томони тўқ яшил, орқа томони кулранг-яшил бўли банди ёрдамида (поясининг пастки қисмидагилари) ё бандсиз (поясининг ўрта ва юқори қисмидагилари) поя билан шоҳларида кетма-кет ўрнашган. Барг бўлакчала, чўзиқ ништарсимон, патсимон қирқилган ёки тишсимқиррали. Саватчага тўпланган сариқ рангли гулла; қалқонсимон тўпгулни ташкил этади. Меваси — чўзи писта.

Июль — сентябрь ойларида гуллайди, август — отябрда меваси етилади.

**Географик тарқалиши.** Узоқ шимол ва чўл зоналарида; ташқари ҳамма ерда — йўл ёкаларида, эҳоли яшайдиги жойларга яқин ерларда, ўтлоқларда, ўрмон четларида и сув бўйларида ўсади. Ўрта Осиёда оддий дастарбс





9- расм. Дастарбош.

Қирғизистон, Тожикистон ва Козогистон жумҳуриятларида учрайди.

**Қўлланиладиган қисми.** Гули (гултўплами). Гуллари ўсимлик гуллаган вақтида гултўпланини қисқа банди билан (2 см дан узун бўлмаслиги керак) қирқиб олинади ва салқин ерда ёки ҳарорати 40° бўлган қуритгичларда қуритилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Гуллари таркибиде 1,5—2 % эфир мойи, флавоноидлар (кверцетин, лютеолин, апигенин, диосметин), алкалоидлар, аччиқ танацетин, ошловчи ва бошқа моддалар бор. Гулларининг эфир мойи 47 % гача туйол спиртдан ва бошқа бирикмалардан ташкил топган.

Гулларининг дамламаси ва порошоги гижжаларни (аскарида ва острицаларни) туширишда ва жигар касалликларида ўт ҳайдовчи восита сифатида ҳамда баъзи ичак касалликларини даволаш учун қўлланилади. Дастарбош гули ўт ҳайдовчи (жигар, ўт пуфаги ва ўт йўллари касалликларида ишлатиладиган) чойлар — йиғмалар ҳамда Здренко йиғмаси таркибига киради. Гулларидан олинган танацехол препарати жигар ва ўт пуфаги касалликларида ўт ҳайдовчи дори сифатида ишлатилади.

Дастарбош гуллари қадимдан халқ табобатида турли касалликларни даволаш учун ишлатиб келинган. Гулларидан тайёрланган дамлама гижжаларни тушириш, иситма, баъзи меъда-ичак ва бошқа касалликларни даволаш учун, ел ва ўт ҳайдовчи восита сифатида ҳамда яраларни даволашда қўлланилади.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Қуриган дастарбош гули ва барги аралашмасидан 4 ош қошиқ олиб 1 стакан қайноқ сувга солинади ва ярим — бир соат дамлаб қўйилади. Совигач доқадан ўтказиб майда гижжаларни тушириш учун кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

2. Гуллари аралашмасидан тайёрланган дамлама ҳам майда гижжаларни тушириш учун кунига 3 маҳал ярим чой қошиқдан ичилади.

3. Илдизининг йирик кукунидан 2 чой қошиқда олиб 1 стакан қайноқ сувга солинади-да, 2—3 соат дамлаб қўйилади. Сўнгра доқадан ўтказиб, кечкурун острица гижжаларини тушириш учун ярим стакандан 3—4 кун ҳуқна қилинади.

4. Дамламаларини дорихонадан олиб юқорида айтиб ўтилган касалликларда ичиш ҳам мумкин.

## РЕЦЕПЛАР

Rp.: Inf. Pog. Tanaceti ex 20,0—200, 0  
D. S. Қунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилсин.

Rp.: Inf. Pog. Tanaceti 5,0—200, 0  
D. S. Иссиқ холида 3 га бўлиб ичилсин.

### ДАҒАЛ ТУКЛИ ПЕЧАК (МИНГБОШ)

*Вьюнок жестковолосистый — Convolvulus subhirsutus*  
*Rgl et Schmalh.*

**Ўсимлик тасвири.** Дағал тукли печак печакдошлар Convolvulaceae оиласига мансуб, бўйи 60—80 см га етадиган сершоҳ ва сертук кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси бир нечта, тик ўсади. Барги эллипсимон, текис киррали, ўткир учли, сертук бўлиб, қисқа банди ёрдамида пояси билан шоҳларнда кетма-кет ўрнашган. Воронкасимон пушти, қизил ёки оқ рангли гуллари шоҳларининг учида қўшалок шоҳчали гултўпламни ташкил қилади. Меваси — тухумсимон, икки уруғли ва икки чанокли кўсак.

Май — июнь ойларида гуллайди, меваси июнь — августда етилади.

*Ўсимликнинг ҳамма қисми заҳарли!*

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиё жумҳуриятларидаги тоғ этакларида, тупроқли ва қисман тошли тоғ қияликларида, соғ тупроқли чўлларда, тепаликларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Дағал тукли печакнинг ер устки қисми ишлатилади. Уни ўсимлик гуллаган даврида ўриб олинади ва соя ерда қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Ер устки қисми таркибида 0,5% алкалоидлар суммаси бор. Асосий алкалоидлар — конвольвин ва конволамин.

Конвольвин ва конволамин алкалоидлари ўта заҳарли бўлгани учун тиббиётда уларнинг ҳосиллари — конвокаин бензоат томок, қулоқ, бурун ва кўз касалликларида оғриқ қолдириш учун, конволамин ҳосиласи — тропацин Паркинсон касаллиги ва мускуллар тонусининг ошишидан келиб чиқадиган бошқа касалликларни даволашда қўлланилади. Тропацин препарати яна меъда-ичак яра касаллиги, астма ва бошқа касалликларда ҳам ишлатилади.

## ДЕВОРТАГИ ЎТ

*Шандра очереднозубая — Marrubium alternidens Rec.*

**Ўсимлик тасвири.** Девортаги ўт ясноткадошлар (лагуллошлар) — *Lamiaceae (Labiatae)* оиласига мансуб бўйи 30—80 см га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлики. Пояси бир нечта, тўрт киррали, шохланган. Барглари юмалоқ шаклли, тўмтоқ аррасимон киррали, сертук бўлиб, узун банди ёрдамида поя ва шохларида қарама-қарши ўрнашган. Оқ рангли, икки лабли гуллари юқори барг кўлтигидаги тўп-тўп ҳолдаги гултўпламига жойлашган. Меваси — тўртта ёнгокча.

Май — сентябрь ойларида гуллайди ва меваси етилади.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиё ва Кавказдаги ташландик ерларда, аҳоли яшайдиган жойларда, йўл ёқалари, деворталарида ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Халқ табобатида девортаги ўтнинг ер устки қисми ишлатилади. Уни ўсимлик гуллаган вақтида, поясининг пастки йўғон қисмини олмай йиғилади ва соя ерда куритилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Девортаги ўт ер устки қисми таркибида 0,4 % эфир мойи, 1,12 % флавоноидлар, 4,8 % стахидрин, смолалар, маррубин, маррубинин ва бошқа ащқ бирикмалар, 116, 57 мг % витамин С, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмаси халқ табобатида томоқ огриганда, нафас йўлларининг сурункали шамоллаши ва тиш огриганда оғиз ҳамда томоқни чайиш учун қўлланилади.

Ер устки қисми настойкаси тинчлантирувчи ва қон босимини пасайтирувчи таъсирга эга эканлиги тажрибадан аниқланган.

## ДОРИВОР ВАЛЕРИАНА (КАДИУТ)

*Валериана лекарственная — Valeriana officinalis L.*

**Ўсимлик тасвири.** Доривор валериана валерианадошлар — *Valerianaceae* оиласига мансуб, бўйи 2 м гача етадиган кўп йиллик ўт ўсимлики. Илдизпоясидаги биринчи йили илдизолди тўп барглари, иккинчи йилдаги бошлаб пояси ўсиб чиқади. Пояси тик ўсади, шохланмаган ёки юқори қисми шохланган. Барглари оддий, 4—11 жуфт бўлакчалардан иборат тоқ патли ажралган бўлиб, паяда бандлари (илдизолди барглари узун бандли, поясидаги лариники юқorigа кўтарилган сари банди қисқариб боради) ёрдамида қарама-қарши ўрнашган. Барг бўлакчалари

чизиксимон ништарсимон ёки тухумсимон, йирик тишсимон киррали. Оқ ёки пушти рангли, хушбўй, майда, беш бўлакли гуллари йирик рўвак тўпғулига жойлашган. Меваси — чўзик тухумсимон, оқ кўнғир рангли писта.

Май — август ойларида гуллайди, меваси июнь — сентябрда етилади.

**Географик тарқалиши.** Валериана ўрта Осиёдаги чўллар ва Сибирнинг шимолий қисмидан ташқари ҳамма ноҳиялардаги нам ерларда, ўрмон ёқаларида, ариқ бўйларида, буталар орасида ва ўтлоқларда ўсади. Воронеж, Москва, Новосибирск ва Киров вилоятларида, Краснодар ўлкасида, Молдавия ва Беларусияда ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Тиббиётда валериананинг илдизояси, илдизи ҳамда ер устки қисми ишлатилади. Ер устки қисми ўсимлик гуллаган даврида ўриб олинади ва соя ерда қуритилади ёки қуритмай қўлланилади. Илдизояси билан илдизи мевалари бишиб тўкилгандан сўнг қовлаб олинади, сувда ювиб, тупрокдан тозаланади, сувини қочириш учун бир оз очик ерда қолдири-



10- расм. Дорқвор валериана.

лади ва салқин ҳамда ҳаво тегиб турадиган жойда ёки ҳарорати 35° ли қуритгичларда секин қуритилади ёки қуритилмай ишлатилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Валериана илдизпо-яси билан илдизи таркибида 0,5—1 % эфир мойи, 0,5—2 % валепотриатлар (валтрат, изовалтрат, валеридин, валехлорин ва бошқалар), алкалоидлар, изовалериан, сирка олма ва бошқа органик кислоталар, сапонинлар, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Валериананинг доривор препаратлари (илдизпо-яси билан илдизи порошоги, таблеткаси, дамламаси, қайнат-маси, настойкаси, суюк, қуюқ экстракти таблетка ҳолида) нерв системасини тинчлатирувчи (уйқусизликда, асабий-ланишда) восита сифатида ҳамда юрак фаолиятини тартибга солиш учун қўлланилади. Настойкаси камфора-валерианали томчилар ва бошқа комплекс препаратлар таркибига, илдизпо-яси ва илдизи тинчлантирувчи ва бошқа чойлар — йиғмалар, изовалериан кислотасинини ментол билан ҳосил қилган эфири валидол таркибига киради. Валидол тинчлантирувчи восита сифатида кўкрак қисмини (стенокардия)ни даволашда қўлланилади.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФЙДАЛАНИШ

1. Ўрта Осиё шароитида доривор валериананинг илдизпо-яси ва илдиздан тайёрланган брикетларини дорихонадан олиб уй шароитида дамлама тайёрлаб фойдаланиш мумкин. Ундан қайнатма тайёрлаш учун брикетнинг 1—2 донасинигина синдириб олиб 1 стакан совуқ сувга солинади ва 5 минут мобайнида қайнатилади. Сўнг докада сузиб, катталарга ва катта ёшли болаларга қунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан, кичик ёшли болаларга эса қунига 2—3 маҳал 1 чой қошиқдан овқатдан олдин ичирилади.

2. Ўсимликнинг тайёр дамлама ва настойкасини, таблеткасини дорихоналардан олиш мумкин. Рецеттга қараңг.

#### РЕЦЕПТЛАР

- Rp.: Inf. rad. Valerianae 20,0—200, 0  
T. gae Leonuri 20,0  
M. D. S. Қунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилсин.
- Rp.: T. gae Valerianae 30,0  
D. S. Қунига 3 маҳал 20—30 томчида ичилсин.  
Tab. Ectr. Valerianae abductae 0,02  
D. t. d. N. 50  
S. Қунига 3 маҳал 1—2 таблеткадан ичилсин.

**ДОРИВОР САНГВИЗОРБА (ДОРИВОР КҶКҶТ, ДОРИВОР  
КРОВОХЛЕБКА)**

*Кровохлебка лекарственная — Sangisorba officinalis L.*

**Усимлик тасвири.** Раъногулдошлар — Rosaceae оила-сига хос, бўйи 1 м гача ўсадиган кўп йиллик ўт ўсимлики. Пояси тик ўсади, юкори қисми шохланган. Илдизолди барглари узун бандли, поядагилари бандсиз, пояси билан шохларида кетма-кет ўрнашган. Ҳамма барглари тоқ патли мураккаб бўлиб, 4—13 жуфт чўзиқ тухумсимон, тўмтоқ тишсимон ёки ўткир аррасимон киррали баргчалардан ташкил топган. Майда, тўқ қизил гуллари чўзинчоқ бошча шаклида бошоксимон тўпгулга жойлашган. Меваси писта.

Июнь — август ойларида гуллайди, меваси август — сентябрда пишади.

**Географик тарқалиши.** Собик СССРнинг Европа қисми, Кавказ, Крим, Сибирь, Ўзоқ Шарқ, Қирғизистон ва Қозоғистоннинг жанубидаги ўрмон четларида, буталар орасида, нам ерларда ва ўтлоқларда, ботқоқликларда, дарёлар атрофида, тоғли ноҳияларда дарё ва ариқ бўйларида ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Илдизпояси билан илдизи. Уларни кузда, мевалари пишиб тўкилгандан сўнг қовлаб олинади, тупроқдан тозаланади, сувда ювилади, йўғон ва бўйи узунларини бўлақларга бўлиб, офтобда қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Таркибида 12—20 % ошловчи моддалар, 4 % гача сапонинлар, галлат ва эллаг кислоталар, 1,8 % эфир мойи, 29 % крахмал ва бошқа моддалар бор.

Дори препаратлари (қайнатма, суюқ экстракти) меъда ва ичак касалликлари (ич кетиш, энтероколит) ни даволаш, баъзан қон оқшини тўхтатиш учун (қон тупуришда, бачадондан қон кетишида, бавосил касаллиги-да) қўлланилади.

Сангвизорба илдизпояси билан илдизидан тайёрланган қайнатмаси халқ табobatiда ич кетишини тўхтатувчи (буруштирувчи) ва антисептик восита сифатида ишлатилади, у қон кетишини тўхтатади ҳамда оғриқ қолдиради. Эндан ташқари, у турли яраларни даволашда ҳам ишлатилади.

**ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ**

1. Илдизпояси билан илдизидан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан сув қуйилади ва

устига ўсимликнинг майдаланган ер оетки қисмидан 1 ош қошиқда солиб 30 минут давомида қайнатилади. Сўнгра совитилади ва докада сузилади. Тайёр бўлган қайнатмадан кунига 3—4 марта овқатдан олдин 2 ош қошиқдан ичилади.

2. Худди шу усулда тайёрланган қайнатмасига (маҳсулотдан 2 ош қошиқ солиш ҳам мумкин) трихомонада, кандида, лямблия ва замбуруглар келтириб чиқарган касалликларда докани ҳўллаб қўйилса яхши наф беради.

3. Майдаланган ўсимлик илдизпоясидан 6 г олиб 1 стакан қайнаб турган сувга солинади-да, 30 минут паст оловда қайнатилади. Сўнгра совитиб докадан ўтказилади, касалхона шаронтида лямблиоз холециститда дуоденал зонд орқали ўн икки бармоқ ичакка юборилади.

#### РЕЦЕПТ

Rp: Dec. rad. Sanguisorbæ 15,0—200,0

D. S. Кунига 5—6 маҳал 1 ош қошиқдан ичилсин.

#### ДОРИБОР САРСАБИЛ

*Спаржа аптечная (лекарственная) — Asparagus officinalis L.*

**Ўсимлик тасвири.** Сарсабил пиёздошлар — Liliaceae oilасига мансуб, бўйи 70—150 см бўладиган кўп йиллик ўсимлик. Пояси бир нечта, тик ўсувчи, сершоҳ. Барглари ўзгарган, тангачасимон. Яшилнамо сарғиш, бир жинсли, 6 та гулбаргли, гуллари 1—2 тадан узун банди билан тангача барглари қўлтигига жойлашган. Меваси — кизил рангли, юмалоқ шаклли, сершира, 6 та уруғли резавор мева.

Май — июнь ойларида гуллайди, меваси июль — июлда пишади.

**Географик тарқалиши.** Сабзавот сифатида кўплаб ўстирилади ҳамда Россиянинг ғарби, Кавказ ва Ғарбий Сибирда ёввойилашган ҳолда учрайди.

**Қўлланиладиган қисми.** Тиббиётда сарсабилнинг илдизпояси билан илдизи ва баъзан ёш новдалари (пояси) ишлатилади. Илдизпояси йўғон ва горизонтал ҳолда жойлашган бўлиб, кузда қовлаб олинади, сувда ювиб тупроқ ва лойдан тозаланади ҳамда очиқ ҳавода қуритилади. Ёш новдалари йиғилади ва қуритмасдан ёки қуритиб ишлатилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Сарсабил илдизпояси ва илдизлари таркибида сапонинлар, аспарагин, ёш новдаларида — аспарагин, каротин ва бошқа моддалар бор.



Илдизпояси ва илдизи қайнатмаси халқ табобатида истиско, ковуқ яллиғланиши ва сийдик йўлларининг бошқа касалликларини даволаш учун ҳамда сийдик ҳайдовчи ва юрак уришини яхшиловчи восита сифатида қўлланилади. Сарсабил экстрактининг қон босимини пасайтириш, юрак уришини яхшилаш ва сийдик ҳайдаш таъсирига эга эканлиги тажрибада аниқланган.

Ҳайвонларда ўтказилган тажрибалар натижасида сарсабил экстракти ва ўсимликдан ажратиб олинган аспаргин моддаси қон босимини пасайтириш, юрак уришини маромига келтириш, периферик қон томирларни кенгайтириш ва сийдик ҳайдаш таъсирига эга эканлиги аниқланган. Шунинг учун сарсабил илдизпояси ва илдизидан тайёрланган экстракт илмий тиббиётда буйрак ва юрак касалликларида ишлатишга тавсия қилинган.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Ўсимликнинг илдизпояси билан илдизидан қайнатма тайёрлаш учун уларнинг майдаланган қисмидан 60 г олиб 1 л қайнаб турган сувга солинади ва яна бир марта қайнаб чиққувча сув ҳаммомига қўйилади, совитиб, доқада сузилади. Сўнг юқорида айтиб ўтилган касалликларда кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

2. Дамлама тайёрлаш учун 1 стакан қайнаб турган сувга майдаланган новдаларидан 3 чой қошиқ солинади ва 2 соат дамлаб қўйилади. Сўнг доқада сузиб кунига 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичилади.

#### ДОРИВОР (ОДДИЙ) ТОЛОКНЯНКА

*Толокнянка обыкновенная — Arctostaphylos uva-ursi*  
*L. Spreng.*

**Ўсимлик тасвири.** Доривор толокнянка эрикация-дошлар — Ericaceae оиласига мансуб, бўйи 25—30 см келадиган доим яшил бута. Барглари қалин, тескари гухумсимон, текис қиррали бўлиб, қиска банди ёрдамда поя ва шоҳларида кетма-кет ўрнашган. Оқ (юқори қисми пушти) рангли, беш тишли гуллари эгилган шингил гўпгулига жойлашган. Меваси — қизил рангли, беш уруғли, еб бўлмайдиган резавор мева.

Май — июль ойларида гуллайди, меваси июль — сентябрда пишади.

**Географик тарқалиши.** Собик СССР нинг Европа қисми, Кавказ, Шарқий Сибирь ва Узоқ Шарқдаги қуруқ қумли қарағайзорларда, тоғли ерларда ҳамда очик, қумли жойларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Тиббиётда толокнянканинг барги ва баргли ёш новдалари ишлатилади. Ҳсимлик гуллаган вақтида баргли шохчалари қирқиб олинади, ундаги ўтган йилдаги қўнғир баргларини териб ташлаб, очик ерда қуритилади. Қуритилган барглар қўлда териб олинади ёки шохчаларни майдалаб, сир галвирда эланади, йирик шохлари ташлаб юборилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Толокнянка барги таркибида 8%, баъзан 16—25% гача арбутин ва метиларбутин гликозидлари, 30—35% ошловчи моддалар, 6,1% галлат, элаг, хин, урсол кислоталар, флавоноидлар (гиперозид, кверцетин, кверцитрин ва бошқалар), гидрохинон, катехин, антоцианлар ва бошқа бирикмалар бор.

Барг қайнатмаси сийдик йўллари ва қовуқ касалликларида (цистит, уретрит ва бошқа) дезинфекция қилиш ҳамда сийдик ҳайдаш учун қўлланилади. Барги сийдик ҳайдовчи чойлар — йиғмалар таркибига қиради. Кейинги вақтларда толокнянканинг ёш новдалари барги билан бирга ишлатила бошланди.

Уни дорихонадан олиш мумкин.

#### РЕЦЕПТЛАР

Rp.: Decocti fol. Uvae ursi 10,0—180, 0

D. S. Қунига 5—6 маҳал 1 ош қошиқдан ичилсин.

Rp.: Decocti fol. Uvae ursi 3,0—100, 0

D. S. Қунига 5 яшар болага 4 маҳал 1 десерт қошиқдан ичирилсин.

#### ДОРИХОНА УКРОПИ (ФЕНХЕЛЬ)

*Фенхель обыкновенный (укроп аптечный) — Foeniculum vulgare Mill.*

**Ҳсимлик тасвири.** Селдердошлар (соёнбонгулдослар) — *Apiaceae (Umbelliferae)* оиласига мансуб, бўйи 90—200 см га етадиган кўп йиллик ўт Ҳсимлик. Дорихона укропи икки йиллик қилиб ўстирилади. Пояси тик ўсади, сершоҳ. Барглари уч-тўрт марта ингичка чизиксимон ёки ипсимон бўлақларга патсимон ажралган бўлиб, қини ёрдамида пояси билан шохларида кетма-кет ўрнашган. Майда, сариқ рангли, беш бўлакли гуллари поя ва шохлари учига жойлашган мураккаб соёнбон гултўпламни ҳосил қилади. Меваси — қўшалок писта.

Июль — август ойларида гуллайди, меваси сентябрда пишди.

**Географик тарқалиши.** Фенхель ёввойилашган ҳолда Туркменистон жанубида (Сумбар тоғ оралиғида) учрайди.

Украинанинг жануби-гарбий ноҳияларида, Краснодар ўлкаси, Шимолий Кавказда ва Урта Осиёнинг айрим ноҳияларида ўстирилади.

**Кўллааниладиган қисми.** Меваси ва ундан олинадиган эфир мойи. Ўсимлик мевасининг 60—90 % и этилганда ўриб олинади, боғ-боғ қилиб боғлаб, хом мевалари пишиши ва ўсимлик қуриши учун поясининг мевали қисмини тепага қаратиб, хирмонга тўплаб қўйилади (ёғингарчилик вақтида усти берк жойда қурилади). Кейин ўсимлик янчилади, шамол машинасида соғуриб, мевалари тозалаб олинади. Мевасидан фармацевтика заводларида эфир мойи олинади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Мева таркибида 3—6,5 % эфир мой, 20 % гача ёғ, оксил ва бошқа моддалар бор. Эфир мойи 50—60 % анетол, 10—20 % фенхон кетони, 10 % гача метилхавикол ва бошқа терпеноидлардан ташкил топган.

Мевасидан олинган эфир мойи ва ундан тайёрланган укроп суви юқори нафас йўллари яллиғланганда ва шамоллаганда балғам кў-



11-расм. Дорихона укропи (фенхель).

чирувчи, ич юмшатувчи ҳамда ел ҳайдовчи восит. сифатида меъда-ичак касалликлари ва метеоризм (ичак ларда газ тўпланиши, қорин дам бўлиши)да, ича спазмида ва санчиғида, диспепсияда қўлланилади. Баъза меваси ўт пуфағи ва буйрак-тош касаллигида ҳаи ишлатилади. Эфир мойи фармацевтикада суяк дорилар таъмини яхшилаш учун ишлатилади. Меваси сурғи дори сифатида қўлланиладиган, ел ҳайдовчи, ич юмшатувчи кўкрак оғриғида қўлланилувчи, тинчлантирувчи ва ў ҳайдовчи чойлар — йиғмалар таркибига киради.

#### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

Дорихона укропи уругидан 30 г олиб (уни дорихонада. олиш ҳам мумкин) ярим литр қайнаб турган сувга солинади ва 5—10 минут ўраб дамлаб қўйилади. Совига докадан ўтказиб юкорида кўрсатиб ўтилган касалликлар да ҳар куни эрталаб ва кечкурун ярим — бир стаканда ичилади.

#### • РЕЦЕПТЛАР

Rp.: 0,1. Foeniculi 20,0

D. S. Кунига 2—3 маҳал 2—3 томчидан 1 чакмо қандга томизиб шимилсин.

Rp.: Aqua Foeniculi 200,0

D. S. Кунига 3—6 маҳал 1 ош қошиқдан (болаларга 1 чой қошиқдан) ичилсин.

#### ДОРИВОР ҚАШҚАРБЕДА (САРИҚ ҚАШҚАРБЕДА)

Донник лекарственный — *Melilotus officinalis* Desr.

**Ўсимлик тасвири.** Дуккакдошлар — Fabaceae (Legu minosae) оиласига мансуб, бўйи 50—100 (200) см келадиган икки йиллик ўт ўсимлик. Пояси битт ёки бир нечта бўлиб, тикка ўсади. Барглари уч пластинка ли мураккаб, пояси билан шохларида узун банди ёрдамид кетма-кет жойлашган, ништарсимон, бигизсимон ўтки учли ёндош баргчалари бўлади. Барг бўлакчалари чўзи думалок-ништарсимон ёки тескари тухумсимон, майд аррасимон тишсимон киррали. Майда, сариқ гуллари бар қўлтиғидан чиққан кўп гулли шингилга тўплайган. Мевас бир — икки уруғли, ўткир учли дуккак.

Июнь — сентябрда гуллайди, меваси август ойида бошлаб етила бошлайди.

**Географик тарқалиши.** Собик СССРнинг Европ қисми, Кавказ, Ўрта Осиё, Қозғистон ва Фарбий С

Зиринг текислик ва тоғларининг ўрта поясигача бўлган ўтлоқлар, дарё, арик ва кўл бўйларида, йўл ёкаларида, сойларда, боғ ҳамда экинзорларда ўсади.

**Кўлланиладиган қисми.**  
Ер устки қисми.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Таркибида 0,4—0,9 % кумарин, дикумарин, мелilotозид гликозиди, эфир мойи, витамин С ва Е, каротин, холин, шиллик ва бошқа моддалар, уруғида — 8,5 % эр ва 0,13—0,45 % триглицерин алкалоиди бор.

Ер устки қисмининг юмшатувчи ва таъсирловчи хосаси бор. Шунинг учун ундан гайёрланган малҳам йирингти яра ва чипқонни даволашда қўлланилади. Дикумарол қонни ивйтилмайдиган таъсирга эга ва шу мақсадда тромбофлебит касаллигида ишлатилади.

Доривор кашқарбеда билан бир қаторда унинг бошқа гурлари — **Баланд бўйли кашқарбеда** — **Донник рос-тый** (ёки **высокий**) — *Maltis-simus Thuill* ва **Хушбўй кашқарбеда** — **Донник ду-листый** — *M. suaveolens Le-*feb'нинг ер устки қисмлари гибиётда ишлатишга рухсат этилган.

Кашқарбеда дамламаси салқ табобатида ўпка ва оқори нафас йўллари касалликларида, кўкрак оғригида балғам кўчирувчи, юмшатувчи ва оғрик қолдирувчи восита сифатида, бош эриги ва гипертония ка-



12-расм. Доривор кашқарбеда.

салликларини даволаш учун қўлланилади. Баъзан уни ел хайдовчи дори сифатида ҳам тавсия қилишади. Қуритилмаган доривор кашкарбеда ёки ундан тайёрланган малҳам йирингли яраларга боғланади. Бунда яралар йирингдан тозаланади. Яраларни кашкарбеда дамламаси билан ювилса, яхшигина наф беради.

Бирок доривор кашкарбеда препаратлари қўп микдорда ва узок муддат қабул қилинса, бош айланиши, қайт қилиш ва уйқусизлик кузатилиши мумкин.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан қайнатиб совутилган сув қўйилади, устига майдаланган ер устки қисмидан 2 чой қошиқда солиб, дамлаб қўйилади. Кейин докада сузилади ва дамламадан кунига 2—3 маҳал чорак стакандан ичилади.

2. Оғзи ёпиладиган идишга 1 стакан қайнаб турган сув қўйилади, устига 2 чой қошиқда ўсимликнинг майдаланган ер устки қисмидан солиб, бир соат дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузиб, ҳар куни бир ош қошиқдан 2—3 маҳал ичилади.

3. Оғзи ёпиладиган идишга 1 л қайнаб турган сув қўйилади, устига ўсимликнинг майдаланган ер устки қисмидан 100 г солиб бир соат давомида дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузиб, тайёр бўлган дамламани яраларни ювиш ва ванна қилишга ишлатилади.

#### ЕРЕНФОК

*Арахис подземный (земляной орех) — Arachis hypogaea L.*

**Ўсимлик тасвири.** Дуккакдошлар — Fabaceae оиласига мансуб бир йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, сершоҳ, баландлиги 10—75 см. Барглари жуфт патли мураккаб, узун бандлари ёрдамида поя ва шохларида кетма-кет жойлашган. Барг бўлакчалари тескари тухумсимон, эллипесимон ёки чўзиқ-юмалок. Сарик рангли гуллари барг қўлтиғидан ўсиб чиққан рўвакка ёки шингилга тўпланган. Атиги бир кун гуллайди, чаглангандан сўнг қурий бошлайди. Меваси 1—5 уруғли, пилла ёки цилиндрсимон, пишганда очилмайдиган дуккак. Уруғи қизғиш рангли юпка пўст билан қопланган, шакли чўзинчок.

Майда гуллайди, меваси сентябрь — октябрда пишди.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиё, Қозогистон, Кавказ ва собиқ СССР Европа қисмининг жанубий ноҳияларида ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Уруғи ва мойи.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Уруғи таркибида 56 % мой, 37 % оксил, тритерпен сапонинлар, витамин В ва Е, биотин, пантотен кислота, бетаин, холин, 20 % гача канд ва бошқа моддалар бор.

Ерёнғоқ уруғи эмульсия тайёрлаш учун, мойи бодом мойи ўрнида дори моддалардан инъекцион эритма ҳамда учувчан суюқ суртмалар ва мингдемона мойи тайёрлашда қўлланилади. Уруғидан тайёрланган эмульсия бодом уруғи эмульсияси ўрнида меъда ва ичак огриғини қолдириш учун ҳамда юмшоқ сурғи, юмшатувчи, ўраб олувчи ва тиричишга қарши восита сифатида ишлатилади.

Ерёнғоқ уруғи озик-овқат саноатида конфет ва холва, мойи — маргарин тайёрлашда ишлатилади. Ерёнғоқ мойида овқат тайёрлаш мумкин, ундан совун пиширишда ҳам фойдаланилади.

### ЕРЧОЙ, ҚУҚОН ЕРЧОЙИ

*Прямохвостник кокандский — Orthurus kokanicus Rgl.  
et. Schmalh. Juz.*

**Ўсимлик тасвири.** Қўқон ерчойи раъногулдошлар — Rosaceae оиласига мансуб, бўйи 15—45 см га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, айриси-мон шохланган. Илдизолди барглари бандли, тухумсимон-ромбсимон, тишсимон қиррали бўлақларга патсимон қирқилган, поядаги барглари тухумсимон ёки юмалок, уч бўлакли бўлиб, банди ёрдамида ёки бандсиз кетма-кет ўрнашган. Сарик рангли, беш бўлакли гуллари пояси учига жойлашган. Меваси—мураккаб писта.

Июнь—июль ойларида гуллайди, меваси июль—августда етилади.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиёнинг тоғли ноҳияларидаги тошлоқ қияликларда, катта тошлар тагида ва арчазорларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Халқ табобатида Қўқон ерчойининг ер устки қисми ва илдизи ишлатилади. Ер устки қисми ўсимлик гуллаган вақтида йигилади ва соя ерда қуритилади. Илдизи кузда ёки эрта баҳорда қовлаб олинади, сувда ювиб тупроқдан тозаланади ва очик ҳавода қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Ер устки қисми таркибида 8,42 % органик кислоталар, 12 % канд, 4,5 % смола, 467 мг % витамин С, 17,21 % ошловчи моддалар, ер остки органларида — 10,13—15 % канд, 0,42 % эфир

мойи, 6,2 % смола, 5,38 % органик кислоталар, 22,25—40 % ошловчи ва бошқа моддалар бор. Эфир мойи 84,13 % эвгенол, 19,35% альдегид, кетонлар ҳамда терпеноидлардан ташкил топган.

Илдизпоя ва илдизидан тайёрланган қайнатма (ёки дамлама) кўкрак оғриғини, ич кетишини даволашда, оғиз ва томоқ оғриганда томоқни чайиш учун қўлланилади. Оғиз ва томоқни чайкаш учун ер устки қисмидан тайёрланган дамлама ҳам ишлатилади.

Кўкон ерчойи илдизидан эвгенолга бой (эфир мойи таркибида 90 % гача эвгенол бўлади) эфир мойи олинади ва илмий тиббиётда тиш оғриғини қолдириш ва тишнинг турли касалликларини даволаш учун ишлатишга тавсия қилинади.

### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

Кўкон ерчойидан қуйидаги дорилар тайёрланади:

1. Ер устки (ва ер остки) қисмидан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 1 стакан қайнаб турган сув қуйиб устига майдаланган ер устки қисмидан (ёки илдизпояси билан илдизидан) 2 чой қошиқда солинади ва 2 соат давомида дамбаб қўйилади, сўнг доқада сузилади.

2. Ер остки органларидан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишдаги 1 стакан сувга майдаланган илдизпоя билан илдиздан 2 чой қошиқ солиб 15 минут қайнатилади ва 1 соат дамбаб қўйилади. Сўнгра доқада сузилади.

Юқорида кўрсатилган касалликларни даволаш учун дамлама ёки қайнатмадан кунига 3—4 маҳал овқатдан олдин 1 ош қошиқдан ичилади.

3. Оғзи ёпиладиган идишдаги қайнаб турган 2 стакан сувга 2 ош қошиқ ерчойининг майдаланган ер устки қисмидан (ёки илдизпояси билан илдизидан) солиб дамбабланади. Совигандан сўнг доқада сузилади ва оғиз, томоқ оғриганда, милк яллиғланishi, қонашида оғиз ва томоқ чайилади.

### ЕТМАК, БҲРИТИКАН

*Қолучелистник — Acanthophyllum CAM.*

**Ўсимлик тасвири.** Чиннигулдошлар — Сагуорphyllасеае оиласига мансуб, бўйи 80 см га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлики. Илдизлари 6 м гача етади, тик жойлашган. Пояси бир нечта бўлиб тик ўсади, асос қисмидан бошлаб шохланган, оқиш ёки қизғиш рангли. Барглари чизикси-



мон ёки тор ништарсимон бўлиб, пояси билан шохларида бандсиз карама-қарши жойлашган. Барг қўлтигидан ингичка, калта новдалар ўсиб чиқади. Майда, ок ёки пушти рангли гуллари қўшалок шохчаларга жойлашиб, кенг рўваксимон тўпгулни ҳосил қилади. Меваси шарсимон кўсакча.

Июнь — июль ойларида гуллайди, июль — августда меваси етилади.

**Географик таркалиши.** Етмак (бўритикан) турлари Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг Ўзбекистонга чегарадош ноҳияларидаги қўлларда, тоғ этакларидан то ўрта қисмигача бўлган тошлоқларда, шағалли кияликларда, қуриб қолган дарёчаларда ва бўш қолган ерларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Тиббиётда етмакнинг қуйидаги уч тури: Безли етмак — *Колючелистник железистый* — *A. glandulosum* Vge., Етмак (бех) — *Колючелистник качимовидный* — *A. gypsophyloides* Rgl. ва Рўваксимон етмак (бех) — *Колючелистник метильчатый* — *A. paniculatum* Rgl. нинг илдизи ишлатилади. Уни одатда ўсимлик гуллаб бўлганидан кейин қовлаб олинади, тозалаб ювилади ва офтобда қуритилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Етмак (бўритикан) турларининг илдизи таркибида 10—30 % тритерпен сапонинлар ва бошқа моддалар бор.

Етмак илдизи балғам кўчирувчи восита сифатида бронхит, нафас йўллариининг бошқа шамоллаш касалликларида қўлланилади.

Халқ табобатида ҳам етмак (бўритикан) турларининг илдизидан тайёрланган қайнатма бронхит, йўтал ва нафас йўллариининг бошқа касалликларида ҳамда турли яра-ларни даволашда ишлатилади.

Етмак турларининг илдизидан тоза сапонинлар олинади.

Бу ўсимлик илдизидан озиқ-овқат, енгил саноатда ҳамда халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида кенг миқёсда фойдаланилади.

Етмак илдизи қўлириш хусусиятига эга бўлгани учун ундан узок вақтлардан бери нишолда ва турли хил ҳолвалар тайёрлашда фойдаланиб келинади.

#### ЕВВОЙИ САБЗИ

*Морковь дикая* — *Daucus carota* L.

**Ўсимлик тасвири.** Селдердошлар (соябонгулдошлар) — *Ariaceae* (*Umbelliferae*) оиласига мансуб, бўйи 1 м гача етадиган икки йиллик ўт ўсимлик.

Биринчи йили илдизолди барглари билан илдизмеваси, иккинчи йили пояси ҳосил бўлади. Пояси тик ўсади, ичи ковак, юқори қисми шохланган. Барглари икки марта патсимон ажралган, илдизолди ва поясининг пастки қисмидаги барглари узун бандли, юқоридагилари бандсиз бўлиб, пояси билан шохларида кетма-кет ўрнашган. Сарғиш, оқ ёки қизғиш майда гуллари мураккаб соябон гул тўпламига жойлашган. Меваси — қўшалок писта.

Май — июнь ойларида гуллайди, меваси июль — августда етилади.

**Географик тарқалиши.** Суғориладиган ва салқин ерларда, боғларда ва экинзорларда бегона ўт сифатида ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Меваси ва илдизмеваси. Меваси тўлик пишганда ўсимлик йиғиб олинади, хирмонда янчиб, шамолда совуриб тозалаб олинади. Илдизмеваси етилганда ковлаб олинади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Уруғи таркибида 0,5—2 % гача эфир мойи, фурохромонлар, флавоноидлар, ёғ ва бошқа моддалар бор.

Дори препаратлари: даукарин (олдин чиқарилар эди) ва суюқ экстракти палаверин ва келлин сингари спазмолитик ҳамда юрак қон томирларини кенгайтириш таъсирига эга. Даукарин юрак-томир системаси касаллигида (жисмоний меҳнатдан сўнг ёки бошқа ҳолларда, юракда оғрик пайдо бўлганда) қўлланган. Суюқ экстракти уролесан препарати таркибига киради.

Сабзининг экиладиган хили — **Экма сабзи — Морковь посевная — *Daucus sativus* (Hoffm.) Roehl.** — сабзавот сифатида овқатга ишлатиш учун ҳамма ноҳияларда ўстирилади.

Илдизмеваси таркибида 20 мг % каротиноидлар, витаминлар: В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub> ва 14,6 мг % гача витамин С, пантотен кислота, флавоноидлар, 15 % гача қанд, эфир мойи, ёғ, умбеллиферон ва бошқа моддалар бор.

Илдизмеваси юмшоқ сурғи таъсирига эга ва углеводлар алмашинувини тартибга солади. Шунинг учун ёш сабзини углевод алмашинуви бузилганда ҳамда гипо-ва авитаминоз касалликларида истеъмол қилиш тавсия этилади. Илдизмевасидан олинган каротиноидларнинг мойдаги эритмаси экзема, кийин битадиган яра ва бошқа тери касалликларини, йирингли яра, куйган, совуқ урган ерларни ҳамда бурун ва томоқ шиллиқ пардаси зарарланишини даволаш учун ишлатилади.

Еввойи сабзи уруғини ҳамда экиладиган сабзи уруғини ва баргини Абу Али ибн Сино турли яраларни даволашда

хамда сийдик ҳайдовчи восита сифатида қўллаган. Илдизмеvasини сурункали йўтал, плеврит ва ичак оғриғи касалликларида, пиширилган илдизмеvasини истиско касаллигида ишлатган.

Сабзи қадимдан халқ таботатида рақ касаллигига даво қилишда ишлатилади.

#### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Бир нечта сабзини қирғичда қириб, шираси ажратиб олинади ва унга таъбга кўра асал ёки шакар қўшилади. Ундан халқ таботатида йўтал, овоз чикмай қолган ҳолатларда, бавосил, буйрак, сийдик йўллари ва қовуқ-тош касалликларида, камқонлик ва авитаминоз (витамиң етишмаслиги)да кунига 4—5 маҳал бир ош қошиқдан ичилади.

2. Шу касалликларни даволашда сабзини сутда пишириб, эзиб истеъмол қилиш ҳам мумкин.

3. Сабзини қириб ажратиб олинган ширасини ярим — бир стакан (100—200 г) дан буйрак ва ўт касалликларида наҳорга ичилади. Уни доим янги таёрлаб истеъмол қилиш лозим.

4. Сабзи уругидан 5 ош қошиқда олиб 5 стакан қайноқ сувга солинади ва 12 соат ўраб қўйилади. Сўнг доқадан ўтказиб иссиқ холида кунига 3 маҳал 1 стакандан ичилади. Буни ҳам буйрак-тош, ўт-тош касалликларида истеъмол қилинади.

#### ЁНҒОҚ, ГРЕК ЁНҒОҒИ

*Орех грецкий — Juglans regia L.*

**Ўсимлик тасвири.** Ёнғоқ ёнғоқдошлар — Juglandaceae оиласига мансуб, бўйи 20, баъзан 35 м гача етадиган сершоҳ дарахт. Барглари 3—5 бўлакли, тоқ патли мураккаб бўлиб, пояси билан шоҳларида банди ёрдамида кетма-кет ўрнашган. Бўлакчалари қалин, ўзига хос ҳидли, қисқа бандли, тухумсимон, тухумсимон-ништарсимон ёки чўзиқ тухумсимон ва ўткир учли. Майда, кўримсиз, бир жинсли гуллари кучала тўпгулга (оталик гуллари) ёки бир йиллик шоҳларига якка, 2—3 тадан, баъзан 5 тадан жойлашган. Меваси — сохта, данакли (ёнғоқли) мева.

Апрель — май ойларида гуллайди, меваси сентябрда пишади.

**Географик тарқалиши.** Собиқ СССР да ёнғоқ кенг миқёсда ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Тиббиётда ёнғоқнинг барги ва

меваси ишлатилади. Барги ёзнинг дастлабки кунларида (июнь ойнда) йиғилади ва соя ерда қуритилади. Меваси хомлигида (витамин концентрати тайёрлаш учун) ёки тўлиқ пишиб етилганда (ёғ олиш учун) қоқиб олинади, қуритмай ёки қуёшда қуритиб ишлатилади. Баъзан ёнғоқнинг пўстлоғи ҳам ишлатилади. Уни эрта баҳорда шохларидан шилиб олинади ва қуёшда қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Ёнғоқ пўстлоғи таркибида ошловчи, бўёқ моддалар, барги таркибида гидроюглолонлар ва уларнинг гликозидлари, флавоноидлар (кверцетин ва кемпферол гликозидлари), 4—5 % витамин С, Р ва В<sub>1</sub>, каротин, эфир мойи, ошловчи ва бошқа моддалар бор. Бундан ташқари, унинг ёш меваси пўстида 3 % гача витамин С, гидроюглолонлар, 25 % гача ошловчи моддалар, уруги (мағзи) да 66,9—82, 8% ёғ, каротин, С, Е, Р ва В гуруҳидаги витаминлар, темир, кобальт тузлари ва бошқалар бор.

Баргидан тайёрланган дамлама халқ табобатида меъда-ичак яллиғланиши, ич кетиши, диабет ва бошқа касалликларни даволашда ишлатилади. Шу дамлама билан тери сили ва бошқа тери касалликлари, болаларнинг рахит ва ширинча касалликлари ҳамда турли яралар даволанади, ангина ва гингивитда оғиз чайилади. Барг шираси темиртки ва бошқа тери касалликларини даволашда қўлланади. Қорин оғриганда ва кўнгил айниганда ёнғоқ мағзини истеъмол қилиш буюрилади.

Баргидан олинган юглолон препаратлари (суртма, эритма ва суспензиялар) илмий тиббиётда тери сили, экзема, сурункали эпидермофития, темиртки, терининг юқумли, йирингли ва бошқа касалликларини даволаш учун қўлланилади.

Ёнғоқнинг хом меваси пўстидан витамин С концентрати тайёрланиб, цинга ва бошқа авитаминоз касалликларини даволаш ҳамда уларнинг олдини олишда ишлатилади.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Ёнғоқдан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 1 стакан қайнаб турган сув қуйилади, устига қуритиб майдаланган баргдан 1 ош қошиқда солиб, 2 соат дамба қўйилади. Сўнг доқада сузиб болаларнинг рахит ва ширинча касалликларини даволаш учун кунига уч маҳал 1 чой қошиқдан ичирилади. Стоматит, гингивит ва бошқа оғиз ҳамда томоқ яллиғланиши касалликларида шу дамлама билан оғиз ва томоқ чайилса яхши қор қилади.

2. Ёнғоқнинг майдаланган хўл (ёки қурук) баргидан

5 ош қошиқ олиб ярим литр сувга солинади ва 20 минут қайватилади. Сўнг докада сузиб бавосил, чиққон чиққан ва куйган жойларга қайнатма шимдирилган дока боғлам кўйилса, яхши наф беради.

3. Врач рецепти билан дорихонадан унинг дамламасини тайёрлатиб олиб фойдаланиш ҳам мумкин.

#### РЕЦЕПТ

Rp.: Inf. fol. Juglandis  
ex 5,0—200, 0  
D. S. Қунига 3 ма-  
ҳал ярим ош қо-  
шиқдан ичилсин.

#### ЖАҒ-ЖАҒ (ОЧАМБИТ), ОДДИЙ ЖАҒ-ЖАҒ

*Пастушья сумка*  
обыкновенная — *Capsella*  
*bursa-pastoris* L. Medic.

Ўсимлик тасвири. Қарамдошлар (крестгулдошлар) — Brassicaceae (Cruciferae) оиласига мансуб, бўйи 20—30 баъзан 60 см гача етадиган бир йиллик ўт ўсимлик. Пояси битта, баъзан бир нечта, тик ўсади, шохланган ёки шохланмаган. Илдизолди барглари бандли, чўзиқ ништарсимон, кемтик тишсимон қиррали ёки патсимон кесик, баъзан текис қиррали бўлади. Поясидаги барглари кичикрок, текис қиррали бўлиб, бандсиз кетма-кет ўрнашган. Майда, оқиш рангли, тўрт бўлакли гуллари шингил тўнгулига жойлашган. Меваси — тесқари учбурчак ёки тесқари учбурчак-юраксимон қўзоқча.



13- расм. Жағ-жағ.

Апрель ойидан бошлаб кузгача гуллайди, меваси июндан бошлаб етилади.

**Географик тарқалиши.** Жуда кенг тарқалган ўсимлик. Узоқ шимол ва чўл зоналардан ташқари, барча ўтлоқларда, йўл ёқаларида, аҳоли яшайдиган ерларда ва бегона ўт сифатида экинзорларда ўсади.

**Қўллавиладиган қисми.** Ўсимликнинг ер устки қисми. Ўсимлик гуллаши ва меваси етилиши даврида уни илдизи билан суғуриб олинади ва илдизини қирқиб ташлаб, салқин жойда қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Жағ-жағнинг ер устки қисми таркибида гиссопин гликозиди, бурсо кислота, 0,12 % витамин С ва К, флавоноидлар, органик (олма, лимон, вино ва бошқа) кислоталар, холин, ацетилхолин, инозит, сапонинлар, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Дори препаратлари (дамлама, суюқ экстракти) туғруқдан кейинги ва бачадондан қон оқишларни тўхтатиш учун қўлланилади.

**Жағ-жағ қадимдан халқ табобатида доимо ишлатиб келинган доривор ўсимлик.** Ундан тайёрланган дамлама асосан турли қон оқишларни (бачадондан, ўпқадан, меъдадан, ичакдан, буйракдан ва яралардан) тўхтатиш учун ҳамда ич кетиши (айниқса қон аралаш ич кетиши), буйрак ва сийдик йўллари (қон аралаш сийиш ва бошқалар), жигар касалликларини даволашда қўлланилади. Дамламаси яна иситма ҳамда бачадон ракига даво қилишда ишлатилади.

Ундан кўк сомса, кўк чучвара тайёрланади.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Жағ-жағдан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга қайнаб турган сувдан 1 стакан қуйилади, устига ўсимликнинг майдаланган ер устки қисмидан 5 ош қошиқда солиб, икки соат давомида дамлаб қўйилади. Кейин сузилади ва қон оқишларни тўхтатиш учун кунига 4 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

2. Қопқоқли идишга қайнатиб совитилган 1 стакан сув қуйиб, устига жағ-жағнинг майдаланган ер устки қисмидан 3 чой қошиқда солинади ва 8 соат давомида совуқ сувда дамлаб қўйилади. Сўнгра доқада сузиб, тайёр бўлган дамламадан юқорида кўрсатилган касалликларга даво қилиш учун ҳар куни 3—4 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

3. Ўсимликнинг ер устки қисминини эзиб шираси сиқиб олинади-да, юқорида айтиб ўтилган касалликларда кунига 4—5 маҳал 40—50 томчидан ичилади.

4. Куритиб майдаланган ўсимликнинг ер устки қисми-дан 6 ош қошиқда олинади, уни 2 стакан қайнаб турган сувга солиб 1 соат мобайнида ўраб дамлаб қўйилади. Сўнг докадан ўтказиб помлари юқорида келтириб ўтилган касалликларда кунига 4 маҳал ярим стакандан ичилади.

5. Дамлама ва экстрактини дорихонадан олиш ҳам мумкин.

#### РЕЦЕПТЛАР

Rp.: Inf. herbae Bursae pastoris 150,0—300, 0  
D. S. Кунига 3—4 маҳал 1 ош қошиқдан ичилсин.

Rp.: Extr. Bursae pastoris fluidi 50,0  
D. S. Кунига 3 маҳал 20—30 томчидан ичилсин.

#### ЖЕЛТУШНИК, ЧИТРАНҒИ (ЭРИЗИМУМ)

*Желтушник — Erysimum L.*

**Ўсимлик тасвири.** Желтушник (читранғи) карамдошлар (бугулдошлар) — Brassicaceae (Cruciferae) оиласига мансуб бир, икки ва кўп йиллик заҳарли ўт ўсимлик. Тиббиётда икки турининг ер устки қисми қўлланилади.

**Шаббўй желтушник — Желтушник левкойный — E. cheiranthoides L.** Бўйи 120 см гача бўладиган бир йиллик ўт ўсимлик. Собиқ СССРнинг Европа қисми, Сибирь ва Узоқ Шарқдаги ўрмон зоналарида ўсади.

**Ёйиқ (кулранг) желтушник — Желтушник раскидистый (желтушник серый) — E. diffusum Ehrh. (E. capescens Roth.)** бўйи 30—80 см ли икки йиллик ўт ўсимлик. Собиқ СССРнинг Европа қисми, Сибирь ва Ўрта Осиёдаги чўлларда, тошли қияликларда ва буталар орасида ўсади.

**Ўсимлик тасвири.** Желтушник (читранғи) турларининг поялари битта ёки бир нечта, тик ўсувчи, шохланган. Илдизолди барглари (кулранг желтушникда) узун бандли, ништарсимон, сийрак тишсимон қиррали, поясидагилари ништарсимон, чизиқсимон-ништарсимон, текис ёки сийрак тишсимон қиррали бўлиб, пояси билан шохларида қиска банди ёрдамида (пастки қисмидагилари) ёки бандсиз (поясининг юқоридагилари) кетма-кет ўрнашган. Сарик, майда гуллари шингилга тўпланган. Меваси кўп уруғли, тўрт қиррали кўзук.

Май — июнда гуллайди, меваси июнь — июлда етилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Желтушник (читранғи) турларининг ер устки қисми, уруғи, гули.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Таркибида (уруғи ва гулида — 2,6 %, баргида 1—1,5 %, поясида 0,5—0,7 %, илдизида — 0,2 % гача) юрак гликозидлари, уруғида — 40 % гача ёғ бор. Асосий гликозидлари эризимин ва эризимозид ҳисобланади.

Доривор препаратлари юрак қон томирларнинг оғир касалликларини даволашда ишлатилади. Ёйиқ (қулранг) желтушник қуритилмаган ер устки қисмининг шираси юрак касалликларини даволашда ишлатиладиган кардиовален препарати таркибига киради.

Ўсимликнинг ер устки қисмидан тайёрланган дамламаси халқ табобатида юрак касалликларида, шишларда (истискода) ичирилади.

## РЕЦЕПТЛАР

Rp.: Cardiovaleni 30,0

D. S. Қунига 1—2 маҳал 15—20 томчидан совуқ сувга томчиб ичилсин.

### ЖИЙДА (ҚУШ ЖИЙДА, ҚАРҒА ЖИЙДА), ИНГИЧКА БАРГЛИ ЖИЙДА

*Лох узколистный — Elaeagnus angustifolia L.*

**Ўсимлик тасвири.** Жийда жийдадошлар — *Elaeagnaceae* оиласига мансуб, бўйи 3—7 м га етадиган дарахт. Дарахт танаси қизил-қўнғир пўстлоқ билан қопланган. Еш новдалари ва барги кумуш-оқ рангли, қалли ва қаттиқ тангачалар билан қопланган. Барглари ништарсимон ёки эллиписимон, ўткир учли бўлиб, поя ва шохларида банди билан кетма-кет ўрнашган. Хушбўй, сариқ рангли, тўрт бўлакли гуллари 1—3 тадан барг қўлтиғига жойлашган. Меваси — сариқ рангли, чўзик-думалоқ, данакли мева.

Май ойида гуллайди, меваси сентябрь — октябрда пишади.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиё, Собик СССР Европа қисмининг жанубий ноҳиялари, Қавказ ва Ғарбий Сибирдаги тўқайзорларда ўсади. Баъзан ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Халқ табобатида жийданинг меваси ишлатилади. Меваси тўлиқ пишиб етилган вақтида қоқиб олинади ва очик ҳавода қуритилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Жийда меваси таркибида 40—67,8 % қандлар (жумладан 16,12—44,6 % фруктоза, 18—32,79 % глюкоза), 36 % гача танидлар, 0,44—2,46 % органик кислоталар, 100 мг % гача витамин С, минерал тузлар, баргида 251,6—350,0 мг % витамин С, гулида 0,2—0,3 % эфир мойи, пўстлоғида алкалоидлар



(элеагинн, тетрагидрогармол, N-метил тетрагидрогармол) бор.

Жийда меваси (ёки мева қайнатмаси) халқ табобатида меъда-ичак касалликларида (ич кетганда, айникса болаларда), юкори нафас йўллари шамоллашида қўлланади.

Мевасидан олинган пшиатин препаратн илмий тиббиётда меъда-ичак касалликларини даволашда ичишга, оғиз бўшлиғи яллиғланганда чайиш учун ишлатилади. Дарахт танасидан олинган елим фармацевтика амалиётида эмульгатор сифатида ишлатилади.

#### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

Жийдадан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир ярим литр сув қуйилади, устига 50 г мева солиб, бир оз қайнатилади ва кейин бир соат давомида дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузилади. Юкорида кўрсатилган касалликларга даво қилиш учун кунига 2—4 маҳал овқатдан кейин қайнатмадан икки ош қошиқда ичилади.

#### ЖУТ, ЧУЗИҚ МЕВАЛИ ЖУТ

*Джут длинноплодный — Corchorus olitorius L.*

**Ўсимлик тасвири.** Жўкадошлар — Tiliaceae оиласига мансуб, бўйи 2—3 м келадиган бир йиллик йирик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, юкори қисми шохланган. Барглари кенг ништарсимон, аррасимон қиррали бўлиб, банди ёрдамида пояси билан шохларида кетма-кет жойлашган. Барг пластинкасининг асосида иккита ингичка бўлакчаси бор. Майда, сариқ рангли гуллари 1—3 тадан барг қўлтиғига жойлашган. Меваси тор цилиндрсимон, пишганда 3—6 чаноғи бўйлаб очиладиган қўсак. Битта мевасида 200 ва ундан ортик уруғ бўлади.

Июль ойида гуллади, меваси сентябрда етилади.

*Жут уруғи захарли!*

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиёнинг жанубий ноҳияларида ўстирилади.

Қўлланиладиган қисми. Уруғи.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Уруғи таркибида юрак гликозидлари (олиторизид, корхорозид, олиторин кабилар), ёғ ва бошқа моддалар бор. Масалан, олиторизид юракка строфантинга ўхшаш таъсир қилгани учун унинг ампуладаги эритмаси қон айланишининг I — II даражали бузилиши, тахикардия, аритмия ва бошқа юрак-томир системаси касалликларини даволаш учун ишлатилган.



14-расм. Жўка.

ЖўКА (ЛИПА)  
*Lilpa — Tilia L.*

Жўкадошлар — Tiliaceae оиласига мансуб, бўйи 25 м гача стадиган дарахт.

Тиббиётда жўканинг уч туридан олинган гуллари ишлатилади.

Юраксимон (Майда баргли) жўка — Липа сердцевидная (липа мелколистная) — *T. cordata* Mill. (*T. parvifolia* Ehrh), Юраксимон баргли жўка — Липа сердцелистная — *T. cordifolia* Bess ва Йирик баргли жўка — Липа широколистная (Липа крупнолистная, Липа плосколистная) — *T. platyphyllos* Scop. (*T. grandifolia* Ehrh.).

Ўсимлик тасвири. Барглари ўткир учли, арраксимон киррали бўлиб, узун банди ёрдамида шоҳларида кетмакет ўрнашган. Хушбўй, сарик рангли, беш бўлакли гуллари 2—5 (кенг баргли жўкада) ёки 5—11 (юраксимон жўкада) тадан ярим соябон гул тўпламига жойлашган. Меваси — тукли, беш киррали ёки шарсимон, майдарок (юраксимон жўкада) ёнғокча.

Июнь — июль ойларида гуллайди, меваси август — сентябрда етилади.

**Географик тарқалиши.** Жўка турлари Собик СССРнинг Европа қисми, Кавказ, Қрим ва Ғарбий Сибирдаги ўрмонларда ўсади, баъзан катта жўказорларни (Бошқирдистонда юраксимон жўка) ташкил қилади. Жўка турлари манзарали дарахт сифатида истироҳат боғларида, кўчаларда ва боғларда ўстирилади.

**Кўлланиладиган қисми.** Гуллари. Уларни гуллаган вақтида гулолди барги билан бирга қирқиб олиб йиғилади ва соя жойда қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Гули таркибида 0,05 % эфир мойи, тилнацин ва гесперидин (флавоноид) гликозидлари, тритерпен сапонинлар, витамин С, каротин, шиллик, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Гули ва унинг дамламаси терлатувчи йиғмалар — чойлар таркибига киради. У шамоллаш касалликларида терлатувчи дори сифатида ҳамда томоқ оғриганда оғиз ва томоқни чайиш учун ишлатилади.

Жўка турларининг гулидан тайёрланган дамлама халқ табобатида шамоллаш касалликларида терлатувчи, турли қон оқишларда қон оқишини тўхтатувчи восита сифатида қўлланилади. Дамламаси яна йўтални, турли асаб касалликларини ва бош оғриғини даволашда ишлатилади. Иссиқ дамлама билан томоқ оғриганда томоқ чайилади.

#### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан қайнаб турган сув қуйилади, устига майдаланган жўка гулидан 2 чой қошиқда солинади ва ярим соат давомида дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузиб, юқорида кўрсатилган касалликларни даволаш учун ҳар кун 2—3 маҳал овқатдан олдин ярим стакандан иситиб ичилади.

2. Шу усулда тайёрланган дамламанинг 1 стаканига 1 чой қошиқда ичимлик содаси кўшиб юборилса, оғиз ва томоқ оғриғига даво бўлади.

3. Жўка гулидан тайёрланган қайнатма ва дамламани дорихонадан олиб ишлатиш мумкин. Қуйидаги рецептларга қаранг:

#### РЕЦЕПТЛАР

Rp.: Inf.flor.Tiliae ex 15,0—300, 0  
D.S. Ҳар кун 6тиш олдидан 2 ош қошиқда ичилсин.

Rp.: Dec.flor.Tiliae ex 30,0—300, 0  
Natrii hydrocarbonatis 7,0  
M.D.S. Кунига 3—4 маҳал оғиз чайилсин.

Rp.: Florum Tiliae 40,0  
Florum chamomillae 60,0  
M.f. Species

D.S. 1 ош қошиқ махсулотни (йиғмани) 1 стакан қайнаб турган сувга солиб дамлаб қўйилсин. Сўнг 2 ош қошиқдан 3—4 маҳал ичилсин.

### ЗАЙТУН, ЕВРОПА ЗАЙТУНИ

*Маслина европейская — Olea europaea L.*

**Ўсимлик тасвири.** Зайтундошлар — Oleaceae оиласига мансуб, бўйи 3—7 м гача етадиган доим яшил дарахт. Барглари ништарсимон ёки чўзиқ шаклда, қалин, текис қиррали, устки томони тўқ яшил, пастки томони кулранг бўлиб, пояси билан шоҳларида қисқа банди билан қарама-қарши ўрнашган. Майда, кўримсиз гуллари шингилга ёки кам шоҳли рўвакка тўпланган. Меваси — тухумсимон ёки шарсимон данакли хўл мева.

Май — июнь ойларида гуллайди, меваси сентябрь — декабрда пишади.

**Географик тарқалиши.** Қрим, Кавказ ва Ўрта Осиёнинг айрим ноҳияларида ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Мевасидан олинадиган мойи. Мевалари тўлик етилганда эҳтиётлик билан йиғиб олинади ва мой олиш учун заводларга юборилади.

**Кимёвий тарқиб ва ишлатилиши.** Мевасида 70 %, уруғида 30 %, мой бўлади.

Мой эмульсияси буйрак, ўт пуфағи ва ўт йўллари, жигар, ковуқ ва сийдик йўлларида пайдо бўлган тошларни туширишда ҳамда меъда-ичак касалликларида қўлланилади. Мойидан яна баъзи дори моддаларнинг эритмалари ва суртмаларини тайёрлаш учун фойдаланилади. Бундан ташқари, мойи юмшоқ сурги таъсирига эга. У «Олиментин», «Цистенал», «Энатин», «Роватин», «Ровахол» каби комплекс препаратлар тарқибига киради.

Зайтун мойи овқатга ишлатилади ва ундан техникада фойдаланилади.

### ЗИРА, ЭРОН ЗИРАСИ

*Бунюм персидский — Bunium persicum (Boiss) K-Pol.*

**Ўсимлик тасвири.** Зира селдердошлар (соябонгулдошлар) Apiaceae (Umbelliferae) оиласига мансуб, бўйи 40—60 см бўладиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, ўрта қисмидан бошлаб қалқонсимон шоҳланган. Илдиз олди барглари узун бандли, кенг учбурчаксимон, уч бўлакли, бўлақлари узун бандли, ништарсимон

бўлакчаларга патсимон қирқилган, бўлакчалари ўз навба-  
тида узунасига икки марта патсимон қирқилган, поясидаги  
барглари ипсимон бўлакчаларга патсимон қирқилган  
бўлиб, банди ёрдамида поя ва шохларида кетма-кет  
ўрнашган. Оқ рангли, беш бўлакли гуллари мураккаб  
соябон гултўпламига жойлашган. Меваси — чизиксимон,  
кўшалок донча.

Июнда гуллайди, меваси июлда етилади.

**Географик тарқалиши.** Зира Ўрта Осиёнинг тоғли  
ноҳияларидаги юмшоқ тупроқли қияликларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Халқ табобатида меваси  
ишлатилади. Мевалари етилганда ўсимлик ўриб олинади,  
боғлаб хирмонда бир оз қуритилади. Сўнгра уни янчиб,  
меваси шамолда созурилади ва тозалаб олинади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Меваси таркибида  
3 % гача эфир мойи, 13,6 % ёғ, оксил ва бошқа моддалар  
бор. Эфир мойи карен, цимол, терпинолен, карвон,  
линалоол, карвакрол ва бошқа терпеноидлардан таркиб  
топган.

Халқ табобатида зира қадимдан иштаҳа очувчи,  
соғлиқни яхшиловчи, яраларни даволовчи восита сифати-  
да ҳамда гастрит касалликларида ишлатиб келинади. Ибн  
Сино ҳам ўз вақтида зирани шу мақсадлар учун қўллаган.  
Мевасининг кукунини қорин оғриғини қолдириш, талок  
(қора жигар) шишини йўқотиш, мевасининг сиркадаги  
дамламаси эса бурундан қон оқишини тўхтатиш учун  
ишлатилади. Қовурилган меваси сийдик ҳайдовчи восита  
сифатида қўлланилади.

## ЗИРК

*Бирбарис — Berberis L.*

**Ўсимлик тасвири.** Зирк турлари зиркдошлар — *Berberi-  
daceae* oilасига мансуб, бўйи 4 м гача етадиган т и к а н л и  
б у т а. Тиканлари оддий ёки уч бўлакли. Барглари тесқари  
тухумсимон, чўзинчоқ ёки эллипсимон, қалин, текис ёки  
тишсимон қиррали бўлиб, пояси ва шохларида банди  
билан кетма-кет жойлашган. Сарик рангли гуллари оддий,  
шохланган ёки рўваксимон шингилга тўпланган. Мева-  
си — чўзик, чўзик эллипссимон ёки тесқари тухумсимон,  
қора, бинафша ёки тўқ-қизил рангли, нордон, кўп уругли,  
ершира мева.

**Географик тарқалиши.** Зирк турлари Ўрта Осиё  
тоғларининг Ўрта ва пастки қисмида тошли тоғ қияликла-  
рида, ариқлар ёқасида ва арчазорларда ўсади. Оддий зирк  
ёстирилади.

Ўрта Осиёда ўсадиган зирк турларидан 8 таси халқ таботатида қўлланилади. Асосан уч тури кўпроқ ишлатилади.

1. Қора зирк — Барбарис продолговатый — *Berberis oblonga* Schneid.

2. Қизил зирк — Барбарис цельнокрайный — *Berberis integerrima* Bunge.

3. Оддий зирк — Барбарис обыкновенный — *Berberis vulgaris* L.

Қўлланиладиган қисми. Халқ таботатида зирк турларининг илдизи, барги ва меваси ишлатилади.

Кимёвий таркиби ва ишлатилиши. Улар таркибида 0,04—0,9 % алкалоидлар, витамин С, каротин, қандлар, органик кислоталар, бўёқ ва бошқа моддалар бор. Алкалоидлар суммасидан берберин, ятронизин, пальматин ва бошқа алкалоидлар ажратиб олинган.

Алкалоидлар суммаси ва берберин хлорид қон ивишини оширади, қон босимини пасайтиради ва ўт хайдаш таъсирига эга. Шунинг учун тиббиётда берберин сульфат хроник гепатит, гепатохолецистит, холецистит ва бошқа жигар касалликларида ҳамда ўт пуфаги касалликларида ўт хайдовчи дори сифатида қўлланилади.

Зирк илдизи дамламаси халқ орасида юрак-томир ва меъда касалликларини, неврастенияни, бод ва иситмани даволашда қўлланади. Барги ва шохлари қайнатмаси билан бош оғриғи, бурундан қон оқиши даволанади. Мева дамламасидан юрак ишини яхшиловчи, иситмани ва қон босимини пасайтирувчи, чанқоқ қолдирувчи восита сифатида ҳамда неврастения ва ич кетишни даволашда фойдаланилади.

#### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Зирк (қораканд) мевасидан (баргларида ҳам) дахлама ва қайнатма тайёрлаб юкорида эслатиб ўтилган касалликларда ичиш мумкин. Бунинг учун 1 стакан зирк мевасини 0,5 л сувга солиб бир оз қайнатилади. Кейин донадан ўтказиб тайёр бўлган қайнатмани 1—2 ош қошиқдан 3—4 маҳал ичилади. Таъсирига қараб кўпроқ ичиш ҳам мумкин.

2. Заводларда зирк баргларида настойка тайёрланади. Уни 30—40 томчидан ичилади.

#### РЕЦЕПТ

Rp.: T-rae foliorum Berberis 25,0

D.S. Қунига 30—40 томчидан 3 маҳал ичилсин.

## ЗИГИР

*Лен обыкновенный — Linum usitatissimum L.*

**Ўсимлик тасвири.** Зиғирдонлар — Linaceae оиласига мансуб, бир йиллик ўт ўсимлик. Поялари кам шохланган. Улар икки хил: бўйи 60—120 (Лен долгунец — баланд бўйли зиғир) ёки 30—50 см (Лен кудряш — пакана зиғир) бўлади. Барглари ништарсимон ёки тор ништарсимон бўлиб, бандсиз поя ва шохларида кетма-кет ўрнашган. Зангори рангли, беш бўлакли гуллари поя ва шохларининг учида якка-якка жойлашган. Меваси — шарсимон, 10 та уруғли кўсак.

Апрель — май ойларида гуллайди, июнь — августда меваси пишади.

**Географик тарқалиши.** Зиғир Собик СССРнинг Европа қисми ва Ўрта Осиёда кўп миқдорда (Пакана зиғир — *Linum humile* Mill.) ўстирилади. Баъзан ёввойи ҳолда учрайди.

**Кўлланиладиган қисми.** Уруғи ва ундан олинадиган мойи. Меваси этилганда ўсимлик комбайнларда ёки кўл билан йиғиб олинади, хирмонда қуритилади, янчилади ва совуриб уруғи ажратиб олинади. Уруғидан заводларда мой олинади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Уруғи таркибида 5—12 % шиллик модда, 30—48 % ёғ, 18—33 % оксил ва бошқа бирикмалар бор.

Уруғининг дори препаратлари (15—20 % ли қайнатмаси) меъда-ичак шиллик қаватлари яллиғланишида ўраб олувчи ва енгил сурги дори сифатида, нафас йўллари яллиғланганда томоқ ва оғиз чайиш учун кўлланилади. Уруғининг кунжараси — порошоги тананинг оғрийдиган жойларига қиздириб қўйилади. Зиғир ёғидан енгил сурги сифатида ва қуйган жойларни даволашда ҳамда фармацевтика амалиётида суюқ суртма дорилар — линиментлар за тиббиётда совун тайёрлашда фойдаланилади. Зиғир ёғидан олинган линетол препарати атеросклероз касаллигини даволаш ва унинг олдини олишда ҳамда турли куйишларда қуйган жойларга суртиш учун ишлатилади. Линетол «Ливиан», «Лифузоль», «Винизоль» ва «Левовинизоль» комплекс препаратлари таркибига киради.

Қовурилган зиғир уруғини Абу Али ибн Сино ич кетиши ва бошқа меъда касалликларига, йўталга даво қилган, эзилган уруғни шишга ва чипқонга қўйган. Бачадон ва йўғон ичакда шиш бўлганида ҳамда буйрак ва қовук касалликларида зиғир уруғи қайнатмасига тушиб ўтиришни тавсия этган.

Зигир уругидан тайёрланган қайнатма халк табобатида гастрит, меъда яраси ва унинг бошқа касалликларини, йўтал, ангина, буйрак касалликларини даволашда қўлланиб келинади. Шу қайнатмага сут қўшиб ўпка сили билан касалланган беморга берилади. Майдалаб эзилган ёки пишириб эзилган зигир уруги чипқон ва шишларга қўйиб боғланади.

Зигир мойидан озиқ-овқат саноатида ва техникада кенг фойдаланилади.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Қайнатма тайёрлаш учун қопқокли идишга бир ярим стакан сув қуйилади, устига майдаланган зигир уругидан икки чой қошиқда солиб, бир оз қайнатилади ва 10 минут тиндириб қўйилади. Сўнгра 5 минут давомида чайқатиб, кейин докада сузилади. Тайёр бўлган қайнатмадан иччи юмшатиш учун наҳорга ярим стакандан ичилади, шу усулда тайёрланган зигир қайнатмаси ич кетарда ҳўкна қилинади.

2. Сурпдан икки қават қилиб тикилган халтачага майдаланган зигир уругидан олиб, қайнаб турган сувга ботириб олинади ва иссиқлигича бод, радикулит, невралгия ва бошқа шамоллаш касалликларида тананинг оғриган ерига қўйилади.

3. Атеросклероз касаллигида зигир мойини (линетол бўлмаганда) кунига 2 ош қошиқдан эрталаб овқатланниш пайтида ичилади. Даволаш курси 2 ой, ундан кейин 3 ҳафта ўтказиб яна ичишни бошлаш мумкин.

#### РЕЦЕПТЛАР

Rp.: Mucilaginis seminis Lini 50,0  
D.S. Кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилсин.

Rp.: Aquae Calois  
Ol. Lini aa 25,0  
D.S. Қўйган жойга суртиб боғлансин.

#### ИГИР, ОДДИЙ ИГИР

*Аир обыкновенный — Acorus calamus L.*

**Ўсимлик тасвири.** Кучаладошлар — Агасеае оиласига мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик. Илдизпояси судралиб ўсади, кўп шоҳли, серилдиз. Илдизпоясининг юкорисидан барг тўпламлари ўсиб чиққан. Барглари чизиксимон ёки қиличсимон, 60—120 см келади. Пояси



(гул ўки) яшил, тик ўсади, шохланмаган ва баргсиз, уч киррали. Гуллари сўтага тўпланган, сўтаси цилиндрсимон бўлиб, узунлиги 4—12 см келади. Меваси чўзинчок бўлиб, кўнг зруғли; *қизил кўк мева. Илдизпояси билан барглари хушбўй, майда илдизларининг ҳиди бўлмайди.*

Май — июль ойларида гуллайди.

**Географик тарқалиши.** Игир Собик СССР Европа қисмининг жанубида, Қозоғистон, Сибирь, Ёқутистон, Узоқ Шарқ, қисман Қавказ ва Ўрта Осиёдаги дарё, кўл, ҳовуз бўйларида ва кўлмакларда, ботқоқлик ерларда ўсади.

**Кўлланиладиган қисми.** Пояси, барглари, майда илдизлари ва илдизпояси ишлатилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Таркибида 5 % гача эфир мойи, акорин аччиқ гликозиди, 25 % гача крахмал, смола, алкалоид, ошловчи ва бошқа моддалар бор. Эфир мойи кампфең, пинен, камфора, борнеол, каламен, сескви-терпенли спиртлар ва бошқа терпеноидлардан ташкил топган.

Доривор препаратлари (порошок ва дамламаси) хушбўй аччиқ восита сифатида иштаҳа очиш, овқат ҳазмини яхшилаш учун, баъзан буйрак, жигар ва ўт пуфағи касалликларида сийдик ва ўт ҳайдовчи дори сифатида кўлланилади. Игир илдизпояси аччиқ настойка ва меъда-ичак касалликларида ишлатиладиган чойлар — йиғмалар, илдизпоя порошоғи эса меъда, ўн икки бармоқ ичак яраси ва бошқа касалликларда кўлланиладиган «Викалин» ва «Викаир» препаратлари таркибига киради.

Игир илдизпояси қадимдан халқ табobatiда ишлатиб келинган доривор воситадир. Уни Абу Али ибн Сино меъда-ичак ва кўкрак огриғида, жигар ва қораталок касалликларини даволаш учун ҳамда сийдик ҳайдовчи дори сифатида кўллаган.

Илдизпоясидан тайёрланган дамлама, қайнатма ёки арақда тайёрланган настойкаси ҳозирги вақтда иштаҳа очувчи, ел ҳайдовчи, иситма туширувчи, йўтал ва кўкрак огриғи касалликларида огрик қолдирувчи ҳамда балғам кўчирувчи дори сифатида ишлатилмоқда.

### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Дамлама тайёрлаш учун огзи ёпиладиган идишга бир такан қайнаб турган сув қуйиб, устига 2 чой қошиқ тайдаланган илдизпояси солинади ва 2—3 соат дамлаб ўйилади. *Сўнгра домага сувиб олинади. Ҳар кун икки вақтдан ярим соат олдин 3 маҳал чобак стакандан чилади.*

2. Қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 3 стакан сув қуйиб, устига майдаланган илдизпоясидан 15 г солинади ва 15 минут қайнатилади. Кейин совутилади, докада сузилади ва овқатдан ярим соат олдин ярим стакандан кунига 3 маҳал ичилади.

#### **ИЛОНЧЎП, ДОРИВОР ИЛОНЧЎП**

*Воробейник лекарственный — Lithospermum officinale L.*

**Ўсимлик тасвири.** Илончўп кампирчопондошлар (говзабондошлар) — *Boaginaceae* оиласига мансуб, бўйи 50—80 см га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, шоҳланган. Барглари ништарсимон, тукли, текис қиррали бўлиб, пояси билан шоҳларида бандсиз кетма-кет ўрнашган. Оқ ёки оч сарик рангли, беш бўлакли гуллари гажак тўпгулига жойлашган. Меваси — силлик, ялтирок, оқ рангли тўртта ёнғоқчадан ташкил топган.

Апрель — май ойларида гуллайди, меваси май — июлда етилади.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиё, Қавказ, Собик СССРнинг Еропа қисми ва Сибирнинг тоғли ноҳияларидаги тоғ этакларида, текисликларда, арик ва дарё бўйларида, баъзан бегона ўт сифатида боғларда ва экинзорларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Илончўпнинг ер устки қисми халқ табобатида ишлатилади. Уни ўсимлик гуллаган вақтида йиғиб олинади ва соя ерда қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Илончўп ер устки қисми таркибида литоспермин бўёқ моддаси, оз миқдорда алкалоидлар, алантоин бирикмаси, 20 % витамин С, каротин ва бошқа моддалар, уруғида — 20,76 % гача ёғ бор.

Ер устки қисмининг қайнатмаси халқ табобатида шамоллаш касалликлари, бош оғриғи, қорин оғриғи ва буйрак-тош касалликларини даволаш учун, бола туғилишини енгиллатиш ва тезлатишда ҳамда сийдик ҳайдовчи, сурғи ва оғриксизлантирувчи восита сифатида қўлланилади. Янги йиғиб олинган илончўпнинг ер устки қисмини эзиб кесилган, урилган, кўкарган жойларга боғланади.

#### **ИСИРИҚ (АДРАСПАН), ОДДИЙ ИСИРИҚ**

*Гармала обыкновенная — Peganum harmala L.*

**Ўсимлик тасвири.** Қўшяпрокдошлар — *Zygorhyllaceae* оиласига мансуб, бўйи 20—60 см бўладиган ўт ўсимлик. Пояси бир нечта, сершоҳ. Барглари оддий, 4—

5 бўлакка (бўлаклари чизиксимон-ништарсимон) патсимон ажралган бўлиб, поясининг пастки қисмидагилари қисқа банди ёрдамида, юқоридагилари бандсиз пояси билан шохларида кетма-кет жойлашган. Оқ ёки сарғиш гуллари шохларининг учки қисмида якка-якка ўрнашган. Меваси — шарсимон, уч чанокли кўсакча,

Май — июнь ойларида гуллайди, меваси августда етилади.

*Ўсимликнинг ҳамма қисми заҳарли!*

**Географик тарқалиши.** Собик СССР Европа қисмининг жанубий ноҳияларидаги, Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Кавказдаги чўлларда, адирларда, фойдаланилмай ётган ўтлоқларда, тоғларнинг қуйи қисмида, қумлоқ, тошлоқ, тупроқли жойларда ва бегона ўт сифатида экинзорларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Ер устки қисми.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Таркибида 1,5—3 % (илдизиди 2,15—2,70 %, уруғида — 3,5—6 %) гармин, пеганин (вазицин), гарман, дезоксипеганин ва бошқа алкалоидлар бор.

Гармин алкалоидининг хлоргидрат тузи энцефалит касаллигининг асоратини, тутканок, калтирок ва Паркинсон касалликларини даволашда қўлланилган. Дезоксипеганин гидрохлориднинг ампуладаги эритмаси миастения, миопатия ва бошқа мускул касалликларини ҳамда асаб касалликлари — неврит (мононеврит, полиневрит) кабиларда ишлатилади.

Грипп касаллиги авж олган пайтларда исирикни тутатиб бемор ётган хонани дезинфекция қилиш яхши натижа беради.

Исирик қадим замонлардан бери халқ табobatiда кенг ишлатиб келинган. Унинг ер устки қисмини эзиб бўғинлар оғриганда ва нервлар шамоллаганда оғриган ерларга боғлашни Ибн Сино буюрган эди. Ўша вақтларда ҳам исирикнинг оғриқ қолдириш хусусияти табибларга маълум бўлган.

Ўсимликнинг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатма халқ орасида бод, безгак, тутканок, уйқусизлик, шамоллаш ва бошқа касалликларда тинчлантирувчи, ухлатувчи ва оғриқ қолдирувчи восита сифатида қўлланилади. Бу қайнатма яна кўтир ва бошқа тери касалликларига ҳам шифо бўлади. Шунингдек, ер устки қисмининг қайнатмаси терлатувчи ва сийдик ҳайдовчи таъсирга эга.

Нафас қисиш ва нафас олиш кийинлашган вақтларда исирик уруғи қайнатмасини зигир уруғи қайнатмаси билан, захм ва бод касалликларида исирик уруғи

қайнатмасини қалампир уруғи қайнатмаси билан бирга қўшиб ичиш тавсия қилинади.

### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Исириқдан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 1 стакан сув қуйиб устига бир чой қоши майдаланган ер устки қисмидан солинади ва бир оқ қайнатгач 2 соат давомида дамлаб қўйилади. Кейин докада сузиб кунига 1 ош қошиқдан 3—4 маҳал ичилади.

2. Грипп, тумов ва бошқа шамоллаш касалликларида исериқнинг қуриган ер устки қисмидан бир — икки қисм олиб чўғ устига қўйилади ва хонада тутатилади.

### ИСМАЛОҚ. ТУРКИСТОН ИСМАЛОҒИ

*Шпинат туркестанский — Spinacia turkestanica Iljin*

**Ўсимлик тасвири.** Исмалоқ шўрадошлар — Chenopodiaceae оиласига мансуб, бўйи 10—60 см бўладиган икки уйли, бир йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади. Барглари патсимон қирқилган, учидаги бўлакчаси йирик. учбурчак-ёйсимон, қолганлари майда, чўзиқсимон ёки чизиксимон, поясининг ўрта қисмидагилари қисқа бандли учбурчак-ёйсимон, энг юқоридагилари баъзан ланцетсимон бўлиб, узун банди (илдизолди тўп барглари ва поянинг пастки қисмидаги барглари) билан ёки бандсиз пояда кетма-кет ўрнашган. Майда, кўримсиз, бир жинсли гуллари поя учида бошқадан ташкил топган рўваксимон тўпгулга (эркак гуллари) ёки барг қўлтиғига (урғочи гуллари) жойлашган. Меваси — каттик, тиканли тўп мева.

Апрель — июнь ойларида гуллайди ва меваси етилади.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиёда бегона ўт сифатида суғориладиган ерларда, тоғолди яйловларида, буғдойзорларда ва ҳамма экинзорларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Халқ табобатида исмалоқнинг ер устки қисми ишлатилади. Уни ўсимлик гуллаган вақтида йиғилади ва соя ерда қуритилади ёки қуритмай қўлланилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Исмалоқнинг ер устки қисми таркибида каротин, 16 мг % витамин С, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub> қандлар, органик кислоталар, оксил ва бошқа моддалар бор.

Табобатда ер устки қисми ел ҳайдовчи восита сифатида қўлланилади ҳамда камқонликда, рахит ва бошқа авитаминоз касалликларида витаминларга бой парҳез овқат сифатида истеъмол қилишга тавсия этилади.

## ИСПАРАК

*Живокость (дельфиниум) — Delphinium*

Айиктовондошлар — Ranunculaceae оиласига мансуб бир ва кўп йиллик ўт ўсимлик.

Тиббиётда Ўрта Осиёда ўсадиган тўрт турининг ер устки қисмидан фойдаланилади.

Сарик гулли испарак — Живокость полубородатая — **D. semibarbatum** Bienert.

**Ўсимлик тасвири.** Пояси тик ўсади, шохланмаган ёки шохланган, баландлиги 70 см гача бўлади. Барглари бешта сегментларга киркилган (сегментлари узун, тор чизиксимон бўлақларга киркилган), узун ёки қисқа банди ёрдамида поя ва шохларида кетма-кет ўрнашган. Сарик гуллари поя ва шохлари учидан кўп гулли рўваксимон цингилга тўпланган. Меваси — уч киррали баргча.

Май — июнь ойларида гуллайди, июндан бошлаб меваси етилади.

*Ўсимликнинг ҳамма қисми заҳарли!*

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиёнинг тоғли ноҳияларида (Туркменистоннинг тоғли ноҳияларида, Помир-Олой ва Тяньшань тоғларининг ғарбий ноҳияларида) ўсади.

Ер устки қисмидан дельсемин алкалоиди ажратиб олинган.

Баланд испарак — Живокость высокая — **D. elatum** L.

**Ўсимлик тасвири.** Бўйи 80—200 см ли кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси битта ёки бир нечта, тик ўсади, шохланмаган. Барглари панжасимон ажралган, асос қисми юмалоқроқ юраксимон бўлиб, узун банди ёрдамида, поясида кетма-кет жойлашган. Кўк рангли гуллари цингилга тўпланган. Меваси — учта баргчадан ташқил топган.

Июль — август ойларида гуллайди, меваси август — сентябрда етилади.

*Ўсимликнинг ҳамма қисми заҳарли!*

**Географик тарқалиши.** Собик СССР Европа қисмидаги ўрмон зоналарида, Сибирь ва Ўрта Осиёда (Тяньшань шарқидаги тоғларнинг қияликларида) ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Ер устки қисми.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Таркибида 1,3 % (мализида 4 %, уруғида 2,5 % гача) алкалоидлар (элатин, метилликаконитин, дельсин, делатин) ва бошқалар бор.

Чалкаш испарак — Живокость спутанная — **D. confusum** M. Pop.

**Ўсимлик тасвири.** Баландлиги 65 см гача бўлган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, шохланмаган,

баъзан шохланган. Барглари думалок-буйраксимон, уч тухумсимон ёки тескари тухумсимон сегментларга ажраган, сегментлар ўз навбатида кенг наштарсимон бўлаклакка қиркилган бўлиб, бандлари ёрдамида поясининг пастки қисмида кетма-кет ўрнашган. Кўкиш-бинафша рангли гуллари поясининг учидаги кўпгулли, баъзан шохланган шингилга тўпланган. Меваси — учта баргчадан ташки топган.

Июль — августда гуллайди, меваси август — сентябрда етилади.

*Ўсимликнинг ҳамма қисми заҳарли!*

**Географик тарқалиши.** Собиқ СССРнинг Европ қисми, Кавказ, Ўрта Осиё, Сибирдаги тоғларнинг ўрта ва юқори қисмидаги тошли тоғ қияликларида, ўрмонларда; ўтлоқларда ўсади.

Ер устки қисми таркибида 0,18—0,89 % алкалоидлар (кондельфин ва бошқалар) бор.

**Юмалок барг испарак (овчўп) — Живокость круглолистная — *Delphinium rotundifolium* Afan.**

**Ўсимлик тасвири.** Бўйи 40—70 см бўлган кўйиллик ўт ўсимлики. Поясиник ўсади, шохланмаган баъзан шохланган. Барглари юмалок шаклли, асос қисми юраксимон, поясининг юқори қисмидагилари — юмалок учбурчаксимон, асос қисми ўқсимон. Ҳамма барглари панжасимон уч — етти бўлакка ажралган бўлиб, узун (илдизолди барглари) ёки қисқарок бандлари ёрдамида поясида кетма-кет жойлашган. Кўк гуллари сийра шингилга тўпланган. Меваси — учта баргчадан ташки топган.

Июнь — июлда гуллайди, меваси август — сентябр ойларида етилади.

*Ўсимликнинг ҳамма қисми заҳарли!*

**Географик тарқалиши.** Помир-Олой тоғларининг ўрта ва юқори қисмидаги тошли қияликларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Ер устки қисми.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Таркибида 0,58—0,95 % (илдизиди 1,07—1,65 %) алкалоидлар бўлиб уларнинг суммасидан дельсемин, метилликаконитин ва бошқа алкалоидлар ажратиб олинган.

Испарак турларининг дори препаратлари — таблетка ҳолидаги элатин, кондельфин, мелликтин (метилликаконитин алкалоидининг гидройодид тузи) ва дельсиминнинг ампуладаги эритмаси қураре сингари таъсир этувчи восити сифатида гиперкинез, контрактура, Паркинсон ва бошқа мускуллар тонуси ошишидан келиб чиққан касалликларни даволаш, жарроҳлик операцияси вақтида мускулла

гонусини бўшаптириши ҳам-  
да табиий нафас олишни  
ғўхтатиб туриш учун ишла-  
гилади.

Испарак турларининг ер  
устки қисмидан тайёрланган  
сайнатма билан халқ табоба-  
тида иситма, грипп, ангина,  
сўкйўтал касалликлари да-  
воланади ҳамда тиришишга  
зарши восита сифатида  
қўлланилади. Шу қайнатма-  
га арпа унидан қориб қилин-  
ган ҳамирни турли шишларга  
за чийқонларга қўйилади.

#### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

Ўсимликнинг ер устки  
қисми кукунидан 1 чой қо-  
шиқда олиб 2 стакан қайна-  
ган сувга солинади, ўраб қўй-  
ган ҳолда 8 соат тутиб тури-  
лади. Сўнг докадан ўтказиб  
чорак ва ярим стакандан 3  
маҳал ичилади. Ўсимлик за-  
ҳарли! Қўрсатилган микдор-  
дан ортик ичмаслик керак.

#### ИТЖУМРУТ, ТОҒ ЖУМРУТ

Жостер слабительный  
(крушина слабительная) —  
*Rhamnus cathartica L.*

Ўсимлик тасвири. Жум-  
рутдошлар (Чилонжийда-  
дошлар) — *Rhamnaceae*  
иласига мансуб, бўйи 3—8 м  
гача етадиган бута ёки  
гарахт. Шоҳларининг учи  
чканли бўлади. Барглари  
эллипесимон ёки тухумсимон,  
бир оа ўткир учли, майда  
иррасимон қиррали, пояси  
билан шоҳларида банди ёр-



15-расм. Тоғ жумрут (итжум-  
рут)

дамида қарама-қарши ўрнашган. Майда, кўримсиз гуллари 10—15 тадан барг кўлтиғига жойлашиб, ярим соябон гултўпламини ҳосил қилади. Меваси — серсув, шарсимон, данакли мева.

Май — июнь ойларида гуллайди, меваси август — сентябрда пишди.

**Географик тарқалиши.** Собиқ СССР Европа қисмининг жанубий ноҳиялари, Кавказ, Урта Осиё, Қозоғистон ва Ғарбий Сибирдаги тоғ ёнбағирларида, ўрмонларда, арчазор ва ёнқоқзорларда, буталар орасида, дарё водийларида ва сув ёқаларида ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Меваси.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Меваси таркибида 0,76 % антрагликозидлар, флавоноидлар, органик кислоталар, қандлар, пектин ва бошқа моддалар бор.

Мева дамламаси ва қайнатмаси юмшок сурғи дори сифатида қабзиятда ичилади. Меваси сурғи сифатида ишлатиладиган йиғмалар — чойлар таркибига киради.

Тоғ жумрут Россия халқ табобатида XVI асрдан бошлаб рақ касаллигини даволашда ишлатиб келинади.

Мевасидан тайёрланган қайнатмаси халқ табобатида меъда-ичак касалликларида сурғи, истисқо ва подагра касалликларида сийдик ҳайдовчи дори сифатида ҳамда сурункали тери касалликларини даволаш учун қўлланилади.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

Мевасидан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан сув қуйиб, устига мевасидан 1 ош қошиқда солинади, бир оз қайнатиб 2 соат дамлаб қўйилади. Кейин доқада сузилади ва юкорида кўрсатилган касалликларни даволаш учун ҳамда сурғи сифатида ухлашдан ярим соат олдин ярим стакандан ичилади.

#### ИТСИҒАҚ, БАРГСИЗ ИТСИҒАҚ

*Анабазис безлистный (Ежовник безлистный) — Anabasis arhylla L.*

**Усимлик тасвири.** Шўрадошлар — Chenopodiaceae оиласига мансуб ярим бута. Поясининг баландлиги 30—75 см, пастки қисми ёғочланган, юкори қисмидан ҳар йили бўғинли, шохланган яшил новдалар ўсиб чиқади. Барглари майда, тангачасимон, қини ёрдамида новдаларда қарама-қарши жойлашган. Кўримсиз майда гуллари новдалар учида бошоксимон тўлгулни ҳосил қилади.



Меваси — бир уруғли, қанотли, юмалок, серсув ҳўл мева.

Июль — сентябрь ойларида гуллайди ва меваси етилади.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиё, Қозоғистон, Шимолий Кавказ, Озарбайжон ва Волга бўйидаги тақир, ер ости суви ер юзасига яқин бўлган қумли қурук чўл, ярим чўл, шўр ва экин эқилмайдиган ерларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Ер устки қисми, бир йиллик яшил новдалари.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Таркибида 0,5—12 % алкалоидлар (анабазин, афиллин ва бошқа), 13—26 % органик кислоталар, углеводлар ва бошқа моддалар бор. Алкалоидлар ўсимликнинг ҳамма қисмида бўлгани учун *бутунлай заҳарли* ҳисобланади!

Анабазин препарати — анабазин гидрохлорид таблетка ҳолида папирос чекишни ташлашга ёрдам берувчи восита ўрнида қўлланади.

Анабазин алкалоидининг ҳосиласи ҳисобланган метил-анабазин, никотин кислота ва лупикаин ҳам илмий тиббиётда қўлланилади. Метил анабазин беморларнинг нафас фаолияти сусайганда, никотин кислота — витамин РР, пеллагра касаллигини даволашда, лупикаин эса огриксизлантирувчи восита сифатида қўлланилади.

Халқ табобатида... итсигак илдизидан тайёрланган қайнатма ўлка силени даволашда қўлланилади. Ер устки қисмининг қуқуни яраларга сепилади.

Анабазин сульфатнинг (алкалоиднинг сульфат кислота билан ҳосил қилган тузи) сувдаги эритмаси кишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашда қўлланилади.

#### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

Итсигакдан қуқун дори тайёрлаш учун унинг ер устки қисми ўриб олиниб, ювилади ва яхшилаб қурилади (чанг тушмаслиги керак). Кейин ҳовончада янчилади. Ҳосил бўлган қуқунни яра-чақаларга сепилади.

#### ИТТИКАНАК (ҚОРАҚИЗ), УЧ БЎЛАКЛИ ҚОРАҚИЗ

*Черёда трехраздельная — Bident tripartita L.*

**Ўсимлик тасвири.** Астрадошлар (мураккабгулдошлар) *steraceae* (Compositae) оиласига мансуб, бўйи 15—20 (баъзан 100) см га етадиган бир йиллик ўт сымлик. Нояси тик ўсади, асос қисмидан бошлаб арама-қарши шохланган. Барглари учта ништарсимон, ррасимон-тишсимон қиррали бўлакчаларга чуқур



16-расм. Коракыз (Иттиқалык).

қирқилган бўлиб, қанотли калта банди ёрдамида пояси билан шоҳларида карама-қарши ўрнашган. Барглارининг ўртадагиси ёнидагиларга нисбатан анча йирик. Хира сарик рангли гуллари пояси билан шоҳларининг учига жойлашган саватчаларга тўпланган. Меваси — чўзик тесқари тухумсимон писта.

Июнь — сентябрь ойларида гуллайди, меваси июль — октябрда етилади.

**Географик тарқалиши.** У кенг тарқалган бўлиб, нам ўтлоқларда, ботқоқликларда, ариқ бўйларида, бегона ўт сифатида экинзорларда ва бошқа ерларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Ер устки қисми. Ўсимлик гуллай бошлаганида ва қисман гуллаганида ер устки қисми ўриб олинади ва соя ерда қуритилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Ер устки қисми таркибида 28,3—61,26 мг % каротин, 74,8—95,3 мг % витамин С, эфир мойи, 3,55 % гача полифеноллар, флавоноидлар (лютеолин, цинарозид, изооканин), кумаринлар (умбеллиферон, скополитин ва хоказо), 4,3—6,8% ошловчи, шиллик, аччик ва бошқа моддалар бор.

Ер устки қисмининг дамламаси болаларнинг диатез ва баъзи тери қа-

салликларига (экзема ва бошка) шифобахш ванналар қилишда ҳамда баъзан сийдик ҳайдовчи, терлатувчи ва овқат ҳазминин яхшиловчи восита сифатида қўлланилади.

Ўсимликнинг ер устки қисмидан тайёрланган дамлама ёки кайнатмаси халқ табобатида ширинча, рахит, подагра, жигар ва талок касалликларини даволашда қўлланилади. Дамламасти яна терлатувчи, сийдик ҳайдовчи, кон оқишларни тўхтатувчи ва иштаҳа очувчи восита ҳамдир. Булар билан баъзан тери касалликлари (экзема ва бошқаларни) ҳамда рак касаллигининг баъзи турлари даволанади.

Иттиканак (уч бўлакли қорақиз) нинг ер устки қисмидан фойдаланиб болаларнинг баъзи диатез касалликларини ҳамда қўтир ва турли тери касалликларини даволаш учун шифобахш ванна қилинади.

Иттиканак (уч бўлакли қорақиз) нинг янчилган ер устки қисми илон чаққан жойга боғланади, илдининг кайнатмаси чаён чаққанга даво қилинади.

Иттиканак (уч бўлакли қорақиз) нинг ер устки қисми яраларни йирингдан тозалаш, қуритиш ва битишини тезлатиш таъсирига эга. Унинг қуюқ экстрактидан таёрланган суртма билан псориаз (темирткининг бир тури)ни даволаб яхши натижалар олинган. Бундан ташқари, ўсимликнинг ер устки қисми болаларнинг ширинча касаллигини даволаш учун ишлатиладиган чой — йиғмалар таркибига киради.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Ўсимликдан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпилади-ган идишга ярим литр қайнаб турган сув қўйилади, усткка майдаланган ер устки қисмидан 2 ош қошиқда солиб, иссиқ ерда (духовкада) 12 соат дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузиб, юқорида келтирилган касалликларга даво қилиш учун кунига ярим стакандан 2—3 маҳал ичилади.

2. Қопқоқли идишдаги қайнаб турган 1 стакан сувга майдаланган ер устки қисмидан 1 ош қошиқда солинади ва 10 минут давомида дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузиб, кунига 1 ош қошиқдан 2—3 маҳал ичилади.

3. Ўсимликнинг ер устки қисмидан пресслаб тайёрланган брикетларини дорихонадан олиб 2 бўлагини (у 10 бўлакка бўлиб қўйилган бўлади) қайнаб турган 2 стакан сувга солинади ва 15 минут дамлаб қўйилади. Сўнг докада сузиб юқорида айтиб ўтилган касалликларда кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

4. Худди шу усулда тайёрланган дамламадан болаларга ванна қилинаётганда 1 стакан қўшиб юборилса

кичишиш билан кечаётган тери касалликлари олди олинади. Ёки дамламага дока ҳўллаб яра-чақаларга босилса ёки улар ювилса ҳам бўлади.

#### КОВУЛ, ТИКАНЛИ КАВАР

*Каперцы колючие (кавар) — Capparis spinosa L.*

**Ўсимлик тасвири.** Қовул кавардошлар — *Capparida-seae* оиласига мансуб, бўйи 2,5 м гача етадиган сершоҳ, тиканли, ётиб ўсувчи пояли кўп йиллик ўт ўсимлик. Барглари юмалок, тескари тухумсимон ёки эллипсимон бўлиб, пояси билан шоҳларида банди ёрдамида кетма-кет ўрнашган. Оқ рангли, йирик, тўрт бўлакли гуллари узун банди билан барт қўлтиғига жойлашган. Меваси — кўп уруғли, тескари тухумсимон, сершира бўлиб, ҳўл мевага ўхшаб кетади.

Май — июнь ойларида гуллайди, меваси июль — августда етилади.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиё, Қрим, Қавказда йўл ёқаларида, адирларда, темир йўл бўйларида, арик ва каналларнинг қуруқ қирғоқларида, деворлар тагида, ифлос жойларда, тепаликларда, баъзан экинзорларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми:** Халқ табобатида қовулнинг ер устки қисми, меваси ва илдизи ишлатилади. Ер устки қисми ўсимлик гуллаган вақтда йнгилади ва соя ерда қуритилади. Гулини — тўлик гуллаганда, мевасини — етилганда терилади. Гули сояда, меваси эса очик ҳавода куёшда қуритилади. Қовул илдизи эрта баҳорда ёки кеч кузда қовлаб олинади, сувда ювиб, тупрокдан тозаланади ва куёшда қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Қовул ер устки қисми таркибида 0,32 % рутин, кверцетин, 150 мг % гача витамин С, стахидрин, тиогликозид, сапонинлар, бўёк моддалар, мевасида — 36 % гача қандлар, 25—25,6 мг % витамин С, 1,46 % флавоноидлар, тиогликозид; уруғида — 25—36 % ёғ; илдизида — 1,2 % алкалоидлар (стахидрин); 0,44 % флавоноидлар, 4,5 % қанд, кумаринлар ва бошқа моддалар бор.

Абу Али ибн Сино қовул ўсимлигини нафас қисиши, меъда-ичак касалликларини даволаш учун ҳамда оғрик қолдирувчи, яраларни тuzатувчи ва гижжа ҳайдовчи восита сифатида қўллаган.

Халқ табобатида илдизидан тайёрланган қайнатма шамоллаганда, фалаж, сарик, бод, талок касалликларини даволашда, ер устки қисми дамламаси меъда-ичак

касалликлари, яралар ва астмаи даволашда, сийдик ҳайдовчи восита сифатида қўлланилади. Гулининг шираси билан ширинча ва яралар даволанади, мева қайнатмаси милкни мустаҳкамлаш, тиш оғригини қолдириш, бавосил ва бошқа касалликларни даволаш учун ишлатилади.

Илдизининг настойкаси ва қайнатмаси қон ивишини тезлатиш таъсирига эга эканлиги ҳайвонларда ўтказилган тажрибада аниқланган.

### КАНАКУНЖУТ, ОДДИЙ КАНАКУНЖУТ

*Клещевина обыкновенная — Ricinus communis L.*

**Ўсимлик тасвири.** Сутламадошлар — Euphorbiaceae оиласига мансуб, бўйи 2—3 м гача етадиган бир йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, сершоҳ. Барглари 5—11 та йирик, чўзиқ тухумсимон, тишсимон қиррали бўлақларга ажралган бўлиб, барг пластинкасининг марказига бирлашган узун банди ёрдамида пояси билан шохларида кетма-кет жойлашган. Майда, кўримсиз, бир жинсли гуллари шингил тўлгулини ҳосил қилади. Меваси — тиканлар билан қопланган, уч уруғли, пишганда учта чаноғи бўйлаб очиладиган кўсак. Уруғи юмалок-ясси шакли (канага ўхшаган), ялтироқ, текис, олачиноқ рангли бўлиб, **ЗАҲАРЛИДИР!**

Июнь-сентябрь ойларида гуллайди, меваси июль — октябрда пишади.

**Географик тарқалиши.** Канақунжутнинг асли ватани Африканинг тропик қисми. Кавказда, Украина, Ўрта Осиё ва Волга бўйи ноҳияларида ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Уруғидан олинадиган мойи.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Таркибида 40—60 % мой, липаза ферменти, 17 % оксил (шу жумладан 2—3 % ўта заҳарли рицин), 0,1—1 % рицинин алкалоиди ва бошқа моддалар бор.

Канақунжут мойи энг яхши сурғи ҳисобланади. Бундан ташқари, у терини юмшатувчи, гинекология ва жарроҳлик амалиётида ишлатиладиган куйишни, яраларни, лейшманиозни даволовчи суртма ва бальзамлар таркибига қиради, мойдан олинган ундецилен кислотасининг суртмаси «ундецин» ва «цинкундан» дерматозлар, псориаз ва бошқа тери касалликларида қўлланади.

Канақунжут мойи техника (самолёт моторларини мойлаш) да, бўёқлар тайёрлашда, совун пиширишда ҳамда халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида кенг миқёсда ишлатилади.

Мойи дорихоналардан олиб ишлатилади. Қуйидаги рецептларга қаранг:

#### РЕЦЕПТЛАР

Rp.: Ol. Ricini 50,0  
D.S. 2 марта бўлиб ичиш учун.

Rp.: Ol. Ricini 1,0  
D.t.d. N. 15 in caps gelatinasis  
S. Акушерлик амалиётида ярим соат мобайнида  
I донадан ичиш учун

Rp.: Ol. Ricini 50,0  
Spiritus aethylici 95 % 100,0  
M.D.S. Боявга сочни мустаҳкамлаш учун суртилсин.

#### КАТТА ЗУБТУРУМ (БАРГИЗУБ)

*Подорожник большой — Plantago major L.*

**Ўсимлик тасвири.** Зубтурумдошлар — Plantaginaceae оиласига мансуб, калта ва йўғон илдизпояли, поясиз кўг йиллик ўт ўсимлик. Ер устки қисмини илдизолди барглари ва 10—50 см баландликдаги гул ўқи ташкил қилади. Барглари узун, канотли бандли, кенг тухумсимон ёки кенг эллипссимон, текис қиррали, 3—9 та ёйсимон асосий томирли бўлади. Гул ўқи битта ёки бир нечта Майда, кўримсиз, тўрт бўлакли гуллари гул ўқи учидаги бошоқсимон тўпгулга жойлашган. Меваси — тухумсимон кўп уруғли кўсакча.

Июнь-сентябрь ойларида гуллайди ва меваси етилади.

**Географик тарқалиши.** Ҳамма ноҳиялардаги йўл ёқаларида, ариқ, дарё, булок бўйларида, ботқоқликларда далаларда, экинзорларда, ўтлоқларда, ўрмон четларида ва бошқа ерларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Барги билан ер устки қисми. Барглари йил бўйи калта бандли қилиб қирқиб олинади ва тезликда соя ерда қуритилади. Ер устки қисми ўсимлик гуллаган вақтда йиғилади ва қуритилмасдан ундан шире олиш учун фармацевтика заводларига юборилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Барги билан ер устки қисми таркибида 0,1 % эфир мойи, шиллик моддалар сапонинлар, аукубин гликозиди, витамин С (300 мг % гача) ва К, 4,5—32,91 мг % каротин, флавоноидлар (лютеолин, скутелляреин, апигенин, байкалалиен ва уларнинг гликозидлари). Т-омил, органик кислоталар аччиқ, ошловчи ва бошқа моддалар, уруғида 22 % гача ёғ сапонинлар, 44 % гача шиллик ва бошқа моддалар бор.



17-расм. Катта зубтурум.

Катта зубтурумнинг доривор препаратларидан (дамламаси, янги йиғиб олинган барги ёки ер устки қисмининг консервация қилинган шираси, ширасидан тайёрланган плантаглюцид препарати) меъда-ичак касалликлари (гастрит, энтерит, энтероколит), йўғон ичакнинг яллиғланиши, меъда ва ўн икки бармоқ ичакнинг яра касаллигини даволашда фойдаланилади. Бундан ташқари, меъда ширасининг кислоталилиги камайиб кетган ҳолларда ҳам ишлатилади. Барги ёки ер устки қисми шираси билан тузалиши қийин бўлган колит ва яралар даволанади.

Зубтурум барги йўталга қарши ишлатиладиган йиғмалар — чойлар таркибига киради.

Зубтурум қадимдан халқ табобатида турли касалликларни даволашда кўп ишлатилиб келинган ўсимлик. Унинг барги билан Абу Али ибн Сино ўз вақтида қийин битадиган яраларни, шишларни (хавфли шишларни ҳам), кўз яллиғланиши, жигар, буйрак ва бошқа касалликларни даволаган ҳамда қон оқисини тўхтатиш учун ишлатган. Жигар ва буйрак касалликларида ҳамда қон тупуришда беморга зубтурум уруғининг қайнатмасини ичирган, қуритилмаган барг ёки уруғ ширасидан ичак ярасида ҳукна қилган.

Баргидан тайёрланган дамламаси ёки куритилмаган барг шираси халқ табобатида нафас йўллари, кўз, тери, безгак, сўзак, йўғон ичак яллиғланиши ва турли юкумли касалликларни ҳамда яраларни, куйдиргини даволашда, шунингдек, турли қон оқишларни тўхтатишда қўлланилади. Зубтурум барги яна ўпка ва меъда раки касаллигини даволаш учун ҳамда нафас йўллари касалликларида балғам кўчирувчи восита сифатида ишлатилади. Яралар, чипқон ва кесилган ерларни даволаш учун янги узиб олинган барги эзиб боғланади.

Зубтурум уруғидан тайёрланган қайнатмаси ёки шакарга аралаштириб қовурилган уруғи билан қон аралаш ич кетиш (айниқса болалардаги қон аралаш ич кетишда) ҳамда йўтал, иситма, қон тупуриш ва бошқа касалликлар даволанади.

Зубтурумнинг янги йиғилган баргини эзиб тенг микдорда шакар аралаштирилади ва иссик жойда уч ҳафта сақланади. Сўнг шу аралашмадан ажралиб чиққан ширадан кунига 3—4 чой қошиқда ўпка ва меъда раки касаллигини даволаш учун беморга ичирилади.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Дамлама тайёрлаш учун қопқоқли идишдаги 1 стакан қайнаб турган сувга майдаланган зубтурум баргидан 1 ош қошиқда солинади ва 2 соат давомида дамба қўйилади. Сўнггра доқада сузиб юқорида кўрсатилган касалликларни даволаш учун ҳар куни 4 маҳал овқатдан 20 минут олдин 1 ош қошиқдан ичилади.

2. Бирор идишга янги узиб олиб майдаланган баргидан 3 ош қошиқда солинади ва уни шакар ёки асал билан аралаштириб, усти ёпик ҳолда иссик жойда шираси ажралиб чиққунига қадар сақланади. Ширадан турли касалликларни даволаш мақсадида кунига 4 маҳал овқатдан ярим соат олдин 1 чой қошиқдан ичилади.

Қатта зубтурум билан бир қаторда юқорида кўрсатилган касалликларни даволаш учун зубтурумнинг бошқа турларидан: Ништарбарг зубтурум — Подорожник ланцетный — *P. lanceolata* L. ва Уртача зубтурум — Подорожник средний — *P. media* L. дан ҳам фойдаланилади. Уларнинг барглари ҳамда ер устки қисмидан олинаниган доривор препаратлари илмий тиббиётда ишлатишга рухсат этилган. Халқ табобатида эса қадимдан ишлатиб келинади. Зубтурумнинг бу турлари одатда қатта зубтурум билан бирга ўсиб, ўз таркибида бир хил кимёвий моддалар сақлайди.



## КАШНИЧ, ЭКМА КАШНИЧ

*Кориандр (кишнец) посевной — Coriandrum sativum L.*

**Ўсимлик тасвири.** Селдердошлар (Соябонгулдошлар) — *Ariaceae* (*Umbelliferae*) оиласига мансуб, бўйи 30—70 см келадиган бир йиллик ўт ўсимлик. Поястик ўсувчи, юқори қисми шохланган, илдизолди барглари узун бандли, уч бўлакка киркилган, кирраси тишсимон кесилган; поясининг пастки қисмидаги барглари кеска бандли, икки бўлакка киркилган, ўрта ва юқоридагилари кинли, бандсиз, икки-уч бўлакка ажралган бўлиб, поя ва шохларида кетма-кет ўрнашган. Майда, пушти рангли гуллари мураккаб соябонга тўпланган. Меваси — кўнгир ёки сарғиш кул ранг, думалок шаклли кўшалок донча.

Июнь — август ойларида гуллайди, меваси август — сентябрда пишади.

**Географик тарқалиши.** Собик СССР Европа қисмининг жанубий ноҳияларида, Кавказ ва Ўрта Осиёда ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Меваси ва эфир мойи. Меваси етилганда ўсимлик ўрилади, хирмонда янчиб, меваси ажратиб олинади. Эфир мойи майдаланган мевасидан сув ёки сув буғи ёрдамида ҳайдаб олинади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Меваси таркибида 0,7—1, 5 % эфир мойи, 10—12 % ёғ, оксид ва бошқа моддалар бор. Эфир мойи 50—80 % линалоол, фелландрен, пинен ва бошқа бирикмалардан ташкил топган.

Меваси ва эфир мойи ўт ҳайдаш, оғриқ қолдириш ва антисептик таъсирга эга, овқат ҳазмини яхшилайдди. Дори препаратлари (мева порошоги, дамламаси ва йиғма — чойлар таркибида) иштаҳа очадиган, овқат ҳазмини яхшилайдиган ва ўт ҳайдайдиган восита сифатида ҳамда бавосил касаллигида ва яраларни даволашда қўлланилади. Эфир мойи антисептик, оғриқ қолдирувчи, ўт ҳайдовчи восита сифатида ва бавосил касаллигида ишлатилади. Кашничнинг спиртли суви ва эфир мойи баъзи суяқ дори шакллари таъмини яхшилаш учун уларга қўшилади.

Кашнич меваси меъда ва бавосил касалликларида ишлатиладиган чой — йиғмалар таркибига киради.

Абу Али ибн Сино кашнич мевасини бош айланишида, қорин дам бўлганда қўллаган, коворилган мевасини қушишни тўхтатиш ҳамда меъда-ичак касалликларини даволаш учун ишлатган. Қон тупуришни даволаш мақсадида беморга кашнич мевасини зубтурум барги шираси билан бирга истеъмол қилишни буюрган.

Қашнич меваси порошоги, дамламаси ва настойкаси халқ табобатида меъда-ичак касалликларини (овқат хазмининг бузилишида, меъда шираси кўп ажралган ҳолларда) даволаш, баъзан гижжаларни тушириш ҳамда оғиздаги ёкимсиз ҳидни йўқотиш учун қўлланилади. Мевасининг эфир мойи бавосилга даво қилинади, жигар ва ўт пуфаги касалликларида ўт ҳайдовчи (порошоги, дамлама ва настойкаси) восита сифатида ишлатилади.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Мевасидан дамлама тайёрлаш учун қопқокли идишга 1 стакан қайнаб турган сув қўйилади, устига майдаланган (эзилган) мевасидан 3 чой қошиқда солиб 15 минут дамланади, сўнгра доқада сузилади. Тайёр бўлган дамламадан юқорида кўрсатилган касалликларга даво қилиш учун ҳар куни 3 маҳал овқатдан ярим соат олдин икки ош қошиқдан ичилади.

2. Оғиздаги ҳидни йўқотиш учун 1 стакан қайнаб турган сувга 5—6 чой қошиқ майдаланган мевасидан солиб 15—20 минут ўраб қўйилади. Сўнг доқада сузиб, тайёр бўлган дамламага оғиз чайилади. Зарурат туғилган пайтларда такрор-такрор чайиб турилади.

#### ҚУНГАБОҚАР

*Подсолнечник однолетний — Helianthus annuus L.*

**Ўсимлик тасвири.** Астрадошлар (мураккабгулдошлар) — Asteraceae (Compositae) оиласига мансуб, бўйи 1,2—2,5 м бўладиган бир йиллик ўт ўсимлик. Поястик ўсади, шохланмаган ёки юқори қисми шохланган ва дағал туклар билан қопланган. Поясининг пастки қисмидаги барглари юраксимон, юқоридагилари тухумсимон, ҳаммаси йирик ва нотекис тишсимон қиррали бўлиб, узун банди ёрдамида пояси билан шохларида кетма-кет ўрнашган. Сарик рангли гуллари пояси билан шохлари учига жойлашган йирик саватчаларга тўпланган. Меваси — турли рангдаги писта.

Июнь — август ойларида гуллайди, меваси август — сентябрда етилади.

**Географик тарқалиши.** Ватани Америка. Собик СССРда Шимолий Кавказ, Волга бўйи, Ғарбий Сибирь, Воронеж ва Курск вилоятларида, Украина, Молдавия, Қозоғистон ва Ўзбекистон жумҳуриятларида ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Барги, саватча четига жойлашган сарик рангли тилсимон гуллари, меваси ва ундан

олинадиган мойи. Усимлик гуллаганда барг пластинкаси (барги бандсиз ҳолида) ва тилсимон гуллари йиғилади, соя ерда қуритилади. Меваси тўлиқ пишганда саватчалар қирқиб олинади, хирмонда қуритиб, янчиб мевалари ажратилади. Мевасидан заводларда мой олинади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Уруғи таркибида 38 % гача мой, хлороген, лимон ва вино кислоталари, каротиноидлар, фитин, 26,55 % углеводлар, 13,5—19,1 % оксил, ошловчи ва бошқа моддалар бор. Кунгабоқарнинг барги ва тилсимон гуллари таркибида солант кислота, арнидиол ва фарадиол тритерпен диоллар, флавоноидлар (кверцимеритрин ва цианидин гликозиди), салонинлар ва бошқа моддалар бўлади.

Кунгабоқар мойи учувчан суртма, мингдевона мойи билан малҳамлар, баъзан доривор моддаларни эритиш ҳамда яшил (калий) совун тайёрлаш учун қўлланилади. Кунгабоқар мойи «Ливиан» препарати таркибига киради. Баъзан барги ва гулидан тайёрланган настойка иштаҳа очиш учун ишлатилади.

Кунгабоқарнинг барги билан гулидан тайёрланган настойка халқ табobatiда безгак касаллигини даволашда, иштаҳа очиш ва овқат ҳазмини яхшилаш учун ишлатилади. Баргининг дамламаси билан иситма, гулидан тайёрланган қайнатма билан безгак, иситма, ич кетиши, бод, сарик ва юрак касалликлари даволанади. Гулларининг қайнатмаси яна сийдик ҳайдовчи восита сифатида ҳам қўлланилади.

## ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Кунгабоқардан настойка тайёрлаш учун майдаланган барги билан гулининг тенг миқдорда олинган аралашмасидан бир қисм олиб, бирор идишга солинади ва устига 5 қисм арақ қуйиб, 1 ҳафта қўйиб қўйилади. Кейин докада сузилади ва безгакни даволашда ҳамда иштаҳа очиш мақсадида кунига беш маҳал овқатдан ярим соат олдин 30—40 томчидан ичилади.

2. Дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишдаги 1 стакан қайнаб турган сувга майдаланган барг (ёки гули) дан 1 ош қошиқда солинади ва 15 минут дамлаб қўйилади. Сўнг докада сузиб иситмага даво қилиш ёки иштаҳа очиш учун кунига 3—4 маҳал овқатдан ярим соат олдин ярим стакандан ичилади.

3. Қайнатма тайёрлаш учун қопқоқли идишдаги 1 стакан сувга майдаланган гулидан 1 ош қошиқда солиб 15 минут давомида қайнатилади ва 1 соат дамлаб

қўйилади. Кейин докада сузилади. Сўнг юқорида кўрсатиб ўтилган касалликларда ҳар куни 3—4 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

#### КУНГУРАЛИ ҚАЛАНХОЯ ВА ПАТСИМОН ҚАЛАНХОЯ

*Каланхоэ городчатое*—*Kalanchoë crenata* Naw. va.  
*Каланхоэ перистое* — *Kalanchoë pinnata* (Lam.) Pers.

**Ўсимлик тасвири.** Каланхоэ турлари Семизакдошлар — Crassulaceae оиласига мансуб, бўйи 180 см гача етадиган кўп йиллик, доим яшил ўт ўсимлик ёки ярим бута. Поясининг пастки қисми бир оз ёғочланган. Барги қалин, этли, эллипссимон ёки 2—5 бўлакли ток патли, кирраси кунгурали бўлиб, банди ёрдамида қарама-қарши ўрнашган. Сарик ёки яшилнамо, оқ-пушти рангли, тўрт бўлакли, найчасимон гуллари рўваксимон гултўпламига жойлашган. Меваси — кўсакча.

**Географик тарқалиши.** Ватани тропик Африка. Собиқ СССРда гулхоналарда ва хоналарда ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Тиббиётда каланхоэ турларининг янги йиғилган ер устки қисми ва ундан олинган шираси ишлатилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Каланхоэ таркибида флавоноидлар, 35—40 % гача полисахаридлар, органик (олма, сирка, лимон, оксалат ва бошқа) кислоталар, витамин С, ошловчи ва бошқа бирикмалар бор.

Қуритилмаган ер устки қисми шираси куйган жойларни, яралар, жароҳатлар, окма яралар (айниқса, суякларнинг окма яраси) ни даволаш учун қўлланилади.

Каланхоэ турлари бизнинг шароитда хоналарда ўстирилади. Унинг препаратлари: шираси ва суртмаларини дорихонадан олиб фойдаланиш мумкин. Рецептга қаранг.

#### РЕЦЕПТЛАР

Rp.: Succ. Kalanchoës 100,0  
D.S. Сиртта суртиш учун.

Rp.: Ung. Kalanchoës 100,0  
D. S. Сиртта суртиш учун.

#### КУНЖУТ, ЭКМА КУНЖУТ

*Кунжут индийский* (*кунжут восточный*) — *Sesamum indicum* L.

**Ўсимлик тасвири.** Кунжутдошлар — Pedaliaceae оиласига мансуб, бўйи 60—100 см га етадиган бир йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, шохланган, тўрт —

саккиз киррали. Поясининг пастки қисмидаги барглари юмалоқроқ, ўрта қисмидагилари кенг ништарсимон ёки чўзиқ тухумсимон, юқоридагилари ништарсимон, ҳаммаси текис ёки тинчсимон киррали бўлиб, пояси билан шохларида банди ёрдамида кетма-кет ёки қарама-қарши ўрнашган. Йирик оч пушти ёки пушти рангли гуллари 1—3, баъзан 5 тадан барг қўлтиғига жойлашган. Меваси — тўрт киррали, кўп уруғли, пишганда очиладиган кўсак.

Июнь — июль ойларида гуллайди, меваси август — сентябрда етилади.

**Географик тарқалиши.** Ватани Африканинг жануби-ғарбий ноҳиялари. Ўрта Осиё, Закавказье, Қрим, Краснодар ўлкаси, Украина ва Молдавияда ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Уруғидан олинадиган мойи. Меваси етилганда ўсимлик йиғиб олинади, хирмонда қуритилади, янчилади ва уруғини елпиб ёки машиналар ёрдамида тозаланади. Заводларда уруғидан мой олинади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Уруғи таркибида 60 % гача мой, витамин Е, Т-омил, сезамол, сезамин ва сезамолин лигнанлари ва бошқа моддалар бор.

Мойи фармацевтика амалиётида дори моддаларни эритиш, малҳам ва суртмалар тайёрлашда қўлланилади. Кунжут мойи қондаги тромбоцитлар миқдорини оширади ва қон-вишини тезлатади. Шунинг учун у баъзан қон касалликларини (тромбопения, геморрагик диатез ва бошқалар) даволашда ишлатилади.

Кунжут уруғи ва мойини Абу Али ибн Сино нафас олиш оғирлашиб қолган ҳолларда беморга истеъмол қилишга берган. У яна уруғ ва мойи билан танадаги, кўздаги шишларни, астма касаллигини ҳамда қон қўйилган, урилиб кўқарган жойларни даволаган.

Кунжут уруғи ва мойи озик-овқат саноатида кенг миқёсда ишлатилади.

#### КУЧАЛА ДАРАХТИ

*Чилибуха — Strychnos nux vomica L.*

**Ўсимлик тасвири.** Кучала ўсимлиги логаниядошлар — Loganiaceae оиласига мансуб, бўйи 15 м гача етадиган д а р а х т. Барглари тухумсимон, қалин, ялтироқ, туксиз, пояси билан шохларида банди ёрдамида қарама-қарши ўрнашган. Оқиш-яшил рангли, кўрimsиз, беш бўлакли (баъзан тўрт бўлакли) гуллари ярим соябонга жойлашган. Меваси шарсимон, кизил-сарик рангли, 2—8 уруғли ҳўл мева,

*Ўсимликнинг ҳамма қисми заҳарли!*

**Географик тарқалиши.** Ватани Осиёнинг жануби-шарқидаги ва Австралиянинг шимолидаги тропик ноҳиялар.

**Қўлланиладиган қисми.** Тиббиётда кучаланинг уруғи — кучаласи ишлатилади. Кучала асосан чет элдан келтирилади. Баъзан яширин ҳолда чет элдан келтирилган кучала Ўрта Осиё бозорларида учраб туради.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Кучала уруғи таркибида 2—3 % алкалоидлар (стрихнин, бруцин, вомицин ва бошқа), логанин гликозиди, хлороген кислота ва бошқа моддалар бор.

Доривор препаратлари (настойкаси, курук экстракти ва стрихнин нитратнинг порошок ва ампуладаги эритмаси) марказий нерв системасини кўзгатиш таъсирига эга бўлиб, моддалар алмашинуви бузилишида, ичак яраси ва ичакнинг заифланиши — атониясида (ичак тонусининг йўқолиши ва сурункали ич кетиш), кўзнинг амблиопия, амавроз ва бошқа касалликларида ҳамда иштаҳа очиш учун қўлланилади. Стрихнин нитрат баъзан хлороформ, алкоголь ва бошқа моддалардан заҳарланганда ишлатилади ҳамда модда алмашинуви бузилганда қўлланиладиган баъзи бир комплекс препаратлар таркибига киради.

#### КҶК БҶТАҚҶЗ

*Василек синий — Centaurea cyanus L.*

**Ўсимлик тасвири.** Астрадошлар (мураккабгулдошлар) — Asteraceae (Compositae) оиласига мансуб, бўйи 4—80 см га етадиган бир йиллик ўт ўсимлик. Поястик ўсади, юқори қисми шохланган. Поясининг пастки қисмидаги барглари бандли, патсимон бўлиб ўсимлик гуллаганида куриб қолади, юқори қисмидаги барглари чизиксимон ёки ингичка ништарсимон, текис киррали, бандсиз поясида кетма-кет жойлашган. Кўк рангли гуллари саватчага тўпланган. Меваси — кизғиш рангли, учмали писта.

Июнь — июль ойларида гуллайди, меваси августда етилади.

**Географик тарқалиши.** Собиқ СССРнинг Европа қисми, Кавказ, камроқ Ўрта Осиё ва Узоқ Шарқдаги ўтлоқларда, боғларда, бугдойзорларда, экинлар орасида ва бошқа ерларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Гули ва гулбарги.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Кўк бўтакўз таркибида цинарин, centaурин ва цикорнин гликозидлари, антоцианлар, кумаринлар, шиллик, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Гулининг дамламаси юрак ва буйрак фаолияти бузилиши натижасида танага келган шишни (истиско касаллигини) даволашда сийдик ҳайдовчи восита сифатида қўлланилади. Гуллари сийдик ҳайдовчи чой — йиғмалар таркибига кирилади.

Кўк бўтакўз гулининг дамламаси халқ табобатида шамоллаш, йўтал, кўкйўтал, қорин ва қовуқ оғриқлари, ич кетиши, асаб касалликларида қўлланилади. Дамламаси яна сийдик ҳайдовчи, терлатувчи, бачадондан қон оқишини тўхтатувчи восита сифатида ишлатилади. Баъзан кўз касалликларида ҳам қўлланилади.

#### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Бўтакўз гулидан дамба тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув қуйиб, устига тилсимон гулларида бир чой қошиқда солинади ва бир соат дамба қўйилади. Кейин докада сузилади ва сийдик ҳайдаш учун кунига 3 маҳал овқатдан 15—20 минут олдин чорак стакандан ичилади. Кўз қизариб яллиғланганда уни шу дамба билан ювиш ҳам мумкин.

2. Дорихонадан кўкбўтакўз гулидан 100 г олиб ундан 10 г ни 200 г қайнаб турган сувга солинади ва 20—30 минут дамба қўйилади. Сўнг докадан ўтказиб, сийдик ҳайдовчи дори ўрнида чорак стакандан 3 маҳал овқатдан 20—30 минут олдин ичилади.

#### РЕЦЕПЛАР

Rp.: *Florum Centaureae cyanii* 50,0

D.S. Кўк бўтакўз гулидан 1 чой қошиқда олиб қайнаб турган 1 стакан сувга солиниши ва дамба қўйилсин. Совиғач докадан ўтказиб учга бўлиб 3 маҳал ичилсин.

Rp.: *Fol. Uvae ursi*.

*Flor. Centaureae cyanii* āā 30,0

*Rad. Licirittiae* 10,0

M.f. species

D.S. 1 чой қошиқ йиғмадан 1 стакан сувга солиб қайнатилсин ва ярим соат дамба қўйгандан сўнг докадан ўтказиб 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилсин.

#### КЎКТИҚАН

*Синеголовник — Eryngium L.*

**Ўсимлик тасвири.** Кўктиқан турлари селдердошлар (соябонгулдошлар) — *Ariaceae* (*Umbelliferae*) оиласига мансуб, бўйи 50—100 см бўладиган кўп йиллик

ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, ўрта қисмидан бошлаб шохланган. Барглари қалин, кенг тухумсимон ёки чўзиқ шаклли бўлиб, йирик учбурчаксимон, тиканли, тишли бўлакчаларга икки марта патсимон қирқилган ёки уч бўлакка ажралган, узун банди, бандсиз ёки кини ёрдамида поя ва шохларида кетма-кет ўрнашган. Майда, кўк рангли беш бўлакли гуллари бошча тўпгулига жойлашган. Меваси — кўшалок писта.

Май — июнь ойларида гуллайди, меваси июнь — июлда етилади.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиё ва Кавказнинг тоғ этакларида, шағалли қияликларида, текисликларда, боғларда, экинзорларда, далаларда, нам ерларда ўсади.

Халқ табобатида икки тури ишлатилади: **Биберштейн кўктикани** — **Синеголовник Биберштейна** — *E. biebersteini-anum Nevski* ва **Йирик косачали кўктикан** — **Синеголовник крупночашечный** — *E. macrocalyx Schrenk*.

**Қўлланиладиган қисми.** Халқ табобатида кўктикан турларининг илдизи, баъзан ер устки қисми ишлатилади. Илдизи кеч кузда ёки эрта баҳорда ковлаб олинади, сув билан юзиб тупроқ ва лойдан тозаланади, йирикларини майдалаб, очик ҳавода — қуёшда қуритилади. Ер устки қисми илдизолди барглари билан бирга йиғилади ва соя ерда қуритилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Кўктикан турларининг илдизи таркибида 1,45—14,39 % сапонинлар, кумаринлар, канд, эфир мойи ва бошқалар, баргида сапонинлар, 1,6—8,37 % флавоноидлар, кумаринлар, эфир мойи, канд, шиллик ва бошқа моддалар бор.

Илдиз қайнатмаси ёки дамламаси халқ табобатида ширинча, турли шишлар, истиско ва бошқа касалликларни даволашда ҳамда буйрак ва сийдик йўллари касаллигида сийдик ҳайдовчи восита сифатида қўлланилади. Баъзан ер устки қисми дамламаси камқонликни даволашда ҳам ишлатилади.

Кўктикан турлари, улардан ажратиб олинган сапонинлар ва шиллик моддаларининг сийдик ҳайдаш таъсирига эга эканлиги ҳайвонларда ўтказилган тажрибаларда аниқланган. Шунинг учун уларнинг қайнатмаси, сапонинлар ва шиллик моддалари йиғиндиси (суммаси) илмий тиббиётда буйрак, сийдик йўли, истиско касалликларида сийдик ҳайдовчи восита сифатида ишлатишга тавсия қилинган.



## ЛАМИНАРИЯ

### Ламинария — *Laminaria* L.

**Усимлик тасвири.** Ламинария турлари ламинариядошлар — *Laminariaceae* оиласига мансуб кўнғир рангли сув ўти. Ламинария узунлиги 3—6 м бўлиб, таллом (чўзинчоқ баргсимон пластинка), пояга ўхшаш қисм ва денгиз тагига ёпиштириб турувчи ризоидлардан (илдиз ўрнини босади) ташкил топган. Баргсимон пластинкаси юмшоқ ва шилимшиқ бўлиб ҳар йили кеч кузда тўкилади. Қишда эса баргга ўхшаш қисми янгитдан ўсиб чиқади.

**Географик тарқалиши.** Ламинария турлари шимол денгизлари (Баренц денгизи ва Оқ денгиз), Узоқ Шарк — Тинч океани (Япон, Охота ва бошқа денгизлар) ва Қора денгизда кўп учрайди.

Ламинариянинг кўйидаги турлари тиббиётда ишлатилади: Бармоксимон қирқилган ламинария — Ламинария пальчаторассеченная — *L. digitata* (Hudg.) Lam., Чучук ламинария (денгиз карами) — Ламинария сахаристая (Морская капуста) — *L. saccharina* (L.) Lam., Япон ламинарияси — Ламинария японская *L. japonica* Aresch.

**Қўлланиладиган қисми.** Тиббиётда ламинария турларининг талломи ишлатилади. Маҳсулот кўпинча Оқ денгиздан 5—6 м чуқурликдаги жойдан махсус ҳаскаш ва бошқа асбоблар ёрдамида йиғиб олинади, қирғоқда тозалаб, очик ҳавода — қуёшда қуритилади. Ламинария бошқа денгизлардан ҳам йиғилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Ламинария турлари талломи таркибида 30 % гача полисахарид — альгин (альгинат) кислота, 20 % гача маннит ва бошқа углеводлар, витаминлар: В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, С ва D, каротин, 2,7—3 % йод (40—90 % йодидлар ва йод органик бирикмалар ҳолида), микроэлементлар бор.

Ламинария турларининг талломи, порошоги ва дори препарати — ламинарид атеросклероз, рахит, ширинча, букоч касалликларини даволаш, уларнинг олдини олиш учун ҳамда юмшоқ таъсир этувчи сурғи сифатида қўлланилади.

Чучук ламинария Ўзбекистон шароитида етиштирилмас ҳам, аммо дорихоналарга унинг тайёр порошоги қутичаларда (180 г дан) келиб туради. Уни юқорида кўрсатиб ўтилган касалликларда кунига 1 маҳал ярим бир чой қошиқдан ичиш мумкин.

## ЛИМОНЎТ, ДОРИБОР ЛИМОНЎТ

*Мелисса лекарственная — Melissa officinalis L.*

**Ўсимлик тасвири.** ЛимонЎт лабгулдошлар (ясноткадошлар) — Labiatae (Lamiaceae) оиласига мансуб, бўйи 30—60 см га етадиган, лимон ҳиди келиб турадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, тўрт қиррали, шохланган. Барглари тухумсимон, ўткир учли, йирик аррасимон қиррали бўлиб, пояси билан шохларида банди ёрдамида карама-қарши ўрнашган. Оқ рангли, беш бўлакли, икки лабли гуллари барг қўлтиғидаги ҳалқасимон гултўпламига жойлашган. Меваси — тўртта ёнғоқча.

Июнь — август ойларида гуллайди, меваси июль — сентябрда етилади.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиё, Қрим, Кавказнинг тоғли ноҳияларида, тоғ этакларидан ўрта қисмигача бўлган ерлардаги катта тошлар, дарахт ва бошқалар соясида, салқин ва нам ерларда, боғларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Халқ табобатида лимонЎтнинг барги ва ер устки қисми ишлатилади. Барглари ўсимлик гуллашидан олдин, ер устки қисми — гуллаган вақтида йиғилади ва соя ерда қуритилади. Қуриган ер устки қисми майдаланади, галвирда элаб тозаланади, йирик пояларни ташлаб юборилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Ер устки қисми таркибида 0,02—0,14 % эфир мойи, 150 мг % витамин С, кофе, олеанол, урсол ва бошқа кислоталар, флавоноидлар, 5 % гача ошловчи ва бошқа моддалар бор.

ЛимонЎт қадимдан халқ табобатида турли касалликларни даволашда ишлатиб келинган. Иби Сино унинг ер устки қисмини юрак ишини ва овқат ҳазмини яхшилаш учун қўллаган.

Халқ орасида ҳозирги кунда ҳам лимонЎтнинг ер устки қисми (баъзан баргининг) дамламаси овқат ҳазмини яхшилаш учун ишлатилади. Бундан ташқари, у кам-конлик, баъзи асаб ва юрак касалликларини даволаш учун ҳамда тиришишга қарши таъсир этувчи, оғриқ қолдирувчи, сурғи, сийдик ва ел ҳайдовчи восита сифатида ҳам қўлланилади.

### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. ЛимонЎтдан дахлама тайёрлаш учун оғзи ёпилади-ган идишга 2 стакан қайнаб турган сув қуйиб, устига ўсимликнинг майдаланган ер устки қисмидан (ёки майдаланган баргидан) 8 чой қошиқ солинади ва тўрт соат

дамлаб кўйилади. Сўнгра докада сузиб, юқорида кўрса-тилган касалликларни даволаш учун кунига 4 маҳал овқатдан олдин ярим стакандан ичилади.

2. Лимонўтнинг янги ёки қуриган баргини қайнаган иссик сувга бўктириб жароҳат устига кўйилса оғриғи босилади.

3. Лимонўт ер устки қисмининг чорак стаканига чоракам бир стакан 40° ли спирт (арок) куйилади ва бир ҳафта саклаб кўйилади. Сўнг докада сузиб кунига 3 маҳал 1—2 чой қошиқдан ичилади.

#### ЛОБЕЛЬ МАРАЛҚУЛОҒИ

*Чемерица Лобеля — Veratrum lobelianum Bernh.*

**Ўсимлик тасвири.** Лолагуядошлар — Liliaceae оиласига мансуб, бўйи 70—170 см га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсувчи йўғон, цилиндрсимон. Поясининг ўрта қисмидаги барглари тухумсимон (пастда-гилари кенг эллипсисимон, юқоридагилари ништарсимон ёки чизиксимон), текис қиррали, ёйсимон томирланган бўлиб, кини ёрдамида поясида кетма-кет ўрнашган. Сарик-яшил рангли, 6 бўлакли, оддий гулқўрғонли (фақат гултожиси бор) гуллари рўвак гултўпламига жойлашган. Меваси — уч хонали, кўп уруғли, пишганда очиладиган кўсак.

Июнь — август ойларида гуллайди, меваси август — сентябрда етилади.

*Ўсимликнинг ҳамма қисми заҳарли!*

**Географик тарқалиши.** Собик СССР Европа қисмининг ўрмон ва ўрмон-чўл зонасидаги, Сибирь, Кавказ, Қозоғистоннинг шарқидаги ва Қирғизистондаги (Иссиқкўл атрофидаги) тоғларда, ўрмон ёқаларида ва сўғориладиган ўтлоқларда ўсади.

**Кўлланиладиган қисми.** Илдизпояси билан илдизи. Ўсимликнинг ер остки органлари (илдизпояси билан илдизи) кузда қовлаб олинади, сувда ювиб, тушроқдан тозаланади, йирик илдизпояси узунасига қирқилади ва очик ҳавода — қуёшда қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Илдизпояси билан илдизи таркибида 1,3—2,4 % алкалоидлар (протовератрин А, нервин, вералозин, рубинервин ва бошқалар) бўлади.

Ер остки органларининг қайнатмаси, суви, суртмаси ва настойкаси одам терисига тушадиган ҳар хил паразитларга қарши ҳамда кўтирни даволаш учун қўлланилади.

Протовератрин алкалоиди қон босимини пасайтириш



18- расм. Маралкулок.

ва огриқ қолдириш таъсирига эга. Шунинг учун унинг препаратларини (чет элда чиқариладиган веренстрал, вератрин, тенсатрин ва бошқалар) гипертония касаллигини даволашда ҳамда невралгия, артрит, бод ва бошқа касалликларда огриқ қолдириш учун ишлатилади. *Маралқулоқ алкалоидлари жуда заҳарли!* Шунинг учун уларни тиббиётда кам қўлланилади.

Маралқулоқ қайнатмаси, суртмаси ва суви ҳайвонлардаги кўтирни даволашда, уларга тушадиган бит, сўна ва терида бўладиган бошқа паразитларга қарши курашда кенг қўлланилади.

Халқ табобатида экземани даволаш учун Лобель маралқулоғининг илдизпояси билан илдизини майдалаб, қаймоққа қориб, терининг зарарланган ерига боғланади.

### МАЙМУНЖОН, ЗАНГОРИ МАЙМУНЖОН (ПАРМАЧАК)

*Ежевика сизая — Rubus caesius L.*

**Ўсимлик тасвири.** Раъногулдошлар — Rosaceae оиласига мансуб, бўйи 50—150 см га етадиган икки йиллик, пояли, тиканли бута ёки ярим бута. Бир йиллик пояси ер бағирлаб (ётиб) ёки ёйсимон қайрилиб ўсади. Поялари цилиндрсимон, шоҳланган. Барглари уч пластинкали (бўлакчалари тухумсимон, ўткир учли, тишсимон киррали) мураккаб бўлиб, узун банди билан пояси ва шоҳларида кетма-кет ўрнашган. Оқ рангли, беш бўлаккли гуллари қалқонсимон шингил тўпгулга жойлашган. Меваси — кўк рангли, сершира, данакли мураккаб ҳўл мева.

Май — июнь ойларида гуллайди, меваси июнь — августда пишди.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиё, Кавказ ва Ғарбий Сибирнинг тоғли ноҳияларидаги тоғ ён бағирларидан ўрта қисмигача бўлган тўқайзорларда, ариқ бўйларида, тошли тоғ қияликларида, жарликларда, буталар орасида ва бошқа ерларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Халқ табобатида маймунжоннинг етилиб пишган меваси, барги ва илдизи ишлатилади. Меваси пишганда йиғилади ва қуритмасдан ёки офтобда қуритиб ишлатилади. Барглари ўсимлик гуллаши даврида герилади ва соя ерда қуритилади. Илдизини кеч кузда ёки эрта баҳорда қовлаб олинади, сувда юйиб, тупроқ ва лойдан тозаланади, майда бўлакчаларга қирқиб, очик қавода қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Зангори маймунжон барги таркибида 80—271 мг % витамин С, органик кислоталар, каротин, қанд, ошловчи моддалар, мевасида —



19- расм. Зангори маймунжон.

6,35—7,46 % канд, 2,2 % органик кислоталар, 15 мг % витамин С, каротин, антоцианлар ва бошқа моддалар бор.

Барги дамламаси халқ табобатида шамоллаш касалликларида терлатувчи восита сифатида, томоқ оғриганда оғизни чайиш учун қўлланилади. Меваси терлатувчи, иситма кўтарилганда ҳароратни пасайтирувчи ва чанқовни қолдирувчи, иштаҳа очувчи дори сифатида ҳамда қон тупурганда ишлатилади. Илдиздан тайёрланган қайнатмаси милк касалланганда оғиз чайиш учун ҳамда сийдик ҳайдовчи дори сифатида қўлланилади.

Маймунжоннинг янги узиб олинган баргини эзиб темирлаткига, сурункали ва йирингли яраларга боғланса даво бўлади.

#### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

Маймунжон баргидан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан қайнаб турган сув қуйилади, устига майдаланган баргидан 4 чой қошиқ солинади ва 4 соат дамлаб қўйилади. Сўнг докада сузиб, юқорида кўрсатилган касалликларга даво қилиш учун кунига 4 маҳал овқатдан ярим соат олдин ярим стакандан ичилади.

#### МАЙМУНЖОН, ОДДИЙ МАЙМУНЖОН

*Малина обыкновенная — Rubus idaeus L.*

**Ўсимлик тасвири.** Раъногулдошлар — Rosaceae оила-сига мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик. Биринчи йилги поялари яшил рангли, ёғочланмаган, майда тиканли бўлиб гул чиқармайди ва мева қилмайди. Бу пояси қишга бориб ёғочланади, тиканлари тўқилади. Иккинчи йили гул чиқаради ва меваси пишгандан сўнг қуриб қолади. Поялари икки йиллик. Барглари тоқ патли, 5—7 та (поясининг юқори қисмидагилари) уч пластинкали мураккаб, барг бўлакчалари тухумсимон, пластки томони тукли, нотекис аррасимон қиррали бўлиб, узун банди ёрдамида поясига кетма-кет ўрнашган. Майда, кўримсиз, яшил оқ рангли гуллари қалқонсимон рўвакка тўпланган. Меваси — қизил рангли, шар ёки конуссимон, данакли, мураккаб тўп мева.

Май ойида гуллайди, меваси июнда пишади.

**Географик тарқалиши.** Кавказ, Ўрта Осиё ва Сибир ўрмонларида, ўрмон четларида, жарларда, тоғларда, ариқ бўйларида, буталар орасида ва бошқа нам ерларда ўсади. Боғларда кўп микдорда ўстирилади.



20- расм. Оддий маймунжон.



**Қўлланиладиган қисми.** Меваси. Уни тўлиқ пишган вақтида қўлда эҳтиётлик билан териб олинади, қуёшда сўлтиб, сўнгра курук ва иссик жойда ёки қуритгичларда қуритилади. Меваси кўпинча қуритмасдан ҳам ишлатилади. Хўл мевасидан шарбат ва мева шираси тайёрланади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Мева таркибида органик (2,2 % гача олма, лимон, салицил, вино ва бошқа) кислоталар, 10% гача қанд, калий тузлари, 45 мг % гача витамин С, В ва Р, каротин, шиллик, пектин, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Дори препаратлари — мева дамламаси, шарбати ва меваси терлатувчи чойлар — йиғмалар таркибида турли шамоллаш касалликларида терлатувчи восита сифатида қўлланилади. Мева шарбатидан фармацевтикада яна суяк дорилар таъмини яхшилаш учун фойдаланилади.

Қуритилмаган ва қуритилган мева дамламаси халқ табобатида иштаҳа очувчи, овқат ҳазмини яхшиловчи, терлатувчи, ўпка ва нафас йўллари шамоллаганда балғам кўчирувчи, иситма кўтарилганда ҳароратни пасайтирувчи ҳамда меъда, ичак, бачадондан қон кетганда ва бошқа қон оқишларда қон тўхтатувчи дори сифатида қўлланилади.

Малина баргидан тайёрланган дамлама ва қайнатма ич кетиш ва ичдан қон оқишларни даволаш, йўтал ва ангинада, томоқни чайиш учун ишлатилади.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2—3 стакан қайнаб турган сув қуйиб, унга 2 ош қошиқ мевадан солинади ва 20 минут дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузилади ва юқорида кўрсатилган касалликларни даволаш учун ҳаммасини иссик ҳолида 1—2 соат ичида ичилади (терлатади).

2. Баргидан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 1 стакан қайнаб турган сув қуйилади ва устига қуритиб майдаланган баргидан 1 ош қошиқда солиб, 2 соат давомида дамлаб қўйилади. Сўнг докада сузилади ва кунига 3—4 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

3. Қайнатма тайёрлаш учун баргидан 1 ош қошиқда олиб оғзи ёпиладиган идишга солинади ва устига 1 стакан сув қуйиб, 15 минут қайнатилади. Совигандан кейин докада сузиб, кунига 3—4 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

## МАККАЖҶҲОРИ

*Кукуруза обыкновенная — Zea mays L.*

**Ўсимлик тасвири.** Фалладошлар — Gramineae оиласига мансуб, бўйи 1—3 м га етадиган бир йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, бўғинли, шохланмаган, цилиндрсимон. Барглари кенг ништарсимон ёки ништарсимон-чизиксимон, текис киррали бўлиб, кини ёрдамида поясида кетма-кет ўрнашган. Гуллари бир жинсли, майда, кўримсиз бўлиб, поясининг юқори қисмидаги рўвакка (оталик гуллари) ёки барг қўлтигидаги сўтага (оналик гуллари) тўпланган. Меваси — донча.

Август — сентябрь ойларида гуллайди, меваси сентябрь — октябрда етилади.

**Географик тарқалиши.** Ватани Мексика ва Гватемала. Дон ва ем-хашак сифатида бутун дунёда кенг миқёсида ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Оналик гулининг устунчаси ва тумшукчаси (маккажўхори «соколи»), меваси — дони ҳамда мева муртагидан олинадиган мойи. Маккажўхори меваси (сўтадаги донлари) думбул бўлган вақтида оналик гулининг устунчаси йиғиб олинади ва салқин ерда куритилади. Меваси — дони бутунлай пишганда сўталар қайириб (ёки машиналар ёрдамида) йиғиб олинади, хирмонда куритилади ва янчилади. Донидан крахмал ва ёғ олинади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Оналик гули устунчаси ва тумшукчаси таркибида 2,5 % гача ёғ, 0,12% эфир мойи, «3,18 % гача сапонинлар, флавоноидлар, органик кислоталар, 1,5% гача аччиқ гликозидлар, кўп миқдорда витамин С ва К, каротин, пантотен кислота, инозит, фитостеринлар ва бошқа моддалар, мевасида — 61,2 % гача крахмал, 4,75 % (мева муртагида 50% ) гача ёғ, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, В<sub>6</sub>, РР ва С витаминлари, никотин ва пантотен кислоталар, биотин, каротин, флавоноидлар ва бошқа бирикмалар бор.

Дори препаратлари (дамламаси, суюқ экстракти ҳамда ўт ва сийдик ҳайдовчи, қон окширни тўхтатувчи йиғмалар — чойлар таркибида) жигар, ўт пуфаги ва ўт йўллари касалликларида (холецистит, холангит, гепатитда) ўт ва сийдик ҳайдовчи (буйрак-тош ва истиско касалликларида ҳамда қовуқда тош бўлганда) ҳамда қон окширни тўхтатувчи восита сифатида қўлланилади. Мевасидан олинган мойи атеросклероз касаллигини даволаш ва олдини олиш учун, крахмал ўраб олувчи (қайнатма холида ичилади ёки клизма (хўқна) қилинади) дори сифатида

ишлатилади. Крахмал яна баъзи суртмалар, чақалоқларга сепиладиган воситалар таркибига киради.

Маккажўхори оналик гули устунчасининг дамламаси халқ табобатида буйрак, қовуқ ва сийдик йўлларида тош бўлганда ва бошқа касалликларда сийдик ҳайдовчи, ўт пуфаги, ўт йўллари, сариқ ва жигарнинг бошқа касалликларида ўт ҳайдовчи дори ўрнида, турли хил қон оқишларда қон оқишини тўхтатувчи восита сифатида қўлланилади.

Маккажўхори меваси ҳамда ундан олинган уни, крахмали ва мойи озиқ-овқат саноатида, крахмали тўқимачилик саноатида ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида, ўсимликнинг ҳамма қисми эса қишлоқ хўжалигида ҳайвонларга озуқа сифатида кенг ишлатилади.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШИ

1. Дамлама тайёрлаш учун қопқоқли идишга қайнаб турган сувдан 1 стакан қуйиб, устига қуриган маккажўхори оналик устунчасидан 10 г солинади ва 1 соат дамлаб қўйилади. Сўнг докада сузиб, юқорида кўрсатилган касалликларга даво қилиш учун ҳар куни 1 ош қошиқдан 3—4 маҳал ичилади.

2. Янги узиб олинган маккажўхори оналик устунчасини майдалаб, 2 ош қошиғини 1 стакан қайнаб турган сувга солинади ва 1 соат аста қайнатилади. Сўнграву сувутиб докадан ўтказилади ва 1 соат мобайнида оғзи берк идишда сақланади. Шундан кейин кунига 3 маҳал 2 ош қошиқда ичилади.

3. Маккажўхорининг суюқ экстрактини дорихонадан олиб юқорида айтиб ўтилган касалликларда кунига 3 маҳал овуқатдан олдин 40 томчидадан ичилади.

#### РЕЦЕПТЛАР

Rp.: Extr. Stigmatis Maydis fluidi 10,0—100,0

D. S. Кунига 3 маҳал 40 томчидан ичилсин.

Rp.: Inf. Stigmatis Maydis ex 20,0—200,0

D. S. Кунига 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичилсин.

Rp.: Stigmatis Maydis 10,0

D. S. 1 стакан қайноқ сувга маҳсулотнинг ҳаммаси солинсин ва ярим соат қуйиб қўйилгач, докадан ўтказиб ҳар 3 соатда 1—2 ош қошиқдан ичилсин.

## МАРЖОНДАРАХТ, ҚОРА МАРЖОНДАРАХТ

*Бузина черная — Sambucus nigra L.*

**Усимлик тасвири.** Учқатдошлар — *Caprifoliaceae* оиласига мансуб, бўйи 2—6 м га етадиган бута ёки дарахт. Еш новдалари яшил, қолганлари кўнғир-қулранг пўстлоқ билан қопланган. Барги 3—7 баргчали, тоқ патли мураккаб бўлиб, банди ёрдамида пояси билан шохларида кетма-кет жойлашган. Баргчалари калта бандли, чўзик-тухумсимон, ўткир учли, нотекис аррасимон қиррали. Сарик-оқ гуллари қалқонсимон тўп гулни ҳосил қилади. Меваси — қора бинафша рангли, серсув, 3—6 данакли ҳўл мева.

Май — июнь ойларида гуллайди, меваси июль — октябрда пишади.

**Географик тарқалиши.** Россия, Кавказ, Украина ва Белоруссиядаги кенг япроқли ўрмонларда ва буталар орасида ўсади. Истироҳат боғлари, ҳиёбонлар ва кўчаларда манзарали дарахт сифатида ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Гули ва меваси.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Гули таркибида 0,32 % эфир мойи, самбуцинингрин гликозиди, рутин, 82 мг % витамин С, холин, органик (хлороген, валерианат, олма, сирқа) кислоталар ва бошқа бирикмалар бор. Меваси таркибида 50 мг % гача витамин С, каротин, антоцианлар, органик кислоталар, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Гулининг дамламаси (баъзи мева дамламаси) шамоллашда терлатувчи, жигар, ўт пуфағи ва ўт йўллари касалликларида ўт ҳайдовчи ҳамда буйрак ва сийдик пуфағи касалликларида сийдик ҳайдовчи восита сифатида қўлланилади.

Маржондарахт дамламаси яна нафас йўлларининг яллиғланиш касалликларида, бронхит, ларингит, грипп, невралгия ва бошқа шамоллаш касалликларида ишлатилади. Гули терлатувчи, сурғи ҳамда томоқ оғриғида чайиш учун қўлланиладиган йиғмалар — чойлар таркибига киряди. Мевасидан сурғи экстракти тайёрланади.

### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Маржондарахт гулидан дахлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 1 стакан қайнаб турган сув қуйилади ва устига 1 ош қошиқда гулидан солиб, 20 минут дахланади. Сўнгра доқада сузилади ва иссиқ ҳолида кунига 2 маҳал ярим стакандан терлатувчи восита сифатида ёки чорак стакандан овқатдан 1 соат олдин сурғи сифатида ичилади.



21- расм. Маржондарахт.

2. Дорихонадан 100 г маржондарахт гулидан олиб, унинг 2 чой қошиғи қайнаб турган 1 стакан сувга солинади ва оловдан олиб совитилади. Сўнг тайёр бўлган дамламадан терлаш учун 2 ош қошиқдан 5—6 маҳал ичилади.

3. Қуритилган маржондарахт мевасидан дамлама тайёрлаш учун 2 ош қошиқ меваси 1 стакан қайнаб турган сувга солинади ва 10—12 соат уй ҳароратида қўйиб қўйилади. Сўнг докадан ўтказиб тайёр бўлган дамламадан ич-ни юмшатиш учун ярим стакандан кечқурун ичиб ётилади.

#### МАҲСАРСИМОН ЛЕВЗЕЯ

*Левзея (большеголовник) сафлоровидная — Pharonticum carthamoi des (Willd.) Hjin. (Leuzea carthamoides D. C.)*

**Ўсимлик тасвири.** Маҳсарсимон левзея астрадошлар (Мураккабгулдошлар) Asteraceae (Compositae) оиласига мансуб, бўйи 500—200 см га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси бир нечта, шоҳланмаган. Барги оддий, эллипссимон ёки чўзиқ тухумсимон, 5—8 та бўлакка чуқур патсимон ажралган бўлиб, бандсиэ (илдизолди барглари бандли) пояда кетма-кет ўрнашган. Қизил бинафша рангли, учмали, беш бўлакли найчасимон гуллари йирик шарсимон саватчага жойлашган. Меваси — писта.

Июль — август ойларида гуллайди.

**Географик тарқалиши.** Сибирь ва Шарқий Қозоғистоннинг тоғли ноҳияларидаги (Саян, Олтой, Кузнецк ва Жунгар олатоғларидаги), тоғларнинг 1700—2000 м баландликдаги ўрмонларида ва ўрмон чегараларида ўсади. Санкт-Петербург, Новосибирск вилоятларидаги давлат хўжаликларида ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Тиббиётда маҳсарсимон левзеянинг ер остки органлари — илдизпояси билан илдизи ишлатилади. Улар август-сентябрь ойларида қовлаб олинади, сув билан ювиб, тупрокдан тозаланади ва очик ҳавода — қуёшда қуритилади. Плантацияларда ўстириладигани 3—2 ёшлигида йиғилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Левзея илдизпояси билан илдизи таркибида оз миқдорда эфир мойи ва алкалондлар, смола, лигнанлар, 5 % гача ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Левзея дори препарати (суюқ экстракти) жисмоний ва ақлий жиҳатдан чарчаганда, иш қобилияти пасайганда, асаб системаси функционал бузилганда организм тонусини кўтарувчи ва марказий нерв системасини қўзғатувчи восита сифатида қўлланилади. Суюқ экстракти яна

сурункали алкоголизмни да-  
волашда ишлатилади ва «Са-  
янлар» номли ичимлик тар-  
кибига киради.

Дорихонадан унинг тайёр  
настойкаси ёки экстрактини  
олиб фойдаланиш мумкин.

#### РЕЦЕПТЛАР

Rp.: Extr. *Leuzeae fluidi* 1 фла-  
кон  
D. S. Кунига 2-3 маҳал  
20-30 томчидан овқатдан  
олдн ичилсин.

#### МИНГДЕВОНА, ҚОРА МИНГДЕВОНА

*Белена черная* —  
*Hyoscyamus niger* L.

**Ўсимлик тасвири.** Иту-  
зумдошлар — Solanaceae  
онласига мансуб, бўйи 150 см  
гача ўсадиган икки йил-  
лик ўт ўсимлик. Ўсим-  
лик биринчи йили узун банд-  
ли, чўзик тухумсимон, чуқур  
патсимон бўлакли, илдиз ол-  
ди барглари иккинчи йили поя  
чиқаради. Пояси тик ўсади.  
Шохланган. Поясидаги барг-  
лари бандсиз кетма-кет  
жойлашган, тухумсимон ил-  
дизолди баргларидан кичик-  
роқ 5-7 та барг чиқаради,  
поясининг ўрта қисмидагила-  
ри 3 бўлакли, юкоридагила-  
ри эса 1-2 та йирик тишси-  
мон киррали бўлади. Ҳамма  
барглари безли туклар билан  
қоплангани учун улар юм-  
шок ва ёпишқоқдир. Хира  
сарик гуллари пояси учидagi  
барг қўлтигига жойлашиб,



22- расм. Мингдеводна.

бурма тўпгулни хосил қилади. Меваси — кўзачасимон, икки хонали, кўп уругли. қопқоғи билан очиладиган кўсакча.

Май — август ойларида гуллайди ва меваси етилади.

*Мингдевоначинг ҳамма қисми заҳарли!*

**Географик тарқалиши.** Собик СССР нинг Европа қисми, Кавказ, Сибирь, Ўрта Осиё ва Узоқ Шарқда ариқ бўйларида, йўл ёқаларида, ўтлоқларда, экин экилмай қолган ерларда, экинзорларда ва бошқа ерларда ўсади.

**Кўлланиладиган қисми.** Барги.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Таркибида 0,1 % гача алкалоидлар (гиосциамин, атропин, скополамин), гликозидлар, флавоноидлар, рутин ва бошқа моддалар бор.

Мингдевона баргидан тайёрланган доривор препарат — мингдевона мойи оғрик қолдирувчи ва спазмолитик восита сифатида кўлланилади. Суртма дорилар таркибида бод ва невралгия касалликларида тананинг оғриган жойига суртилади. Мингдевона барги астма касаллигида кўлланиладиган астматол ва астматин сигареталари таркибига киради.

Мингдевона ўсимлигининг оғрик қолдирувчи, қон тўхтатувчи ва ухлатувчи хоссага эга эканлигини Абу Али ибн Сино ҳам яхши билган. Шунинг учун унинг барг ширасини қулоқ, тиш ва кўз оғригига даво қилган, баргидан тайёрланган суртма дорисини подагра касаллигида оғриган ерларга суртишни буюрган.

Мингдевона халқ табибатида асосан оғрик қолдирувчи восита сифатида ишлатилади. Баргидан тайёрланган малҳами ярани даволаш, чипқонни пишириш ва йирингини гортмиб олиш учун қўлланмилади, қулоқ оғригида қулоққа барг шираси томизилади.

## МОЙЧЕЧАК

*Ромашка — Matricaria L.*

**Ўсимлик тасвири.** Мойчечак турлари астрадошлар (Мураккабгулдошлар) Asteraceae (Compositae) оиласига мансуб, бўйи 15—40 см келадиган бир йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, сершоҳ. Барглари ингичка чизиксимон, ўткир учли сегментларга икки марта патсимон ажралган бўлиб, пояси билан шоҳларида кетмакет ўрнашган. Гуллари узун бандли (яшил мойчечакники калта бандли), пояси билан шоҳлари учигаги саватчага жойлашган. Саватчанинг тилсимон гуллари оқ рангли (яшил мойчечакда тилсимон гуллар бўлмайди), найчаси-



мон гуллари сарик ёки яшил рангли. Меваси — писта. Май ойдан бошлаб кузгача гуллайди ва меваси етилади. Тиббиётда унинг икки тури ишлатилади: **Доривор мойчечак** — ромашка аптечная — *M. recutita* L. **Яшил (Хушбўй) мойчечак** — ромашка душистая — *M. matricarioides* Porter.

**Географик тарқалиш.** Мойчечак собик СССР Европа қисмининг жануби, Кавказ, Қрим, Украина ва Сибирнинг жанубий ноҳияларидаги ўтлоқларда, бегона ўт сифатида экинзорларда, йўл ёқаларида ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Тиббиётда мойчечак турларининг гули ишлатилади. Улар ўсимлик қийғос гуллаганда, саватчадаги тилсимон гуллар горизонтал ҳолатда бўлганда йиғиб олинади ва соя ерда ёки қуритгичларда 40° дан юқори бўлмаган ҳароратда қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Мойчечак турларининг гули таркибида 0,12—0,8 % эфир мойи, флавон гликозидлар (апинин, кверцимеритрин ва бошқалар, матрикарин, прохамазулен, кумаринлар (умбеллиферон, герниарин), каротин, витамин С, шиллик, аччиқ ва бошқа моддалар бор. Эфир мойи 1,64—8,99 % хамазулен, 20 % гача сесквитерпен спиртлар, кадинен ва бошқа терпеноидлардан ташкил топган.

Гулининг дамламаси меъда-ичак (ичак ёпишиб қолганда ва ич кетганида) ва гинекологик касалликларни даволашда ҳамда тер ва ел хайловчи восита сифатида қўлланилади. Мойчечак гули яна ични юмшатувчи, антисептик ва яллиғланишга қарши (оғиз, томоқ чайишда ҳамда шифобахш ванна ва ҳўкна қилишда) дори сифатида ишлатилади. Мойчечак гули меъда касалликларида, томоқ чайишда ишлатиладиган ва ич юмшатувчи йиғмалар — чойлар таркибига киради.

## ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Мойчечак гулини дорихонадан олиб 2 стакан кайнаб турган сувга 2 ош қошиқда солинади-да, ярим — бир соат дамлаб қўйилади. Сўнг доқада сузиб, юқорида айтиб ўтилган касалликларда овқатдан олдин ярим стакандан 3 маҳал ичилади.

2. Ўсимлик гулидан 6 ош қошиқда олиб 2 л сувда 5—6 минут кайнатилади. Сўнг доқада сузиб сочи бўяш учун бош ювилгандан кейин чайилади.

3. Оқарган сочга кўнғир тус бериш учун 1 қисм мойчечак гулини 3 қисм кайнок сувга солиб 2 соат дамлаб қўйилади-да, доқада сузиб бош чайилади. Соч рангини

тўқроқ қилишни хоҳловчилар бошларини ярим соат рўмол билан танғиб қўйишлари мумкин.

4. Боши ҳадеб оғрийверадиган кишилар ўсимлик гули порошокини дорихонадан олиб 1—2 г дан овқатдан кейин ичишлари мумкин.

#### РЕЦЕПТЛАР

Rp.: Flores Chamomillae 100,0

D.S. Маҳсулотдан 1 ош қошиқ олиб 1 стакан қайноқ сувда дамлансин ва доқада сузиб қунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилсин. Худди шу дамламани ҳўкна қилиш ҳам мумкин.

Rp.: Inf. Flores Chamomillae 30,0—300, 0

D.S. Қунига 3—4 маҳал 1 ош қошиқдан ичилсин. Худди шу дамлама билан оғиз чайниш ҳам, унга доқани ботириб олиб яра-чақаларга босиди ҳам мумкин.

#### НАШАСИМОН КЕНДИР (КАНДИР)

*Кендыр коноплевый — Arosupit саппапинит L.*

**Ўсимлик тасвири.** Кендирдошлар — Аросупасеае оиласига мансуб, бўйи 100—150 см га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, яшил ёки тўқ қизил рангли, шохланган. Барглари ништарсимон ёки чўзиқ тухумсимон, ўткир учли, текис қиррали бўлиб, пояси билан шохларида қисқа банди ёрдамида қарама-қарши (баъзан кетма-кет) ўрнашган. Пушти ёки оқиш гуллари пояси билан шохлари учиди рўваксимон қалқон тўп гулини ташкил этади. Меваси — пишганда очиладиган баргча.

Июнь — август ойларида гуллайди, меваси — сентябрь — октябрда етилади.

**Географик тарқалиши.** Нашасимон кендирнинг ватани шимолий Американинг тоғли ноҳиялари. Москва вилояти, Ғарбий Сибир ва Ўрта Осиёда ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Илдизпояси ва илдизи.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Ер остки қисми таркибида 0,8 % гача юрак гликозидлари (0,17—0,50% цимарин, 0,33 % гача К-строфантин-β, тритерпен бирикмалар (олеанол кислота, α-амирин ва лупеол), оз миқдорда алкалоидлар ва бошқа моддалар бор.

Илдизпояси билан илдиздан юрак касалликларини даволашда қўлланиладиган К-строфантин-β ва цимарин гликозидлари олинади. Уларнинг доривор препаратлари қон айланишининг II ва III даражали бузилишларидан келиб чиққан касалликларда қўлланилади.

Кендир илдизи халқ табobatiда қадимдан кучли сийдик ҳайдовчи восита сифатида ишлатиб келинади.

## НАЪМАТАК

### Шиповник — *Rosa L.*

Ўрта Осиёда ўсадиган наъматак турларидан куйидаги тўрт тури тиббиётда ишлатилади: Бергер наъматаги (ок харгул) — шиповник Бергера — *Rosa beggeriana* Schrenk. Итбурун наъматак (итбурун) — Шиповник собачий — *Rosa canina* L., Федченко наъматаги (харгул) — Шиповник Федченко — *Rosa fedtshenkoana* Rgl ва Кўкон наъматаги — Шиповник кокандский — *Rosa kokanica* Rgl, ex Juz.

**Усимлик тасвири.** Наъматак турлари раъногулдошлар — *Rosaceae* оиласига мансуб, бўйи 1,5—3 м, баъзан 6 м га етадиган тиканли бута. Новдалари эгилувчан бўлиб, ялтирок, кўнғир-қизил ёки қизил-жигарранг пўстлоқ билан қопланган. Барглари тоқ патли мураккаб, 5—7 та тухумсимон, аррасимон қиррали баргчалардан ташкил топган бўлиб, банди ёрдамида пояси билан шохларида кетма-кет ўрнашган. Йирик қизил, пушти, сарик ёки ок рангли, хушбўй, беш бўлакли гуллари 2—3 тадан шохчаларига жойлашган. Шакли ва ранги турлича, ширали, гул ўрнидан ҳосил бўлган сохта мевага эга.

Апрель — август ойларида гуллайди, меваси июль — октябрда пишади.



23- расм. Наъматак.

**Географик тарқалиши.** Наъматак турлари Ўрта Осиёнинг ҳамма республикаларидаги ўрмонларда, текисликларда, тоғ-чўл туманларида, тўқайларда, тоғларнинг пастки (тоғ этаклари), ўрта ва юқори қисмларигача бўлган ариқ бўйларида, буталар орасида, тоғларнинг қуруқ тошлоқ ён бағирларида, ёнғоқ ва арчазорларда, боғларда ва бошқа ерларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Сохта меваси. Ўсимлик меваси август ойининг охирларидан бошлаб то кеч кузгача йиғилади. Совуқ урган меваларида витамин С миқдори камайиб кетади. Мевасини йиғаётган вақтда қўлга тикан кирмаслиги учун брезент қўлқоп кийиб олиш лозим. Йиғилган мевалар тезда очик ҳавода — қуёшда ёки 80—90° ли печларда қуритилади. Баъзан наъматак меваси қуритилмасдан доривор препаратлар олиш учун тўғридан-тўғри фармацевтика заводларига юборилади. Қуриган меваларини ишқалаб, косачабарг қолдиқлари тушириб юборилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Меваси таркибида 4—6 %, баъзан 15 % гача витамин С, витамин В<sub>2</sub>, Р, Е ва К, 12—27 мг % каротин, 29 % гача органик (лимон, олма ва бошқа) кислоталар, 18 % гача қандлар, 3,7 % гача пектин, 4,5 % гача ошловчи моддалар, уруғида — мой ва бошқа бирикмалар бор.

Наъматак турларининг меваси турли витаминлар сакловчи поливитаминли меваларга киради. Юқори витаминли турлари (Беггер наъматаги ва Федченко наъматаги) авитаминоз касалликларини даволаш ва уларнинг олдини олиш учун қўлланилади. Уруғидан олинган мойи ва мевасининг юмшоқ қисмидан тайёрланган мойли экстракти — каратолин куйганни, трофик яраларни, экзема, тери касалликларини, рентген нуридан куйган жойларни, ярали колит ва бошқа касалликларни даволашда ишлатилади.

Наъматак турларининг баъзиларидан витаминли концентратлар, шарбат тайёрланади, витамин С (аскорбин кислота) олинади, қуруқ мевасидан таблетка ва ҳаб дори тайёрланади. Бу дорилар авитаминоз касаллигини даволашда ва унинг олдини олишда ишлатилади. Аскорбин кислота кўпгина комплекс препаратлар таркибига киради.

Витамин С камроқ бўладиган наъматак турларидан — итбурун наъматаги (меvasи таркибида 0,2—2,2 % гача витамин С бўлади, холос) мевасидан тайёрланадиган холосас препарати жигар касалликларини (холецистит, гепатит — сарик касаллиги ва бошқаларни) даволаш учун ишлатилади.

Наъматак турларининг мевасидан тайёрланган дамла-

ма ва қайнатмалар халқ табобатида меъда-ичак касалликларини (ич кетиш, қон аралаш ич кетиш, ичакнинг юкумли касалликларини) даволаш учун ҳамда бачадондан қон оқишини тўхтатувчи, иситма қолдирувчи, ўт ва сийдик ҳайдовчи дори сифатида қўлланилади. Бу дори турлари билан оғиз бўшлиғи касалликлари (милк яллиғланиши ва ундай қон оқиши) да оғиз чайилади.

Наъматак меваси яна организмни қувватлантириш, модда алмашинувини яхшилаш, сохта мевалари ичидаги ҳақиқий мевалари — ёнғоқчалари буйрак ва сийдик йўллари касалликларида сийдик ҳайдаш учун ишлатилади. Ўсимлик индизидан тайёрланган дамлама ва қайнатма халқ орасида меъда ва жигар касалликларига, баргининг кукуни эса яраларга даво қилинади.

Наъматак турлари мевасидан озик-овқат саноатида витаминга бой концентратлар, конфетлар ва бошқа қандолат маҳсулотлари тайёрлашда фойдаланилади.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Наъматакдан қайнатма тайёрлаш учун бирор қопқокли идишдаги 2 стакан сувга майдаланган мевасидан (мевасининг юмшоқ қисмидан 1 ош қошиқда солиб, 10 минут қайнатилади ва бир кун қўйиб қўйилади. Сўнгра докада сузиб унга шакар қўшилади-да, юқорида айтиб ўтилган касалликларда кунига 2—3 маҳал ярим стакандан овқатдан олдин ичилади.

2. Наъматакнинг сувли экстракти — холосасни дорихонадан олиб врач кўрсатмасига бйноан жигар касалликларида кунига 3 маҳал 1 чой қошиқдан ичилади.

3. Наъматакнинг пишиб етилган мевасидан 2 ош қошиқда олинадида 2 стакан қайнаган сувга солиб 10—15 минут қайнатилади. Совигач, докада сузиб кунига 3—4 маҳал ярим стакандан ичилади.

4. Наъматакнинг тайёр шарбатини дорихонадан олиб болаларга чой қошиқда, катталарга ош қошиқда кунига 3 маҳал берилади.

#### РЕЦЕПТЛАР

Rp.: *Sirupus ex fructibus Rosae* 270,0  
D.S. Болаларга кунига 3 маҳал 1 чой қошиқдан ичирилсин.

Rp.: *Sirupus fructus Rosae vitaminisaris*  
D.S. Болаларга кунига 3 маҳал ярим чой қошиқдан ичирилсин.

## ОДДИЙ АРЧА

*Можжевельник  
обыкновенный — Juniperus  
communis L.*

**Усимлик тасвири.** Оддий арча сарвигулдошлар — Cupressaceae оиласига мансуб, бўйи 1—3 м га етадиган икки уйли, доим яшил бута. Барги бандсиэ, каттик, нина шаклида бўлиб, пояси билан шохларида тўп-тўп бўлиб ўрнашган. Оталик ва оналик гуллари айрим-айрим бутадаги куббаларда тараккий қилади. Меваси — юмалок кубба мева, иккинчи йили етилади.

**Географик тарқалиши.** Оддий арча собиқ СССРнинг Европа қисми ва Сибирдаги нинабаргли ва майда баргли аралаш ўрмонларда, баъзан ботқоқли ўрмонларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Тиббиётда оддий арчанинг кубба меваси ишлатилади. Куббалар кузда, арча тагига чодир ёзиб қокиб олинади. Хом меваларидан, шох ва барглاردан тозалангач, пишган куббалар ҳаво кириб турадиган хона ёки чордоқларда қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Оддий арча меваси таркибида 0,5—2% эфир мойи, 40% қандлар, органик кислоталар, смола, бўёқ, пектин ва бошқа моддалар бор. Эфир мойи пиненлар, кампфен, сабинен ва бошқа бирикмалардан ташкил топган.



24- расм. Оддий арча.

Куббанинг доривор препаратлари (дамлама, сийдик хайдовчи йиғмалар — чойлар таркибида) тиббиётда сийдик хайдовчи, сийдик йўллари дезинфекция қилувчи, балғам кўчирувчи ҳамда овқат ҳазмини яхшиловчи восита сифатида қўлланилади. Эфир мойининг спиртдаги эритмаси ва суртмаси бод касаллигида тананинг оғриган ерига суртилади. Арча баргидан олинган эфир мойи фитонцид таъсирига эга бўлиб, трихмонадли қолпитни даволашда ишлатилади.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ .

1. Оддий арчанинг кубба мевасидан дамлама тайёрлаш учун уни яхшилаб майдалаб 1 чой қошиқда олинадидан, 1 стакан қайнаб турган сувга солинадидан ва ярим — бир соат дамлаб кўйилади. Сўнг докада сузиб, юқорида айтиб ўтилган касалликларда кўнига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади (*буйрағи касал кишиларга тавсия этилмайди*).

2. Дамламасини врач рецепти билан дорихоналардан олиш мумкин.

#### РЕЦЕПТ

Рр.: Inf. baccarum Juniperi 10,0—200, 0  
D.S. Кўнига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилсин.

#### ОДДИЙ БЎЙМОДАРОН

*Тысячелистник обыкновенный — Achillea millefolium L.*

**Ўсимлик тасвири.** Астрадошлар (мураккабгулдошлар) Asteraceae (Compositae) оиласига мансуб, бўйи 20—50 см га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси бир нечта, тик ўсади, юқори қисми шохланган, барглари ништарсимон, икки марта ништарсимон ёки чизиксимон бўлақларга патсимон ажралган бўлиб, илдизолди ва поясининг пастки қисмидагилари бандли, қолганлари бандсиз, пояси билан шохларида кетма-кет ўрнашган. Майда, тухумсимон саватчага тўпланган оқиш, баъзан оч пушти рангли гуллари пояси билан шохлари учига жойлашган қалқонсимон гултўпламини ҳосил қилади. Меваси — ясси, тухумсимон, кулранг писта.

Июнь ойидан бошлаб то ёзнинг охиригача гуллайди, меваси августдан бошлаб етилади.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиёнинг ҳамма ноҳияларидаги қуруқ ўтлоқларда, қирлар, тоғ этаклари, тоғдаги

ўтлоқлар, буталар оранда, сойларда, арик бўйлари, йўл ёқалари, ўрмон четлари, боғлар ва бошқа ерларда ўсади.

**Қўллавиладиган қисми.** Ер устки қисми, баъзан гуллари. Ўсимлик гуллай бошлаганда уни юқори қисмидан 15 см узунликда (ёки фақат гултўпламлари) қирқиб олинади ва соя ерда ёки 50° ҳароратдаги қуритгичларда қуритилади.

Оддий бўймодаронни янгиш вақтида ўсимликни илдизи билан суғуриб олмаслик керак. Акс ҳолда бу ўсимлик табиатда йўқолиб кетиши мумкин!

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Бўймодароннинг ер устки қисми ва гуллари таркибида 0,06—0,8 % эфир мойи, 9—13 мг % каротин, 74,8 мг % витамин С ва К, флавоноидлар (апигенин, лютеолин ва уларнинг гликозидлари), алкалоидлар (ахиллен ва бетонин), холин, аспарагин, смолалар, органик кислоталар, аччиқ, ошловчи ва бошқа моддалар бор. Эфир мойи 1—4 % гача хамазулен, 8—10 % цинеол, борнеол, 13 % гача борнилацетат, туйон кислоталар ва бошқа терпеноидлардан ташкил топган.



25-расм. Оддий бўймодарон.



Доривор препаратлари (дамламаси, суюқ экстракти) меъда-ичак касалликларини даволаш, иштаҳа очиш ҳамда ичакдан, бачадондан, бурундан, милкдан, яралардан ва геморроидал кон окишларни тўхтатиш учун қўлланилади. Оддий бўймодароннинг гули ва ер устки қисми иштаҳа очишда ва меъда-ичак касалликларида ишлатиладиган йиғмалар — чойлар таркибига кириди.

Оддий бўймодарон қадимдан халқ табобатида турли касалликларни даволаш учун ишлатиб келинади. Ўсимликнинг ер устки қисмидан тайёрланган дамлама ёки қайнатма кон тупурганда, кон аралаш ич кетганда ва бошқа касалликларда кон тўхтатувчи дори сифатида қўлланилади. Бундан ташқари, дамламасини яна иштаҳа очиш, ўпка сили, шамоллаш, астма, иситма, дизентерия, ичак инфекцияси ва бошқа меъда-ичак касалликларини, бош оғригини даволаш ҳамда сийдик ҳайдаш учун ишлатилади. Ўсимлик гулининг кукунини асалга қориб гижжаларни тушириш мақсадида берса ҳам бўлади.

Дамламаси билан яраларни ювиш тузуккина наф беради.

Халқ орасида бўймодароннинг яна уч тури табобатда қўлланилади: **Биберштейн бўймодарони** — Тысячелистник **Биберштейна** — *A. bibersteinii* С. Афан, **Сантолинли бўймодарон** (бошоғрик ўти) — Тысячелистник **сантолинный** — *A. santolina* L., **Тобулғибарг бўймодарон** — тысячелистник **таволголистный** *A. filipendulina* Lam.

**Ўсимлик тасвири.** Бўймодароннинг бу уч тури бўйи 15—75 см га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Поялари бир нечта, тик ўсади, шохланмаган ёки юқори қисми шохланган. Барглари текис ёки тишсимон киррали, ништарсимон бўлакларга патсимон ажралган бўлиб, банди ёрдамида (илдизолди тўп барглари ва поясининг пастки қисмидагилари) ёки бандсиз (поясининг юқори қисмидагилари) пояси билан шохларида кетма-кет ўрнашган. Саватчаларга тўпланган майда, сарик рангли гуллари пояси билан шохлари учига жойлашган қалқонсимон гултўпламни ҳосил қилади. Меваси — писта.

Май ойидан сентябргача гуллайди, меваси июнь — сентябрь ойларида етилади.

**Географик тарқалиши.** Бўймодарон турлари Ўрта Осиё республикалари, Кавказ ва қисман Украина ва Белоруссиянинг жанубий районларидаги (Биберштейн бўймодарони) чўлларда, яримчўлларда, тоғ этакларидан то тоғларнинг ўрта қисмигача бўлган тош-тупроқли тоғ ёнбағирларида, шағалли ва қумли ерларда, дарёларнинг шағалли жойларида, сойларда, арик бўйларида, ўтлоқларда, шўр

ерларда, бегона ўт сифатида экинзорларда ва бошқа ерларда ўсади.

**Кўлланиладиган қисми.** Ер устки қисми. Ўсимлик гуллаш даврида поясининг юқори қисми (гуллари ва барглари билан) ҳамда илдизолди барглари ўриб олинади ва соя ерда қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Бўймодарон турлари гарчи эфир мойи сакловчи ўсимликларга кирса-да, лекин кимёвий таркиби жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади.

Биберштейн бўймодаронининг ер устки қисми таркибида 0,13—0,52 % эфир мойи, алкалоидлар, 0,36 % флавоноидлар (гиперозид, лютеолин, апигенин), 1,37 % органик кислоталар, 74,8 мг % витамин С ва К, 2,50 % гача қандлар, смола, аччиқ, 1,41—0,62 % ошловчи ва бошқа моддалар бор. Ер устки қисмининг эфир мойи 63 % гача цинеолдан, 40 % гача п-цимол, 10 %  $\alpha$ -терпинеол, камфора ва бошқа терпенлардан ташкил топган.

Сантолини бўймодарон ер устки қисми ўз таркибида 0,11 % эфир мойи, аччиқ сантолин ва сантолинол ҳамда бошқа моддалар саклайди. Эфир мойи 56 % гача камфора, 20 % гача цинеол, 15 % пинен ва бошқа терпеноидлардан таркиб топган.

Тубулғабарг бўймодарон ер устки қисми таркибида 0,07 % (гулида 1,2 %) эфир мойи, оз миқдорда алкалоидлар, 0,21 % (гулида 0,7%) флавоноидлар (гиперозид, лютеолин, цинарозид), кумаринлар, 2,50 % гача қандлар, 6,5 % гача ошловчи ва бошқа моддалар бор. Эфир мойи 30 % атрофида борнеол мураккаб эфири, 8 % кампфен, 5 % пинен, 35 % спирт ва бошқа бирикмалардан таркиб топган.

Бўймодароннинг бу учта тури қадимдан халқ табобатида турли касалликларни даволаш учун ишлатиб келинади. Ер устки қисмидан (айниқса гулидан) тайёрланган қайнатмаси билан Абу Али ибн Сино қайтиши қийин бўлган шишларни, эти узилган ерларни ва радикулит касалликларини даволаган. Нафас олиш қийинлашганда қайнатмасини ёки дамламасини ичишга буюрган. Қайнатмасини яна буйрак ва қовуқ тошларини тушириш учун, сийдик ҳайдаш, аёлларда тўхтаб қолган ҳайзни келтириш учун қўллаган.

Бўймодарон турларининг ер устки қисмидан тайёрланган дамламаси ёки қайнатмаси халқ орасида меъда касалликларига, ўлка сили ва бош оғриғига даво қилинади ҳамда турли қон оқишларда қон тўхтатувчи ва иситмани туширувчи восита сифатида ишлатилади. Гулларининг қуқуни билан куйгани ва очик, қон оқиб турган

яраларни даволаш мумкин. Бунинг учун тананинг куйган ерига ва яраларга кукундан сепилади. Астма касаллигида буймодарон турлари гулидан тайёрланган дамламаси ёки кайнатмасига новвот кўшиб ичирилади.

### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Буймодарон турларидан дамлама тайёрлаш учун бирор оғзи ёпиладиган идишдаги 1 стакан қайнаб турган сувга уларнинг майдаланган ер устки қисмидан 1 ош қошиқда солиб, 1 соат давомида дамлаб кўйилади. Сўнг докада сузилади ва юқорида айтиб ўтилган касалликларни даволаш учун овқатдан олдин 1 ош қошиқдан кунига 3—4 маҳал ичилади.

2. Оддий буймодароннинг ер устки қисмидан қайнатма тайёрлаш учун 1 стакан қайнаб турган сувга 1 чой қошиқда ер устки қисмидан солиб, 10 минут қайнатилади ва совигунича тутиб турилади. Сўнг докадан ўтказиб, тайёр бўлган қайнатмадан юқорида айтиб ўтилган касалликларда кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади. Иштаҳаси йўқ одамлар овқатланишдан 10—15 минут олдин ичсалар нафи яна ҳам яхши бўлади.

3. Оддий буймодарон барги ширасига асал ёки мураббо аралаштириб иштаҳа очиш учун ичиш ҳам, ширасини яра-чақаларга томизиш ҳам мумкин.

4. Қайнаб турган 1 л сувга буймодароннинг ер устки қисмидан 40 г солиб, 15 минут қайнатилади. Сўнг докадан ўтказиб яра-чақалар ювилади.

5. Оддий буймодарон дамламаси ёки экстрактини тайёр холда дорихоналардан олиб фойдаланиш ҳам мумкин.

### РЕЦЕПТЛАР

Rp.: Inf. herbae Millefolii 20,0--300, 0  
D.S. Кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилсин.

Rp.: Extr. Millefolii fluidi 50,0  
D.S. Кунига овқатдан ярим соат олдин 3 маҳ;  
50 томчидан ичилсин.

### ОДДИЙ БОДРЕЗАК (ЧИНГИЗ)

*Калина обыкновенная — Viburnum opulus L.*

**Усимлик тасвири.** Шилвидошлар (Учкатдошлар) — *Sargifoliaceae* оиласига мансуб, буйи 1,5—3 м келадиган бута. Барглари кенг тухумсимон, уч-беш бўлакли, юқоридагилари баъзан бутун пластинкали ёки билинар-



26- расм. Одний бодрезак.

билинмас бўлакли, иккита ёндош баргчали бўлиб, пояси ва шоҳларида банди ёрдамида қарама-қарши жойлашган. Оқ рангли гуллари шар шаклидаги қалқонсимон тўпгулни ҳосил қилади. Меваси — юмалок шаклли, қизил рангли, бир-уруғли ҳўл мева. Май — июнь ойларида гуллайди, меваси август — сентябрда пишди.

**Географик тарқалиши.** Собик СССР Европа қисмининг ўрмон ва ўрмон-ҳўл зонаси, Кавказ, Қрим, Ғарбий Сибирь ва Қозоғистоннинг шарқидagi нам ўрмонлар четида, ариқ, қўл бўйларида ва ботқокликлар ёнида ўсади. Манзарали бута сифатида истироҳат боғларида ва боғларда ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Пўстлоғи ва меваси. Пўстлоғи одатда эрта баҳорда катта-кичик новдаларидан шилиб олиб офтобда қуритилади. Меваси етилиб пишгандан кейин йиғилади ва қуритилмай ёки офтобда, печларда қуритиб ишлатилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Таркибида вибурнин гликозиди, 70—80 мг % витамин С ва 28—31 мг % витамин К, 26 мг % каротин, 7 % гача тритерпен сапонинлар, органик кислоталар, 4 % ошловчи ва бошқа моддалар бор. Меваси таркибида 32 % органик кислоталар, витамин С, каротин, 3 % ошловчи ва бошқа моддалар, уруғида 20 % гача ёғ бор.

Доривор препаратлари (қайнатмаси) бачадондан кон кетишини тўхтатиш ҳамда ҳайз кўрганда бўладиган оғриқни қолдириш учун қўлланилади. Меваси витаминли йиғмалар — чойлар таркибида гипо- ва авитаминоз касалликларини даволашда ҳамда уларнинг олдини олишда ишлатилади.

#### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Дорихонадан ўсимликнинг қуришиб майдаланган пўстлоғидан 10 г олиб 1 стакан қайнаб турган сувга солинади-да, ярим соат қайнатилади. Сўнг докадан ўтказиб қунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

2. Ўсимлик мевасидан 5 қошиқ олиб ховончада янчилади-да, 3 стакан қайнаб турган сувга солиб 3—4 соат дамлаб қўйилади. Сўнг докадан ўтказиб тайёр бўлган дамламадан асабни тинчлантирувчи дори ўрнида қунига 5 маҳал овқатдан олдин ярим стакандан ичилади.

3. Ўсимликнинг майда қилиб тўғралган пўстлоғидан 50 г олиб (дорихонадан олса ҳам бўлади) 1 л қайнаб турган сувга солинади-да, ярим соат қайнатилади. Сўнг докадан ўтказиб бавосил касаллигида ванна қилинади.

4. Мевасини асалга ёки шакарга қўшиб гипертонияда истеъмол қилинса, яхши натижа беради.

5. Гулининг сувдаги қайнатмаси йўталга, шамоллаш касалликларига, меъда касаллигига, болаларда эса диатезга, экземаларга яхши қор қилади.

#### РЕЦЕПТЛАР

Rp.: Corticis Viburni 200,0

D. S. Маҳсулотдан 5 ош қошиқда олиб қайнаб турган ярим л сувда ярим соат қайнатилади-да, совитгач докади ўтказиб ярим стакандан овқатдан олдин 3 маҳал ичилади.

#### ОДДИЙ (ДОРИВОР) ОТКУЛОК

Щавель конский — *Rumex confertus* Willd.

**Ўсимлик тасвири.** Торондошлар — Polygonaceae оила-сига мансуб, бўйи 60—150 см бўладиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, бўғимли, юқори қисми шохланган. Илдиз олди тўп барглари ва поясининг пастки қисмидаги барглари узун бандли, учбурчаксимон-тухумсимон, асос қисми чуқур юраксимон, бир оз тўлқинсимон қиррали, юқори қисмидаги барглари сийрак, тухумсимон-ништарсимон бўлиб, калта банди ёрдамида пояси билан

шоҳларида кетма-кет ўрнашган. Поясининг барг чиқариш жойида — бўғинларида уни ўраб турувчи ёндош баргларидан ташкил топган юпқа пардача бўлади. Майон, кўримсиз, оддий гулкўрғонли (косачаси йўқ), 6 бўлакли гуллари рўвак гул тўпламига жойлашган. Меваси хумсимон, уч қиррали, оч жигарранг ёнрокча.

Май — июнь ойларида гуллайди, меваси июнь — июлда етилади.

**Географик тарқалиши.** Собик СССРнинг Европа қисми, Сибирнинг жанубий ноҳиялари, Қозоғистон, Ўзбекистон, Узоқ Шарқ ва қисман Қавказда ариқ бўйларида, уватларда, ўтлоқларда, ўрмон четларида, йўл ёкаларида ва бегона ўт сифатида экинзорларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Илдизи. Ўсимлик илдизи кузда — ер устки қисми қурганда қовлаб олинади, тупроқдан тозаланади, сув билан ювилади ва май ва бўлақларга бўлиб, очик ҳавода — қуёшда қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Илдизи таркибида 4 % гача антрацен унумлари (антрагликозидлар, хризонол ва эмодинлар), 8—15 % ошловчи моддалар, флавоноидлар, 0,19 % эфир мойи, смолалар, витамин К, шиллик кислота бошқа бирикмалар бор. Мевасида — 0,73—0,83 % антрацен унумлари, 4,18—5,36 % ошловчи моддалар, эфир мойи 123,1 мг % витамин С, 2,86 % шиллик, смола, 6,18 % антрацен поясида 1,5—1,58 % антрацен унумлари, 98,9 мг % витамин С, смола бор.

Илдиз қайнатмаси ва порошоғи дизентерия, энтероколит ва бошқа меъда-ичак касалликларига даволаш учун қўлланилади.

Откулоқ доривор препаратлари кичик дозаларда ич қотириш, катта дозада ич юмшатиш хусусиятига эга.

Сурғи сифатида доривор откулоқнинг илдиз қайнатмаси 0,5—1,0 г дан ухлашдан олдин ичилади, чунки сурғининг таъсири 8—10 соатдан кейин бошланади. Шу мақсадда илдиз қайнатмасини ҳам қўллаш мумкин. Ич кетгизувчи тўхтатиш учун эса кунига 3 маҳал илдиз порциясидан 0,2—0,3 г дан истеъмол қилинади.

Оддий (доривор) откулоқ илдизидан, баргидан ва мевасидан тайёрланган қайнатма ёки дамлама халқ табобатида ич кетишга, дизентерия, ичак яралари ва бошқа касалликларга даво қилинади. Қайнатма ва дамламаси билан яна қўтир, темиртки ва терининг бошига касалликларни даволанади. Гижжа ҳайдовчи, цинк қарши ва яраларни даволовчи дори сифатида ҳам ишлатилади. Қўтир, темиртки ва бошқа яраларни даволаш учун қуритилмаган баргидан олинган ширани ҳам фойдаланилади.

Халқ орасида юқорида кўрсатилган касалликларни даволашда унинг яна икки тури ишлатилади: **Жингалак** — **Щавель курчавый** — *R. crispus L.*, **Сув-откулок** — **Щавель водяной** — *R. aquaticus*. Откулоқнинг бу турлари откулок ўсадиган ерларда учрайди ва тиббиётда уларнинг илдизи ишлатилади. Илдизи таркибида 1,98—4,2 % антрацен унумлари (франгулаэмодин, хризофанол ва бошқалар), 4,43—17,3 % ошловчи, 1,29 % шиллик моддалар, эфир мойи, смолалар, баргида — 1,27—2,02 % антрацен унумлари, 4,08—8,47 % ошловчи, 0,62 % рутин, 1,90—857,6 мг % витамин С, смола ва бошқалар, мевасида — 0,67—0,77 % антрацен унумлари, 119,3 мг % витамин С, эфир мойи, смола, 2,86 % шиллик, 3,97—5,36 % ошловчи ва бошқа моддалар бор.

#### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

Откулок турларининг илдизидан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишдаги 3 стакан сувга илдирилган илдизидан 2 ош қошиқда солиб 15 минут дамлатилади ва 4 соат давомида дамлаб қўйилади. Кейин сувни сузиб, юқорида кўрсатиб ўтилган касалликларга даво қилиш учун кунига 3—4 маҳал овқатдан олдин 1 ош қошиқдан ичилади.

Дамлама тайёрлаш учун эса копқокли бирор идишдаги 1 стакан қайнаб турган сувга майдаланган илдизидан (ёки мевасидан) 2 чой қошиқда солинади ва 4 соат давомида дамлаб қўйилади. Сўнгра доқада сузиб, идишдаги касалликларга даво қилиш учун ҳар кун 3—4 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

Симликнинг уруғидан (мевасидан) 5 г олиб ярим литр сувга солинади ва 10 минут қайнатилади. Совигач сувни сузилади ва кунига ярим стакандан 3—4 маҳал

#### РЕЦЕПТЛАР

Rp.: Pulv. rad. Rumicis conferti 0,25  
D. f. d. N. 12  
S. Кунига 3 маҳал 1 порошокдан ичилсин.

Rp.: Dec. rad. Rumicis conferti ex 3,0—180,0  
D. S. Кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилсин.

## ОДДИЙ ОҚҚАРРАК

*Татарник обыкновенный — Onopordon acanthium L.*

**Ўсимлик тасвири.** Оддий оққарак астрадошлар (мураккабгулдошлар) — Asteraceae (Compositae) оиласига мансуб, бўйи 60—200 см бўладиган тиканли икки йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, қанотли, сертук, тиканли, шохланган. Барглари йирик, у ҳам сертук, кенг ёки тор ланцетсимон, қирралари ўйилган бўлиб, қисқа банди (илдизолди тўп барглари) ёки бандсиз поя ва шохларида кетма-кет ўрнашган. Тўқ қизил гуллари йирик, тухумсимон-шарсимон саватчага жойлашган. Меваси — қисқа учмали писта.

Июнь — август ойларида гуллайди, меваси июль — сентябрда етилади.

**Географик тарқалиши.** Собик СССРнинг Европа қисми, Кавказ ва Ўрта Осиёдаги адирлар, чўлларда, ташландик ва ифлос ерларда, аҳоли яшайдиган жойларда, йўл ёқаларида ўсади. Кўпинча у айрим ерларда оққарракзорларни ташкил қилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Халқ табобатида оққарраكنинг ер усти қисми ва меваси ишлатилади. Ўсимлик гуллаган (ёки гуллашидан олдин) вақтида поясининг юқори қисми қирқиб олинади ва соя ерда қуритилади. Меваси эса пишганда саватчаси билан қирқиб олинади ва очик хавода қуритилади. Сўнгра саватчаси билан бирга қўлланилади ёки саватчани янчиб, меваси ажратиб олинади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Оққарраكنинг ер устки қисми таркибида алкалоидлар, аркциопикрин сесквигтерпен лактони, 31,1—33,2 мг % витамин С ва К, қандлар, органик кислоталар, аччик, ошловчи ва бошқа моддалар, мевасида — 0,1 % гача алкалоидлар, 15—35 % ёғ бор.

Ер устки қисми дамламаси ёки қайнатмаси халқ табобатида хавфли ўсмаларни (жумладан, бачадон раки), қокшол ва йирингли яраларни даволашда ҳамда қон окишини тўхтатувчи, сийдик ҳайдовчи ва микробларни ўлдирувчи восита сифатида қўлланилади. Қуритилмаган ўсимлик шыраси билан темиртки ва қўтир даволанади.

Оққаррак ер устки қисмининг доривор препаратлари юрак иштини яхшиловчи, сийдик ҳайдовчи, қон окишини тўхтатувчи ва бактерицид таъсирга эга эканлиги тажрибада аниқланиб, илмий тиббиётда ишлатишга тавсия этилган. Шунингдек, рақ касаллигини операция қилгандан сўнг уни профилактика қилиш (қайталанишининг олдини



олиш) мақсадида ҳамда тери раки ва силини даволаш учун ҳам ишлатишга тавсия қилинган.

### ОДДИЙ СИЛИБУМ

*Остропетро обыкновенное (расторопша пятнистая — Silybum marianum (L.) Gaertn.*

**Ўсимлик тасвири.** Астрадошлар (мураккабгулдошлар) — Asteraceae (Compositae) оиласига мансуб, бўйи 30—150 см га етадиган бир ёки икки йиллик ўт ўсимлик. Поялари тик ўсади, асос қисмидан шохланган. Барглари юпка, доғли, илдиз олди барглари бандли, тухумсимон, тиканли қиррали бўлақларга патсимон ажралган, поясининг юқори қисмидагилари — чўзиқ ништарсимон, текис бўлмаган тишсимон тиканли бўлиб, пояси билан шохларида бандсиз кетма-кет ўрнашган. Тўқ қизил рангли гуллари шарсимон саватчаларга тўпланган. Меваси — тесқари тухумсимон писта.

Апрель — май ойларида гуллайди, май — июнда меваси етилади.

**Географик тарқалиши.** Собик СССР Европа қисмининг жанубий ноҳиялари, Кавказ, Ғарбий Сибирь ва Ўрта Осиёнинг жанубидаги воҳаларда, йўл ёқаларида, бегона ўт сифатида экинзорларда, ташландик ерларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Меваси. Улар етилган вақтда ўсимлик ўриб олинади, хирмонда куритилади, янчилади ва шамолда совуриб, тозалаб олинади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Меваси таркибида 2,7 % гача флавонолигнанлар (силибин; дегидросилибин, силихрестин, дегидросилихрестин ва бошқалар), таксифолин флавоноиди, сапонинлар, алкалоидлар, фумар ва бошқа органик кислоталар, витамин К, Т-омил, эфир мойи 32 % гача ёғ, шиллик, аччиқ ва бошқа моддалар бор.

Мева флавоноидлари суммасининг препаратлари — силибинин ва силибор гепатит, цирроз, сариқ ва жигарнинг бошқа сурункали касалликларини даволашда қўлланилади.

### ОДДИЙ ЧЕТАН

*Рябина обыкновенная — Sorbus aucuparia L.*

**Ўсимлик тасвири.** Оддий четан раъногулдошлар — Rosaceae оиласига мансуб, бўйи 4—5, баъзан 15 м гача етадиган дарахт ёки бута. Пояси кулранг, силлик пўстлоқли, ёш шохлари сертук. Барги 4—7 баргчадан ташкил топган тоқ патли мураккаб бўлиб, банди ёрдамда

поя ва шохларида кетма-кет ўрнашган. Баргчалари чўзиқ-ништарсимон, аррасимон қиррали. Оқ рангли, беги бўлакди гуллари қалқонсимон тўпугулга жойлашган. Меваси — думалок, серсув, қизил рангли, 2—7 уруқли ҳўл мева.

Май — июнь ойларида гуллайди, меваси сентябрда пишади.

**Географик тарқалиши.** Собик СССР Европа қисмининг ўрмон-чўл зонасида ҳамда Кавказда нина баргли ва аралаш ўрмонларда, ўрмон четларида, бутазорларда ўсади. Боғ ва хиёбонларда ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Тиббиётда четаниннг меваси ишлатилади. Меваси пишганда (совуқ тушган вақтда) йиғиб олинади, қуритгичларда қуритилади ёки қуритилмай қўлланилади. Совуқ тушганда меваси ёқимли, аччикрок-нордон мазага эга бўлиб қолади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Оддий четан меваси таркибида 160 (40—200) мг % витамин С ва Р, 18 мг % каротин, 8 % гача органик (лимон, олма, вино) кислоталар, қандлар (глюкоза, фруктоза, сахароза), флавоноидлар (кверцитрин, изокверцитрин, рутин ва бошқалар), эфир мойи, сорбит, ошловчи ва бошқа моддалар, уруғида амигдалин гликозиди ва 22 % гача ёғ бор.

Мева ва унинг дамламаси лавша (цинга) ва бошқа авитаминоз касалликларини даволаш ва уларнинг олдини олиш учун қўлланилади. Меваси витаминли чойлар — йиғмалар таркибига киради.

Четан меваси халқ табобатида иштаҳа очувчи дори сифатида ҳамда цинга касаллигини даволаш ва олдини олиш учун қадимдан қўлланилади.

#### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

Ўсимлик мевасидан 2 ош қошиқда олиб 2 стакал қайнаб турган сувга солинади ва совигунича дамлаб қўйилади. Сўнг доқада сузиб, юқорида айтиб ўтилган касалликларда кунига 3 маҳал ярим стакандан ичилади.

#### РЕЦЕПТЛАР

Rp.: Inf. Fructus Sorbi 15,0—200,0

D. S. Кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилсин.

Rp.: Fructus Sorbi

Fructus Rosae āā 50,0

M. f. species

D. S. Маҳсулотдан (йиғмалдан) 1 ош қошиқ олиб 2 стакал қайноқ сувга солисин ва 10 мину қайнатилсин. Сўнг доқада сузиб кунига 3 маҳал чорак стакадан ичилсин.

## ОДДИЙ ШУМУРТ

Фармухи обикновенная — *Radus racemosa* (Lam.). Gilib

**Усимлик тасвири.** Раъногулдошлар — *Raŕaceseae* оила-  
сига мансуб, бўйи 2—10 м га етадиган бутга ёки дарахт.  
Барглари эллипсимон, ўткир учли, аррасимон қиррали  
бўлиб, қисқа банди ёрдамида пояси ва шохларида кетма-  
кет ўрнашган. Оқ рангли, хушбўй, беш бўлаккли гуллари  
пастга қараб осилган, зич шингил гултўпламига жой-  
лашган. Меваси — шарсимон, қора рангли, данакли мева.

Май — июнь ойларида гуллайди, меваси август — сен-  
тябрда пишadi.

**Географик тарқалиши.** Собик СССР Европа қисмининг  
ўрмон ва ўрмон-чўл зоналари, Кавказ, Фарбий Сибирь ва  
Ўрта Осиёдаги ўрмонларда, ўрмон четларида, арик  
бўйларида ва буталар орасида ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Меваси. Уни август — сентябрь  
ойларида йиғиб олиб, очик ҳавода — қуёшда ёки қурит-  
киларда (ёғингарчилик бўлган вақтларда) қуритилади.  
Табъан янги йиғилган, қуритилмаган гулини бугда ҳайдаб  
шумурт суви олинади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Шумурт меваси  
таркибида 15 % гача ошловчи моддалар, 5 % қандлар,  
антоцианлар, лимон ва олма кислоталар, уруғида — 1,5 %,  
гули ва баргида 0,05 %, пўстлоғида 2 % гача амигдалин  
глюкозиди ва бошқа бирикмалар бор.

Мева дамламаси ёки қайнатмаси ич кетишини даволаш  
учун қўлланилади. Меваси меъда-ичак касалликларида  
ишлатиладиган буруштирувчи чойлар — йиғмалар тарки-  
бига кирadi.

Мевасидан тайёрланган қайнатмаси халқ табобатида  
ич кетганда ва кўз шиллик пардаси яллиғланганда  
даволаш учун қўлланилади. Шумурт пўстлоғи қайнатмаси  
терлатувчи ва сийдик ҳайдовчи дори сифатида ишлати-  
лади.

### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Мевасидан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёцилади-  
ган идишга 2 стакан қайнаб турган сув қуйилади ва устига  
қуритилган мевасидан 2 ош қошиқда солиб, 20 минут  
қайнатилади. Совигандан сўнг доқада сузилади ва ич  
кетишини даволаш учун кунига ярим стакандан 2—3 ма-  
ҳал ичилади. Шу қайнатма билан кўз яллиғланганда кўзни  
ювиш ҳам мумкин.

2. Ич кетганда қуритилган ёки қуритилмаган мевасини  
еса ҳам ёрдам беради.

3. Үсимлик пўстлогидан қайнатма тайёрлаш учун уни майдалаб, 2—3 қошиқда олинади-да, 1 стакан сувга солиб 10—15 минут қайнатиб, сўнг совигунича ўраб кўйилади. Кейин докадан ўтказиб юкорида кўрсатиб ўтилган касалликларда кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

Пўстлоқни дорихонадан олиш ҳам мумкин.

#### РЕЦЕПТ

Рр.: *Baccae Pruni radi* 150,0  
D. S. 2 стакан қайнаб турган сувга 2 ош қошиқда маҳсулотдан солиб 15—20 минут қайнатилска. Сўнг докада сузиб чорак стакандан 3 маҳал ичилсин.

#### ОДДИЙ ҚАРАҒАЙ

*Cosna obыkновенная — Pinus silvestris L.*

**Үсимлик тасвири.** Оддий қарағай қарағайдошлар — *Pinaceae* оиласига мансуб, бўйи 40 м гача етадиган донм яшил дарахт. Поядаги шоҳлари тўп-тўп жойлашган. Нинабарглари ярим цилиндрсимон, қаттиқ, ўткир учли, ички томони ботиқ, устки томони дўнг, пояда жуфт-жуфт бўлиб ўрнашган. Гуллари бир жинсли, кўримсиз, куббаларга жойлашган. Оталик куббалари баҳорда ёш новдаларда ҳосил бўлади, оналик куббалари новдаларнинг учки қисмида 1—3 тадан жойлашади. Оналик куббалари иккинчи йили пишади ва ёғочланиб қолади.

**Географик тарқалиши.** Оддий қарағай собик СССРнинг Европа қисми, Сибирь, Қозогистоннинг шимолӣ қисми, Кавказ ва Узоқ Шарқдаги нинабаргли ўрмонларнинг асосий дарахтларидан ҳисобланади.

**Қўлланиладиган қисми.** Тиббиётда оддий қарағайнинг куртаги, эфир мойи, смоласи ва смоладан олинган маҳсулотлари ишлатилади. Қўшалок куртақлар эрта баҳорда, бўртган вақтида ўсиб чиққан жойи билан бирга қиркиб олинади ва салқин жойда узоқ вақт қуритилади. Эфир мойи 15—20 см узунликдаги қуритилмаган новдалардан сув буғи ёрдамида ҳайдаб олинади. Смола ва унинг маҳсулотлари дарахт пўстлогини тилиб, дарахтни курук ҳайдаш ёки экстракция қилиш усули билан олинади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Қарағай куртаги таркибида 0,36 % эфир мойи, витамин Е, аччиқ, ошловчи ва бошқа моддалар, қарағай баргли шоҳчасида 0,13—1,3 % эфир мойи, 7—12 % смола, витамин С, каротин ва бошқа бирикмалар бор. Баргли новдаларидан олинган эфир мойи 40 % пинен, 40 % лимонен, 11 % гача борнилацетат ва бошқа терпеноидлардан ташкил топган.

Қарағай куртаги дамламаси балғам кўчирувчи, дезинфекция килувчи ва сийдик ҳайдовчи восита сифатида ҳамда юкори нафас йўллари касалланганда ингаляция қилиш учун қўлланилади. Барг дамламаси лавша (цинга) касаллигида ва унинг олдини олишда, экстракти — шифобахш ванна учун ишлатилади. Эфир мойининг спиртдаги эритмаси хоналар (қўпинча касалхоналарда) хидини яхшилаш учун пуркалади.

Қарағай смоласидан ҳамда дарахтни курук хайдаш усули билан скипидар, канифоль, қорамой ва писта кўмир олинади.

Скипидар турли суртмалар, бальзам ва бошқа ара-лашмалар таркибида невралгия, бод ва бошқа шамоллаш касалликларида оғриган, ерга суртиш, нафас йўллари касалланганда ингаляция қилиш, хоналар ҳавосини яхшилаш учун ишлатилади. Қорамойи Вишневский суртмаси таркибида яраларни, Вилькинсон суртмаси таркибида кўтирни, экзема ва темираткини даволашда қўлланилади. Канифоль турли малҳамлар таркибига киради. Писта кўмир препарати — корболон таблеткаси меъдада йиғилиб қолган ортикча газларни (корин дам бўлганда) чиқаришга ёрдам беради.

Смола, скипидар, канифоль, қорамой ва писта кўмирдан саноат тармоқларида ва техникада кенг фойдаланилади.

#### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Қарағай куртагидан 50 г олиб, ярим литр сутда 15—20 минут қайнатилади. Сўнг иссиқ ҳолида хўплаб ичилади.

2. Қарағай куртагидан дамлама тайёрлаш учун ундан 50 г олиб 2 стакан қайнаб турган сувга солинади-да, 2 соат ўраб дамлаб қўйилади. Сўнг докада сузиб, устига 50,0 г шакар солинади ва яна қайнатилади. Болаларга кунига 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичирилади

#### ОДДИЙ ҚИЗИЛПОЙЧА, ОДДИЙ ДАЛАЧОЙ

*Зверобой прорыявленный (прозенный, обыкновенный) — Hypericum perforatum L.*

**Ўсимлик тасвири.** Далачойдошлар — Hypericaceae (Guttiferae) oilасига мансуб, бўйи 20—75 (100) см келадиган кўп йиллик ўт ўсимлики. Пояси битта ёки бир неча бўлиб, тик ўсади, юкори қисми шохланган, силлиқ, икки қиррали. Барглари кенг ёки чўзиқ тухумси-

мон, пояси билан шоҳларида бандсиз қарама-қарши жойлашган. Тилла сариқ рангли гуллари қалқонсимон рўвакка, шингил ёки тарқок соябонга тўпланган. Меваси — уч хонали, кўп уруғли кўсакча.

Июнь — август ойларида гуллайди, меваси июль — сентябрда етилади.

**Географик тарқалиши.** Кавказ, Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Фарбий Сибирда йўл ёқаларида, эрик бўйларида, ўтлоқларда, бедазорларда, боғларда, суғориладиган ерларда, бутазорларда, тоғ ёнбағирларидан бошлаб, ўрта қисмигача бўлган майда тош-туپроқли жойларда ўсади.

**Кўлланиладиган қисми.** Ер устки қисми.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Таркибида 10—12 % ошловчи моддалар, 0,2—0,3 % эфир мойи, 5,66 % антоцианлар, 2 % флавоноидлар (кверцетин, гиперозид, кверцитрин, рутин), каротин (15,88 мг %), 240 мг % витамин С, органик кислоталар, канд, смола, шиллик ва бошқа моддалар бор.

Доривор препаратлари (дамлама, настойкаси) ва йиғмалар — чойлар таркибида буриштирувчи, антисептик восита сифатида (меъда-ичак касалликлари — колит, ич кетар ва бошқалар), оғиз бўшлиғи яллиғланиши (гингивит, стоматит), турли яраларни, куйганни ва бошқа касалликларни даволашда кўлланилади. Ер устки қисмининг мойли экстракти ва новоиманин препаратлари меъда ва ичак яра касаллигига, йирингли яраларга ҳамда II — III даражали куйганга даво қилинади. Ер устки қисмидан Болгарияда пefлавит препарати олинади.

Ўзбекистонда қизилқойчанинг яна бир тури — дағал қизилпойча (далачой) — *Hypericum scabrum* L. — зверобой шероховатый кенг тарқалган бўлиб, унинг ер устки қисми таркибида оддий қизилпойча таркибидаги моддалар: 8,5 % кандлар, 6,71 мг % каротин, 130 мг % витамин С, 0,22 % эфир мойи, 5,03 % антоцианлар, 0,9 % флавоноидлар (кверцетин, гиперозид, кверцитрин ва рутин), 4,5 % шиллик, 10,5 % ошловчи ва бошқа моддалар бор. Шунинг учун у тиббиётда юқорида кўрсатилган касалликларни даволашда ишлатилади.

**Дағал қизилпойча (далачой) — *Hypericum scabrum* L.**

**Ўсимлик тасвири.** Бўйи 20—50 см келадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, бир нечта, шоҳланмаган ёки юқори қисми шоҳланган. Поясидаги барглари чўзиқ-чизиксимон ёки ништарсимон, кирраси ичига қайрилган, барг қўлтигидан чиққан қисқа шоҳчадагилари — чизиксимон, ичига қайрилган киррали бўлиб, пояси билан шоҳчаларида бандсиз қарама-қарши ўрнаш-

ган. Сарик гуллари калконсимон-рўваксимон тўп гулни ҳосил қилади. Меваси — кўп уруғли, тухумсимон кўсакча.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиё, Кавказ, Олтойдаги тоғли ноҳияларда, тоғ этақларидан то ўрта қисмигача бўлган тошли ва шағалли, тупроқли қияликларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Ер устки қисми. Уни ўсимлик гуллаганда йиғиб олиб соя ерда қуритилади.

**Ишлатилиши.** Далачой турлари илгаридан ишлатиб келинадиган доривор ўсимликдир. Абу Али ибн Сино уни оғрик қолдирувчи, сийдик ҳайдовчи восита сифатида ҳамда яраларни даволашда қўллаган.

Ер устки қисмидан тайёрланган дамламани халқ табобатида буйрак, буйрак-тош ва қовуқ касаллигида сийдик ҳайдовчи, қон тунурганда, ички аъзолардан қон оққанда, қон аралаш ич кетганда қон оқишини тўхтатувчи, ич кетганда ва меъда-ичакнинг бошқа касалликларида буриштирувчи, антисептик, яллиғланишга қарши таъсир этувчи ва ич кетишини тўхтатувчи ҳамда турли яраларни (дамламаси билан яралар ювилади ёки докани ҳўллаб, яра устига боғланади) даволаш учун қўлланилади. Оғиз бўшлиғи яллиғланганда (гингивит ва стоматит), оғиздан ёмон ҳид келганда дамлама билан оғизни чайиш буюрилади.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Қизилпойча (далачой) турларидан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув қуйиб, устига майдаланган ер устки қисмидан 10 г солинади ва бир соат давомида дамланади. Сўнгра докада сузилади ва кунига 2—4 маҳал овқатдан олдин чорак стакандан ичилади.

2. Қизилпойчадан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан сув қуйилади, устига 10 ёки 20 г майдаланган ер устки қисмидан солинади ва бир оз қайнатиб, сўнгра дамлаб қўйилади. Қайнатма совиғач докада сузилади ва кунига 3 маҳал овқатдан олдин чорак стакандан ичилади ёки оғиз чайилади, яраларни ювиш ҳам мумкин.

3. Ўсимликнинг қуриган ер устки қисмидан (уни дорихоналардан олиш ҳам мумкин) 3 ош қошиқда олиб икки ярим стакан қайнаб турган сувга солинади-да, 2 соат ўраб қўйилади. Сўнг докадан ўтказиб тайёр бўлган дамламани учга бўлиб 3 маҳал овқатдан олдин ичилади. Бир курси 1—2 ой.

4. Қизилпойча (далачой)дан настойка тайёрлаш учун

Ўсимликнинг қурган ер устки қисмидан 50 г олинади-д 40° ли 250 мл спиртга (аракка) солинади ва уни 1 ҳафт қўйиб қўйилади. Сўнг докадан ўтказиб тайёр бўлге настойкадан кунига 1—3 чой қошиқда овкатдан олди ичилади.

5. Қизилпойчадан мойли қайнатма тайёрлаш учун э ўсимликнинг ер устки қисмидан 100 г олиб 500 мл зайту ёки кунгабоқар мойига солинади ва ярим соат қайнати совитилгач, докадан ўтказилади. Уни яра-чақаларга е куйган жойларга бинтга шимдириб қўйилса яхши на беради.

6. Қизилпойчанинг гулидан ҳам шунга ўхшаш доғ тайёрлаш мумкин. Бунинг учун ўсимликнинг гулидан 1 о қошиқда олиб 1 стакан зигир мойига (кунгабоқар ёи зайтун мойи бўлса ҳам бўлади) солинади-да, 15 ку сакланади. Албатта вақти-вақти билан чайқатиб тури керак. Сўнг докадан ўтказиб (у қизил рангли бўлади теридаги яралар, жароҳатлар, куйган жойларга бинтга бетириб қўйилади.

#### РЕЦЕПТЛАР

Rp.: Olei Hyperici 100,0

D. S. Яраларга ишлатилсин.

Rp.: Inf. herbae Hyperici ex 10,0—250,0

D. S. Кунига овкатдан олдин 3 маҳал 1 ош қоши дан ичилсин.

Rp.: Herbae Hyperici 100,0

D. S. Ўсимликнинг ер устки қисмидан 2 ош қошиқ олиб 2 стакан сувга солинади-да, 10 минут ка натилади. Сўнг докадан ўтказиб, кунига 3 м. ҳал ярим стакандан овкатдан ярим соат олди ичилади.

Rp.: T — gae Hyperici 100,0

D. S. Милкларга суртиш учун.

Rp.: T — gae Hyperici 25,0

D. S. Ярим стакан қайнаган сувга 40 томчи томиз оғиз чайилсин.

#### ОЛХУРИ, ХОНАКИ ОЛХУРИ

*Слива домашняя — Prunus domestica L.*

**Ўсимлик тасвири.** Раъногулдошлар — Rosaceae оила- сига мансуб, бўйи 12 м га етадиган дарахт. Барглари эллипссимон, чўзик-эллипссимон, тухумсимон ёки теска- ри тухумсимон, тишсимон, баъзан қўшалок тишсимон



қиррали бўлиб, банди ёрдамида шохи билан поясида кетма-кет ўрнашган. Гуллари беш бўлакли, оқ, яшилроқ ёки бир оз сарғимтир. Меваси турли шаклда, катта-кичиклиги ҳам ҳар қил, сарғиш, оқ яшил, тўқ қизил, бинафша рангли, сершира данакли мева.

Апрель ойида гуллайди, июль — август ойларида меваси пишади.

**Географик тарқалиши.** Собиқ СССРнинг Европа қисми, Кавказ, Ўрта Осиё, Қозоғистон, Сибирь ва Ўзоқ Шарқда боғларда мевали дарахт сифатида ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Меваси. Уни пишган вақтида териб олинди ва қуёшда қуритилади ёки қуритилмасдан ишлатилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Меваси таркибида 5,36—17,2 % қандлар, 0,59—1,6 % органик (олма, лимон, оксалат, хин ва бошқа) кислоталар, витаминлар: 10 мг % С, В, В<sub>2</sub>, В<sub>6</sub>, Е, РР ва Р, каротин, биотин, флавоноидлар (кверцетин, изокверцитрин ва бошқалар), антоцианлар, пектин, ошловчи, минерал ва бошқа моддалар бор.

Олхўри меваси сурги восита сифатида қўлланиладиган кафиол препарати таркибига киради.

Олхўрини Ибн Сино сурги (кўпроқ қуритилмаган ҳолида) ва ўт ҳайдовчи восита сифатида қўллаган. Унинг фикрича, нордонроқ олхўри ўтни кучлироқ ҳайдайди, сурги таъсири эса ширинида кучлироқ. Ибн Сино олхўрининг танаси ва шохларидан олиндиған елимни яраларни даволашда, унга сирка, асал ёки шакар кўшиб темирткига (айниқса болалардаги) ишлатган. Олхўри елимни яна қовуқдаги тошларни майдалаш ва тушириш, мева ширасини эса аёлларда тўхтаб қолган ҳайзни келтиришда қўллаган. Томоқ оғриғанида томоқни олхўри барги қайнатмаси билан чайини буюрган.

Олхўри меваси (қуритилган ва қуритилмаган ҳолдагиси) ҳамда унинг шираси юмшоқ сурги таъсирга эга. Нордон навлари овқат ҳазм бўлишини яхшилайдди. Шунинг учун халқ табобатида олхўри меваси ёки қуритилган мева қайнатмаси (ёки дамламаси) қабзиятда сурги дори ўрнида ҳамда ўт пуфағи, буйрак, юрак касалликларида қўлланилади. Бундан ташқари, мевасининг шираси иштаҳа очиш (нордон навларининг шираси) ва овқат ҳазмини яхшилаш учун қўлланилади. Бу шира айниқса қиш ва баҳор ойларида, организм витаминларга муҳтож бўлганда фойдали.

Олхўри мевасидан 0,5 кг олиб 2 л сувда 20 мину кайнатилади. Тайёр бўлган кайнатмадан кабзиятда в юкорида санаб ўтилган касалликларда аҳволга қара қунига 1 стакандан 3—4 маҳал ичилади.

### ОЛЧА (ОЛВОЛИ)

*Вишня обыкновенная — Cerasus vulgaris Mill.*

**Ўсимлик тасвири.** Атиргулдошлар — Rosaceae оиласига мансуб, бўйи 3—8 м гача етадиган мева ли дарахт.

**Географик тарқалиши.** Собиқ СССРнинг Европа қисмида, Кавказ, Ғарбий Сибирь, Урта Осиё, Қозоғистон ва бошқа ноҳияларда ўстирилади. Ўзбекистоннинг деярли ҳар бир хонадони кўчасида ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Меваси, барглари, ёш новдалари.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Меваси таркибида 12,7 % гача қандлар, 1,5—2 % органик кислоталар, каротин, витамин С, В ва РР, бўёқ, ошловчи ва бошқа моддалар, уруғида — эфир мойи, 25—35 % ёғ ва амигдалин гликозиди бор.

Мева шарбати фармацевтикада баъзи суюқ дорилар таъмини яхшилаш учун, иситмани пасайтирувчи, иштаҳа очувчи восита сифатида ва шамоллаш касалликларида қўлланилади. Фармацевтика амалиётида олча елимидан эмульгатор сифатида фойдаланилади.

Олча меваси ёки мева шираси халқ табобатида ўпка ва юкори нафас йўллари шамоллаганда балғам кўчирувчи, иситма кўтарилганда ҳароратни пасайтирувчи дори сифатида қўлланилади. Олча шираси (меваси) иштаҳа очади ва овқат ҳазмини яхшилайди, чанқовни босади. Баъзи одамларнинг ичини юргизади. Янги баргларини сутда қайнатиб ичилса, ич юмшайди. Бундан ташқари, олча мевасининг банди ва янги новдалари қайнатмаси сийдик ҳайдовчи, микробларга, яллиғланишга қон оқиниға қарши восита сифатида ишлатилади. Ҳайз вақтида қўп қон кетадиган аёлларга фойда бериши мумкин.

### ОЛЬХА

*Ольха — Alnus L.*

**Ўсимлик тасвири.** Ольха турлари қайиндошлар — Betulaceae оиласига мансуб, бўйи 20 м гача етадиган дарахт ёки бутта. Барги тухумсимон, кенг эллипсимон.

ёки юмалок шакли, ўткир учли, кўшалок аррасимон ёки аррасимон қиррали бўлиб, поя ва шохларида банди ёрдамида кетма-кет ўрнашган. Кўримсиз, бир жинсли гуллари 3—5 тадан кучала тўпгулига (оталик гуллари) ёки бошоққа (оналик гуллари) жойлашган. Меваси — ясси, бир уруғли ёнғоқча.

Март — апрель ойларида гуллайди, меваси октябрда етилади.

**Географик тарқалиши.** Ольханинг ҳар иккала тури собиқ СССР Европа қисмининг ўрмон, ўрмон-чўл зонаси ва қисман Кавказдаги нам ўтлоқларда, ариқ бўйларида, қияликларда, ўрмонларда, ботқоқликларда ўсади.

Тиббиётда ольханинг икки тури ишлатилади: **Қора (ёпишқоқ) ольха** — Ольха клейкая (чёрная) — *Alnus glutinosa Gaertn* ва **Қулранг ольха** — Ольха серая — *Alnus incana Maench.*

**Қўлланиладиган қисми.** Тиббиётда ольха турларининг гудда меваси ишлатилади. Гудда меваси пишганда, кишда йиғилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Ольха турларининг гудда меваси таркибида ошловчи моддалар (жумладан 3 % гача галлотанинлар), 4 % гача галлат кислота ва бошқа бирикмалар бор.

Мевасининг дамламаси буруштирувчи восита сифатида меъда касалликлари — сурункали энтерит ва колитни даволашда, болаларнинг ичи кетганда қўлланилади. Шу жиҳати билан гудда меваси ич кетарга қарши ишлатиладиган йиғмалар — чойлар таркибига қиради.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФЙДАЛАНИШ

1. Ўсимликнинг гудда мевасидан дамба тайёрлаш учун ундан 4 ош қошиқда олиб 2 стакан қайнаб турган сувга солинади-да, 2 соат дамбаб қўйилади. Сўнг доқада сузиб юкорида айтиб ўтилган касалликларда кунига 3 маҳал ярим стакандан ичилади.

2. Ольханинг майдаланган пўстлогидан 1 ош қошиқда олиб, қайнаб турган 1 стакан сувга солинади ва 1 соат дамбаб қўйилади. Сўнг доқада сузиб кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

3. Ольханинг тайёр настойкасини дорихонадан олиб ич кетар касалликларида 30—40 томчидан ичиш мумкин.

#### РЕЦЕПТ

Rp.: T — gae Alni 30,0  
D. S. Кунига 3 маҳал, 30—40 томчидан ичилсин.

## ОРТОСИФОН

*Ортосифон тычиночный (почечный чай) —*

*Orthosiphon stamineus Benth.*

**Ўсимлик тасвири.** Ортосифон ясноткадошлар (лабгул-дошлар) — *Lamiaceae (Labiatae)* оиласига мансуб, бўйи 1—1,5 м га етадиган доим яшил ўт ўсимлик ёки ярим бута. Пояси бир нечта, тўрт киррали, бўғимли. Барглари чўзик, тухумсимон ёки ромбсимон-эллипссимон, ўткир учли, аррасимон киррали бўлиб, банди ёрдамида пояда бутсимон шаклда қарама-қарши ўрнашган. Оч би-нафша рангли, беш бўлакли, икки лабли гуллари ҳалқага ўхшаш тўпланиб, шингилсимон тўлгулни ташкил этади. Меваси — 1—4 та ёнгоқчадан ташкил топган.

Июль — август ойларида гуллайди.

**Географик тарқалиши.** Ватани жануби-шарқий Осиё-нинг тропик зоналари. Бир йиллик ўсимлик сифатида Грузиянинг субтропик зоналарида ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Тиббиётда ортосифоннинг барги ва ер устки қисми ишлатилади. Ўсимлик новдаси-нинг учки қисмини икки жуфт барги билан бирга (флеш) йил бўйи беш — олти марта қўлда териб олинади, сўнгра қалин қилиб салқин ерга 24—36 соат ёйиб қўйилади. Кейин юпқа қилиб ёйиб, қуёшда ёки 30—35° ҳароратдаги қуритгичларда қуритилади. Кеч кузда, охириги теримда бутун ер устки қисмини ўриб олиб, юқорида кўрсатилган усулда қуритиш мумкин.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Ортосифон ер устки қисми таркибида тритерпен сапонинлар, аччиқ ортосифонин гликозиди, 0,2—0,66 % эфир мойи, 1,5 % гача органик (вино, лимон ва бошқа) кислоталар, 5—6 % ошловчи моддалар ҳамда кўп миқдорда калий тузлари бор.

Ўсимлик дамламаси сийдик ҳайдовчи восита сифатида буйрак-тош касаллиги, холецистит, ҳамда юрак-кон томир системасининг II — III даражали бузилишларини даволашда юрак гликозидлари билан бирга қўлланилади.

Ортосифон баргининг брикетини дорихонадан олиш мумкин.

### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

Ўсимлик баргидан дахлама тайёрлаш учун уни дорихонадан олиб 2 стакан қайнаб турган сувга 7 г (брикетнинг бир бўлагани) солинади-да, ярим соат ўраб қўйилади. Сўнг доқада сузиб устига олдинги миқдорига етгунига қадар сув қўйилади. Юқорида айтиб ўтилган

касалликларда кунига 2 маҳал овқатдан ярим соат олдин иссиқ ҳолида ярим стакандан ичилади.

## РЕЦЕПТ

Rp.: Inf. fol. Orthosiphoni 7,0—400,0  
D. S. Кунига 2 маҳал ярим стакандан иситиб ичилсин.

### ОҚ ЛАМИУМ (ОҚ ЯСНОТҚА)

*Яснотка белая — Lamium album L.*

**Ўсимлик тасвири.** Ясноткадошлар (лабгулдошлар) — Labiaceae (Labiataeae) оиласига мансуб, бўйи 25—70 см га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, тўрт қиррали. Барглари тухумсимон, учи ўткир, аррасимон қиррали бўлиб, узун банди (поясининг юқори қисмидаги лари қисқа бандли ёки бандсиз) ёрдамида пояси билан шохларида карама-қарши ўрнашган. Оқ рангли, беш бўлакли, икки лабли гуллари поясининг юқори қисмидаги барглари қўлтиғида тўп-тўп бўлиб жойлашган. Меваси — тўртта ёнғоқча.

Май — июль ойларида гуллайди, меваси августдан то кеч кузгача етилади.

**Географик тарқалиши.** Собик СССРнинг Европа қисми, Кавказ, Сибирь, Қозоғистон ва Ўрта Осиёдаги ўрмонларда, буталар орасида, тоғларнинг ўрта қисмигача бўлган тоғ ораликлари (даралар)да ҳамда бегона ўт сифатида истироҳат боғларида, хиёбонларда, экинзорларда ва бошқа нам ерларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Гуллари. Халқ табобатида янги барги ёки ер устки қисми ишлатилади. Ўсимлик гуллаган вақтида фақат гултожиси йиғиб олинади ва соя ерда қуритилади. Ер устки қисми ёки алоҳида ҳолда барги ҳам ўсимлик гуллаган даврда йиғиштириб олинади ва соя ерда қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Оқ ламиум гуллари таркибида эфир мойи, сапонинлар, флавоноидлар (изокверцитрин, кемпферол, кверцетин, астрагаллин, кверциметрин ва бошқалар), витамин С, хлороген ва галлат кислоталар, алкалоидлар, холин, 10 % гача ошловчи, шиллик, баргида — 0,55 % эфир мойи (таркибида 4,4 % гача феноллар бўлади), сапонинлар, флавоноидлар, кумаринлар, 56,9—288 мг % витамин С, 13,7—15 мг % каротин, кислоталар, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Гулининг доривор препаратлари акушерлик-гинекология амалиётида бачадон тонусини оширувчи, қон оқитини

тўхтатувчи ва кон босимини пасайтирувчи восита сифатида ишлатилади. Гули кон оқишини тўхтатувчи чойлар — йиғмалар таркибига киради.

Ўсимлик гулидан тайёрланган дамлама, қайнатма, настойка ҳамда гул порошоғи билан халқ табобатида буйрак, қовуқ ва сийдик йўллари, талоқ, бачадон, ичак, нафас йўллари шиллиқ кавати яллиғланиши, безгак, сариқ касаллиги, уйқусизлик ва терининг баъзи (экзема, яралар ва эшакем) касалликлари даволанади. Бундан ташқари, оқ ламинум балғам кўчирувчи, буруштирувчи ва бачадондан, ўпкадан кон оқишини тўхтатувчи восита сифатида ишлатилади.

Ўсимлик баргидан тайёрланган қайнатма кон аралаш ич кетганда ишлатилади, гулидан мойда тайёрланган суюқ дори экзема, эшакем ва яраларга суртилади, ер устки қисми дамламаси сийдик ҳайдовчи дори сифатида қўлланилади.

#### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Оқ ламинумдан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган бирор идишдаги қайнаб турган 2 стакан сувга ўсимлик гулидан ёки майдаланган ер устки қисмидан 2 ош қошиқда солиб 30 минут дамлаб қўйилади. Сўнг докада сузиб, юқорида кўрсатилган касалликларни даволаш учун кунига 4—5 маҳал ярим стакандан ичилади.

2. Ўсимликнинг майдаланган ер устки қисмидан 4 ош қошиқда олинадиганда, 1 л қайнаб турган сувга солиб 10 минут қайнатилади ва 5—6 соат дамлаб қўйилади. Сўнг докада сузиб юқорида кўрсатиб ўтилган касалликларда кунига 3 маҳал ярим стакандан ичилади.

3. Ўсимлик гулидан 15—30 г олиб, 0,5—1 л сувда 15 минут қайнатилади ва 2 соат дамлаб қўйилади. Сўнг докада сузиб куйган жойларга, теридаги яраларга бинтни хўллаб босилади (тозалikka ниҳоятда риоя қилиш керак).

#### ОҚКАЛДИРМОҚ, ОДДИЙ ОҚКАЛДИРМОҚ (КҲКА)

*Мать-и-мачеха обыкновенная — Tussilago farfara L.*

**Ўсимлик тасвири.** Астрадошлар (мураккабулдошлар) — Asteraceae (Compositae) оиласига мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик. Эрта баҳорда илдиз поясида гул ҳосил қилувчи бир нечта шохланмаган, бўйи 5—25 см бўлган поялар ўсиб чиқади. Поялари қизил-қўнғир рангли, тангачасмон баргчалар билан қопланган бўлиб, учида тилла сариқ рангли гуллардан ташкил топган

саватча гултўплам жойлашган. Меваси пишгандан кейин поялари куриб қолади ва узун бандли илдизолди барглари ўсиб чиқади. Илдизолди барглари юмалок ёки кенг тухумсимон, нотекис ўйилган ва тишсимон қиррали, барг пластинкасининг юқори томони туксиз, яшил рангли, пастки томони сертук, оқиш бўлади. Меваси — учмалли писта.

Апрель — май ойларида гуллайди, меваси май — июнда етилади.

**Географик тарқалиши.** Собик СССР нинг Европа қисми, Кавказ, Сибирь ва Ўрта Осиёнинг тоғли ерларида, дарёчалар ҳамда арик бўйларида, ўрмонларда, жарликларда, ғорларда ва шунга ўхшаш бошқа нам ва соя ерларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Барглари, қисман гуллари. Гулларини ўсимлик тўлик гуллаган вақтда, баргларини йириклашган даврида — ёз ойларида йигилади ва соя ерда куритилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Барглари таркибида 2,63 % гача туссиялгин ва бошқа аччиқ гликозидлар, органик кислоталар, флавоноидлар, сапонинлар, 0,12 % алкалоидлар, каротин, витамин С, эфир мойи, 7—8 % шиллик, 9,61 % ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Ўсимликнинг барги кўкрак оғригида ишлатиладиган кўкрак юмшатувчи ва терлатувчи йиғмалар — чой-



27- расм. Оккалдирмок.

лар таркибига киради. Барг дамламаси юмшатувчи, балғам кўчирувчи, дезинфекция қилувчи ва яллиғланишга қарши таъсир этувчи восита сифатида бронхит, ларингит, турли ўпка касалликлари ва бошқа шамоллаш касалликларини даволашда қўлланилади.

Оққалдирмоқ барги дамламаси (ёки қайнатмаси)ни Абу Али ибн Сино кўкрак оғриғида, нафас олиш қийинлашганда, нафас йўллари яллиғланганда ва йўталда балғам кўчирувчи восита сифатида қўллаган. Дамламаси билан яна ширинча ва истиско касалликларини даволаган. Нафас қисилиши, ҳансираш ва нафас олиш қийинлашганда барг порошогини ичишга буюрган. Янги йиғилган барг ширасини безгак ва ўпка сили касалликларини даволаш учун ҳамда терлатувчи ва ўт ҳайдовчи дори сифатида ишлатган. Қуритилмаган баргини эзиб яра ва чипқонларга боғлаган.

Халқ табобатида барги ва гулидан тайёрланган дамлама (ёки қайнатма) нафас йўллари ҳамда меъда-ичак, буйрак, сийдик йўллари ва қовуқ касалликларида яллиғланишга қарши таъсир этувчи, балғам кўчирувчи, кўкракни юмшатувчи ва сийдик ҳайдовчи дори сифатида қўлланилади. Янги йиғилган баргларини эзиб яра ва чипқонларга боғланади.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Ўсимлик баргидан ёки гулидан дамлама тайёрлаш учун 1 литр қайнаб турган сувга майдаланган барг ёки гулидан 20 г солиб ярим соат давомида дамлаб қўйилади. Сўнг докада сузиб тайёр бўлган дамламадан кунига 4 маҳал меъда-ичак яллиғланиши ва буйрак, сийдик йўллари касалликларида ярим стакандан ичилади.

2. Қайнатма тайёрлаш учун қопқоқли идишга 1 стакан сув қуйиб, устига йирик қилиб майдаланган ўсимлик баргидан 15 г солинади, бир оз қайнатилади ва совитилгандан сўнг докада сузилади, тайёр бўлган қайнатмадан юқорида айтиб ўтилган касалликларда ҳар 2—3 соатда 1 ош қошиқдан ичилади.

3. Ўсимликнинг майдаланган баргидан 1 ош қошиқда олиб 1 стакан қайноқ сувга солинади-да, ярим соат дамлаб қўйилади. Сўнг докада сузиб тайёр бўлган дамламадан ўпка шамоллаганда кунига 4—5 маҳал 1 ош қошиқдан балғам кўчириш учун ичилади.

4. Янги баргларини эзиб ширасини кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилса, ўпка ва юқори нафас йўллари касалликларида яхши наф беради.



5. Дорихонадан тайёр дамламасини олиб юкорида кўрсатилган касалликларда ичиш ҳам мумкин.

### РЕЦЕПТ

Rp.: Infusi foliorum Farfarae 15,0—200,0  
D. S. Кунига ҳар 2—3 соатда 1 ош қошиқдан ичилсин.

### ОҚҚУНДУЗ, ҚУНДУЗ *Мордовник — Echinops L.*

**Ўсимлик тасвири.** Оккундуз (қундуз) турлари астрадошлар (мураккабгулдошлар) — Asteraceae (Compositae) оиласига мансуб, бўйи 30—80 см келадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси битта ёки бир нечта, юкори қисми шохланган. Барглари чуқур патсимон қирқилган, тиканли, аррасимон қиррали, пастки томони сертук, кумушсимон кулранг, устки томони туксиз бўлиб, поясида кетма-кет ўрнашган. Илдизолди ва поясининг пастки қисмидаги барглари бандли, юкори қисмидагилари бандсиз. Кўк ёки оқ рангли, беш бўлакли, найчасимон гуллари шарсимон бошчага — саватчага жойлашган. Меваси — чўзик, учмали писта.

Июнь — август ойларида гуллайди, меваси август — сентябрда етилади.

**Географик тарқалиши.** Фарбий Сибирь, Кавказ, Украина, Қозоғистон ва Урта Осиё чўлларида тош ва шағалли қияликларда ўсади.

Тиббиётда қундузнинг икки туридан фойдаланилади: **Одий қундуз — Мордовник обыкновенный — Echinops ritro L.** ва **Юмалоқ бошли қундуз — Мордовник шароғоловий — Echinops sphaerocephalus L.**

**Қўлланиладиган қисми.** Тиббиётда оккундуз турларининг меваси ишлатилади. Ўсимлик меваси етилганда (август — сентябрь ойларида) йиғиб олинади, шамол учириб кетмайдиган жойда қуритилади ва саватчалари янчилиб шамолда совурилади, мевалари ажратиб олинади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Қундуз турларининг меваси таркибида 1,5—2 % гача эхинопсин алкалоиди, 26—28 % ёғ бор.

Эхинопсин нитрат (алкалоиднинг нитрат тузи) шол бўлган ҳолларда, радикулит, гипотония (қон босими пастайиши) ва бошқа касалликларни даволашда стрихнин нитрат билан бир қаторда қўлланилади.

## ОҒМА САЛЛАГУЛ

*Пион уклоняющийся — Paeonia anomala L.*

**Ўсимлик тасвири.** Саллагул айиктовондошлар — I pinculaseae оиласига мансуб, бўйи 60—100 см га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси бир нечта, тик ўсади, шохланмаган. Барги 3—5 та, икки марта уч бўлакка ажралган бўлиб, банди ёрдамида пояда кетма-кет ўрнашган. Барг бўлаклари ўз навбатида уч бўлакка чуқур қирқилган ёки патсимон ажралган. Ўртадаги бўлакчаси уч бўлаккли, ёнидагилари ланцетсимон. Қизил ёки оч қизил рангли, йирик гуллари якка-якка холда поя учига жойлашган. Меваси — кўп уруғли, 3—5 та баргчадан ташқил топган.

Май — июнь ойларида гуллайди, меваси июль — августда етилади.

**Географик тарқалиши.** Собиқ СССР Европа қисмининг шимол-шарқидаги ўрмон зонаси, Сибирь ва Қозоғистон шарқидаги тоғ ўрмонларида ҳамда баланд бўйли ўт-ўланли ўтлоқларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Тиббиётда саллагулнинг ер остки органлари (илдизпояси ва илдизи) ва ер устки қисми ишлатилади. Ер устки қисми ўсимлик гуллаган вақтда ўриб олинади ва соя ерда қуритилади. Илдизпояси билан илдизини кузда қовлаб олинади, сув билан ювиб, тулроқ ва лойдан тозаланади, сўнгра очиқ хавода — қуёшда қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Ўсимлик таркибида 1,6 % гача эфир мойи, салицин гликозиди, салицилат ва бензоат кислоталар, сапониинлар, алкалоидлар, 78,5 % гача крахмал, 10 % гача қандлар, витамин С, пеонол, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Настойкаси асаб системасининг функционал бузилишларида, неврастения касаллигида ва уйқусизликда тинчлантирувчи восита сифатида қўлланилади. Дорихоналарда 200 мл ли кўнғир рангли шиша идишларда чиқарилади.

## ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

Саллагулнинг илдизи билан илдизпоясидан 50 г олиб 500 мл қайнаб турган сувга солинади ва 200 мл сув қолгунича қайнатилади. Сўнг юкорида айтиб ўтилган касалликларда кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

## РЕЦЕПТ

Рр.: Tincturae *Raeoniae* 1 фла-  
кон  
D. S. Кунига 3 маҳал 30—  
40 томчидан ичлсин.  
Даволаш курси 1 ой.

### ПАРПИ Аконит (борец) — *Aconitum* L.

**Ўсимлик тасвири.**  
Айиктовондошлар —  
*Ranunculaceae* оиласи-  
га мансуб, туғунакси-  
мон илдизпояли, кучли  
заҳарли кўп йиллик  
ўт ўсимлик. Пояла-  
ри тик ўсади. баяндли-  
ги 70—130 см. Барглари  
думалоқ шаклли, кўп  
марта бармоксимон  
қирқилган бўлиб, банди  
ёрдамида пояда кетма-  
кет жойлашган. Тўқ  
зангори ёки хира би-  
нафша рангли йирик  
гуллари шингилга  
тўпланган. Меваси —  
учта баргчадан ташкил  
топган.

Июль — август  
ойларида гуллайди, ме-  
васи август — сентябр-  
да етилади.

**Географик таркали-  
ши.** Парпининг икки  
тури: **Жунгар парпи-  
си** — Аконит джунгар-  
ский — *A. soongaricum*  
Starf. ва **Қорақул пар-  
лиси** — Аконит караку-  
льский — *A. karacoli-*



28- расм. Парпи.

сум *Rapcs.* кўпроқ ахамиятга эга. Улар Тяньшань тоғларидаги (Иссиқкўл атрофидаги, ички Тяньшань тоғ тизмалари ва қирғиз Олатоғининг шимолий қияликларидаги) нам ўтлоқлар, жарликлар ҳамда ариклар бўйида ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Илдизпоя-туғанаги ва жунгар парписининг қуритилмаган ер устки қисми.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Улар таркибида 0,5—2,55 % алкалоидлар (аконитин, зонгорин ва бошқалар) бор.

Туғанагининг настойкаси радикулит, невралгия ва бошқа шамоллаш касалликларида ишлатилиши мумкин.

**Жунгар парписининг қуритилмаган ер устки қисми** настойкаси ангинани даволаш учун ишлатиладиган ангиноль (эхинор) мураккаб препарати таркибига киради. Парпининг ҳар иккала тури туғанагининг настойкаси эса радикулит, невралгия, бод, люмбаго, плексит ва бошқа шамоллаш касалликларини даволашда қўлланилган мураккаб препарат — акофит таркибига қўшилган.

Парпи туғанагининг дамламаси халк табобатида ўпка сили, радикулит, бод ва бошқа шамоллаш касалликларини, баъзан рак касаллигини даволаш учун ишлатилади.

Парпи туғанаклари заҳарли бўлгани сабабли ҳозир тиббиётда кам қўлланилмоқда.

#### ПАСТЕРНАК, ЭКМА ПАСТЕРНАК

*Пастернак посевной — Pastinaca sativa L.*

**Ўсимлик тасвири.** Селдердошлар (соябонгулдошлар) — *Apiaceae* (*Umbelliferae*) оиласига мансуб, бўйи 70—100, баъзан 200 см бўладиган икки йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, ўткир қиррали, юкори қисми шохланган. Барглари бир неча бўлақларга тоқ патсимон ажралган бўлиб, асос қисми кенгайган, банди (поясининг пастки қисмидагилари) ёки қини билан поя ва шохларида кетма-кет ўрнашган. Барг бўлақчалари тухумсимон ёки чўзиқ тухумсимон, тишсимон қиррали ёки бўлакли бўлади. Сарик рангли, беш бўлакли гуллари мураккаб соябонга жойлашган. Меваси — қўшалок донча.

Июнь — июль ойларида гуллайди, меваси июль — августда пишади.

**Географик тарқалиши.** Зиравор ўсимлик сифатида собиқ СССРнинг жанубида, Ўрта Осиё республикаларида, айниқса Кавказда кўп ўстирилади, ёввойи ҳолда экинзорларда, дала ва ўтлоқларда учрайди.

**Қўлланиладиган қисми.** Меваси. Уни ёз ойларида ўриб олиниб, хирмонда қуритилади ва янчиб елиб ажратилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Пастернак меваси таркибида 1,5—2,5 % эфир мойи, флавоноидлар (гиперин, рутин, пастернозид ва бошқалар), 2—2,5 % гача фурукumarинлар (пастинацин, императорин, бергаптен, изопимпинеллин), ёғ ва бошқа моддалар бор.

Доривор препаратлари — пастинацин кўкрак кисиши, буйрак, жигар ва меъда-ичак спазмини, бероксан таблетка ва эритма ҳолида пес касаллигини даволаш учун қўлланилади.

#### ПАТРИНИЯ. ЎРТА ПАТРИНИЯ

*Патриция средняя* — *Patrinia intermedia* Roem. et Schult.

**Ўсимлик тасвири.** Патриция валерианадошлар — *Valerianaceae* оиласига мансуб, бўйи 30—50 см бўладиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, яшил-сарик рангли. Барглари ништарсимон бўлақларга патсимон қирқилган бўлиб, бандсиз пояда (2—5 жуфт) қарама-қарши ўрнашган. Фақат икки жуфт илдизолди барглари бандли бўлади. Тиник сарик рангли, майда, беш бўлақли гуллари қалқонсимон-рўваксимон гултўпламига жойлашган. Меваси — қанотли (пардали) писта.

Июнь — июль ойларида гуллайди, меваси июль — августда етилади.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиё, Қозғистон ва Олтой тоғларида тоғ этакларида, тошли ва шағалли қияликларда, кумлик, қуриган тоғ дарёлари ўзанида ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Тиббиётда патрициянинг ер остки органлари ишлатилади. Уларни кеч кузда ёки эрта баҳорда қовлаб олинади, сувда ювиб, тупроқ ва лойдан тозаланади, йирик илдизпоя ва илдизларини майда бўлақларга қирқиб, очик ҳавода қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Патрициянинг илдизпояси ва илдизи таркибида 13 % гача тритерпен сапонинлар (А, В, ва С патринозидлар, нитерозид ва бошқалар), 0,17—1,34 % эфир мойи, 0,13 % азот сакловчи асослар, 5 % органик кислоталар, қандлар, смолалар, пектин, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Илдизпояси ва илдизидан тайёрланган қайнатма ва настойка валериана препаратлари каби уйқусизликда, асаб кўзғалишида тинчлантирувчи дори сифатида ҳамда юрак фаолиятини яхшилаш учун қўлланилади.

#### РЕЦЕПТЛАР

- Rp.: Decoc. rad. Patriniae ex 10,0—200,0  
D. S. Қунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилсин.  
Rp.: T — gae Patriniae 20,0  
D. S. Қунига 3 марта 20 томчидадан ичилсин.

## ПАХМОҚ ҚАРИҚИЗ

*Реней (лопух) войлочный — Arctium tomentosum Mill.*

**Усимлик тасвири.** Пахмоқ қариқиз астрадошлар (мураккабгулдошлар) — Asteraceae (Compositae) оиласига мансуб, бўйи 60—100 см бўладиган бир йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, юкори қисми шохланган. Барги йирик (поясининг юкори қисмидагилари майдароқ), тухумсимон ёки кенг тухумсимон, тукли, бир оз ўйилган тишсимон қиррали бўлиб, банди билан пояси ва шохларида кетма-кет ўрнашган. Тўқ бинафша ранг гуллари саватчага жойлашган. Меваси — тескари тухумсимон, учмалли писта.

Июнь — август ойларида гуллайди, меваси сентябрда етилади.

**Географик тарқалиши.** Собик СССРнинг Европа қисми, Кавказ, Ғарбий Сибирь ва Ўрта Осиё боғларида, уйлар атрофида, ўтлоқларда, нам ерларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Халқ табобатида қариқизнинг илдизи, барги, гули ва баъзан меваси ишлатилади. Барги гуллашдан олдин ёки гуллаган вақтида, гули — кийфос гуллаганда, меваси етилган вақтида йиғилади ва соя ерда (меваси қуёшда) қуритилади. Илдизи кеч қузда ёки эрта баҳорда қовлаб олинади, сувда ювиб тупроқ ва лойда тўзаланадиган йирикларини майдалаб, очик ҳавода қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Қариқиз илдизи таркибида 27—45 % инулин, 0,42—0,64 % эфир мойи 6,8 % қандлар, 0,2 % кумаринлар, алкалоидлар, 2,9 % шиллик, 8,2 % ошловчи ва бошқалар, баргида — 2,4 % гача флавоноидлар (рутин ва гиперозид), 14 % гача органик (вино, олма, лимон ва оксалат) кислоталар, гулида — 0,37 % антоцианлар, 0,56 % флавоноидлар, 0,12 % эфир мойи, 5,8 % қандлар, 0,26 % кумаринлар, алкалоидлар, 2,1 % шиллик, 2 % ошловчи моддалар, мевасида — алкалоидлар, 3,4 % сесквитерпен лактонлар, гликозид арктинин, 17,7 % ёғ, қандлар, 4,8 % шиллик, 4,5 % ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Қариқиз илдизининг қайнатмаси халқ табобатида меъда яраси ва бошқа меъда-ичак касалликларини, бод, подагра, ички қон оқишларни, буйрак-тош ва баъзи тери касалликларини даволашда ҳамда сийдик хайдовчи, терлатувчи ва яраларни даволовчи дори сифатида қўлланилади. Баргида қайнатилган дамлама меъда ва иситма касалликларига, барг шираси яраларга фойда қилади. Илдиз настойкаси, гулининг қайнатмаси, баъзан



29- расм. Қарикиз.

барг қайнатмаси билан рақ касаллиги даволанади. Бодом ва зайтун мойида қариқиз илдизидан тайёрланган суюқ суртмаси сочни ўстириш учун бошга суртилади.

Қариқиз илдизидан тайёрланган қайнатма ва дамламани илмий тиббиётда сийдик ҳайдовчи, илдиз мойини соч тўкилишига қарши дори сифатида ишлатишга тавсия этишган.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Пахмоқ қариқиз илдизидан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан қайнаб турган сув қуйиб, устига майдаланган илдиздан 1 ош қошиқда солинади ва 2 соат дамлаб қўйилади. Сўнгра доқада сузиб, юқорида кўрсатилган касалликларни даволаш учун кунига 2—4 маҳал ярим стакандан илик ҳолда ичилади.

2. Баргидан дамлама тайёрлаш учун қопқоқли идишдаги 2 стакан қайнаб турган сувга қуритиб майдаланган баргидан 1 ош қошиқда солиб, 2—3 соат дамлаб қўйилади. Сўнгра доқада сузиб, юқорида айтиб ўтилган касалликларга даво қилиш учун ҳар куни 4—6 маҳал овқатдан 1 соат кейин 1 ош қошиқдан ичилади.

#### 14 ПЕРИПЛОКА, ГРЕЦИЯ ПЕРИПЛОКАСИ

*Обвойник греческий — Periploca graeca L.*

**Ўсимлик тасвири.** Асклепиадошлар — *Asclepiadaceae* оиласига мансуб, бўйи 30 м гача етадиган дарахтларга чирмашиб ўсадиган кўп йиллик лиана ўсимлик. Барглари гўлжисмон-кишгарсиммон ёки эллипсисмон, тўмтоқ ёки ўткир учли, текис қиррали бўлиб, поясида қисқа банди ёрдамида қарама-қарши ўрнашган. Яшил бинафша ёки яшил-кўнғир, беш бўлакли гуллари ярим соябонга жойлашган. Меваси — кўнғир-жигарранг жуфт баргча. Уруғи учмалли бўлади.

Апрель — август ойларида гуллайди ва меваси етилади.

*Ўсимлиkning ҳамма қисмида заҳарли сўт шираси бўлади!*

**Географик тарқалиши.** Кавказда (Абхазия, Аджария ва Каспий денгизига яқин жойларда) ҳам ўрмонларда ва ариқлар ёнидаги буталар орасида ўсади. Молдавия, Украина ҳамда Ўрта Осиёда ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Поясининг пўстлоғи. У эрта баҳорда қирқилган шохларидан шилиб олинади ва салқин ерда ёки 50—60° ҳароратдаги қуритғичларда қуритилади.



**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Пўстлоқ таркибида 0,38 % периплоцин, периплоцимарин ва бошқа юрак гликозидлари бор.

Пўстлоқ настойкаси юрак касалликларини (қон айла-нишининг II ва III даражали бузилишларини) даволаш учун қўлланилади.

*Ўсимлик заҳарли бўлганидан ундан уйда дори тай-ёрлаш хавфли!* Настойка ва экстрактларини дорихонадан врач рецепти билан олиб фойдаланилади.

#### РЕЦЕПТЛАР

Rp.: T — gae Periplocae graecae  
D. S. Кунига 3 маҳал 5—10 томчидан ичилсин.

Rp.: Extr. fluidi Periplocae graecae 10,0  
D. S. Кунига 2—3 маҳал 5 томчидан ичилсин.

#### ПЕТРУШКА, ОДДИЙ ПЕТРУШКА

*Петрушка обыкновенная — Petroselinum  
crispum (Mill.) Nym.*

**Ўсимлик тасвири.** Селдердошлар (соябонгулдошлар) — *Ariaceae (Umbelliferae)* oilасига мансуб, бўйи 30—100 см бўладиган бир ёки икки йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, юқори қисми шохланган. Илдизолди ва поясининг пастки қисмидаги барглари бандли, икки-уч марта патсимон қирқилган, юқори қисмидагилари ништарсимон, чизиксимон, уч бўлакли, бандсиз бўлади. Бўрларга пояси билан шохларида кетма-кет ўрнашган. Майда сариқ-яшил ёки оқ рангли, беш бўлакли гуллари мураккаб соябонга жойлашган. Меваси — кўшалок писта.

Июнь — июль ойларида гуллайди, меваси июль — августда пишади.

**Географик тарқалиши.** Зиравор ўсимлик сифатида собиқ СССРнинг ҳамма ноҳияларида ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Меваси, уруғи. Халқ табобатида яна барги ва илдизи ишлатилади. Мевалари етила бошлаганда ўсимлик ўриб олинади, хирмонда қуритилади, сўнгра янчиб, шамолда элаб, тозалаб олинади. Барг ва илдизи керак бўлган вақтда йиғилади ва қуритилмай ишлатилади ёки пояси ўсиб чиқмасдан олдин илдиз олди барглари йиғилади ва соя ерда қуритилади. Илдизи кузда қовлаб олиниб, сув билан ювиб тупрокдан тозаланади ва қуёшда қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Меваси (уруғи)

таркибида 2—6 % эфир мойи, 22 % гача ёғ, флавоноидлар (апиин, диосмин, лютеолин, нарингенин ва апигенин гликозидлари) ва бошқа моддалар бор. Барги таркибида эфир мойи, флавоноидлар ва витамин С, илдизиди — флавоноидлар ва бошқа моддалар бўлади. Мевасидаги эфир мойининг асосий қисмини апиол ташкил қилади.

Мева дамламаси (меvasи сийдик ҳайдовчи чойлар — йиғмалар таркибига ҳам қиради) сийдик йўллари, буйрак (буйрак, ковуқ ва сийдик йўлларида тош бўлганда), юрак, истиско касалликларида сийдик ҳайдовчи восита сифатида ичилади.

Петрушкани Абу Али ибн Сино жигар, талоқ ва бошқа аъзо касалликларини даволаш учун ҳамда сийдик ҳайдовчи ва аёлларда тўхтаб қолган ҳайзни келтирувчи восита сифатида қўллаган.

Халқ табобатида мева илдизидан тайёрланган дамлама иштаха очувчи, овқат ҳазмини яхшиловчи ҳамда сийдик ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади. Мевасидан буйрак-тош касалликларида, истиско, юрак фаолияти сусайган ҳолларда сийдик ҳайдовчи ва терлатувчи дори сифатида фойдаланилади. Шунингдек, у аёлларда ҳайз келиши бузилишида уни тартибга солиш ва оғрик қолдириш учун қўлланилади.

Куритилмаган барг шираси ёки илдиз дамламасига ҳўлланган пахтани ёки эзилган баргини сепкил ва теридаги бошқа доғларни йўқотиш учун ҳамда хашаротлар чаккан жойларга қўйилади.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Мевасидан (уруғидан) дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан қайнаб турган сув қўйиб, устига 1 чой қошиқ мева солинади ва 1 соат давомида дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузиб, кунига овқатдан олдин 3—4 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

2. Илдизидан дамлама тайёрлаш учун қопқокли идишдаги 1 стакан қайнаб турган сувга майдаланган илдизидан икки чой қошиқда солинади ва 8—12 соат давомида дамлаб қўйилади. Сўнг докадан ўтказиб ҳар куни 4 маҳал овқатдан ярим соат олдин 1 ош қошиқдан ичилади.

3. Меваси (уруғи)дан 1 чой қошиқда олиб ҳовончада яхшилаб майдалангач, қайнатиб совитилган ярим литр сувга солинади-да, 10 соат дамлаб қўйилади. Сўнг докадан ўтказиб тайёр бўлган дамламадан юкорида айтиб ўтилган касалликларда кунига 3 маҳал ярим стакандан ичилади.

## ПИЁЗ

*Лук — Allium L.*

Пиёздошлар — Liliaceae оиласига мансуб, бўйи 30—100 см бўладиган пиёзбошчали кўп йиллик ўт ўсимлик.

Тиббиётда пиёзнинг қуйидаги икки туридан фойдаланилади.

**Ош пиёз — лук репчатый — Allium sera L.**

**Ўсимлик тасвири.** Пиёзбошиси йирик, чўзинчок, юмалок ёки юмалок-ясси бўлиб, сарик-кўнғир, қизил-бинафша ёки оқ рангли пўст билан қопланган. Пояси йўғон, ичи ковак, ўрта қисмидан пастроғи шишган. Барглари узун, цилиндрсимон, ўткир учли, ичи ковак, пояда қини ёрдамида ўрнашган. Оқиш, майда гуллари оддий соябонга жойлашган. Меваси — шарсимон чанок.

Май — июнь ойларида гуллайди, меваси июлда етилади.

**Географик тарқалиши.** Пиёз қадимдан овқатга кенг ишлатиб келинади.

**Қўлланиладиган қисми.** Пиёзбошиси.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Пиёзбоши таркибидан 0,05 % эфир мойи, 11 % гача қандлар, фитин, витаминлар: С (10 мг %) ва В<sub>1</sub> (60 мг %), каротин, фитонцидлар, оз микдорда йод ва бошқа моддалар, баргида витамин С (20 мг %) ва В<sub>2</sub> (50 мг %), 4 мг % каротин, органик (лимон ва олма) кислоталар, қандлар ва бошқа бирикмалар бор.

Пиёзбоши препарати — аллилчеп (спиртли настойкаси) ичак заифлиши (тонусининг йўқолиши), колит (йўғон ичакнинг яллиғлиниши), атеросклероз, гипертония касаллигининг баъзи турларини даволашда қўлланилади. Аллилчеп яна ринит касаллигида, бурун шиллиқ қаватларига ва трихомонадали кольпитда қиннинг шиллиқ қаватларига суртилади.

Пиёз препаратлари кучли бактерицид хоссага эга. Майдаланган пиёз бошидан қийин битадиган ва йирингли яраларни даволашда фойдаланилади. Пиёз яна гипо- ва авитаминоз касалликларида витаминларга бой сабзавот сифатида кўп ишлатилади.

Пиёз қадимдан халқ орасида турли касалликларни даволаш учун ишлатиб келинган. Уни Абу Али ибн Сино иштаҳа очини учун қўллаган ва сарик касаллигига даво қилган. Пиёз шираси билан қулоқдан йиринг оқишини, йирингли яраларни, ангина, бош оғриғини (бурун ва қулоққа томизилади) ва кўзга оқ тушинини даволаган.

Ибн Сино уни яна юмшоқ сурғи ҳамда аёлларда тўхтаб қолган ҳайзни келтириш мақсадида қўллаган.

Халқ табобатида пиёз билан турли яралар, чипқон, цинга ва бошқа касалликлар даволанади. Ундан сийдик ҳайдовчи дори сифатида фойдаланилади. Майдаланган пиёзни олма ва асал билан аралаштириб йўталга ва томоқ оғриғига даво қилинади.

Грипп ва нафас йўллари шамоллаганида пиёзни майдалаб тўғраб эзилади ва бирор идишга солиб бошга каттароқ рўмол ёниб ҳидланса ёки пиёз ширасидан бурунга 1—2 томчи томизилса, яхши натижа беради.

Пиёзнинг спиртли настойкаси билан атеросклероз ва ичак касалликлари ҳамда гипертония касаллигининг бошланғич тури даволанади.

### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Настойка тайёрлаш учун ярим литр спиртга ёки араққа тозаланган ва майдаланган пиёзбошидан 40 г солиб, 7 кун давомида қўйиб қўйилади. Сўнгра докада сузилади ва юқорида айtilган касалликларни даволаш учун ҳар кун 2—3 маҳал бир чой қошиқ настойкага 3 ош қошиқ сув қўшиб ичилади.

2. Икки дона ўртача пиёзбошини майда тўғраб, оғзи ёпиладиган идишдаги 1 стакан сутга солиб қайнатилади ва 4 соат қўйиб қўйилади. Сўнгра докада сузилади ва йўталга даво қилинади. Бунинг учун ҳар 2—3 соатда қайнатмадан 2 ош қошиқдан истеъмол қилинади.

3. Тозаланган ва қўрга кўмиб пиширилган пиёз бошини оғрик қолдириш ва чипқоннинг етилишини («пишишини») тезлатиш учун унга қўйиб боғланади.

### ПИСТА, ХАНДОН ПИСТА

*Фисташка настоящая* —

*Pistacia vera L.*

**Ўсимлик тасвири.** Пистадошлар — Anacardiaceae оиласига мансуб, бўйи 5—7, баъзан 10 м га етадиган дарахт ёки бута. Барглари тоқ патли мураккаб, кўпинча 3 та, баъзан 5—7 та юмалоқ-тухумсимон ёки эллипссимон, қалин, текис киррали, оч яшил рангли баргчалардан ташкил топган бўлиб, банди ёрдамда шохларида кетма-кет ўрнашган. Майда, кўримсиз, бир жинсли гуллари рўваксимон гултўпламига жойлашган. Меваси — тухумсимон, тўқ-қизил рангли, қурук данакли мева.

Март — май ойларида гуллайди, меваси август — сентябрда пишади.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиёнинг тоғли ноҳияларидаги тошлоқ қояли жойларда, ўрмон қияликларида, тоғ этаклари ва адирларда катта-катта пистазорлар ҳосил қилиб ўсади. Қрим, Кавказ ва Ўрта Осиёнинг тоғли ноҳияларида ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Баргида ҳосил бўладиган ўсимталари — бузғунчаси, халқ табобатида яна барги, меваси ва дарахт танасидан олинган смоласи. Барги ёз ойларида йиғилади ва соя ерда қуритилади. Меваси пишганида баргдаги бузғунчаси териб олинади ва очик ҳавода — қуёшда қуритилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Бузғунча таркибида 30—50 % ошловчи моддалар, баргида 13—14 % ошловчи моддалар, витамин С ва органик кислоталар, уруғида — 60 % гача ёғ бор.

Бузғунчасидан танин олинади. Танин буруштирувчи, антисептик ва яллиғланишга қарши таъсирга эга. Шунинг учун унинг доривор препаратлари (танальбин ва тансал таблетка ҳолида) меъда-ичак касалликлари (меъда-ичак катари, энтерит, колит, ич кетар)ни даволашда ишлатилади. 1—2 % ли танин эритмаси оғиз бўшлиғи, бурун ва томоқнинг яллиғланиш касалликларида чайиш учун ишлатилади. Таниннинг 5—10 % ли эритмаси шиллик қаватларга суртиш, куйганни, сурункали экземани ва турли яраларни даволаш ҳамда ичак яллиғланишида хўқна қилиш учун қўлланилади. Одам морфин, кокаин, атропин, никотин, физостигмин ва бошқа алкалоидлар, оғир металл тузлари билан заҳарланганда таниннинг 0,2—2 % ли эритмаси ичирилади ёки 0,5 % ли эритмаси билан меъда ювилади.

Писта қадимдан халқ орасида турли касалликларни даволашда ишлатиб келинади. Писта меваси билан ўз даврида Абу Али ибн Сино меъда, жигар ва бошқа касалликларни даволаган. Баргидан тайёрланган қайнатмаси халқ табобатида ич кетишни, қон аралаш ич кетишни ҳамда турли қон оқишларни тўхтатиш учун қўлланилади. Мевасидан тайёрланган дамламаси билан меъда ва ичакнинг юқумли касалликлари, уруғи дамламаси билан ўпка сили ва қувватсизлик даволанади. Бемор жуда озиб кетганида ҳам уруғи дамламасидан берилади.

Дарахт пўстлоғидан олинган смоласи яраларга боғланади.

## ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Баргидан кайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишдаги 1 стакан сувга майдаланган баргидан 10 г солинади ва 15 минут кайнатиб, совигунча қўйиб қўйилади. Сўнгра докада сузиб, юкорида кўрсатилган касалликларда кунига уч маҳал овқатдан кейин 1 ош қошиқдан ичилади.

2. Уруғидан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган бирор идишга 3 стакан сув қуйиб устига майдаланган уруғдан 4 ош қошиқ солинади ва кайнаб чиққунча тутиб турилади. Совигандан сўнг докада сузилади ва касалликларни даволаш, беморга қувват бериш учун кунига 4 маҳал чорак стакандан (ичишдан олдин дамламани чайқатиш керак) ичилади.

### РҶЯН, БҶЕКДОР РҶЯН

*Марена красильная —  
Rubia tinctorum L.*

**Ўсимлик тасвири.** Рўян рўяндошлар — Rubiaceae оиласига мансуб, бўйи 80—100 см га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси бўгинли, тўрт қиррали, қарамқарши шохланган. Барглари тухумсимон ёки тухумсимонништарсимон, текис қиррали бўлиб, қисқа банди ёрдамида поясида 4—6 тадан ҳалқасимон ўрналган. Майда сарғиш-яшил гуллари барг қўлтигидан ўсиб чиққан ярим соябонга жойлашиб, сийрак рўваксимон гултўпламини ҳосил қиладик. Меваси — думалоқ, қора рангли, саршира қўл мева.

Июнь — август ойларида гуллайди, меваси июль — сентябрда етилади.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва собиқ СССР Европа қисмининг жанубий ноҳияларидаги дарё, арик ва канал бўйларида, тўқайларда, дарё бўйларидаги чакалакзорларда, буталар орасида, дала-ларда, бегона ўт сифатида боғларда ва экинзорларда ўсади. Плантацияларда ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Илдизпояси ва илдизи. Уларни эрта баҳорда ёки кеч кузда қовланади, тупроқ ва кумлардан тозаланади, сув билан ювиб, йирикларини майда бўлакларга қиркиб, қуёшда ёки 45° иссиқликдаги қуритгичларда қуригилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Илдизпояси билан илдизи таркибида 5—6 % антрацен унумлари (ализарин, руберитрин кислота, пурпурин ва бошқалар), 15 % гача

кандлар, органик (лимон, олма, вино ва бошқа) кислота-лар, пектин ва бошқа моддалар бор.

Рўян ўсимлигининг ер остки органлари сийдик ҳайдаш ва спазмолитик оғрикларни (буйрак, сийдик ҳамда ўт йўллари санчиғида ва бошқаларда) қолдириш таъсирига эга. Шунинг учун уларнинг доривор препаратлари (қайнатмаси, таблеткаси, порошоги ва таблетка ҳолидаги куруқ экстракти) сийдик-тош, буйрак-тош касаллиги, ўт пуфаги ва ўт йўллари ҳамда подагра касалликларини даволаш учун ишлатилади.

Илдизпоясининг экстракти юқорида келтирилган касалликларда қўлланиладиган цистенал, энатин ва бошқа комплекс препаратлар таркибига киради.

Рўян илдизидан тайёрланган қайнатмани Абу Али ибн Сино сийдик ҳайдовчи восита сифатида ҳамда жигар, талоқ шиши ва бошқа касалликларда ишлатган. Асал қўшилган сувда тайёрланган илдизи қайнатмаси билан у фалажни ва куймич нервининг яллиғланишини даволаган.

Бундан ташқари, рўян илдизидан тайёрланган қайнатма ёки дамламаси халқ табобатида подагра касаллигини даволашда, буйрак, сийдик йўллари, ўт пуфаги ва ўт йўлларидаги тошларни тушириш учун ҳамда сийдик ҳайдовчи дори сифатида қўлланилади. Асал қўшилган қайнатмаси сарик касаллигида ва зехн пастлигида ичишга берилади, шунингдек, сийдик ҳайдовчи восита сифатида ҳам ишлатилади.

## ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан сув қуйиб, устига майдаланган илдизидан 1 ош қошиқ солинади ва 15 минут қайнатилади, 4 соатдан сўнг доқада сузиб, юқорида кўрсатилган касалликларни даволаш учун ҳар куни 3 маҳал ярим стакандан ичилади.

2. Дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 1 стакан қайнатиб совитилган сув қуйиб, устига майдаланган илдиздан бир чой қошиқда солинади ва 8 соат давомида тиндириб қўйилади. Сўнг доқада сузиб олиб, стаканда қолган илдиз қолдиқлари устига яна 1 стакан қайнаб турга сув қўйилади ва 10 минут давомида дамлаб қўйилади. Сўнг доқада сузиб олиб, ҳар иккала дамламани бир-бирига аралаштирилади ва кунига 4 маҳал ярим стакандан ичилади.

3. Рўяннинг юқорида кўрсатиб ўтилган экстрактини врач рецепти билан таблетка ёки порошок ҳолида олиб ичиш ҳам мумкин.

## РЕЦЕПТ

Er.: Extr. Rubiae tinctorum siccum 0,25

D. t. d. N. 20 in tabull.

S. Кунига 3 маҳал 2 таблеткадан қабул қилинсин. Таблеткалар ярим стакан илиқ сувда эритиб ичиладин.

### САБЗАВОТ КАРАМ

*Капуста огородная (белокочанная) —  
Brassica oleracea L.*

**Ўсимлик тасвири.** Қарам қарамдошлар (бутгулдошлар). Brassicaceae (Cruciferae) оиласига мансуб, бўйи 60—120 см га етадиган пояли (иккинчи йили ҳосил беради) икки йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, цилиндрсимон. Илдизолди барглари (биринчи йили) бири бири билан зич жойлашиб, бош шаклини вужудга келтиради (қарам ўрайди). Поянинг пастки қисмидаги барглари йирик, қалин, патсимон ажралган, юқоридагилари чўзик, банди ёрдамида ёки бандсиз (юқоридагилари) кетма-кет ўрнашган. Оч сариқ рангли, тўрт бўлакли гуллари шивгил гул тўпламига жойлашган. Меваси пишганда очиладиган кўзок.

Май — июнь ойларида гуллайди, июнь — июлда меваси етилади.

**Географик тарқалиши.** Собиқ СССРнинг деярли ҳамма жумхуриятларида ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Тиббиётда қарамнинг барги, шираси ҳамда ундан тайёрланган порошоги ишлатилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Қарам барги таркибида 19,2% қандлар, ёғ, минерал тузлар (кўп миқдорда калий ва фосфор тузлари), С, Р, К, В<sub>6</sub>, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, U витаминлари ва бошқа моддалар бор.

Қарам шираси тиббиётда меъда ва ўн икки бармоқ ичак ярасини даволашда ишлатилади. Қарам барги халқ табобатида иштаҳа очиш, овқат ҳазмини яхшилаш, витамин С етишмаслигининг (цинга касаллигида) олдини олиш ҳамда сийдик ҳайдовчи ва енгил сурғи дори сифатида, барги шираси сариқ ва юқори нафас йўллари яллиғлигини даволашда қўлланилади.

Меъда ва ўн икки бармоқ ичак ярасини даволаш учун 3—4 ҳафта давомида кунига 3—4 маҳал овқатдан 30—40 минут олдин ярим стакандан қарам ширасини илтиб ичиш керак. Еки қуритилган шира порошогидан 1—2 чой қошиқ олиб, ярим стакан илиқ сувда эритилади ва овқатдан 30—40 минут олдин кунига 3—4 маҳал (хар гал ярим стакандан) ичилади.



Йўтал, қатар ва юқори нафас йўлларининг бошқа шамоллаш касалликларини даволаш учун янги сиқиб олинган карам ширасига шакар кўшиб берилади ёки карамни тўғраб шакар билан аралаштириб кўйилганда ажралиб чиққан ширани истеъмол қилиш тузуккина наф беради.

#### САМБИТГУЛ, ОДДИЙ САМБИТГУЛ

*Олеандр обыкновенный — Nerium oleander L.*

**Ўсимлик тасвири.** Самбитгул кендирдошлар — *Аросу-пасеае* оиласига мансуб, бўйи 3—4, баъзан 5 м га етадиган доим яшил бутта ёки дарахт. Пояси ва шохлари сут ширали пўстлоқ билан қопланган. Барглари калин, ништарсимон, текис қиррали бўлиб, пояси билан шохларида калта банди ёрдамида учтадан тўп-тўп бўлиб ўрнашган. Қизил, пушти ёки оқ рангли, беш бўлакли гуллари новдалари учигаги қалқонсимон ярим соябон тўпгулга жойлашган. Меваси — пишганда очиладиган баргча.

Июнь — октябрь ойларида гуллайди, меваси октябрь — ноябрда етилади.

*Ўсимликнинг ҳамма қисми заҳарли.*

**Географик тарқалиши.** Ватани Ўрта денгиз қирғоқлари (жанубий Европа, Шимолий Африка ва Туркия). Ўрта Осиё, Кавказ ва Қримнинг Қора денгиз қирғоқларида ҳамда Озарбайжонда манзарали ўсимлик сифатида истироҳат боғлари, кўча ва хиёбонларда ҳамда хонадонларда ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Тиббиётда самбитгулнинг барги ишлатилади. Баҳорда ёки кузда ўсимликнинг қирқилган шохларидаги йирик барглари териб олинади ва ҳарорати 50—60° ли қуритгичларда қуритилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Самбитгулнинг ҳамма қисмида юрак гликозидлари (баргида 0,09—0,18 % олеандрин, адинерин) бўлади. Баргида яна сапонинлар, гликозидлар (рутин), урсол кислота ва бошқа моддалар бор.

Самбитгулнинг юрак гликозидлари юрак пороги, қон айланишининг II ва III даражали бузилишлари, айниқса, юракнинг митрал клапани пороги натижасида юзага келган титроқ аритмиясида қўлланилади. Масалан, илгари нериолинни дорихонадан врач рецепти билан олиб юқорида айтиб ўтилган юрак касалликларида ичилган.



САНО  
*Кассия* —  
*Cassia (Tourn) L.*

**Ўсимлик тасвири.**  
 Дуккакдошлар — Fabaceae (Caesalpinaceae) оиласига мансуб, бўйи 1 м гача етадиган ярим бута. Поялари шоҳланган, пастки шоҳлари ерда судралиб ўсади. Барглари 4—8 жуфт баргчалардан ташкил топган, жуфт патли мураккаб бўлиб, поя ва шоҳларида банди ёрдамида кетма-кет ўрнашган. Баргчалари ништарсимон, ўткир учли, пластинкаси асимметрик, текис қиррали. Сарик гуллари шингил тўпгулли ҳосил қилади. Меваси — ясси, япалоқ тухумсимон, яшил-жигар ранг, кўп уруғли дуккак.

Июнь ойидан кузгача гуллайди, меваси сентябрдан бошлаб етилади.

Кўлланиладиган қисми. Тиббиётда икки турининг: Найза барг сано — *Кассия остролистная* — *C. acutifolia* Del. ва Ингичка барг сано — *Кассия узколистная* — *C. angustifolia* Vahl. нинг барги ва меваси ишлатилади.

Географик тарқалиши. Сано турларининг Ватани Африканинг чўл ва ярим чўл ноҳиялари

30- расм. Сано.

за Арабистоннинг жануби. Урта Осиё, Қозоғистон ва Кавказда бир йиллик ўсимлик сифатида ўстирилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Барги ва мевалари таркибида 2,70—6,17 % гача антрацен унумлари (сенноид А ва В, реин, алоэ-эмодин, глюкореин ва бошқа), флавоноидлар, салицилат ва бошқа кислоталар, смолалар ва бошқа бирикмалар бор.

Доривор препаратлари (дамламаси, курук экстракти таблетка ҳолида, сенадексин мураккаб сано дамламаси — Вена ичимлиги, порошоги мураккаб қизилмия порошоги ва комплекс препаратлар таркибига киради) сурги сифатида қўлланилади. Сано барги сурги сифатида ва бавосил касаллигида ишлатиладиган чойлар — йиғмалар, кафирол ва антраценин препаратлари сенназид А ва В, Ҳиндистонда иқариладиган сурги препаратлари — сеннаде, глаксена ва бошқа препаратлар таркибига киради.

Сано турлари қадим замонлардан бери Урта Осиё салқлари орасида турли касалликларни даволаш учун ишлатилиб келинган доривор ўсимликлардан ҳисобланади.

Баргидан тайёрланган дамламасини Ибн Сино подагра, бод, жигар оғриғи ва сарик касалликларини даволашда ҳамда сурги дори сифатида қўллаган. Томоқ оғриганда ва гомоқда шиш пайдо бўлганда у сано барги дамламасига тузум меваси ширасини қўшиб (баъзан кашнич шираси ва губтурум шиллиқ моддасида сано баргини ивитиб тайёрланган дамлама билан) томоқни чайишни буюрган.

Халқ таъбиатида сано барги ва мевасидан тайёрланган дамлама меъда-ичак касалликларида, айниқса, сурункали сабзийта сурги дори сифатида қўлланилади.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Санодан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 500 мл қайнаб турган сув қуйилади, устига дорихонадан олинган майдаланган барг ёки мевасидан 10—60 г солиб, 1 соат давомида дамлаб қўйилади. Кейин юкада сузилади ва кечкурун ётишдан олдин 1 стакандан ичилади.

2. Дорихонадан олинган сано баргидан 5—10 г ни 100 мл қайнаб турган сувга солиб бир оз дамлаб қўйилади. Сўнг докадан ўтказиб кунига 2—3 маҳал 1 ош қошиқдан иччи юмшатувчи дори ўрнида ичилади.

3. Дорихонадан унинг 1 та брикетини (у прессланган яרגлардан иборат бўлиб, 10 бўлакка бўлиб қўйилган, камни оғирлиги 75 г) олиб унинг 2 бўлагини қайнаб турган стакан сувга солинади-да, 5 минут қайнатилади ва 1 соат индириб қўйилади. Сўнг докадан ўтказиб кунига 2—3 маҳал (аҳволга қараб) 1 ош қошиқдан ичилади.

## РЕЦЕПТЛАР

Rp.: Inf. Foliorum Sennae 10,0—150,0  
D. S. Қунига эрталаб ва кечкурун 1 ош қошиқдан ичилсин.

Rp.: Tab. Extracti Sennae sicci 0,3 — 125  
D. S. Қунига 2 маҳал 1—2 таблеткадан ичилсин.

### САНЧИҚҰТ

*Василистник — *Thalictrum L.**

**Усимлик тасвири.** Айқтовондошлар — Ranunculaceae оиласига мансуб, бүйи 15—100 см га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади ёки букилган бўлади (Кичик санчиқўтда), барглари уч ёки тўрт марта ток патсимон қирқилган, умумий кўриниши кенг уч бурчак шаклида бўлиб, банди ёрдамида (поясининг юқоридагилари бандсиз) поясида кетма-кет ўрнашган. Барг бўлакчалари майда, кенг тухумсимон-ништарсимон ёки ништарсимон, текис қиррали ёки чуқур бўлмаган уч бўлакли (Сассик санчиқўтда), баъзан тўмток тишсимон қиррали. Майда бинафша, қизил (Кичик санчиқўтда) ёки яшил (бошқа турларида) рангли гуллари тарқоқ ёки сийрак рўвакка тўпланган. Меваси — тухумсимон ёки чўзиқ тухумсимон писта ёки ёнғоқчасимон мева.

Июнь — июль ойларида гуллайди, меваси июль — августда етилади.

*Санчиқўт турлари заҳарли.*

**Географик тарқалиши.** Санчиқўт турлари Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг тоғли ноҳияларида — тоғларнинг пастки қисмидан ўртасигача (4200 м баландликкача) бўлган ўрмонлар, арчазорлар, тоғ бағирларида, ўтлоқлар, чакалакзорлар, дарё водийлари ва бошқа ерларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Ер устки қисми.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Сассик санчиқўт — Василистник вонючий — *Th. foetidum L.* ва Кичик санчиқўт — Василистник малый — *Th. minus L.* Таркибида 0,87—2,2 % — 1,1 % алкалоидлар (фетидин, тальмин, тальмидин, тиликтримин ва бошқа), 1,64 % гача флавоноидлар, кумаринлар, 3,1 % гача сапонинлар, витамин С, органик кислоталар, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Ер устки қисми настойкаси қон босимини пасайтириш таъсирига эга бўлиб, гипертония (қон босимининг ошиши) ҳамда стенокардия ва қон айланишининг бузилиши касалликларини даволашда ишлатилади. Кичик санчиқўтнинг ер устки қисми Здренко йиғмасы таркибига қиради.

Санчикўтнинг яна икки тури: **Изопиронд санчикўт** — **Василистник изопирондний** — *Th. isopyroides* C. A. Mey. | **Оддий санчикўт** — **Василистник простой** — *Th. simplex* L. препаратлари табобатда ишлатишга тавсия этилган.

Санчикўт турлари ер устки қисмидан тайёрланган дамлама Урта Осиё халқлари орасида ич кетиш, безга иситма, ўлка сили, тутқанок, сарик, терининг тур касалликларини даволашда қўлланилади. Яна у қоқишини тўхтатувчи восита сифатида ҳам ишлатилади.

Санчикўт препаратлари кўз хиралашганда ҳам офриккли ҳайзда ҳам қўлланилади.

### ДОРН ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Кичик санчикўтнинг 70° ли этил спиртдаги 1:10 н стойкасини 15—20 томчидан 1 ҳўплам сувга томизи номлари юқорида айтиб ўтилган касалликларда ичилад Усимлик захарли бўлгани учун эҳтиёт бўлиб ишлати зарур.

2. Қуриган баргларини ховончада туйиб терини йирингли касалликларида сепилади.

3. Майдаланган сассиқ санчикўтнинг ер устки қисмдан 1 ош қошиқда олинадиде, 1 стакан қайнаб турган сувга солиб 2 соат қўйиб қўйилади. Сўнг докадан ўткази 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади.

4. Сассиқ санчикўтнинг қуриган ер устки қисмиде 20 г олиб 70° ли 100 г этил спиртига 10—15 кун соли қўйилади (ахён-ахёнда чайкатиб турилади). Сўнг докадан ўтказиб тайёр бўлган настойкадан 40 томчидан 3 маҳал ичилади.

### САРИМСОҚ ПИЕЗ (САРИМСОҚ, САССИҚ ПИЕЗ)

*Чеснок (Лук, Чеснок) — Allium sativum L.*

**Усимлик тасвири.** Пиёзбошиси кўп бўлакли, тухуме мон ёки ясси-шарсимон, оқ ёки кизгини-бинафша ранг пўст билан қопланган. Пояси тик ўсувчи, цилиндрсимо тахминан ярмигача барг қини билан ўралган. Барглари чизиксимон, ясси ёки тарновсимон, ўткир учли. Оч-яшил рангли майда гуллари соябонга жойлашган. Меваси — кўп уруғли кўсак.

Июнь — июль ойларида гулдайди, август — сентябрда меваси етилади.

**Географик тарқалиши.** Саримсоқ қадимдан овқатга ишлатиш учун кўплаб ўстирилади.

Қўлланиладиган қисми. Пиёзбошиси.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Пиёзбошиси таркибида 0,3 % аллин бирикмаси, 0,4—2 % эфир мойи, 10 мг % витамин С, фитостеринлар, ёғ, оз микдорда йод, фитонцидлар ва бошқа моддалар бор.

Саримсоқ настойкаси атеросклероз, гипертония, ўпка сили, колит, йирингли яралар ва гинекология амалиётида трихомонозли кольпитни даволаш учун ишлатилади. Настойкадан острицаларга қарши (гижжаларнинг бир тури) клизма қилинади. Йирингли яраларни даволашда майдаланган пиёзбошиси ҳам қўлланилади.

Саримсоқ пиёзбошиси бактерицид, фунгицид, простацид хоссасига эга.

Абу Али ибн Сино саримсоқ пиёзбошиси билан кўкрак оғриғи, йўтал, тиш оғриғи, меъда-ичак ва бошқа касалликларни даволаган. Аёлларда тўхтаб қолган ҳайзни келтириш учун ва сийдик ҳайдовчи восита сифатида ишлатган. Саримсоқни куйдириб, қулини асалга аралаштириб хавфли шишларга, яраларга, темиратки ва терининг бошқа касалликларига суртган.

Халқ табобатида саримсоқ билан йўтал, нафас қисиши ва нафас йўлларининг бошқа касалликлари, меъда-ичак (дизентерия, турли ич кетишлар, газ йиғилиши ва бошқалар), безгак, цинга ва бошқа касалликлар даволанади. Саримсоқ настойкаси ўпка яллиғланиши, буйрак, ковок ва сийдик-тош касалликларида қўлланади.

Саримсоқ қайнатмаси иштаҳа очувчи, овқат ҳазмини яхшиловчи, гижжаларни туширувчи, сийдик ҳайдовчи, антисептик ва оғриқ қолдирувчи таъсирга эга.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Настойка тайёрлаш учун қопқокли идишга 200 г спирт ёки ароқ қуйилади, устига майдаланган саримсоқ пиёзбошисидан 4 г солиб, 7 кун қўйиб қўйилади. Сўнгра докада сузилади ва таъминни яхшилаш учун ялпиз сувидан қўшилади. Юқорида кўрсатилган касалликларда кунига 2—3 маҳал овқатдан ярим соат олдин настойкадан 10 томчидан ичилади.

2. Майдалаб эзилган саримсоқни докага солиб ярага боғлаб турилса, 3—4 кундан сўнг яра йиринглардан тозаланиб, бита бошлайди.

## САРИҚЗИРА

*Кумин тминовый — Cuminum cuminum L.*

**Ўсимлик тасвири.** Сарикзира селдердошлар (соя-бонгулдошлар) — *Ariaceae (Umbelliferae)* оиласига мансуб, бўйи 10—50 см га етадиган бир ёки икки йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, асос қисмидан айрисимон шохланган. Барглари ингичка чизиксимон бўлакчаларга уч марта патсимон ажралган бўлиб, қини билан пояси ва шохларида кетма-кет ўрнашган. Оқ ёки қизил рангли, беш бўлакли гуллари мураккаб соябонга жойлашган. Меваси — чўзиқ кўшалок писта.

Апрель ойида гуллайди, меваси май ойида етилади.

**Географик тарқалиши.** Еввойи қолда Қизилқумда учрайди. Зиравор ўсимлик сифатида кўп микдорда ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Халқ табобатида сарикзиранинг меваси ишлатилади. Мева пиша бошлагач, ўсимликнинг ер устки қисми ўриб олинади, хирмонда қуритилади, сўнгра янчиб, элаб меваси ажратиб олинади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Сарикзира меваси таркибида 2,5—5 % эфир мойи, 30 % гача ёғ, оксил ва бошқа моддалар бор. Эфир мойи 16—40 % кумин альдегидидан, цимол, пинен, фелландрен, дипентен, кумин спирти ва бошқа терпеноидлардан ташкил топган.

Табобатда сарикзира қадимдан турли касалликларни даволаш учун қўлланиб келинади. Абу Али ибн Сино сарикзира мевасини буйрак-тош касаллигида тошни туширувчи, ўт ва ел ҳайдовчи дори сифатида, нафас ва сийдик йўллари ҳамда кўз касалликларини даволаш учун ишлатган.

Халқ табобатида меваси ўт ва сийдик ҳайдовчи дори сифатида буйрак-тош, жигар ва ўт қопи ҳамда нафас йўллари касаллигида, яраларни даволаш учун, қорин дам бўлганда ел ҳайдовчи (баъзан илмий тиббиётда ҳам) восита сифатида қўлланилади.

## САРИҚ НУФАР

*Кубышка желтая — Nuphar luteum L.*

**Ўсимлик тасвири.** Нимфиядошлар — *Nymphaeaceae* оиласига мансуб, бўйи 1 м гача бўлган кўп йиллик сув ўсимлиги. Ўсимликнинг сув устки қисмида ярим тиник, юпка, бир оз бурушган, сув устки қисмида эса сузувчи барглари бўлади. Сув устки барглари қалин, эллипсимон, чуқур юраксимон асосли, текис қиррали бўлиб, узун банди

ёрдамида илдизпоясига бирлашади. Гуллари йирик, шарсимон, хушбўй, сарик рангли ва узун бандли бўлиб, сув бетидан 5—6 см кўтарилиб туради. Меваси — тескари ноксимон, кўп уруғли резавор мева.

Июнь — сентябрь ойларида гуллайди ва меваси стилади.

*Ўсимлик заҳарли!*

**Географик тарқалиши.** Собик СССРнинг Европа қисми, Кавказ, Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Сибирдаги кўллар, секин оқадиган дарё бўйларида, буталар орасида ва бошқа нам ерларда ўсади.

**Кўлланиладиган қисми.** Илдизпояси. Уни ўсимлик гуллаш даврида ва мевалари пишганда кетмон, курак, паншаха ёрдамида сув тагидан қовлаб олинади, сувда ювиб, ер устки қисмидан тозаланади, майда бўлақларга бўлиб, қуёшда қуритилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Илдизпояси таркибида 0,4 % алкалоидлар (нуфлеин, тиобинуфаридинлар ва нуфаридинлар), 18—44 % крахмал, қандлар, 2,3 % ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Дори препарати — лютенурин, 0,5 % ли линимент, шарча — суппозиторий ва таблетка ҳолида акушерлик-гинекология амалиётида контрацептик (бўйида бўлишдан сақловчи) восита сифатида ҳамда трихомонада касаллигини даволаш учун қўлланилади.

Илдизпояси қайнатмаси халқ табobatiда йўтални ва меъда спазмини даволаш учун қўлланилади. Бундан ташқари, унинг гули ва уруғидан тайёрланган қайнатмадан ҳам турли касалликларни даволашда фойдаланилади. Гуллариининг қайнатмаси кучли сийдик ҳайдовчи восита сифатида буйрак касалликларида, кўкрак оғриғи ва томоқ қуриб қолиш ҳолларида, уруғ қайнатмаси иситма касаллигида ҳароратни пасайтирувчи дори сифатида ишлатилади.

## ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Ўсимлик гулидан қайнатма тайёрлаш учун 1 л қайнаб турган сувга 2—3 ош қошиқ маҳсулотдан солиб паст оловда қайнатилади ва докадан ўтказилади. Фақат аёллардаги трихомоноз касалликларида жинсий аъзоларни ювиш учун ишлатилади.

2. Дори препарати — лютенуринни дорихонадан олиб бўйида бўлишдан сақлавиш учун шарча — суппозиторий ёки таблетка ҳолида жинсий алоқадан олдин қинга киритиб қўйилади (врач кўрсатмаси билан).



## РЕЦЕПТ

Rp: Luteturini 0,003  
D. t. d. N. 20  
S. Гинеколог-врач тавсияси билан қинга киритиб  
қўйиш учун.

### САРИҚЧОЙ, ОСИЕ САРИҚЧОЙИ

*Ренейничек азиатский — Agrimonia asiatica Juz.*

**Ўсимлик тасвири.** Сарикчой раъногулдошлар — *Rosa-seae* оиласига мансуб, бўйи 30—130 см бўладиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, шохланмаган ёки шохланган, тукли. Барглари тоқ патсимон қирқилган бўлиб, банди ёрдамида пояси билан шохларида кетма-кет ўрнашган. Барг бўлакчалари 7—9 та, эллипссимон ёки чўзиқ тухумсимон, йирик тишсимон қиррали. Сарик рангли, беш бўлакли гуллари бошоқсимон шингилга жойлашган. Меваси — ёнғоксимон курук мева.

Май — июнь ойларида гуллайди, меваси июль — августда етилади.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиё, Кавказ, собиқ СССР Европа қисмининг шарқида ва Фарбий Сибирь далаларида, ўтлоқларда, боғларда, сув бўйларида, йўл ва ўрмон ёкаларида, буталар орасида, ёнғокзорларда ҳамда тоғ этакларида ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Халқ табобатида сарикчойнинг ҳамма қисми ишлатилади. Ўсимлик гуллаш даврида ер устки қисми ўриб олинади ва соя ерда қуритилади. Сўнгра йўғон поялари ташлаб юборилади. Ўлдизпояси ва илдизи (ер остки органлари) кузда ёки эрта баҳорда қовлаб олинади, сув билан ювиб, тупроқ ва лойдан тозаланади, йирикларини қўндалангига қирқиб, очик ҳавода — қуёшда қуритилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Сарикчойнинг ер устки қисми таркибида 1, 5 % гача флавоноидлар (рутин, гиперозид ва бошқа), 11 % гача қандлар, 0,1 % эфир мойи, 14,48—88 мг % гача витамин С, урсол кислота, 8,7—16 % ошловчи моддалар, ер устки органларида — 11 % гача қандлар, сапониилар, флавоноидлар, 18,8—25 % ошловчи, бўёқ ва бошқа моддалар бор.

Ер остки (илдизпояси билан илдизи) ёки ер устки қисмидан тайёрланган қайнатма халқ табобатида меъданичак (ич кетганда уни тўхтатиш учун), бод, истисқо, иситма касалликларини даволаш учун ичишга берилади. Оғиз бўшлиғининг яллиғланишида оғиз ва томоқни чайишга ҳамда сийдик ҳайдовчи, қон оқинини тўхтатувчи

ва буруштирувчи восита сифатида қўлланилади. Баданга турли тошмалар тошганда ўсимлик кайнатмаси билан бадан ювилади.

Сарикчой дамламаси ва суюқ экстракти кон окшини тўхтатувчи ва сийдик ҳайдовчи таъсирга эга эканлиги тажрибада тасдиқланди ва шу мақсадда илмий тиббиётда ишлатишга тавсия этилди.

#### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

Сарикчой ўсимлигидан кайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 1 стакан сув қўйилади, устига куритиб майдаланган илдизпояси билан илдизидан (ёки ер устки қисмидан) 1 чой қошиқ солиб, бир оз кайнатилади ва 2—3 соат дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузилади ва юкорида кўрсатилган касалликларни даволаш учун кунига 3 маҳал овқатдан 15 минут олдин чорак стакандан ичилади.

#### САССИҚАЛАФ, ДОҒЛИ ЗАҢПОЯ

*Болитголов пятнистый — Conium maculatum L.*

**Ўсимлик тасвири.** Сассиқалаф селдердошлар (соя-бонгулдошлар) — *Apiaceae (Umbelliferae)* oilасига мансуб, бўйи 1 м га етадиган икки йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, юкори қисми шохланган, қизил рангли доғчалари бор. Илдиз олди барглари учбурчак шаклида, ништарсимон бўлакчаларга патсимон ажралган, бўлакчалари учтадан сегментларга уч марта (поядаги барглари икки марта) кесилган бўлиб, пояси билан шохларида қисқа қини ёрдамида кетма-кет ўрнашган. Ок рангли, майда, беш бўлаккли гуллари мураккаб соябон гултўпламига ўрнашган. Меваси — тухумсимон қўшалок писта (донча).

Май — июнь ойларида гуллайди, меваси июль — августда етилади.

*Ўсимликнинг ҳамма қисми заҳарли!*

**Географик тарқалиши.** Собик СССРнинг Европа қисми, Кавказ, Сибирь ва Ўрта Осиёнинг нам ерларида, тоғ этагидаги сойларда, суғориладиган ерларда, бегона ўт сифатида экинзорларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Халқ табобатида ер устки қисми ишлатилади. Уни ўсимлик гуллаган вақтида йиғилади ва соя ерда қуритилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Ер устки қисми таркибида 0,01—1 % алкалоидлар (кониин, конгидрин,

метилкониин ва бошқалар), эфир мойи (мевасида 1,18 % гача), витамин С, каротин, флавоноидлар (кверцетин ва кемпферол) ва бошқа бирикмалар бор.

Халқ табобатида ички аъзолар спазми вақтида вужудга келадиган оғриқ ва тиришишни тўхтатувчи, йўтал қолдирувчи восита сифатида, мигрень, тутқаноқ ва бачадон ўсмаларини даволашда қўлланилади.

Илмий тиббиётда ўсимлик экстракти, малҳами ва кониин алкалоидининг бромгидрат тузи оғриқ қолдирувчи дори сифатида ишлатишга тавсия этилган.

### БЎЙЧАН САССИҚДАРАХТ

*Айлант высочайший — Ailanthus altissima (Mill.) Swinge.*

**Ўсимлик тасвири.** Смарубадошлар — Simarubaceae оиласига мансуб, бўйи 30 м гача ўсадиган дарахт. Барглари ток патсимон мураккаб бўлиб, банди ёрдамида кетма-кет жойлашган. Барг бўлакчалари тухумсимон-ништарсимон. Меваси — бир уругли учма мева.

Май ойида гуллайди, меваси июль — августда етилади.

**Географик тарқалиши.** Сассиқдарахт Ўрта Осиё республикаларида манзарали дарахт сифатида ўстирилади. Қрим, Кавказ, Украинада кенг тарқалган.

**Қўлланиладиган қисми.** Қуруқ меваси.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Меваси таркибиде ёғ, пўстлоғида квассин аччик моддаси, смарубин лактони, сапонинлар, оксикумарин гликозиди, стеринлар, оз микдорда алкалоидлар, айлантин, 12 % гача ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Мевасидан тайёрланган настойкаси ангинани даволаш учун ишлатиладиган ангинол ва бошқа комплекс препаратлар таркибига киради.

Халқ табобатида пўстлоғининг қайнатмаси дизентерияни, мевасининг қайнатмаси бавосил касаллигини даволашда ҳамда ҳайз бузилишида уни тартибга солиш учун қўлланилади.

Илдизининг қуритилмаган пўстлоғи кучли антибиотик, дарахт пўстлоғи ҳамда барглари кучли гижжа ҳайдаш таъсирга эга.

### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Қайнатма тайёрлаш учун сассиқдарахт пўстлоғи сувга солинади ва бир оз қайнатилади. Ич кетганда кунига 3 маҳал ярим стакандан ичилади.

2. Мевасининг қайнатмаси ҳам шу тарзда тайёрланади ва бавосил касаллигида ичилади.

## САССИК ҚОВРАК

*Ферула воиючая — Ferula assa — foetida L.*

**Ўсимлик тасвири.** Қоврак селдердошлар (соябонгул дошлар) — *Ariaceae* (*Umbelliferae*) оиласига мансуб. бўйи 1 м гача етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. 8—9 йилдан сўнг поя чиқаради, тик ўсади, йўғон, юқори қисми шохланган. Илдизолди барглари бандли, чўзинчоқ ёки ланцетсимон уч бўлакка ажралган. Поядаги барглари майдарок, бир неча марта патсимон қирқилган бўлиб, кини билан кетма-кет ўрашган. Оқ сарик, беш бўлаккли гуллари мураккаб соябон тўпгулига жойлашган. Меваси — кўшалок писта.

Март — апрель ойларида гуллайди, меваси апрель — майда етилади.

**Географик тарқалиши.** Сассик қоврак Ўрта Осиёдаги даштларда, ялангликларда, кумли чўллarda, соғ тупроқли ерларда, баъзан тоғ олди текисликларида ўсади.

**Кўлланиладиган қисми.** Тиббиётда қовракнинг илдизидан олинадиган елими — смоласи ишлатилади. Елим-смола олиш учун поя чиқармаган ўсимликнинг илдиэ атрофи чуқур қилиб қовланади ва илдизининг юқори томонидан озгина жойи кесиб кўйилади. Шу ердан елим-смола оқиб чиқади. Қотиб қолган смолани эртасига йигиб олинади. Илдизида елим-смола тамом бўлгунига қадар уни кесилади ва елим-смола йигилаверади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Илдизи таркибида 67,31 % гача крахмал ва 9 % смола, 0,4 % гача эфир мойи бор. Илдизидан олинган елим-смола (қуриган сут шира) — «Асса фетида» 9,35—65,15 % смолалар, 12—48 % елим, 5,8—20 % эфир мойи ва бошқа бирикмалар (умбеллиферон кумарини, ферула кислотаси ва унинг смола спиртлари билан ҳосил қилган эфирлари) даг таркиб топган. Елим-смола эфир мойи таркибида ўсимликка саримсоқ ҳиди берувчи органик сульфидлар (65 % гача), пинен, п-оксикумарин ва бошқа бирикмалар бўлади.

Сассик қовракнинг елим-смоласи қадимдан халқ орасида турли касалликларни даволаш учун кўлланиб келинган. Абу Али ибн Сино бу елим-смолани (қоврак бошқа турларининг елим-смоласини ҳам) меъда, буйрак, талок, жигар касалликларини даволашда ҳамда бачадондан қон оқшини тўхтатувчи, иштаха очувчи, сийдик хайдовчи, бўғинлар оғриганда оғрик қолдирувчи дори сифатида ишлатган.

Сассик қоврак елим-смоласи халқ табобатида томир тортишини, ўпка сили, ўлат, захм, кўкйўтал, тиш оғриги.

асаб касалликларини даволаш учун ҳамда кувват берувчи, балғам кўчирувчи ва гижжа ҳайдовчи дори сифатида қўлланилади. Сассик ковракнинг ёш новдаларини янчиб, қатикча қориб, хавфли шишлар ва захмга даво қилинади.

Елим-смола настойкаси, эмульсия ва ҳаб дори холида илмий тиббиётда астма, томир тортишиши ва асаб касалликларида ишлатилади.

Коврак турларидан яна учтаси: **Оқ коврак (оқ шаир)** — Ферула Ешке — *F. jaeschkeana Vatke*; **Коврак шаир (Шаир)** — Ферула шаир — *F. schair Borpze* ва **Коврак сумбул (сумбул)** — Ферула мускусная — *F. moschata (Reinsch.) K.* — гол. халқ табобатида сассик коврак каби ишлатилади. Ковракнинг бу турлари ҳам Ўрта Осиё жумҳуриятларида ўсади ва илдизлари таркибида сассик ковракка ўхшаш смола, эфир мойи, елим, кўп микдорда крахмал ва бошқа бирикмалар сақлайди.

#### САФРОУТ, ДОРИВОР САФРОУТ

*Авран лекарственный — Gratiola officinalis L.*

**Ўсимлик тасвири.** Сигиркуйрукдошлар — *Scrophulariaceae* оиласига мансуб, бўйи 20—60 см келадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, барглари бандсиз пояда қарама-қарши жойлашган, шакли ништарсимон. Оқ рангли гуллари узун банди билан якка-якка ҳолда барг қўлтиғига жойлашган. Меваси — кўп уруғли кўсакча.

Май ойидан кузгача гуллайди, июндан бошлаб меваси етилади.

**Географик тарқалиши.** Собик СССРнинг Европа қисми, Кавказ, Ўрта Осиё ва Фарбий Сибирдаги арик, дарё бўйларида, шолিপояларда ва бошқа нам ерларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Ўсимлик гуллаган даврда унинг ер устки қисми (пояси, барглари, гули, уруғлари) ўриб олиниб, салқин ерда қуритилади. Етилган уруғлари ажратиб олинади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Унинг таркибида 0,15 % грациозид (грациолин), грациотоксин ва бошқа гликозидлар, 0,2 % алкалоидлар, сапонинлар, флавоноидлар, кукурбитацин Е, У ва бошқа моддалар бор.

Уруғи қайнатмаси Ўрта Осиё халқлари орасида кучли сурги ва кустирувчи восита сифатида ишлатилади. Ер устки қисми қайнатмаси кустирувчи, сурги, гижжа ҳайдовчи восита сифатида, яна бавосил, подагра, иситма, истиско, сарик, жигар, талок касалликларини даволашда қўлланилади. Сурункали тери касалликлари, кўтир ва

узок вақтдан бери тузалмаётган ярадарга суртиш (ювиш) учун ишлатилади.

Илдиз қайнатмаси ҳам халқ табобатида кустирувчи, сийдик ҳайдовчи ва сурги дори сифатида қўлланади.

Ер устки қисми илмий тиббиётда қўлланиладиган Здренко йиғмаси таркибига қиради.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

100 г сафроўт уруғини 0,5 л сувда қайнатилади. Тайёр бўлган қайнатмани ичми юриштириш учун 1 қошиқдан 3 маҳал ичилади. Қўп ичиб юборилса, кўнгилни айнитиши ва кустириши мумкин. Илдизидан ҳам қайнатмани шу тартибда тайёрланади. Қўп сийдирадиган бўлса, камрок ичиш керак.

#### СЕБАРГА, УТЛОҚ СЕБАРГАСИ (ҚУШҚАРОҚ)

*Клевер луговой — Trifolium pratense L.*

**Ўсимлик тасвири.** Ўтлоқ себаргаси дуккакдошлар — Fabaceae оиласига мансуб, бўйи 25—50 см бўладиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси ингичка, кўтарилиувчи, сертук. Барглари уч пластинкали, мураккаб бўлиб, банди ёрдамида поясида кетма-кет ўрнашган. Пастдаги барг бўлакчалари тухумсимон, майда тишсимон қиррали, юқоридагилари — чўзинчок, текис қиррали. Пушти ёки қизил рангли, майда, беш бўлаккли. Гуллари бошқоча тўп гулига жойлашган. Меваси — бир уруғли дуккак.

Апрель — сентябрь ойларида гуллайди, меваси июнь — октябрда етилади.

**Географик тарқалиши.** Собик СССР нинг Европа қисми, Ўрта Осиё ва Сибирдаги нам ерларда, ариқ ва дарё бўйларида, дарё водийларида, бегона ўт сифатида бедапояларда, асосан тоғ этаклари, адирлар ва сугориладиган майдонларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Халқ табобатида себарганинг ер устки қисми ва гули ишлатилади. Ўсимлик гуллаган вақтда унинг ер устки қисми ёки айрим гуллари йиғилади ва соя ерда қуритилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Ўтлоқ себаргасининг ер устки қисми таркибида 262 мг % гача С ва В гуруҳдаги витаминлар, 50 мг % гача каротиноидлар, кумаринлар, 2,7 % флавоноидлар (трифолин, изотрифолин, кверцетин), изокверцитрин, кемпферол, изорамнетин ва бошқа), изофлавонолар (ононин, формонетин, биоханин А ва бошқалар), 4,5 % қандлар, 0,36 % антоцианлар, салици-

лат ва бошқа органик кислоталар, 5,6 % шиллик, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Себарга табобатда қадимдан турли касалликларни даволашда қўлланиб келинади. Абу Али ибн Сино ҳам қуритилмаган ер устки қисми шираси билан ўз вақтида яраларни ва кўзга ок тушишини даволаган. Ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмасини сийдик йўллари касаллигида сийдик ҳайдовчи дори сифатида ишлатган.

Ўтлоқ себаргаси гули ва ер устки қисмидан тайёрланган қайнатма ёки дамламаси халқ табобатида астма, кўкйўтал, кўкрак қисиши, камқонлик, гипертония, безгак, меъда яраси, куйган ерларни, хавфли шишларни ва шамоллаш касалликларини даволаш учун ҳамда балғам кўчирувчи, сийдик ҳайдовчи ва антисептик дори сифатида қўлланилади. Қуритилмаган барг шираси ширинчага даво бўлади, баргини эзиб яра ва шишган жойга боғланади.

Илмий тиббиётда себарганинг ер устки қисми сийдик ҳайдовчи восита сифатида ишлатишга тавсия этилган (унинг кучли сийдик ҳайдаш таъсири борлиги тажрибада аниқланган).

Себарганинг ер устки қисмидан тризофлан препарати (флавоноидлар йиғиндиси — суммаси) олинган ва қонда холестерин кўпайган ҳолларида ҳамда атеросклероз касаллигини даволаш ва олдини олишда ишлатилади.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Себарга ўсимлигидан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 1 стакан сув қуйиб, устига қуритиб майдаланган гулидан ёки ер устки қисмидан 20 г солинади, сўнгра бироз қайнатилади ва 1 соат давомида дамлаб қўйилади. Кейин докада сузиб юқорида кўрсатилган касалликларга даво қилиш учун ҳар 2—4 соатда 1 ош қошиқдан ичиб турилади.

2. Дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 1 стакан қайнаб турган сув қўйилади, устига қуритиб майдаланган гул ёки ер устки қисмидан 3 чой қошиқ солиб, 1 соат дамлаб қўйилади. Сўнг докада сузиб, юқорида айтилган касалликларда кунига 2—3 маҳал 2 ош қошиқдан ичилади.

#### СИГИРҚУЙРУК

*Коровяк — Verbascum L.*

**Ўсимлик тасвири.** Сигирқуйрук турлари сигирқуйрукдошлар — Scrophulariaceae оиласига мансуб иккинчи йиллик сертук ўт ўсимлик. Биринчи йили факат



31- расм. Сигиркуйрук.



илдизолди барглари, иккинчи йили шохланмаган, бўйи 2 м га етадиган поя ўсиб чиқади. Илдиз олди барглари бандсиз ёки қисқа бандли, тухумсимон бўлиб, поядагилари бандсиз кетма-кет ўрнашган. Тилла-сарик рангли, беш бўлакли гуллари шингил (ёки шингиллардан ҳосил бўлган рўвак) гултўпламини ҳосил қилади. Меваси — сертук кўсакча.

Июнь — август ойларида гуллайди, меваси август — сентябрда етилади.

**Географик тарқалиши.** Сигирқуйрук турлари Украина, Белоруссия, Россиянинг Европа қисмида Кавказ, Ўрта Осиё, Сибирдаги кумли ерларда, ўрмон четларида ва аҳоли яшайдиган жойларда ўсади.

Тиббиётда сигирқуйруkning қуйидаги турлари қўлланилади:

1. Чиройли сигирқуйрук — *Коровяк великолепный* — *Verbascum speciosum* Schrad; 2. Тўпгулли сигирқуйрук — *Коровяк густоцветковый* (скипетровидный) — *V. densiflorum* Bertol; 3. Сертук сигирқуйрук — *Коровяк мохнатый* — *V. phlomoides* L. ва 4. Оддий сигирқуйрук — *Коровяк обыкновенный* — *V. thapsus* L.

**Қўлланиладиган қисми.** Тиббиётда сигирқуйрук турларининг гули ишлатилади. Ўсимлик қийғос гуллаганида фақат тожбарги териб олинади ва соя ерда ёки куритгичларда куритилади. Фақат бир кун гуллайди.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Сигирқуйрук гули таркибида тритерпен сапонинлар, 2,5 % шиллик моддалар, 11 % гача кандлар, флавоноидлар, кумаринлар, эфир мойи, каротин, бўёк ва бошқа моддалар бор.

Сигирқуйрук гули дамламаси балғам кўчирувчи ва юмшатувчи восита сифатида юқори нафас йўллари касалликларини даволашда қўлланилади. Гуллари кўкрак касалликларида ишлатиладиган чойлар — йиғмалар таркибига киради.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Сигирқуйрук гулидан дамлама тайёрлаш учун ундан 1 ош қошиқда олиб 2 стакан қайнаб турган сувга солинади-да, 4—5 соат ўраб қўйилади. Сўнг доқада сузиб, юқори нафас йўлларининг турли шамоллаш касалликларида овқатдан ярим соат олдин кунига 3 маҳал ярим стакандан ичилади.

2. 50 г сигирқуйрук гулини 40° ли ярим литр спиртга (аракқа) солиб 8—10 кун сақлаб қўйилади. Сўнг доқада сузиб оғриётган бўғимларга, нерв тугунларига, эзилган мускулларга суртилади ёки унга докани ҳўллаб қўйилади.

## СОВУНЎТ, ДАЛА СОВУНЎТИ

Очний цвет пашенный — *Anagallis arvensis* L.

**Ўсимлик тасвири.** Совунўт наврўзгулдошлар — *Primi-lascae* оиласига мансуб, бўйи 5—25 см бўладиган би-йиллик ўт ўсимлик. Пояси битта ёки бир нечта, тўқ қиррали, шохланмаган ёки асос қисмидан шохланган Барглари кенг ёки чўзик тухумсимон, асоси юмалоқ ёк бир оз юраксимон бўлиб, бандсиз пояси билан шохларид қарама-қарши ўрнашган. Майда, қизил-ғишт рангли, бе бўлакли гуллари якка-якка ҳолда узун банди билан бар қўлтиғига жойлашган. Меваси — кўп уруғли, пишганда қопқоқчаси билан очиладиган кўсакча.

Май — сентябрь ойларида гуллайди ва меваси етилад.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиё, собик СССРнинг Европа қисми ва Кавказнинг кам ерларида, дағ водийларида, ариқ бўйлари ва йўл ёқаларида, боғларда; далаларда, экинзорларда, адирларда, тоғ ён бағирларид; ўрмон атрофларида ва бошқа ерларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Халқ табобатида совунўтнинг ер устки қисми ишлатилади. Уни ўсимлик гуллага вақтида йиғилади ва соя ерда қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Совунўтнинг е устки қисми таркибида 3,11 % сапонинлар, 4,8 % флавоноидлар, қандлар, 6,2 % шиллик, 2,08 % ошловчи ва бошқ моддалар бор.

Совунўт ер устки қисмидан тайёрланган дамлама халқ табобатида истиско, жигар, буйрак-тош, нафас қисниш ўлка сили ва тутканок касалликларини даволашда ҳамд ўт ва сийдик ҳайдовчи, оғриқ қолдирувчи ва сурғи дор сифатида қўлланилади. Совунўт дамламаси билан турл йирингли яралар ювилади. Қуритилмаган ўсимлик шире сини асалга аралаштириб катаракта (кўз гавҳарининг хираланиши) га даво қилинади.

Бундан ташқари, ўсимликнинг ер устки қисми дамле маси сийдик ҳайдаш таъсирига эга эканлиги тажрибад аниқланган. Шунинг учун у илмий тиббиётда буйраи сийдик йўллари ва қовуқдаги қум, тошларни туширии учун ишлатишга тавсия этилган.

## ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

Совунўтдан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладига идишга 1 стакан қайнаб турган сув қуйилади, устиг ўсимликнинг қуритиб майдаланган ер устки қисмида 1 чой қошиқда солиб, 10 минут дамбаб қуйилади. Сўнгр

докада сузиб, юкорида кўрсатилган касалликларда кунига 3—4 маҳал 2 ош қошиқдан ичилади.

**СОХТАКАШТАН, ОДДИЙ СОХТА КАШТАН**  
*Конский каштан обыкновенный — Aesculus*  
*hippocastanum L.*

**Ўсимлик тасвири.** Сохтакаштандошлар — *Hippocastanum* пасеае оиласига мансуб, чиройли, бўйи 30 м гача етадиган дарaxт. Барги йирик, 5—7 та (ўртадагиси жуда катта, иккита четдагиси кичикроқ) бармоксимон мураккаб бўлиб, пояси билан шохларида узун банди ёрдамида карама-қарши жойлашади. Баргчалари тескари тухумсимон, ўткир учли, қўш аррасимон қиррали. Беш бўлакли, олдин сарғиш, кейинроқ кизғиш доғли оқ гуллари тик ўсувчи рўвакка тўпланган. Меваси — пишганда 3 та чаноғи билан очиладиган, битта (баъзан учтагача) уруғли, думалок шаклли, яшил рангли тиканлар билан қопланган кўсақ.

Май — июнь ойларида гуллайди, сентябрь — октябрь ойида меваси етилади.

**Географик тарқалиши.** Ватани Болкон ярим ороли. Собиқ СССР Европа қисмининг ўрта ва жанубий туманларида, Қрим, Кавказ ва Ўрта Осиёда манзарали дарaxт сифатида кўчаларда, истироҳат боғларида ўстирилади.

**Кўлланиладиган қисми.** Уруғи, гули ва барги. Меваси тўлик пишганда қоқиб олиниб, ундан уруғи ажратилади ва очик хавода — қуёшда қуритилади. Барглари ёз бўйи йиғилиши мумкин, ammo соя ерда қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Уруғи таркибида эскулин ва фраксин кумарин гликозидлари, флавоноидлар (кверцетин ва кемпферол гликозидлари), 8—10% три-терпен сапонинлар (эсцин ва бошқа), 6—8% ёғ, 50% гача крахмал, 8—10% оксил, ошловчи ва бошқа моддалар, баргида — флавоноидлар (кверцетин, кемпферол ва уларнинг гликозидлари), каротиноидлар ва бошқа бирикмалар бор.

Сохтакаштан уруғидан тайёрланган экстракт — эскузан тромбофлебит ва вена қон томири (айниқса оёқда) кенгайиши олдини олиш ва даволашда ҳамда бавосил ва атеросклерозда ишлатилади.

Юкорида кўрсатилган касалликларда эскузан билан бир қаторда яна янги олинган эсфлазид (уруғ сапонини — эсцин ва барг флавоноидлари суммаси аралашмаси таблетка ва шамча ҳолида) ҳамда флавазид (барг

флавоноидлари суммаси) препаратлари ҳам қўлланилади. Эскулин тромбофлебит, қон томирнинг кенгайиши, тизза яраси, вена қон томирининг бошқа касалликларида (вена тонусини оширишда) қўлланиладиган анавенол препарати таркибига ҳам киради.

Уруғи пўстидан тайёрланган дамлама халқ табобатида қон оқишини тўхтатувчи (айниқса бачадондан қон оқишини) восита сифатида, уруғининг порошоги шамоллаш касалликларида (айниқса нафас йўллари шамоллаганда) қўлланилади. Бундан ташқари, ўсимлик пўстлоғи билан гули ҳам ишлатилади. Сохтакаштан пўстлоғи таркибига кумаринлар (эскулин ва фраксин), тритерпен сапонинлар, флавоноидлар, ошловчи ва бошқа бирикмалар бор. Пўстлоғидан тайёрланган қайнатмаси билан талок, бавосил, бронхит, безгак, бод, подагра касалликлари даволанади ҳамда ундан ич кетганда ва қон тўхтатишда (айниқса бачадондан қон кетганда) фойдаланилади. Шу қайнатма яна эшакем тошганда даво бўлади. Гулининг настойкаси билан бод ва подагра касаллиги даволанади.

#### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Сохтакаштан уруғи пўстидан дамлама тайёрлаш учун қопқокли идишга майдаланган уруғ пўстлоғидан 1 чой қошиқ солинади, устига қайнаб турган сувдан 2 стакан қуйиб 8 соат давомида дамлаб қўйилади, сўнгра докада сузилади. Тайёр бўлган дамламадан кунига 4 маҳал чорак стакандан ичилади.

2. Қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир литр сув қуйилади, устига майдаланган дарахт пўстлоғидан 50 г солиб, 15 минут қайнатилади ва 8 соат дамлаб қўйилади. Сўнг докада сузилади ва бавосил касаллигида ванна қилиш учун қўлланилади.

3. Сохтакаштан гулидан настойка тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишдаги ярим литр 40° ли спирт ёки араққа қуритиб майдаланган гулидан 20 г солиб, икки ҳафта қўйиб қўйилади. Сўнгра докада сузилади ва оғрик қолдириш учун бод, подагра ва бошқа шамоллаш касалликларида тананинг оғриган жойларига суртилади.

4. Ўсимликнинг очилиб турган гулларини териб эзилади-да, сиқиб шираси олинади. Сўнг 1 ош қошиқ сувга ундан 30—40 томчи томизиб, юқорида айтиб ўтилган касалликларда эрталаб ва кечкурун ичилади.

**СОЯ СОЛАБИ**  
(СОЛАБ)

*Ятрышник тенистый* —  
*Orchis umbrosa* K. et K.

**Ўсимлик тасвири.** Солаб солабдошлар — Orchidaceae оиласига мансуб, бўйи 30—40 см бўладиган, 1—6 та бармоксимон ажралган туганакли кўп йиллик ўт ўсимлик. Поястик ўсади, шоҳланмаган. Барглари 6—7 та, ништарсимон ёки чизиксимон - ништарсимон, йирик, текис киррали бўлиб, қини билан поясида кетма-кет ўрнашган. Кўкимтир-қизил рангли, чиройли 6 та тожбаргдан (гул косачаси бўлмайдиган) ташкил топган гуллари пояси учигаги бошқосимон гултўпламга жойлашган. Меваси — кўн уруғли кўсакча.

Май ойидан июль охиригача гуллайди, меваси июль — августда етилади.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиё (Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон) даги ботқоқликларда, сойларда, дарё ва ариқ бўйларида, тўқайзорларда, тоғ қияликларида, тоғ дараларида (денгиз сатҳидан 600—2800 м гача баландликда), буталар орасида ва бошқанам ерларда ўсади.



32- расм. Солаб.

**Кўлланиладиган қисми.** Туганаги (илдиз туганаги). Ўсимлик гуллаб бўлиши билан (июнь — июль ойларида) шу йилги ёш туганаги ковлаб олинади, тупрок, лой, барг қолдиқлари ва майда илдизлардан тозаланади ва ипга тизиб, қайнаб турган сувга ботириб олинади. Сўнгра ипга тизилган туганақлар очик ҳавода — қуёшда ёки печларда қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Солаб туганаги таркибида 50 % гача сувда яхши эрийдиган шиллик моддалар, 27 % крахмал, 1 % гача қандлар, минерал тузлар, эфир мойи, аччик, оксил ва бошқа моддалар бор. Туганақ таркибидаги полисахаридларнинг умумий миқдори 68,48 % гача (меvasи етилган даврда) бўлади.

Ўсимлик туганагининг доривор препарати (шиллик моддасининг сувдаги эритмаси) энтероколит, гастрит ва меъда-ичак касалликларида ўраб олувчи дори сифатида ҳамда баъзи моддалар билан захарланганда кўлланилади. Болалар ичбуруғ бўлганда шиллик эритмасидан ҳуқна қилинади.

Солаб туганаги қайнатмаси ва дамламаси (шиллик эритмаси) халқ табобатида фалаж (оёқ ва кўлларнинг тиришиши), буйрак-тош касалликлари ҳамда ич кетишини даволашда ишлатилади.

#### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

Ўсимлик туганагидан дамлама (шиллик эритмаси) тайёрлаш учун бирор идишга бир қисм туганақ қуқунидан солиб, устига 9 қисм совуқ сув қуйилади ва чайқатилади, кейин устига тезликда яна 9 қисм қайнаб турган сув қўшиб, то совигунича чайқатилади. Сўнгра доқада сузилади ва юқорида кўрсатилган касалликларни даволаш учун ичилади ёки ҳуқна қилинади.

#### СУМАХ, ОШЛОВЧИ СУМАХ (ТОТУМ, СУМАК)

*Сумах дубильный — Rhus coriaria L.*

**Ўсимлик тасвири.** Пистадошлар — Anacardiaceae оиласига мансуб, бўйи 1—3 м бўладиган бута ёки дарахт. Барглари тоқ патли мураккаб, 4—8 жуфт чўзиқ-тухумсимон ёки ништарсимон, йирик аррасимон қиррали барглardan ташкил топган бўлиб, банди ёрдамида пояси билан илоҳларида кетма-кет ўрнашган. Бир жинсли, майда, кўрimsиз, беш бўлакли, яшил-оқ рангли гуллари айрим-айрим (чанглатувчи ва чангланувчи) холда рўваксимон гултўпламига жойлашган. Меvasи —

кизил рангли, шарсимон ёки буйраксимон, майда, курук, данакли мева.

Июнь — июль ойларида гуллайди, меваси сентябрь — октябрда етилади.

**Географик тарқалиши.** Кавказ, Қрим, Туркменистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг курук, тошлок ва оҳакли тоғ қияликларида, денгиз сатҳидан 900—1700 м баландликдаги тоғ чўққиларида, баъзан ўрмонларда ва ўрмон четларида ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Барги. Ўсимлик гуллаши олди-дан то мевалари пишгунга қадар барглари йиғилади ва очиқ ҳавода қуритилади. Сўнгра танин олиш учун фармацевтика заводларига юборилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Сумах барги таркибида 25—33 % ошловчи моддалар (10—20,9 % танин), 4,8 % гача галлат кислотаси, флавоноидлар (авикулярин, астрагалин, мирицитрин), эфир мойи, 112 мг витамин С, бўёқ ва бошқа моддалар бўлади.

Сумах баргидан танин олинади.

Танин буриштирувчи, антисептик ва яллиғланишга қарши таъсирга эга. Шунинг учун унинг препаратлари (танальбин ва тансал таблетка ҳолида) меъда-ичак касалликлари (меъда-ичак катарити, энтерит, колит, ич кетар) ни даволашда ишлатилади. Танин яна оғиз бўшлиғи, бурун ва томоқнинг яллиғланишида чайиш (1—2 % ли эритмаси) ёки шиллик қаватларга суртиш (таниннинг 5—10 % ли эритмаси), куйгани, сурункали экземаларни ва турли яралар (сўвчираб турадиган, йирингли яралар) ни даволаш (тернинг зарарланган ерига 3—5—10 % ли суртмаси ва эритмаси суртилади) ҳамда ичак яллиғланишида ҳуқна қилинади.

Алкалоидлар (морфин, кокаин, атропин, никотин, физиостигмин ва бошқалар) ҳамда оғир металллар тузи билан заҳарланганда таниннинг 0,2—2 % ли эритмаси ичишга берилади ёки 0,5 % ли эритмаси билан меъда ювилади.

Сумах барги халқ табobatiда турли қон оқишларни тўхтатиш, ўт пуфағи ва бошқа касалликларни даволашда қўлланилади. Янчилган мевасидан одамлар «нордон ичимлик» тайёрлашади. Уни одатда меъда касалликларида, цинга ва шишларни даволашда ҳамда иситма пасайтирувчи ва кустируви дори сифатида ишлатишади. Барги дамламаси билан яра-чақалар ювилади.

Баргининг настойкаси ич кетиши, бод, подагра ва фалажни даволашда қўлланилади.

## ТАНГУТ РАВОЧИ

*Ревень тангутский* — *Rheum palmatum L. var. tanguticum Maxim.*

**Ўсимлик тасвири.** Тангут равочи торондошлар — Polygonaceae оиласига мансуб, бўйи 1,5—2 м бўладиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, йўғон, бўғинли ва кам шоҳли. Илдизолди барглари йирик, сершира ва йўғон, узун (30 см гача) бандли, кенг тухумсимон, беш-етти бўлакли, поядаги барглари майдароқ бўлиб, калта банди ёрдамида поя бўғинларига кетмакет ўрнашган. Оч-пушти ёки қизил рангли, олтин тож баргли, майда гуллари рўвак гул тўпламини ҳосил қилади. Меваси — қизил-қўнғир рангли, уч қиррали писта.

Июнь ойида гуллайди, меваси июлда етилади.

**Географик тарқалиши.** Ватани Хитойнинг тоғли туманларидаги ўрмонлар. Москва, Воронеж, Новосибирск ва Киров вилоятларида, Беларуссия ва Украина жумҳуриятларида ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Тиббиётда тангут равочининг илдизи ишлатилади. Плантациялардаги ўсимлик 4—5 ёшга тўлгандан сўнг куз ойларида (уруғи йиғиб олингандан сўнг) ер остки органлари қовлаб олинади, сув билан ювиб тунроқ ва лойдан тозаланади, йирикларини майда бўлақларга қирқиб, ҳаво кириб турадиган хонада ёки чордоқларда 10—15 кун давомида ёйиб сўлтилади. Сўнгра ҳарорати 40° ли қуритгичларда қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Тангут равочи илдизи таркибида 6—12 % таногликозидлар, 3,4—6 % антрацент унумлари (хризофанеин, глюкореум-эмодин, глюко-алоэ-эмадин, реохризин, реин, дирейн, сеннозидлар ва бошқ.), смолалар, крахмал, пектин ва бошқа моддалар бор.

Доривор препаратлари (илдиз кукуни ва унинг таблеткаси, курук экстракти, шарбати) сурункали меъда-ичак касалликларида ични юмшатиш учун, ичак атониясида ва газ тўпланиб қолганда қўлланилади. Бу препаратлар кам дозада (0,05—0,2 г) қабул қилинса, ични қотиради, кўп миқдорда (0,5—2,0 г) қабул қилинганда эса ични юмшатади.

Ўрта Осиё халқ табибатида равочининг қуйидаги уч тури қўлланилади:

**Максимович равочи (чўл чухраси)** — *Ревень Максимовича* — *R. maximowiczii* Los, Татар равочи — *Ревень татарский* — *R. tataricum* L, Туркистон равочи (туя-япроқ) — *Ревень туркестанский* — *R. turkestanicum Janisch.*



**Ўсимлик тасвири.** Равочнинг бу турлари ҳам йирик баргли, бўйи 30—100 см гача бўлган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси йўғон, кўп қиррали, бўғинли, юқори қисми шохланган. Илдизолди тўп барглари думалок, буйраксимон, калта йўғон бандли. Поясидаги барглари майдароқ бўлиб, калта банди ёрдамида пояси билан шохларида кетма-кет ўрнашган. Оч-яшил ёки сарғиш гуллари рўвакка жойлашган. Меваси — уч қиррали, қизил-қўнғир рангли писта.

Апрель — июль ойларида гуллайди ва меваси етилади.

**Географик тарқалиши.** Равочнинг бу турлари Ўрта Осиёдаги чўл ва кумли даштларда, тоғли туманларда, тоғларнинг ўрта қисмигача бўлган ўтли ёки майда тошли қияликларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Халқ табобатида равоч турларининг меваси ва ер ости органлари ишлатилади. Ўсимлик меваси пишгандан сўнг йиғилади ва очик ҳавода — қуёшда қуритилади. Илдизи меваси пишиб, тўқилгандан сўнг қовлиб олинади, сув билан ювиб тупроқдан тозаланади, йириклари майда қисмларга қирқилади ва очик ҳавода — қуёшда қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Равоч турларининг меваси таркибида 2,49—18 % ошловчи моддалар, илдизидан 7—25 % гача ошловчи моддалар, антрацен унумлари (хризафанол, эмодин ва бошқалар), галлат кислота, пирогаллол, пирокатехин, углеводлар, бўёқ моддалар ва бошқа бирикмалар бор. Равоч барси органик кислоталарга бой.

Равоч турлари Ўрта Осиё табобатида қадимдан қўлланилади. Абу Али ибн Сино равочни чечак, вабо, қизамиқ касалликларига даво қилган. Равоч илдизини ичак, буйрак, қовуқ ва бачадон касалликларида оғрик қолдирувчи, қон оқитиши ва ич кетганда уларни тўхтатувчи дори сифатида ишлатган.

Равоч турларининг илдизи ва мевасидан тайёрланган қайнатма билан халқ табобатида иситма ва меъда-ичак (ич кетиш) касалликлари даволанади ҳамда ичдан қон кетишини тўхтатиш учун қўлланилади. Равоч илдизини сутда қайнатиб тайёрланган қайнатмаси билан меъда-ичак ва юрак касалликлари даволанади.

Равоч турларининг пояси, барг банди иштаҳа ва қўнғил очадиган маҳсулот сифатида истеъмол қилинади.

Илмий тиббиётда ич кетишини даволаш учун равоч турларининг илдизидан тайёрланган қайнатма ва мевасидан тайёрланган экстракт ишлатилади.

Равоч препаратларини тайёр ҳолда дорихона ҳам олиш мумкин.

#### РЕЦЕПТЛАР

Rp.: Tabul. rad. Rhei 0,5  
D. t. d. N. 10  
S. Кунига 2 маҳал 1 таблеткадан ичилсин.

Rp.: Rhei 30,0  
D. S. Кунига 2 маҳал 1 чой қошиқдан ичилси

Rp.: Pulv. rad. Rhei 0,5  
D. t. d. N. 10  
S. Кунига 2 маҳал 1 порошокдан ичилсин.

#### ТАРВУЗПАЛАК (АБУЖАҲИЛТАРВУЗ, БРИОНИЯ)

*Переступень — Bryonia L.*

**Ўсимлик тасвири.** Тарвузпалак турлари ковокдошлар — Cucurbitaceae оиласига мансуб, бўйи 2—4 м га етадиган, гажаклари ёрдамида дарахтларга осилиб ўсувчи пояли кўп йиллик ўт ўсимлик. Барглари кенг тухумсимон ёки кенг юраксимон, 5—7 бўлакли ёки бурчакли, тишсимон қиррали бўлиб, банди ёрдамида поясида кетма-кет ўрнашган. Майда, яшил, сарғиш, оч сарик ёки кўкимтир сарик, бир жинсли гуллари қалқонсимон тўпгулга жойлашган. Меваси қизил ёки қора, сарик рангли резавор мева.

Апрель — июнь ойларида гуллайди, меваси июнь — сентябрда етилади.

*Ўсимликнинг ҳамма қисми заҳарли!*

**Географик тарқалиши.** Тарвузпалак турлари собиқ СССР нинг Европа қисми, Кавказ, Ўрта Осиёдаги дарё водийлари, тоғ ёнбағирларидаги чакалакзорларда, баъзан экинзорларда бегона ўт сифатида ўсади. Тарвузпалакнинг баъзи турлари манзарали ўсимлик сифатида ҳам ўстирилади.

**Қўллавиладиган қисми.** Тиббиётда Оқ тарвузпалак — Переступень белый — *B. alba L.*, Икки уйли тарвузпалак — Переступень двудомный — *B. dioica Jacq.* ва Қора мевали тарвузпалак (сиртан) — Переступень черноплодный — *B. melanosagra Nab.* турларининг илдизи ишлатилади.

Тарвузпалак турларининг илдизи кеч кузда ёки эрта баҳорда ковлаб олинади, сув билан ювиб тупроқ ва лойдан тозаланади, майда бўлақларга қирқиб (илдизлари йирик, этли, шолғом ёки турпсимон), очик хавода — қуёшда қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Тарвузпалак турларининг илдизи таркибда захарли гликозидлар — брионин, брионидин, бриомарид, бриобиозид, аччиқ моддалар — кукурбитацинлар, 1,5 % гача алкалоидлар, сапонинлар, крахмал, органик кислоталар, смола, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Илдиз қайнатмаси халқ табобатида подагра, бод, полиартрит касалликларида оғриқ қолдирувчи восита сифатида ҳамда қон очишини тўхтатиш, йўтални қолдириш ва яраларни даволаш учун қўлланилади. Икки уйли тарвузпалак меваси халқ табобатида баъзан иситма кўтарилганда, бош оғриғида, бод, тутқаноқ, бавосил ва бошқа касалликларда истеъмол қилишга буюрилган, уруғи кучли сурғи ва қустирувчи дори сифатида ишлатилган. Оқ тарвузпалак илдизининг настойкаси «акофит» («радикулин») препарати таркибига киради. «Акофит» илмий тиббиётда бод, люмбаго, плексит ва бошқа шамоллаш касалликларида оғриқ қолдирувчи дори сифатида қўлланилган.

Тарвузпалак турларининг илдизидан олинган гликозидлар йиғиндиси оғриқ қолдирувчи, юрак мускуллари тонусини ошириш ва қон босимини кўтариш таъсирига эга эканлиги ҳайвонларда ўтказилган тажрибаларда исботланган.

#### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФЙДАЛАНИШ

1. Оқ тарвузпалакнинг майдаланган илдизидан ярим чой қошиқда олиб қайнаб турган 2 стакан сувга солинади, уни идиши билан бошқа қайнаб турган сувга қўйиб 15 минут қайнатилади. Совигач доқада сузиб, овқатдан олдин кунига 3 маҳал чорак стакандан ичилади.

2. Ўсимликнинг майдаланган илдизидан 1 чой қошиғини 100 г кунгабоқар мойига солиб аралаштирилади ва бўғим оғриқларида (бод касаллигида) чегараланган миқдорда суртилади.

3. Ўсимликнинг майдаланган илдизидан 1 чой қошиқда олиб 1 стакан сувга солинади ва 1 соат қўйиб қўйилади. Сўнг доқада сузиб кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

#### ТЕМИРТИКАН, ЕРБАҒИРЛАГАН ТЕМИРТИКАН

*Якорцы стелющиеся — Tribulus terrestris L.*

**Ўсимлик тасвири.** Туятовондошлар — Zygophyllaceae оиласига мансуб, бўйи 10—60, баъзан 100—300 см га етадиган судралиб ўсувчи бир йиллик ўт ўсимлик.

Пояси асос қисмидан шохланган. Барглари жуфт патсимон мураккаб, 5—7 жуфт ништарсимон ёки чўзикроқ бўлакчалардан ташкил топган бўлиб, қисқа банди ёрдамида пояси билан шохларида қарама-қарши ўрнашган. Сарик рангли, майда, беш бўлакли гуллари узун банди билан барг қўлтиғига жойлашган. Меваси — 2—4 та қаттиқ тиканли, беш бўлак-бўлак ёнғоқчага ажраладиган қуруқ мева.

Апрель — май ойларида гуллайди, меваси июнь — августда етилади.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиё жумҳуриятлари, собиқ СССР Европа қисмининг жануби, Кавказ, Олтой ва Шарқий Сибирдаги чўлларда, текисликлар ва тоғ этакларида, кўз ёқаларда, сойларда, дарё бўйларида, экинзорларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Ер устки қисми. Ўсимлик гуллаган давридан бошлаб то мевалари тўкилгунча йиғилади ва соя ерда қуритилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Ер устки қисми таркибида стероид сапонинлар (диосгенин, гитогенин, рускогенин ва уларнинг гликозидлари), гарман алкалоиди, 0,6 % флавоноидлар, кумаринлар, 160 мг % гача витамин С, смолалар, бўёқ, ошловчи, шиллик ва бошқа моддалар бор.

Ер устки қисми сапонинларининг препарати — трибуспонин таблетка ҳолида атеросклероз касаллигини даволашда қўлланилади. Темиртиканнинг ер устки қисмидан диосгенин олинади. Диосгениндан фармацевтика саноатида прогестерон, кортизон ва бошқа гормонал препаратлар синтез қилиб олинади.

Темиртикан қадимдан халқ орасида турли касалликларни даволашда ишлатиб келинган. Бу ўсимлик билан Абу Али ибн Сино шишларни, яраларни (айниқса, милкнинг йирингли яраларини) даволаган ҳамда уни буйрак ва қовуқдаги тошларни туширишда сийдик ҳайдовчи дори сифатида қўллаган.

Ер устки қисми дамламасидан халқ табobatiда биқин санчиғи, бош оғриғи, кўз шиллик пардасининг яллиғланиши, сўзакка даво қилишда ҳамда сийдик ҳайдовчи, сурғи ва организм тонусини оширувчи восита сифатида фойдаланилади. Унинг ер устки қисмидан тайёрланган кукуни сўзак ва захм касалликларида папирос қилиб чекилади. Тозалаб, сутда пиширилган илдизи сурункали безгақда беморни қувватга киргизиш учун берилади.

## ТЕРМОПСИС, АФСОНАК


*Термопсис* —  
*Thermopsis R. Br.*

Термопсис турлари дуккакдошлар — Fabaceae оиласига мансуб, бўйи 40—90 см га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик.

Термопсис (афсонак)нинг куйидаги уч тури тиббиётда ишлатилади: Кетма-кет гулли термопсис (афсонак) — Термопсис очередноцветковый — *Th. alterniflora Rgl. et Schallh*, Ништарсимон термопсис (афсонак) — Термопсис ланцетный — *Th. lanceolata R. Br.*; Чўзиқ мевали термопсис (афсонак) — Термопсис длинноплодный — *Th. dolichocarpa V. Nikitin*.

Ўсимлик тасвири. Термопсис турларининг пояси кўп сонли бўлиб, тик ўсади ва шохланган. Барглари учта чўзиқ ништарсимон, чўзиқ эллипссимон ёки кенг тескари тухумсимон бўлакли ва иккита кўшимча баргли бўлиб, пояси билан шохларида банди ёрдамида кетма-кет ўрнашган. Сарик рангли беш бўлакли гуллари пояси билан шохларининг юкори қисмига жойлашган шингил гултўплами ни ҳосил қилади. Меваси — чўзиқ ёки чўзиқ эллипссимон, тўғри ёки бироз ўроқсимон эгилган, туксиз ёки тукли, кўп уруғли, пишганда очиладиган дуккак.

Май — август ойларида гуллайди, меваси июнь — сентябрда етилади.



33- расм. Ништарсимон афсонак.

*Термопсис турларининг ҳаммаси заҳарли!*

**Географик тарқалиши.** Термопсис турларни қора, шўртупрокли ҳамда қумли ерларда, тоғ ёнбағирларида, майда шағалли қияликларда, тоғдаги дарёлар қирғоғида, тоғлардаги дарахтзорларда ва чакалакзорларда, чўл ва ўрмончўл зоналарида ҳамда бегона ўт сифатида бугдойзорларда ўсади. Улар Ўрта Осиё (асосан Қирғизистон ва Ўзбекистон республикаларида), Қозоғистонда, Сибирь ва собиқ СССР нинг Европа қисмида учрайди.

**Қўлланиладиган қисми.** Ер устки қисми ва уруғи. Ер устки қисми ўсимлик гуллай бошлашдан то мева туккунига қадар ўриб олинади ва соя ерда қуритилади. Меваси пишганда (август — сентябрь ойларида) ўсимлик йиғилади, очик ерда — қуёшда қуритилади. Сўнгра янчиб, уруғи ажратиб олинади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Термопсис турларининг ҳамма қисми таркибида алкалоидлар (ер устки қисмида 0,5—3,6 %, уруғида — 2—3, 34 %), ер устки қисмида яна 4,57—4,88 % органик кислоталар, 2,94—4,8% қандлар, сапонинлар, эфир мойи, 289 мг % гача витамин С, термопсиланцин гликозиди, флавоноидлар (генистин, цинарозид, генистеин, хризозернол ва бошқалар), 3,65—5,08 % смолалар, шиллик, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Алкалоидлар суммасидан термопсин, цитизин, нахикарпин, метилцитизин, анагирын ва бошқа алкалоидлар соф ҳолида ажратиб олинган.

Термопсиснинг дори препаратлари (дамлама, суюқ ва қуруқ экстрактлари) сурункали бронхит, пневмония ва нафас йўллариининг бошқа касалликларида балғам кўчирувчи восита сифатида қўлланилади. Цитизин алкалоидидан цититон препарати (алкалоиднинг ампуладаги 0,15 % ли эритмаси) операция вақтида, умумий заҳарланганда (масалан ис газидан), янги туғилган чақалоқларда нафас олиш тўхтаб қолган ҳолларда нафас марказини кўзгатувчи ҳамда қон босими пасайганда уни кўтарувчи дори сифатида ишлатилади.

Ер устки қисмининг қуруқ экстракти балғам кўчирувчи ва йўтални қолдирувчи дори — пектол, йўтал қолдирувчи қуруқ микстура (катталар учун), ер устки қисми эса йўталга қарши таблетка таркибига киради.

Ўсимлик дамламаси ҳамда таблеткасини дорихоналардан бемалол сотиб олиш мумкин. Қуйидаги рецеттларга эътибор беринг.

## РЕЦЕПТЛАР

Rp.: Inf. herbae Thermopsisidis 0,6—100, 0  
D. S. Кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилсин. !

Rp.: Extr. herbae Thermopsisidis 0,01  
et Natrii hydrocarbonatis 0,25  
D. t. d. N. 10 in tabul.  
S. Кунига 3 маҳал 1 таблеткадан овқатдан ярим соат олдин илиқ сув билан ичилсин.

Rp.: Inf. herbae Thermopsisidis 0,2—100, 0  
D. S. 2—3 яшар болага кунига 3 маҳал 1 чой қошиқдан ичирилсин.

### ТИЗИМГУЛ (ВЕРБЕНА)

*Вербена лекарственная — Verbena officinalis L.*

**Ўсимлик тасвири.** Тизимгул тизимгулдошлар — Verbenaceae оиласига мансуб, бўйи 30—70 см га етадиган кўп иллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, шохланган. Яרגлари тухумсимон, чўзиқ тухумсимон ёки чўзиқ иштарсимон бўлиб, четлари патсимон қирқилган (поясининг ўрта қисмидагилари уч бўлакка қирқилган, энг жоридагилари қирқилмаган, текис қиррали), пояси ва лоҳларида бандсиз қарама-қарши ўрнашган. Майда, қиш рангли, беш бўлакли гуллари пояси учидаги ошоқлардан ташқил топган рўвакка жойлашган. Мева — 4 та ёнғоқчага бўлинадиган қурук мева.

Апрель — сентябрь ойларида гуллайди, меваси май — ктябрьда етилади.

**Географик тарқалиши.** Тизимгул собиқ СССР нинг Европа қисми, Кавказ, Ўрта Осиёдаги тоғ этаклари, оғларда, текисликларда, ариқ бўйларида ва йўл ёқаларида, бегона ўт сифатида боғларда, экинзорларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Халқ табобатида тизимгулнинг рустки қисми ишлатилади. Уни ўсимлик гуллаган ақтида ўриб олинади ва соя ерда қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Ер устки қисми аркибида гликозидлар (вербеналин ва бошқалар), апонинлар, алкалоидлар, камфора ҳидли эфир мойи ва ошқамоддалар бор.

Ер устки қисми қайнатмаси халқ табобатида турли асаллиқлар (бош ва қорин оғриғи, иситма, талоқ шиши, ўтир, турли шишлар, кўқарган жойлар)ни даволашда ҳамда сийдик ҳайдовчи, яраларни даволовчи восита сифатида ишлатилади.

## ТИЛЛАБОШ

*Золототысячник — Centaureum Gilib*

**Ўсимлик тасвири.** Эрбаҳодошлар — Gentianaceae оиласига мансуб, бўйи 5—40 см келадиган бир ёки икки йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, шоҳланмага ёки асос қисмидан бошлаб шоҳланган (чиройли тиллабошда), тўрт қиррали. Илдизолди тўп барглари (чирой тиллабошда бўлмайд) ва поясидаги барглари тескар тухумсимон ёки ланцетсимон, ўтмас ва ўткир учли, 3—5 т параллель жойлашган асоси томирли бўлиб, поясидан бандсиз карама-қарши ўрнашган. Қизил гуллари қалқонсимон тўпгулга жойлашган. Меваси — цилиндрсимон, кўуруғли, икки хонали кўсак.

Июнь ойидан кузгача гуллайди ва меваси етилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Икки турининг: **Чирой тиллабош — золототысячник красивый — C. pulchellum (Sw.) Druce** ва **Кичик тиллабош — золототысячник малый — C. minus Moench** ёки **C. umbellatum Gilib** нинг устки қисми.

**Географик тарқалиши.** Собик СССР нинг Европ қисми, Кавказ, Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Олтойдаги наўтлоқларда, дарё, ариқ ва кўл бўйларида, бутала орасида, ўрмон четларида, тоғларнинг ўрта қисмигач бўлган нам ерларда ўсади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Ер устки қисм таркибида 0,6 % генцианин алкалоиди, аччиқ гликозидла (генциопикрин, эритроцентаурин, центапикрин), флавоноидлар, фенолкарбон кислоталар, витамин С ва бошқ моддалар бор.

Дамламаси иштаҳа очиш ва овқат ҳазмини яхшилаш учун қўлланилади. Ер устки қисми иштаҳа очадиган аччиқ настойка ва иштаҳа очувчи чойлар — йиғмалар таркибига киради. Уни одатда ўсимлик гуллаган пайтда йиғи олинади.

Халқ табобатида тиллабош ер устки қисмидан тайёрланган дамлама ёки қайнатма жигар ва ўт йўллари касалликларида, иситма, шамоллашда, жигардон қайнаши ва меъда шираси кислоталиллиги ошиб кетганда буюрилади.

### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга I стакан қайнаб турган сув қуйилади, устига бир ош қошиқда майдаланган ер устки қисмидан солиб, 30 минут



дамланади. Сўнгра докада сузилади ва овқатдан 30 минут олдин ништаха очиш учун бир ош қошиқдан ичилади.

2. Қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 1 стакан сув қўйилади, устига майдаланган ер устки қисмидан 4 г (1 л сувга 20 г) солиб, бир оз қайнатилади. Сўнгра докада сузилади ва юқорида айтилган касалликларга даво қилиш учун кунига 3 маҳал овқатдан олдин 1—2 ош қошиқдан ичилади.

3. Ўсимликнинг қуриган ер устки қисми яхшилаб майдаланади, кунига тахминан 1—2 г дан 3—4 маҳал овқатдан олдин ичилади.

4. Ўсимликнинг ер устки қисмидан 10 г олиб, 40° ли 100 г этил спиртига (ёки арокқа) солинади-да, 7—10 кун қўйиб қўйилади. Вақти-вақти билан чайқатиб турилади. Сўнг докадан ўтказиб 1 чой қошиқдан 3 маҳал овқатдан олдин ичилади.

#### РЕЦЕПТЛАР

Rp.: Inf. herbae Centaurii 10,0—200,0

D. S. Кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилсин.

Rp.: T-rae Centaurii 50,0

D. S. Кунига 3 маҳал 20—30 томчидан овқатдан ярим соат олдин ичилсин.

#### ТИРНОҚГУЛ, ДОРИВОР ТИРНОҚГУЛ

*Ноготки лекарственные — Calendula officinalis L.*

**Ўсимлик тасвири.** Астрадошлар (мураккабгулдошлар) — Asteraceae (Compositae) оиласига мансуб, бўйи 30—60 см га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, шохланган. Барглари чўзиқ — тескари тухумсимон, сертук бўлиб, пояси билан шохларида банди ёрдамида кетма-кет ўрнашган, поясининг юқори қисмидаги барглари бандсиз, тухумсимон ёки ништарсимон. Гуллари пояси билан шохлари учидаги саватчага жойлашган. Тилсимон гуллари 2—3, баъзан 15 қатор, сарик, тўқ сарик ёки зарғалдоқ рангли. Меваси — писта.

Июнь ойидан кеч кузгача гуллайди, меваси июлдан бошлаб етилади.

**Географик тарқалиши.** Собик СССР Европа қисмининг жанубий ноҳияларида, Краснодар ўлкаси, Кавказ, Ўрта Осиё, Полтава ва Москва вилоятларида манзарали ва доривор ўсимлик сифатида ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Гултўплами. Гуллари қийғос очилган вақтда, қисқа бандли ёки бандсиз қилиб йнғиб олинади ва салқин ерда қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Гуллари таркибида 7,8 мг % гача каротин (каротиноидларнинг умумий миқдори тилсимон гулларида 3 % га етади), 0,4 % гача эфир мойи, 4 % гача шиллик, 10,4—11,2 % ошловчи ва аччиқ моддалар, флавоноидлар, тритерпен диоллар, 6,84 % органик (олма, салицилат) кислоталар ва бошқа бирикмалар бор.

Дори препаратлари — дамлама, настойка, «Календула» суртмаси ва таблетка ҳолндаги калейфлон турли яралар ва куйган жойларни даволаш, стоматит, ангина ва бошқа томоқ касалликларида оғиз ва томоқни чайиш учун, шунингдек гастрит, меъда ва ўн икки бармоқ ичак яраси ҳамда жигар касалликларини даволаш учун қўлланилади.

Халқ табобатида тирнокгул гулидан тайёрланган қайнатма билан иситма, қон аралаш сийиш, буйрак ва сийдик йўллари касалликлари, яралар даволанади. У шунингдек, бачадондан қон кетишини тўхтатади. Қайнатмадан яна экзема ва бошқа тери касалликларида ванна қилинади, болалар қайнатмага чўмилтирилади. Гулидан дамлама тайёрланиб, уни бош айланиши, иситма ва баъзи кўз касалликларини даволашда ишлатилади.

#### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Тирнокгулдан қайнатма тайёрлаш учун қопқоқли идишга 2 стакан сув қўйиб, устига майдаланган гулидан 20 г солинади ва 10—15 минут давомида қайнатилади. Қайнатма совигач доқада сузилади ва юқорида кўрсатилган касалликларда кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

2. Дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпилмадиган идишдаги қайнаб турган 2 стакан сувга майдаланган гулидан икки чой қошиқда солиб, 15 минут дамлаб қўйилади. Сўнг доқада сузиб, юқорида айтиб ўтилган касалликларни даволаш учун кунига 4 маҳал ярим стакандан ичилади.

3. Майдаланган ўсимлик гулидан 1 ош қошиқ олиб 1 стакан араққа солинади ва 1 ҳафта қўйиб қўйилади. Сўнг доқадан ўтказиб, кунига 3 маҳал 25—30 томчидан ичилади, оғиз чайиш ҳам мумкин. Экземада бинтни унга ботириб қўйилса, тузуккина ёрдам беради.

4. 1 чой қошиқ гули кукунини 15 г вазелинга аралаштириб терига боғланади.

#### РЕЦЕПТЛАР

Rp.: Inf. florum Calendulae 25,0—250,0  
D. S. Кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилсин.

Рр.: T-rae Calendulae 50,0  
D. S. Кунига 20—30 томчидан ичилсин.

Рр.: T-rae Calendulae 200,0  
D. S. Куйган ерга, яра-чакаларга битни хўллаб  
кўйилсин.

### ТОК (УЗУМ)

*Виноград культурный — Vitis vinifera L.*

**Усимлик тасвири.** Ток узумдошлар — Vitaceae оиласига мансуб, бўйи 30 м га етадиган жингалаклари ёрдамида дарахтларга осилиб ўсувчи дарахтсимон кўп йиллик лиана. Шохлари кўнғир-қизил, кўнғир-сарик ёки яшил рангли. Барглари юмалоқ ёки буйраксимон, асос қисми ўйилган, ўткир ёки тўмтоқ учли, 3—5 бўлаккли, тишсимон киррали бўлиб, узун банди ёрдамида пояси билан шохларининг бўғинларида кетма-кет ўрнашган. Майда, кўримсиз гуллари рўвак гул тўлламига жойлашган. Меваси — мазаси, ранги ва катта-кичиклиги турлича бўлган уруғли сершира хўл мева.

Май — июнь ойларида гуллайди, меваси июль — октябрда пишади.

**Географик тарқалиши.** Ток ёввойи ҳолда Тошкент (Охангарон дарёси водийсида) ва Сурхондарё (Тўпаланг дарё ҳавзасида) вилоятларида учрайди. Умуман ток кенг миқёсда ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Халқ табобатида меваси ва барги ишлатилади. Меваси тўлик пишганда узилади ва қуритмасдан ёки қуритиб (майизи) қўлланилади. Баргини баҳорда (барг ёзилганда) ёки меваси пишганда йиғиб олиниб, соя ерда қуритилади ёки қуритмасдан ишлатилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Ток меваси — узум таркибида 20 % гача канд, 2,5 % органик (олма, вино, оксалат ва салицилат) кислоталар, витамин В ва С, флавоноидлар (кверцетин ва бошқалар), энин бирикмаси, бўёк, 3,4 % ошловчи (мева пўстида) моддалар, уруғида — 20 % гача ёғ, 8 % гача ошловчи моддалар, ванилин, баргида эса 2 % қандлар, кверцетин, инозит, холин, бетулин, органик (вино, олма, протокатех ва бошқа) кислоталар, каротин, С, В ва К витаминлари, никотин ва фоли кислоталар, катехинлар, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Узумни Абу Али ибн Сино буйрак, ковуқ, ичак касалликларида оғрик қолдирувчи, барг ва жингалагини бош, кўз (кўз шишганда), қулоқ ва меъда касалликларини

даволаш учун қўллаган. Куритилмаган барг шираси билан дизентерия, поя ва шохларининг кули билан тери касалликларини даволаган.

Халқ табобатида узум турли (буйрак, қовуқ, жигар, юрак, меъда-ичак касалликлари, бавосил, подагра ва бошқа) касалликларни даволашда, сийдик ва ўт хайдовчи, қон очишни тўхтатувчи, иштаҳа очувчи ва қувватга киргазувчи маҳсулот сифатида қўлланилади.

Ток барги дамламаси ёки қайнатмаси билан томоқ оғриганда томоқ чайилади ҳамда тери касалликларида унинг зарарланган ерлари ювилади. Куритилган барг кукунни бачадондан қон очишни тўхтатувчи дори сифатида 2—4 г дан ичилади.

Узум илмий табобатда ҳам ишлатилади. Масалан, меъда-ичак касалликларида (спастик ва атоник қабзият ҳолларида, функционал невроз туфайли меъданинг кислоталилиги ошиб кетганда), модда алмашинуви бузилганда, камқонлик, нефрит, сурункали бронхит ва бошқа касалликларда меваси истеъмол қилишга берилади. Бундан ташқари, узум ўпка сили ҳамда асаб касалликлари туфайли одам дармонсизланганида ва ҳаддан ташқари озиб кетганида организмга қувват берувчи, иштаҳа очувчи дори сифатида тавсия этилади.

Ток баргидан жигар касаллигида ишлатиладиган витахол препарати олинган ва у тиббиётда холосас ўрнида ишлатишга тавсия этилади.

Токнинг ёш барглари овқатга ҳам ишлатилади.

## ТОРОН

*Горец — Polygonum L.*

**Ўсимлик тасвири.** Торондошлар — Polygonaceae оиласига мансуб бир ва кўп йиллик ўт ўсимлик.

**Географик тарқалиши.** Торон турлари Собиқ СССР нинг Европа қисми, Кавказ, Сибирь, Узоқ Шарқ, Қозоғистон, Ўрта Осиёдаги нам ўтлоқларда, арик, дарё, кўл бўйларида, далаларда, экинзорларда, тоғ этагидан юқори қисмигача бўлган тоғ ёнбағирларидаги ўтлоқларда, бутазорларда, ўрмонларда ўсади.

**Илонсимон торон (еркўноқ) — Горец змеиный (змеёвик) — P. bistorta L.**

**Ўсимлик тасвири.** Кўп йиллик, илонсимон буралган илдиз пояли, 30—100 см баландликдаги ўт ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, битта, баъзан бир нечта, бўғимли, шохланмаган. Илдиз олди барглари узун қанотли бандли, кенг ланцетсимон, текис қиррали, поядагилари кичикрок,

чўзиқ ланцетсимон бўлиб, пояда бандсиз кетма-кет жойлашган. Майда, пушти рангли гуллари цилиндрсимон бошокка тўпланган. Меваси — уч қиррали, ялтирок ёнғоқча.

Май — июнь ойларида гуллайди, меваси июнь — июлда етилади.

Қўлланиладиган қисми. Илдизпояси.

Қимёвий таркиби ва ишлатилиши. Таркибида 25 % гача ошловчи моддалар, галлат кислота, антрацен ҳосилалари ва бошқа бирикмалар бор.

Илдизпоя қайнатмаси меъда-ичак касалликлари (колит), энтероколит ва ҳақ яллиғланишни даволаш ҳамда оғиз шиллик пардаси яллиғланганда (стоматит ва гингивитда) оғизни чайниш учун қўланади. Илдизпоясининг қуритилгани меъда касалликларида ишлатиладиган чойлар — йиғмалар таркибига қиради.

Илмий тиббиётда илонсимон торон билан бир қаторда тороннинг яна икки тури — Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг тоғли ноҳияларида ўсадиган Чиройли торон (ерқўноқ) — *Р. pictus* V. Petr. ва Кавказда ўсадиган Қизил то-



34- расм. Аччикторон.

рон — Горец красный — *P. saepeum* С. Koch илдизпояси-нинг дамламаси ишлатишга рухсат этилган.

Чиройли тороннинг (еркўноқнинг) илдизпоясидан тайёрланган қайнатма ич кетиши ва бошқа меъда касалликларида буруштирувчи, ични қотирувчи ва яллиғланишга қарши таъсир этувчи восита сифатида қўлланилади.

Аччик торон (сувқалампир, сувзамчи, келинтили) — Горец перечный (водяной перец) — *P. hydro Piper* L.

Ўсимлик тасвири. Бир йиллик, 20—70 см баландликдаги ўт ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, асос қисмидан бошлаб шохланган, бўғинли. Барглари чўзик ёки ланцетсимон, текис қиррали, пастки қисмидагилари қиска банди билан, юқоридагилари бандсиз поясида кетма-кет жойлашган. Майда, кўримсиз гуллари эгилган бошқосимон шингилга тўпланган. Меваси — ёнроқча.

Май — октябрь ойларида гуллайти ва меваси етилади.

Қўлланиладиган қисми. Ер устки қисми.

Кимёвий таркиби ва ишлатилиши. Таркибида 2—2,5 % флавоноидлар (рутин, кверцитрин, гиперозид, кверцетин ва бошқа), полигопиперин ва бошқа гликозидлар, эфир мойи, органик кислоталар, К, С (200 мг % гача) ва Е витаминлари, каротин, 7,4 % қандлар, микроэлементлар, смола, аччик, 3,5—8,23 % ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Ер устки қисми дамламаси, суюқ экстракти қон оқшини тўхтатувчи восита сифатида бачадондан қон оққанда, ҳайз бузилганда, бавосил касаллигида қўлланилади. Суюқ экстракти бавосил касаллигида ишлатиладиган «анестезол» шамчалари таркибига кирилади.

Аччик торон (сувқалампир) ер устки қисми дамламаси халқ табобатида безгак, ич кетиши, бавосил касалликларида ҳамда турли қон оқшиларни (ичдан, бачадондан, йўғон ичакдан ва бошқа) тўхтатиш учун ва оғрик қолдирувчи восита сифатида қўлланилади. Дамламаси яна турли яраларга даво қилинади.

#### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

Аччик торон (сувқалампир) дан дахлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув қуйилади, устига майдаланган ер устки қисмидан 1 ош қошиқда солинади ва бир соат давомда дахлаб қўйилади. Кейин дахлама доқада сузилади ва қунига 3 маҳал бир ош қошиқдан юқорида айтилган касалликларни даволаш учун овқатдан олдин ичилади.

**Шафтоли барг торон** (келин тили, сувкаламбир, сувзамчи) — **Горец почечуйный** (почечуйная трава) — *P. persicaria* L.

**Ўсимлик тасвири.** Шафтоли барг торон (келин тили) бўйи 20—30 см гача бўлган бир йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, бўғинли, цилиндрсимон, пастки қисмидан шоҳланган. Барглари ланцетсимон ёки қизиксимон — ништарсимон, пастки барглари калта банди ёрдамида, юқоридагилари бандсиз поясида кетма-кет жойлашган. Баргларининг юқори томонида қўнғир рангли доғи бўлади. Майда, пушти гуллари пояси билан шоҳлари учудаги тик жойлашган шингилга тўпланган. Меваси — қора рангли тухумсимон ёнғоқча.

Июнь — октябрь ойларида гуллайди ва меваси етилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Ер устки қисми.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Таркибида 1,35 % флавоноидлар (кверцетин, авикулярин, кверцимеритрин, гиперозид ва бошқа), 1000 мг % витамин С ва К, эфир мойи, органик кислоталар, 2,5 % шиллик, 8,03 % қанд, 1,87 % ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Ер устки қисми дамламаси ва суюқ экстракти қабзиятда энгил сурги ҳамда қон окишини (бачадондан қон оққанда) тўхтатувчи восита сифатида ва бавосил касаллигини даволашда ишлатилади.

**Шафтоли баргли торон** (келин тили) ўсимлиги қайнатмаси халқ табobatiда бавосил касаллигини даволаш ва буйрак, сийдик йўллари касалликларида сийдик ҳайдовчи восита сифатида қўлланилади. Яна қайнатмаси билан темиртки, терига тошган тошмалар ва яралар ювилади.

## ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

Ўсимликдан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир ярим стакан сув қуйилади, устига бир чой қошиқда майдаланган ер устки қисмидан солиб, 15 минут қайнатилади ва 2 соат дамлаб қўйилади. Сўнгра доқада сузиб, қунига 3 маҳал овқатдан олдин ярим стакандан ичилади.

**Куш торон** (қизилтасма, чумчук тили) — **Горец птичий** (спорыш) — *P. aviculare* L.

**Ўсимлик тасвири.** Куш торон (қизилтасма) бир йиллик, 10—60 см баландликдаги ўт ўсимлик. Пояси бўғинли, шоҳланган. Барглари чўзик ланцетсимон, тўмтоқ учли, текис қиррали бўлиб, поя ва шоҳларида банди ёрдамида кетма-кет жойлашган. Майда, пушти рангли гуллари

1—5 тадан барг кўлтигига ўрнашган. Меваси — уч қиррали, қора рангли ёнғоқча.

Май — октябрь ойларида гуллайди ва меваси етилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Ер устки қисми.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Таркибида флавоноидлар (авикулярин, кверцитрин, гиперозид ва бошқалар), эфир мойи, витамин К ва С (120—887 мг %), каротин, сапонинлар, кумаринлар, 2, 65 % қанд, шиллик, 3—4 % ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Ер остки қисмидан тайёрланган дори препарати акушерлик-гинскология амалиётида тукқандан ва абортдан сўнгги қон оқишини тўхтатувчи ҳамда буйрак ва буйрак-тош касаллигида сийдик ҳайдовчи дори сифатида қўлланади.

Ўсимлик дамламаси халқ табobatiда ич кетиши, меъда-ичак яраси, безгак, буйрак, жигар, ўпка сили касалликларни даволаш учун ҳамда сийдик ва гижжа ҳайдовчи, қон оқишини (тукқандан ва абортдан сўнгги) тўхтатувчи, организм тонусини кўтарувчи восита сифатида ишлатилади. Шу дахлама билан яралар, чипқоқ ва темиратки ювилади ёки ўсимликни майдалаб яра устига боғланади. Болалар танасига турли тошмалар тошганда қуш торон ер устки қисми қайнатмасига чўмилтирилади.

Ўрта Осиё халқ табobatiда сийдик ҳайдовчи (буйрак-тош ва подагра касалликларида) восита сифатида, захм, бод, асаб касалликларни даволашда қўлланилади.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Қуш торон (қизилтасма) дан дахлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан қайнаб турган сув солинади ва устига ер устки қисмидан майдалаб 3 чой қошиқ кўшилади ва 4 соат давомида дахланади. Сўнгра доқада сузилади ва кунига овқатдан олдин ярим стакандан 3 маҳал ичилади.

2. Қуш тороннинг қуриган ер устки қисмидан қайнатма тайёрлаш учун махсулотдан 1 ош қошиқда олиб 1 стакан қайнаб турган сувга солинади ва идиши билан бошқа идишдаги қайнаб турган сувга қўйиб 10—15 минут яна қайнатилади. Сўнг совитиб доқада сузилади ва 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади.



## ТОҒЖАМБИЛ

*Тимьян — Thymus L.*

**Ўсимлик тасвири.** Тоғжамбил турлари ясоткадошлар (лабгулдошлар) — *Lamiaceae (Labiatae)* оиласига мансуб ярим бута. Пояси тик ёки судралиб ўсади, шохланган, юкори қисми ва шохлари тўрт қиррали. Барглари эллипсимон, чўзик эллипсимон ёки ништарсимон, текж қиррали (оддий жамбил баргининг чети пастга қайрилган, чўзик) бўлиб, қисқа банди ёрдамида пояси билан шохларида қарама-қарши ўрнашган. Майда, бинафша-кизил рангли, беш бўлакли, икки лабли гуллари шохлари учигаги барг қўлтиғида тўп-тўп жойлашиб, шингил ёки бошқо гул тўпламини ҳосил қилади. Меваси — 4 та ёнғоқча.

Июнь — август ойларида гуллайди, меваси август — сентябрда етилади.

Тиббиётда икки тури ишлатилади:

**Оддий тоғжамбил** — *Тимьян обыкновенный — Th. vulgaris L.* бўйи 50 см гача бўладиган ўсимлик.

**Географик тарқалиши.** Ватани Испания ва Франциянинг жануби. Собиқ СССР да Краснодар ўлкасида, Крим, Украинанинг жанубида ва Молдавияда ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Тиббиётда оддий тоғжамбилнинг ер устки қисми ва ундан олинадиган эфир мойи ишлатилади. Ўсимлик гуллаган вақтида ер устки қисми ўриб олинади, соя ерда қуритилади. Сўнгра майдаланади, сим ғалвирда элаб, ёғочланган поя ва йирик шохлардан тозалаб олинади. Эфир мойи олиш учун ер устки қисми қуритилиб ёки қуритилмай заводларга юборилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Оддий тоғжамбил ер устки қисми таркибида 0,8—1,2 % эфир мойи, тритерпен сапонинлар, урсол, олеанол, кофе, хлорогон ва бошқа кислоталар, флавоноидлар ва бошқа моддалар бор. Эфир мойи 25—60 % феноллар (тимол ва қисман карвакрол), цимол, пинен, борнеол ва бошқа терпенлардан ташкил топган.

Эфир мойи дезинфекцияловчи ва антисептик восита сифатида оғиз ва томқоқ шиллик пардалари касаллигида дезинфекция қилиш учун қўлланилади. Суюқ экстракти бронхит касаллигида балғам кўчирувчи восита сифатида ҳамда кўкйўтални даволаш учун ишлатиладиган пертуссин препарати таркибига қиради. Эфир мойидан тимол олинади. Эфир мойи яна Гартман суюқлиги таркибига қиради.

Тимол тиббиётда оғиз шиллик қаватини дезинфекция

килувчи ва тиш оғригини қолдирувчи, терининг замбуруғ касалликларини даволаш ҳамда гижжаларни (анкилостома ва қилбош гижжаларни) ҳайдаш учун қўлланилади.

**Судралиб ўсувчи тоғжамбил (чабрец) — Тимьян ползучий (чабрец) — *Th. serpyllum* L.** Судралиб ўсувчи ярим бута.

**Географик тарқалиши.** Собик СССР нинг Европа қисмидаги ўрмон, ўрмон-чўл зоналарининг қум тупроқли ерларида ҳамда Ғарбий Сибирь, Байкал кўли атрофида, Кавказ ва бошқа ерларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Судралиб ўсувчи тоғжамбилнинг ер устки қисми ишлатилади. Ўсимлик гуллаганда ер устки қисми ўриб олинади, соя ерда куритилади. Сўнгра майдалаб, сим галвирда эланади, ёғочланган поя ва йирқк шохлари ташлаб юборилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Судралиб ўсувчи тоғжамбилнинг ер устки қисми таркибида 0,5—1 % эфир мойи, флавоноидлар, урсол ва олеанол кислоталар, аччиқ, ошловчи ва бошқа моддалар бор. Эфир мойи 35 % гача феноллар (тимол фенолларнинг 60 % ини ташкил қилади ва карвакрол), цимол, борнеол, терпинен ва бошқа терпеноидлардан ташкил топган.

Ер устки қисми дамламаси бронхит ва юқори нафас йўллари касаллигида балғам кўчирувчи, радикулит ва неврит касалликларида оғриқ қолдирувчи восита сифатида қўлланади. Суюқ экстракти — пертуссин таркибида балғам кўчиради. Ер устки қисми балғам кўчирувчи йиғмалар — чойлар таркибига киради

#### ТОҒРАЙҲОН

*Душица — *Origanum* L.*

Ясноткадошлар (лабгулдошлар) — *Lamiaceae* (*Labiateae*) — оиласига мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик.

Тиббиётда икки турининг ер устки қисми ишлатилади.

**Майда гулли тоғрайхон — Душица мелкоцветная — *O. tythanthum* Gontsch.**

**Ўсимлик тасвири.** Майда гулли тоғрайхон кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси тўрт қиррали, юқори қисми шохланган, барглари тухумсимон, текис қиррали бўлиб, поя ва шохларида банди ёрдамида қарама-қарчи жойлашган. Майда, ок-пушти рангли гуллари бағр кўлтиғига 2—3 тадан ўрнашиб, поя ва шохлари учида рўваксимон гул тўпламини ҳосил қилади. Меваси — тўртта ёнғоқча.

Июнь — август ойларида гуллайди, меваси июль — сентябрда етилади.

**Географик тарқалиши.** Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозғистоннинг жанубий туманларидаги тоғларнинг пастки ва ўрта қисмидаги майда тошли қияликларида ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Ер устки қисми. Уни ўсимлик гуллаган вақтида ўриб олинди ва соя ерда қуритилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Ер устки қисми таркибида 0,17—0,6 % эфир мойи, 0,7 % тритерпен кислоталар, кумаринлар, 3,2 % флавоноидлар, 3,8 % розмарин кислотаси, смола, уругида 25 % гача ёғ бор.

**Оддий тоғрайхон** — Душица обыкновенная — *O. vulgare* L.

**Ўсимлик тасвири.** Бўйи 30—60 см бўладиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси бир нечта бўлиб, тик ўсади, юкори қисми шохланган, тўрт қиррали. Барглари чўзиқ тухумсимон, ўткир учли, текис ёки билинар-билинемас тишсимон қиррали бўлиб, қиска банди ёрдамида пояси билан шохларида қарама-қарши ўрнашган. Майда, оч қизил гуллари барг қўятигида 2—3 тадан жойлашиб, пояси билан шохлари учидегиси рўваксимон гултўпламни ҳосил қилади. Меваси — косачабарг билан бирлашган тўртта ёнғоқча.

**Географик тарқалиши.** Собиқ СССР нинг Европа



35- расм. Тоғрайхон.

таъсирга эга. Шунинг учун суюқ экстракти гинекология амалиётида яллиғланиш ва фибромиома натижасида бачадондан қон оқишини тўхтатиш ҳамда туғруқдан ва абортдан кейинги бачадон қисқаришини кучайтириш учун қўлланилади. Экстракти билан невроз касалликларини даволаш мумкин.

Тоғ қуддуси гулидан тайёрланган қайнатма билан халқ табобатида юрак касалликлари даволанади.

#### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Ўсимликнинг ер устки қисмидан дамлама тайёрлаш учун 1 стакан қайнаб турган сувга махсулотдан 1 чой қошиқ солиб ўраб қўйилади. Совигач доқада сузиб юқорида кўрсатилган касалликларда кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

2. Ўсимликнинг майдалаб қирқилган ер устки қисмидан 2 ош қошиқ олиб 100 мл араққа солинади ва 1 ҳафта сақлаб қўйилади. Сўнг доқада сузиб тайёр бўлган настойкадан юқорида айтиб ўтилган касалликларда 20—30 томчидан (аҳволга қараб) кунига 3 маҳал ичилади.

3. Ўсимлик экстрактини дорихонадан олиб ичиш ҳам мумкин.

#### РЕЦЕПТ

Rp.: Extr. Stachidis betonicae florum fluidi 50,0  
D. S. Кунига 3 маҳал 15—20 томчидан ичилсин

#### ТУЛКИҚУЙРУҚ, ХАШАКБОП ТУЛКИҚУЙРУҚ

*Prangos kormovoi — Prangos pabularia Lindl.*

**Ўсимлик тасвири.** Тулкиқуйруқ селдердошлар (соябонгулдошлар) — *Ariaceae (Umbelliferae)* оиласига мансуб, бўйи 1 м га етадиган йўғон, цилиндрсимон илдизли кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси бир нечта, тик ўсувчи, бўгинли, кўп қиррали, юқори қисми шохланган. Барглари тор чизиксимон, ўткир учли бўлакчаларга 4—5 марта патсимон қирқилган бўлиб, бандсиз (илдиз олди барглари бандли) пояси билан шохларида кетма-кет ўрнашган. Сарик рангли, беш бўлакли гуллари мураккаб соябонга жойлашган. Меваси — қўшалоқ писта.

Май — июнь ойларида гуллайди, меваси июнь — июлда етилади.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиёдаги тоғларда, буталар ўсадиган қисмидан то субальпик зонасигача бўлган территорияларда, тоғларнинг тупроқли ва тупроқшағалли қияликларида кўкаламзорлар ҳосил қилади.

**Кўлланиладиган қисми.** Халқ табобатида тулкикуйрукнинг илдизи, баъзан ер устки қисми ва меваси ишлатилади. Илдизини кеч кузда ёки эрта баҳорда қовлаб олинади, сувда ювиб тупроқ ва лойдан тозаланади, майда бўлақларга қирқиб, очик ҳавода — қуёшда қуритилади. Усимлик ер устки қисми гуллаган вақтида йиғилади ва соя ерда қуритилади, меваси пишганда йиғиб олинади ва қуёшда қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Хашакбоп тулкикуйрук илдизи таркибда 6,31—10,51 % кумаринлар, 0,03 % эфир мойи, 13,57—19,80 % смолалар, 1,67—9,04 % ошловчи моддалар, барги ва гуллаб турган ер устки қисмида — 0,12—0,27 % эфир мойи, 0,01—0,1 % алкалоидлар, 0,87 % гача кумаринлар, мевасида — 0,27 % гача эфир мойи, 0,2 % прангосин алкалоиди, 8 % гача кумаринлар ва бошқа моддалар бор. Эфир мойи 48 % мирицен, 4 % камфора, 17,5 % борнеол, пинен ва бошқа терпеноидлардан ташкил топган. Кумаринлар суммаси остхол кумарини, оксипейседанин, императорин, прангенин, кантотоксол ва бошқа фурокумаринлардан ташкил топган.

Илдиз қайнатмаси ва дамламаси қўтирни даволаш учун қўлланилади. Илдиз смоласи инсектицид ва акарицид (каналарни ўлдирадиган) таъсирга эга эканлиги аниқланган. Усимлик илдизи ва меваси фурокумарин манбаи сифатида тавсия этилган.

ТУТ

*Тут (шелковица) — Morus L.*

**Усимлик тасвири.** Тут турлари тутдошлар — *Moraceae* оиласига мансуб, бўйи 15 м гача етадиган дарахт. Барглари тухумсимон, буйраксимон-тухумсимон, барг пластинкаси бутун, 3—5 бўлакли ёки патсимон қирқилган, аррасимон ёки икки марта аррасимон ўйилган киррали бўлиб, банди ёрдамида поя ва шохларида кетма-кет ўрнашган. Бир жинсли (кўпинча икки уйли) майда, кўримсиз гуллари кучала тўпгулига жойлашган. Меваси — ок, кизил, қора рангли, ширин ёки нордон-ширин мазали, сершира, уруғли тўп мева.

Апрель ойида гуллайди, май — июнда пишади.

**Географик тарқалиши.** Тут турлари асосан кенг кўламда экилади, лекин кўпинча ёввойиlashган ҳолда ҳам учрайди.

**Кўлланиладиган қисми.** Халқ табобатида кўпинча тутнинг икки турининг барги ва меваси ишлатилади:

1. Оқ тут (Баликтут) — Тут белый — *Morus alba* L. ва
2. Шо тут — Тут черный — *Morus nigra* L.

Тут турларининг меваси тўлик этилиб пишганда қоқиб йиғилади, очик ҳавода куритилади ёки куритмасдан ишлатилади. Барги йириклашганда, меваси пишишдан олдин ёки пишганда йиғилади, соя ерда куритилади ёки куритмай қўлланилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Оқ тут барги таркибида 77,2—147,6 мг % витамин С, каротин, эфир мойи (35—56 % гексеноллардан ва бошқа терпеноидлардан ташкил топган), бўёқ, ошловчи моддалар, мевасида 10,9 % қандлар (глюкоза, фруктоза, сахароза), 10,5—40 мг % витамин С, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Тут меваси халқ табобатида конни тозаловчи ва уни кўпайтирувчи, сийдик ҳайдовчи, ичакни мустаҳкамловчи, юрак ишни яхшиловчи ва иситmani туширувчи восита сифатида қўлланилади.

Юрак касаллиги (миокардиодистрофия) оқ тут меваси билан даволанганда анча яхши натижалар олинган.

Шо тут барги таркибида 164,6—370 мг % витамин С, бўёқ, ошловчи моддалар, мевасида 12,7 % қандлар, 1,24—1,8 % органик (олма, лимон ва бошқа) кислоталар, бўёқ, пектин, оксил ва бошқа моддалар бор.

Куритилмаган барг шираси ангина ва тиш оғриғини даволашда, меваси — оғиз бўшлиғи касалликлари, бўғма (дифтерия), кизилча (скарлатина), иситма ва бошқа касалликларни даволаш учун ҳамда буруштурувчи, иситма кўтарилганда чанқокни босувчи ва сийдик ҳайдовчи восита сифатида қўлланилади. Оғиз бўшлиғи ва томоқ касалликларда мева дамлашмасдан ёки оғиз ва томоқни чайиш буюрилади, иситма билан кечадиган касалликларда шо тут мевасидан чанқов босувчи ичимлик тайёрланиб, беморга ичирилса фойда қилади.

Тут турлари баргидан витаминлар, органик кислоталар ва бошқа моддаларга бой ҳолдас кўринишидаги доривор препарат олинган ва илмий тиббиётда ҳолдас ўрнида житар ва ўт копи касалликларини (сарик касаллиги, холецистит ва бошқаларни) даволашда ишлатишга тавсия қилинган.

#### ТҮРТГУЛБАРГ КЛЮКВА (КЛЮКВА)

*Клюква четырехлепестная (болотная) — Oxycoccus quadripetalis — Gilib*

**Ўсимлик тасвири.** Тўртгулбарг клюква брусникадошлар — *Vacciniaceae* оиласига мансуб, бўйи 80 см гача етадиган судралиб ўсувчи дорим яшил бута. Барглари

тухумсимон, текис киррали бўлиб, поясида банди ёрдамида кетма-кет ўрнашган. Пушти ёки қизил рангли, тўрт бўлакли гуллари 2—4 тадан узун банди билан поясининг учида жойлашиб, оддий сеябонга ўхшаш тўпгулни ҳосил қилади. Меваси — шарсимон, қизил рангли, кўп уругли, сершира ҳўл мева.

Май — июнь ойларида гуллайди, меваси август — сентябрда пишади.

**Географик тарқалиши.** Собик СССРнинг Европа қисми, Сибирь, Камчатка ва Сахалиндаги торфли боткоқликларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Тиббиётда кљюкванинг меваси ишлатилади. Меваси сентябрь ойида (бу вақтда йиғилган мева қаттиқ бўлиб, сақлаш даврида юмшайди), кеч кузда (бу вақтда меваси юқори сифатли ва нордон бўлади) ёки эрта баҳорда, қор тагидан (бу вақтда меваси нордонширин бўлиб, узок сақланмайди) йиғилади. Йиғилган мева қуритилмасдан қўлланилади ёки уни музлатиб қўйиб қиш бўйи сақлаш мумкин. Ишлатиладиган вақтда сувда эритилса, меваси янги йиғилгандек бўлади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Кљюквa меваси таркибида органик кислоталар (хин, лимон, оз микдорда бензоат кислоталар), қандлар (гљюкоза, фруктоза, сахароза), 10—30 мг % витамин С, вакцинин гљикозиди, 0,7—1 % пектин, бўёк ва бошқа моддалар бор. Мева ширасидаги органик кислоталар микдори 2—5 %, қандларники 3—4 % га тенг.

Мевасининг экстракти иситма касалликларида ҳамда авитаминозда бериладиган нордон ичимлик таркибига қиради.

Тиббиётда кљюкванинг яна бир тури — **Кљюквa мелкоплодная** — *O. microcarpus Turcz et Rupr* — Майда мевали кљюкванинг меваси ҳам юқоридаги мақсадларда қўлланилади.

#### УЧБАРГ

*Трилистник водяной (вахта трёхлиственная) — Menyanthes trifoliata L.*

**Ўсимлик тасвири.** Учбарг менуантдошлар — *Menyanthaceae* оиласига мансуб, бўйи 5—35 см га етадиган (гул ўқи) кўп йиллик ўт ўсимлик. Илдизпоясининг юқори қисмидан узун бандли, уч пластинкали илдизолди барглар ўсиб чиқади. Баргчалари қалта бандли, эллипссимон ёки чўзиқ тескари тухумсимон, юпка, текис ёки бир оз нотекис киррали. Ок ёки оч пушти рангли, беш бўлакли гуллари гул ўқининг юқори қисмидаги шингилга жой-

лашган. Меваси — шарсимон, ўткир учли, кўп уруғли пишганда очиладиган кўсак.

Май — июль ойларида гуллайдн, меваси июль — августда етилади.

**Географик тарқалиши.** Собик СССР нинг Европ қисми, Сибирь, Узоқ Шарқ ва Қавказдаги кўлма сувларда, ботқоқликларда, ариқ ва кўл ёқаларида ботқоқли ўтлоқларда ва ўрмонларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Тиббиётда учбаргнинг барг ишлатилади. Ўсимлик гуллаган вақтида барги қисқ. бандли қилиб қирқиб олинади ва соя, хаво қиритурадиган жойда қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Учбарг ўсимлиги нинг барги таркибида аччиқ гликозидлар (меннантин логанин, фолиаментин, сверозид), генцианин алкалоиди флавоноидлар (рутин, гиперозид), 3 % гача ошловчи в. бошқа моддалар бор.

Барг дамламаси иштаха очиш ва овқат хазмин: яхшилаш учун ҳамда жигар ва ўт йўллари касалликлари да ўт ҳайдовчи восита сифатида қўлланилади. Барги аччиқ настойка, иштаха очувчи, ўт ҳайдовчи ва тинчлантйрувчи чойлар — йиғмалар таркибига киради. Баргини дорихонадан олиш мумкин.

#### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

Ўсимлик баргини дорихонадан олиб 1 стакан қайнаб турган сувга 2 чой қошиқ солинади ва 1—2 соат дамлаб қўйилади. Сўнг доқада сузиб юкорида кўрсатилган касалликларда кунига 2—3 маҳал чорак стакандан овқатдан 15—20 минут олдин ичилади.

#### РЕЦЕПТ

Rp.: Fol. Menyanthis 100,0

D. S. Маҳсулотдан 2 чой қошиқ олиб, 1 стакан қайнаб турган сувга солисин ва 1—2 соатдан соң доқада сузиб кунига 3 маҳал чорак стакандан овқатдан олдин ичилсин.

#### УЧМА, ТУҒРИ ШОХЛИ УЧМА (ҚЎЯТИКАН)

*Рогоглавник пряморогий — Ceratocephalus orthoceras D. C.*

**Ўсимлик тасвири.** Учма айиқтовондошлар — Ranunculaceae оиласига мансуб, бўйи 1—7 см бўладиган кичик бир йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, баргсиз. Илдиз олди тўп барглари узун бандли, уч бўлакка қирқилган. Бўлакчалари бутун пластинкали ёки икки-уч бўлакчали. Майда, сариқ рангли, беш бўлаккли гуллари якка-якка ҳолда поя учига жойлашган. Меваси — бошчага тўпланган бир уруғли ёнғоқча.



Март — апрель ойларида гуллайди, меваси апрель — майда етилади.

**Географик тарқалиши.** Собик СССРнинг Европа қисми, Кавказ, Ғарбий Сибирь ва Ўрта Осиёдаги чўлларда, тоғ этакларида, тупроқли, қумли, шағалли ва шўр ерларда, курук қияликларда, кўпинча бегона ўт сифатида экинзорларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Халқ табobatiда учманинг ер устки қисми ишлатилади. Уни ўсимлик гуллаган вақтда йиғилади ва соя ерда қуритилади ёки қуритмай қўлланилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Учма ер устки қисми таркибида 12,25—14,8 % қандлар, 1,63—1,78 % смола, 0,26 % урон кислотаси, каротин, 0,57—0,6 % (қуритилмаган ер устки қисмида) анемонин ва бошқа моддалар бор.

Қуритилмаган ўсимлик шираси халқ табobatiда яраларни, экзема ва тери касалликларини даволашда ишлатилади.

Ер устки қисмидан тайёрланган суртмаси, ажратиб олинган анемонин эритмаси ва қуритилмаган ўсимлик шираси яраларни, чипқонни, пиодермия ва бошқа тери касалликларини даволашда яхши натижа беради.

#### ФРАНГУЛА, ОЛЬХАСИМОН ФРАНГУЛА

*Крушина ольховидная — Frangula alnus Mill.*

**Ўсимлик тасвири.** Франгула жумрутдошлар — Rhamnaceae оиласига мансуб, бўйи 1—3 (7) м га етадиган бутта ёки дарахт. Шохлари тикансиз, ёш новдаларининг пўстлоғи кизил-қўнғир рангли, ялтироқ, силлик, оқ ясимикчалм. Барглари кенг эллипссимон ёки тескари тукумсимон, текис қиррали бўлиб, банди ёрдамида пояси билан шохларида кетма-кет ўрнашган. Майда, кўримсиз, беш бўлакли гуллари 2—7 тадан барг қўлтиғига жойлашган. Меваси — бинафша-қора рангли, думалок, серсув, иккита данакли мева.

Май — июнь ойларида гуллайди, меваси август — сентябрда пишади.

**Географик тарқалиши.** Собик СССРнинг Европа қисми, Қрим, Кавказ, Ғарбий Сибирь ва Қозоғистоннинг шимолидаги кенг япроқли ва аралаш ўрмонларда, ўрмон четларида, буталар орасида, арик ва дарё бўйларида, қўл ёкаларида, ботқоқликлар атрофида, бутазорларда, қисман тоғли жойларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Тиббиётда франгуланинг пўстлоғи ишлатилади. Пўстлоғи эрта баҳорда (март —



36- расм. Франгула.

апрель ойларида) ўсимлик танасида сўв юриша бошлаган вақтда, барг чикармасдан олдин ёш пояси билан шохларидан 30 см узунликда шилиб олинади ва очик ҳавода — қуёшда қуритилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Франгула пўстлоғи таркибида 8% гача антрацен унумлари (франгуларозид, глюкофрангулин, франгулин, франгулаэмодин, хризафанол, фисцион ва бошқалар), алкалоидлар, кандлар, органик кислоталар, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Франгула пўстлоғининг доривор препаратлари (қайнатмаси, суюқ экстракти, курут экстрактининг таблеткаси, шарбати), рамнил таблетка ҳолида ва пўстлоғи чой — йиғмалар таркибида сурги сифатида қабзиятда қўлланилади.

#### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФЙДАЛАНИШ

1. Франгула пўстлоғидан қайнатма тайёрлаш учун уни майдалаб 1 ош қошиқда олинади-да, қайнаб турган 1 стакан сувга солиб 20 минут қайнатилади. Совигач доқада сузиб сурги ўрнида эрталаб ва кечкурун ярим стакандан ичилади.

2. Франгула Урта Осие шаронтида ўсмайди. Шунинг учун унинг тайёр таблеткаси, пўстлоғидан тайёрланган қайнатма ва экстрактларини дорихоналардан олиб фойдаланиш тавсия этилади.

#### РЕЦЕПТЛАР

- Rp.: Decocti cortecis Frangulae 20,0—200,0  
Natrii sulfatis 20,0  
M. D. S. Кунига эрталаб ва кечкурун I ош қошиқдан ичилсин.
- Rp.: Extr. Frangulae fluidi 25,0  
D. S. Кунига эрталаб ва кечкурун 30—40 томчидан ичилсин.

#### ХАНТАЛ

*Горчица — Brassica L.*

Тиббиётда икки тур — Сарепт хантали — Горчица сарептская — *B. juncea (L.) Czern* ва Қора хантал — Горчица черная — *B. nigra Koch* ишлатилади.

**Ўсимлик тасвири.** Карамдошлар (бутгулдошлар) — Brassicaceae (Cruciferae) оиласига мансуб, бўйи 40—100 см га етадиган бир йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, шохланган. Илдизолди ва поясининг пастки қисмидаги барглари бандли, лирасимон бўлакли, энг юқоридагилари — бутун пластинкали ва бандсиз. Пояси ва шохларидаги барглари кетма-кет жойлашган. Сарик гуллари пояси билан шохлари учидаги шингилга тўпланган. Меваси — цилиндрсимон (қора ханталники тўрт киррали), устки томони гадир-будир, кўп уруғли, пишганда очиладиган кўзок. Уруғлари шарсимон, устки томони чуқурчалли, оч сарик, кўнғир ёки кўнғир-қизил рангли. Май ойида гуллайди, меваси июнда етилади.

**Географик тарқалиши.** Хантал турлари Волгабўйи туманларида, Шимолий Кавказ, Украина ва Белоруссияда ўстирилади, Урта Осиенинг айрим ноҳияларида Сарепт хантали ўстирилади ва улар бегона ўт сифатида экинзорларда, йўл ёқаларида ва аҳоли яшайдиган ерларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Уруғи. Меваси пишганда ўсимлик йиғиб олинади, хирмонда янчиб, тозалаб уруғи ажратиб олинади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Уруғи таркибида 1,5% гача синигрин гликозиди, 23—47% ёғ, мирозин ферменти, шиллик, оқсил ва бошқа моддалар бор.

Уруғининг дори препаратлари — ханталли қоғоз — горчичник, уруғ порошоғи ёки кунжараси — уни ва хантал эфир мойининг спиртдаги 2% ли эритмаси бод, миозит,

бронхит ва нафас йўллариининг бошка касалликларини даволашда қўлланилади. Уруғи яна меъда касалликларида ишлатиладиган йиғмалар — чойлар таркибига киради.

Абу Али ибн Сино хантал уруғи билан иситма, бод ва турли шамоллаш касалликларини даволаган. Янчилган хантал уруғини асал билан аралаштириб, нафас йўллариининг сурункали касалликларида истеъмол қилишга буюрган.

Хантал уруғи халқ табобатида иштаха очувчи восита сифатида қўлланади. Уруғи меъда шираси ажралишини кўпайтиради ва овқат ҳазмини яхшилайди.

Уруғининг кунжараси (ёғи олингандан сўнг) ёки кукунидан шифобахш ванна қилинади. Хантал ваннаси қол ~~ағлашмиши~~ ва нафас олишни яхшилайди, балғам кўчишини осонлаштиради, беморни терлатади. Шунинг учун бундай ванналар шамоллаш касалликларини даволашда кўп фойда қилади.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Бир гал ванна қабул қилиш учун катталарга 200 г, болаларга 120—150 г хантал порошоғи ишлатилади.

2. Хантал порошоғидан малҳам тайёрлаш учун ярим стакан хантал кукунига сув қўшиб суюқроқ бўтқа тайёрланади, уни доқа ёки бирор юпка матога юпка қилиб суртиб чиқилади ва бод, ревматизм, полиартрит (бўғинлар шамоллаши) каби касалликларда боғлаб қўйилади (терини куйдиришига йўл қўймаслик керак).

3. Оёқлар музлайверадиган ҳолларда хантал кукуни пайпоқ ичига пича сеппиб қўйилса, оёқларни қиздиради.

4. Ханталли қоғозни дорихоналардан олиб ўпка шамоллағанда кўкрак соҳасига ва орқага (умуртқа поғонаси ва юрак соҳаси очик қолиши керак) қўйилади. Бунинг учун ханталли қоғозни иссиқроқ сувга ботириб олиб, орқага қўйилади. Болаларга 5—7 минут, катталарга 15—20 минут ушлаб турилади. Уни терининг чақаланган жойларига қўйиб бўлмайди.

#### РЕЦЕПТ

Rp.: Charta sinapis N. 100

D. S. Хар бирини сувга алоҳида-алоҳида ботириб олиб кўкрак соҳасига ёки орқага қўйилсин.

**ХАПРИ, МУҲАЛЛИСБАРГ ХАПРИ**  
(ХИПРИ, КИСРОК)

*Перовская норичниковлистная — Perovskia scrophulariifolia Bge.*

**Ўсимлик тасвири.** Хапри лабгулдошлар (ясноткадошлар) — *Lamiaceae* (*Labiatae*) oilасига мансуб, бўйи 60—120 см бўладиган ўткир ҳидли ярим бута. Бир йиллик новдалари хивичсимон, тўрт қиррали, юкори қисми шохланган. Барглари тухумсимон ёки чўзикрок, йирик тўмтоқ аррасимон қиррали бўлиб, банди ёрдамида пояси билан шохларида қарама-қарши ўрнашган. Бинафша рангли, беш бўлакли, икки лабли гуллари шингилсимон тўпгулдан ташкил топган рўвакка жойлашган. Меваси — тескари тухумсимон тўртта ёнғоқча.

Июнь — июль ойларида гуллайди, меваси июль — августда етилади.

*Ўсимликнинг ҳамма қисми заҳарли!*

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиёнинг тоғли туманларида тоғларнинг пастки қисмидаги тошли ва шағалли қияликларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Халқ табобатида хапрининг ер устки қисми ишлатилади. Ўсимлик гуллаган даврида унинг шу йилги, ёғочланмаган новдалари ўриб олинади ва соя ерда қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Хапрининг ер устки қисми таркибида 0,2—0,7 % эфир мойи бор. У яшилнамосаргиш рангли бўлиб, 23—25 % кампфен, 20—25 % цинеол, борнеол ва унинг сирка кислотаси билан ҳосил қилган эфир (16—17 %), 10—12 % карнофиллен, линалоол ва бошқа бирикмалардан ташкил топган.

Ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмаси халқ табобатида қўтир ва бошқа тери касалликларини даволаш учун ишлатилади.

Ер устки қисмининг настойкаси ва дамламасидан тайёрланган суртмаси бактерицид таъсирга ҳамда яраларни даволаш хоссасига эга эканлиги экспериментда аниқланган ва шу мақсадда илмий тиббиётда ишлатишга тавсия этилган.

**ХИТОЙ ЧОЙИ**

*Чай китайский — Thea sinensis L.*

**Ўсимлик тасвири.** Чойдошлар — *Theaceae* oilасига мансуб, бўйи 10 м гача етадиган доим яшил бута ёки 1 а р а х т. Барглари қалин, ялтирок, эллипсимон, нотекис

тишсимон қиррали бўлиб, қиска банди ёрдамида пояси билан шохларида кетма-кет ўрнашган. Оқ рангли, хушбў гуллари яққа-яққа ёки 1—3 тадан барг қўлтиғи жойлашган. Меvasи — уч чанокли, учта уруғли, пишганд очиладиган кўсак.

Август ойдан бошлаб кеч кузгача гуллайди, меvas октябрь — декабрда етилади.

**Географик тарқалиши.** Ватани Хитой ва Хинди-Хитой Грузия, Озарбайжон, Крим ва Краснодар ўлкасининг на субтропик зоналарида 1 м ли бута ҳолида ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Барги. Чой асосан озиқ-овқасаноатида ишлатиш учун ўстирилади. Ичиладиган чо барги йилига бир неча марта йиғилади ва махсу технология бўйича ишлаб тайёрланади. Кофеин ва бошқалар алкалоидлар ҳамда катехинлар чой ишлаш жараёнида ажралган чиқиндисидан олинади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Чой барги таркибид 2—5 % кофеин, теофиллин ва теобромин алкалоидлари 20—28 % гача ошловчи моддалар, флавоноидлар (кеми ферол, кверцетин, гиперин, кверцимеритрин ва бошқалар), 156—233 мг % С, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub> витаминлари, никотин ва пантоте кислоталар, эфир мойи ва бошқа бирикмалар бор.

Чой ишлаб чиқариш саноати чиқиндисидан кофеин в ошловчи моддалар — чой танини олинади. Кофеин марказий нерв системасини кўзгатувчи таъсирга эга. У кукуи таблетка ва эритма ҳолида ҳамда турли комплекс препаратлар таркибида чиқарилади. Юкумли ва бошқа оғир касалликлардан сўнг юрак, нафас фаолияти сусайишида, кон айланишининг чуқур бузилишларида (кон томирлар касалланганда), нерв системаси чарчаганда, бош оғриганда, наркотиклар билан захарланганда ва бошқа касалликларда организмнинг умумий тонусини кўтарувчи восита сифатида қўлланилади. Чой катехинларининг суммаси (ошловчи моддалар) витамин Р таъсирга эга бўлиб, геморрагик диатезда, организм шишган вақтда, кўзга кон қуйилганда ва бошқа касалликларда ишлатилади.

Чой баргидан (чиқиндисидан) олинадиган теофиллин юрак ва буйрак касалликларида сийдик хайдовчи, унинг препарати зуфиллин — спазмолитик дори сифатида ҳамда бронхал астмани даволаш учун қўлланилади.

Чойни ҳадеб «каччик» қилиб дамлаб ичавериш қабзиятга олиб келади. Туриб қолган дамланган чойни ичмаслик керак.

Кўк чой сийдик хайдаш хусусиятига эга бўлиши билан бирга бактерияларни ўлдирувчи — бактерицид таъ-

ирга ҳам эга. Унинг шу хусусияти борлигидан оғиз яллиғланишларида, ичбуруғда куюқроқ дамлаб ичиш ёки оғиз чайиш фойдали.

#### ХРЕН, КИШЛОҚИ ХРЕН (ЕРҚАЛАМПИР)

*Хрен деревенский* — *Armoracia rusticana* (Lam.) Gaertn.

**Ўсимлик тасвири.** Хрен карамдошлар (бутгулдошлар) — Brassicaceae (Cruciferae) oilасига мансуб, бўйи 10—150 см бўладиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Илдизи йўғон, этли, оқиш ва шохланган. Пояси битта ёки ир нечта, тик ўсувчи. Илдизолди барглари йирик, узун бандли, чўзиқ шаклли, поядаги барглари ништарсимон, иррасимон қиррали бўлиб, банди ёрдамида (пастдагила-ни) ёки бандсиз кетма-кет ўрнашган. Оқ рангли, тўрт йўлакли гуллари кўп гулли шингилни ташкил қилади. Меваси — икки хонали кўзюк.

Июнь — июль ойларида гуллайди, меваси одатда тилмайди (уруғ ҳосил қилмайди).

**Географик тарқалиши.** Кўп микдорда зиравор ўсимлик шифатида ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Халқ табобатида хреннинг илдизи ишлатилади. Уни одатда баҳор ёки кузда (ёз бўйи ҳам) ковлаб олинади, сувда ювиб, тупроқ ва лойдан тозаланади, очиқ ҳавода — қуёшда қуритилади ёки қуритилмай қўлланилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Хрен илдизи таркибида синигрин гликозиди, мирозин ферменти, лизоцим антибиотиғи, 250 мг % витамин С, баргида — 150 мг % витамин С, флавоноидлар (кемпферол, кверцетин), оз микдорда алкалоидлар ва бошқа моддалар бор.

Хреннинг қуритилмаган илдиз шираси ёки эзилгани ва илдиз қайнатмаси халқ табобатида ништаҳа очувчи, овқат ҳазмини яхшиловчи ва сийдик ҳайдовчи восита шифатида дамда шинга касаллигини даволаш учун қўлланилади. Қуритилмаган илдизи эзилган, майдаланган ҳолда хантал таби шамоллаш касалликларида тананинг дардга ча-инган ерига қўйилади.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Хрен илдизидан дамлама тайёрлаш учун 300 г илдизни гўшт қиймалагичдан ўтказиб 1 л қайноқ сувга олинади ва устини ёпиб қўйиб 1 кун сақлаб қўйилади. Шўнг доқада сузиб юқорида айтилган касалликларда унига 3 маҳал ярим стакандан ичилади.

2. Хрен илдизини кирғичда кириб унга сирка ва хохлаганча шакар қўшиб меъда ширасининг кислоталилиги кам бўлганида 1 чой қошиқдан овқатдан ярим соат олдин истеъмол қилинади.

3. Хрен илдизи сувини спиртга қўшиб оғриётган бўғимларга, бод касаллигида оғриётган жойга, сочи, кошни ўстириш учун уларга суртилади.

### ХУШБЎЙ ШИВИТ (ХУШБЎЙ УКРОП)

*Укроп пахучий (огородный) — Anethum graveolens L.*

**Ўсимлик тасвири.** Селдердошлар (соябонгулдошлар) — *Apiaceae (Umbelliferae)* oilасига мансуб, бўйи 40—120 см га етадиган бир йиллик ўт ўсимлик. Поялари тик ўсади, кўп қиррали, шохланмаган ёки ўрта қисмидан шохланган. Барглари ингичка, ипсимон ёки чизиқсимон бўлакларга уч ёки тўрт марта патсимон ажралган, бандли (илдизолди ва поясининг пастки қисмидагилари) ёки қинли (поясининг юқори қисмидагилари) бўлиб, пояси билан шохларида кетма-кет ўрнашган. Майда, сарик рангли, беш бўлакли гуллари мураккаб соябон гултўпламига жойлашган. Меваси — ясси, чўзи тухумсимон ёки тескари тухумсимон қўшалок донча.

Май — июль ойларида гуллайди, меваси июнь — сентябрда пишади.

**Географик тарқалиши.** Собик СССРнинг кўпчилиги туманларида (шу жумладан, Ўрта Осиё жумхуриятларида ҳам) зиравор ўсимлик сифатида ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Меваси. Ез ойларида, ўсимлик меваси 50—60 % пишганда ўриб олинади, соябонларини юқорига қаратган ҳолда бир-бирига суяб, хирмонда (ёғингарчиллик бўлса, усти берк жойда) гарамлаб қўйилади. Мевалари обдан пишгандан ва қуригандан сўн янчилади, шамолда совурилади ва меваси ажрати олинади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Хушбўй шивит меваси таркибида 4 % гача эфир мойи, 20 % ёғ кумаринлар, флавоноидлар ва бошқа моддалар бор. Эфир мойи 50 % гача карвон, 30 % гача апиол, лимонен, фелландрен ва бошқа терпеноидлардан ташкил топган.

Дори препаратлари корин бўшлиғидаги аъзолақ спазмида, сурункали спастик қабзиятда, сурункали юрак қон томирлар иши етишмовчилигида ҳамда стенокардия касаллигининг олдини олишда қўлланилади.

Хушбўй шивит ер устки қисмидан тайёрланган дамлама халқ табобатида иштаха очиш, овқат ҳазмини



яхшилаш, гипертония касаллигида кон босимини пасайтириш учун ҳамда сийдик ва ел хайдовчи, эмизикли аёлларнинг сутини кўпайтирувчи дори сифатида қўлланилади. Шивит мевасидан тайёрланган дамлама, қайнатма ёки мева порошоги нафас қисганда, нафас йўллари, жигар, буйрак, неврастения ва гипертония касалликларида ишлатилади; овқат ҳазмини яхшиловчи, ел ва сийдик хайдовчи, балғам кўчирувчи, эмизикли аёллар сутини кўпайтирувчи ва юрак чарчаб қолган ҳолларда унинг уришини тезлатувчи восита сифатида фойдаланилади. Анжирга қўшиб пиширилган шивит меваси йўтал ва астма касаллигида яхши наф беради.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

Шивит мевасидан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишдаги 2 стакан қайнаб турган сувга майдаланган мевасидан 2 чой қошиқда солиб 10 минут дамлаб қўйилади. Совигач, доқада сузиб юқорида кўрсатилган касалликларга даво қилиш учун кунига ярим стакандан 3 маҳал овқатдан олдин ичирилади.

#### ЦИТРУС

*Цитрус — Citrus L.*

**Ўсимлик тасвири.** Рутадошлар — Rutaceae оиласига мансуб, бўйи 2,5—4 (баъзан 10) м гача етадиган доим яшил дароҳт. Барглари чўзиқ тухумсимон ёки эллипс симон, ўткир учли, қалин, майда тишсимон киррали бўлиб, банди ёрдамида пояси билан шохларида кетма-кет ўрнашган. Майда, оқ рангли хушбўй ҳидли гулларни яқка-яқка ҳолда ёки 2—3 тадан барг қўлтиғига жойлашган. Меваси — чўзиқ тухумсимон, сариқ рангли, ниҳоятда нордон мазали (лимон, апельсин ва мандаринларнинг мевалари ўзига хос рангга эга, мазаси ҳам ёқимли) кўп уруғли хўл мева.

Май — июнь ойларида гуллайди, меваси октябрь — декабрда пишади.

**Географик тарқалиши.** Ватани нам тропик ва субтропик туманлар, Қора денгиз ва Каспий денгизининг субтропик зоналарида, совуқдан сақланган ҳолда бошқа ерларда ҳам ўстирилади. Цитрус турларининг меваси ва мева шираси озиқ-овқат саноатида ишлатилади. Унинг қуйидаги турларининг меваси ва мева пўсти тиббиётда қўлланилади: **Апельсин — Цитрус китайский (Апельсин сладкий) — C. sinensis (L.) Osbeck;** **Лимон — Цитрус**

лимон (Лимон) — *C. limon (L.) Burm*; Мандарин — Цитрус уншиу (Мандарин уншиу), мандарин — *C. unshiu Macs.* ва бошқалар.

Қўлланиладиган қисми. Мевалари. Улар пишган вақтида йнгилади. Мевасидан шира, қолган қисмидан (пўстидан) эфир мойи ва цитрин препарати олинади.

Кимёвий таркиби ва ишлатилиши. Меваси таркибида 0,6—2,5 % (мева пўстида) эфир мойи, 3,5—10,5 % қанд, 0,6—8,0 % органик (асосан лимон) кислоталар, 45—83 мг % витамин С, В ва В<sub>2</sub>, каротин, флавоноидлар (диосмин, гесперидин, эриодиктиол ва унинг гликозиди), кумаринлар бор. Эфир мойи (лимон мевасидан олингани) 90 % гача лимонен, 3—5 % цитраль, 1 % геранилацетат ва бошқа терпеноидлардан ташкил топган.

Лимон меваси гипо- ва авитаминозларни даволаш ва олдини олишда ҳамда иситмали беморларга бериладиган нордон ичимлик тайёрлашда, эфир мойи — дори-ларнинг мазаси (таъми)ни яхшилаш учун қўлланилади. Цитрус турларининг мева пўстидан (шираси ва эфир мойи олингандан сўнг) витамин Р — цитрин олинади. У витамин Р етишмаслигидан келиб чиққан касалликларни, қон томир деворлари ўтказувчанлигининг бузилишидан келиб чиққан касалликларни, геморрагик диатез, кўз пардасига қон қуйилиши, нур касаллиги, гипертония, қизамиқ, бўғма, ич терлама ва бошқа касалликларни даволаш ҳамда олдини олиш учун ишлатилади.

Лимон мевасининг юмшоқ қисмидан лимон кислота олинади. Лимон кислота меъда шираси таркибида кислота камайиб кетган ҳолларда ичишга берилади.

Лимон меваси ва ёш баргларида тайёрланган дамлама халқ табиобатида қон босими кўтарилган ҳолларда (гипертония касаллигида) уни пасайтириш учун қўлланилади.

Цитрус турларининг меваси ва лимондан олинган лимон кислота озик-овқат саноатида, эфир мойи парфюмерияда ишлатилади.

#### ЧАКАМУҒ, ҚУМРИЎТ

*Подмаренник — Gallium L.*

Рўяndoшлар — Rubiaceae оиласига мансуб, бир ва кўп йиллик ўт ўсимлик.

Халқ табиобатида икки тури қўлланилади: Помир-Олой чакамуғи — Подмаренник памироалайский — *G. pamirolaicum bobed.*

Ўсимлик тасвири. Помир-Олой чакамуғи бўйи 20—80 см

бўладиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, аниқ бўлмаган тўрт қиррали, юқори қисми шохланган, бўғинли; барглари чизиксимон-ништарсимон бўлиб, бандсиз пояси билан шохларининг бўғинларида тўп-тўп бўлиб ўрнашган. Сарик рангли, майда гуллари барг қўлтиғидан чиққан ярим соябонлардан ташкил топган рўвакка жойлашган. Меваси — иккита ёнғоқча.

Май — июнь ойларида гуллайди, меваси июль — августда етилади.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиёда тоғ этакларидан то тоғларнинг ўрта қисмигача бўлган арчазорларда, ўтлоқларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Халқ табобатида Помир-Олой чакамуғининг илдизпояси ва илдизи ишлатилади. Ер остки органлари кеч кузда ёки эрта баҳорда қовлаб олинади, сувда ювиб тупроқ ва лойдан тозаланади, сўнгра очиқ ҳавода — қуёшда қуритилади. Баъзан ер устки қисми ҳам ишлатилади. Уни ўсимлик гуллаган вақтида ўриб олинади ва қуритмай ёки соя ерда қуритиб қўлланилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Помир-Олой чакамуғи илдизпояси ва илдизи таркибида 1,2% антрацен унумлари (псевдопурпурин, ализарин, руберитрин кислота ва бошқалар), кандлар, органик кислоталар, ер устки қисмида — флавоноидлар бор.

Илдизпояси билан илдизининг қайнатмаси буйрак ва сийдик йўллари касалликларида сийдик ҳайдовчи дори сифатида, қуритилмаган ер устки қисмининг шираси яра, чипқон, жароҳатлар ва теридаги тошмаларни даволашда қўлланилади.

**Илашувчи чакамуғ (қумриўт) — Подмаренник цепной — *G. aragipe L.***

**Ўсимлик тасвири.** Илашувчи чакамуғ бўйи 30—100 см бўлган бир йиллик ўт ўсимлик. Пояси тўрт қиррали, бўғинли, шохланган, учи илмоқли, илашувчи туклар билан қопланган. Барглари тескари тор ланцетсимон бўлиб, поя ва шохларининг бўғинларида 6—8 тадан бандсиз тўп-тўп бўлиб ўрнашган. Майда, оқ рангли гуллари барг қўлтиғидан ўсиб чиққан ярим соябонга жойлашган. Меваси — ёнғоқча.

Апрель — май ойларида гуллайди, меваси июнь — июлда етилади.

**Географик тарқалиши.** Кавказ, Сибирь, Узоқ Шарк ва Ўрта Осиёдаги нам ва салқин ерларда, далаларда, тоғ ораликларида, тўқайларда, қуриган шағалли ариқ ва дарёчаларда, йўл ёқаларида ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Халқ табобатида илашувчи

чакамуғнинг ер устки қисми ишлатилади. Уни ўсимлик гуллаганда йиғилади ва соя ерда қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Илашувчи чакамуғнинг ер устки қисми таркибида сапонинлар, асперулозид гликозиди, лимон кислота, 26 мг % витамин С, бўёқ ва бошқа моддалар бор.

Ер устки қисмининг дамламаси (баъзан қайнатмаси) ва қуритилмаган ўсимлик шираси халқ табобатида истиско, цинга, рак касалликларини, жароҳатларни, жигар касалликларини даволашда ҳамда ўт ҳайдовчи, қон оқишини тўхтатувчи, оғрик қолдирувчи ва иситмага қарши восита сифатида қўлланилади.

#### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

Илашувчи чакамуғдан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 1 стакан қайнаб турган сув қуйилади. Устига ўсимликнинг қуритиб майдаланган ер устки қисмидан 1 чой қошиқда солинади ва 3—4 соат давомида дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузиб, юқорида кўрсатилган касалликларни даволашда чорак стакандан 3 маҳал оз-оздан ҳўплаб ичилади.

#### ЧАКАНДА, ЖУМРУТСИМОН ЧАКАНДА (ЧИРҚАНОҚ)

*Облепиха крушиновидная — Hipporrhaë rhamnoides L.*

**Ўсимлик тасвири.** Жийдадошлар — Elaeagnaceae оиласига мансуб, бўйи 4—6 м га етадиган икки уйли бута ёки дарахт. Пояси сершоҳ ва тиканли бўлиб, қўнғир-яшил пўстлок билан қопланган. Барглари чизиксимон-ништарсимон ёки чизиксимон, юқори томони қулранг-тўқ яшил, пастки томони бир оз сарғиш қўнғир-қулранг ёки оқ тусли, текис қиррали бўлиб, поя ва шохларига қисқа банди ёрдамида кетма-кет ўрнашган. Гуллари бир жинсли, майда ва кўримсиз, қалта бошоқчага (оталик гуллари) ёки 2—5 тадан шохчалар қўлтиғига (оналик гуллари) жойлашган. Меваси думалоқ ёки чўзинчок, тўқ сарик ёки қизғиш рангли, серсув, данакли мева.

Апрель — май ойларида гуллайди, меваси август — октябрда пишди.

**Географик тарқалиши.** Собик СССР Европа қисмининг жанубий туманларида, Кавказда, Қора денгиз атрофларида, Ўрта Осиё, Сибирь ва Қозоғистоннинг жанубидаги дарё, қўл ва денгизларнинг шағалли ва қумли қирғоқларида, текислик ва тоғлардаги тўқайзорларда ўсади.



37- расм. Чаканда.

**Қўлланиладиган қисми.** Меваси ва улардан олинадиган чаканда мойи ҳамда барги. Мевалари тўлиқ пишганда баъзан совуқ тушгандан сўнг йиғилади. Йиғилган мевалари куритиб ёки куритмасдан ишлатилади, мой олиш учун заводларга юборилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Меваси таркибида 450 мг % С, 145 мг % Е, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub> витаминлари, 60 мг % каротин ва бошқа каротиноидлар, фоли кислота, 9 % гача ёғ, флавоноидлар, 3,56 % қандлар, 2,64% органик (асосан олма ва вино) кислоталар ва бошқа моддалар бор. Уруғида 12,5 % ёғ, 0,28 мг % витамин В, 0,38 мг % витамин В<sub>2</sub>, 14,3 мг % витамин Е, 0,3 мг % каротин, оксил ва бошқа бирикмалар бўлади. Мойи ҳам витаминлар (110—165 мг% Е, F ҳамда 40—100 мг % каротин ёки 180—300 мг % каротиноидлар)га бой.

Чаканда мойи радиоактив нур таъсиридан зарарланган тери, шиллик қаватлар (қизилўнгач, меъда, бачадон ва қин шиллик қаватлари), меъда ва ўн икки бармоқ ичан яраси, баъзи гинекологик касалликлар ҳамда витаминлаётетишмаслигидан келиб чиққан авитаминоз ва бошқа касалликларни даволаш учун қўлланилади.

Чаканда мойи оғриқ қолдирувчи ва ярани тез битирувчи таъсирга эга. Шунинг учун уни меъда ва қизилўнгач шиллик қаватлари ярасини битириш учун ичилади, куйган жойга, ярага босилади, докани унга ботириб қинга қўйилади.

Чаканда мевасини Ўрта Осиё халқлари қадимдан оғриқ қолдирувчи, цинга ва милк қонашини, меъда касалликларини даволовчи восита сифатида ишлатиб келадилар. Баргининг қайнатмаси билан бод касаллигини даволаганлар. Бунинг учун барг қайнатмасидан шифо бахш ванна қилинади ёки баданнинг оғриган жойига иссиқ қайнатмага ботирилган мато боғлаб қўйилади.

Барги таркибида 230—370 мг % витамин С, флавоноидлар (кверцетин, изорамнетин, мирицетин ва бошқалар) галлат кислота, 8—9 % ошловчи ва бошқа моддалар бўлади.

#### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Чаканда мойини дорихонадан (шиша идишларда 50, 100, 200 мл дан чиқарилади) олиб, меъда яраси касаллигида кунига 3 маҳал 1 чой қошиқдан (болаларга ярим чой қошиқдан) ичилади. Бир неча қават бинтга томизиб терининг куйган ерига, жароҳатларга боғлаб қўйилса яхши наф беради. Колитда ҳукна (қлизма) қилинади.

2. Чаканда мевасини юқорида айтиб ўтилган калликларда истеъмол қилинади. Қоқисидан эса компот, нём тайёрлаш мумкин.

#### РЕЦЕПТ

Рр.: Olei Hippophaës  
D.S. Кунига 3 маҳал 1 чой қошиқдан ичилсин.  
Болаларга ёшига қараб  $\frac{1}{4}$ ,  $\frac{1}{2}$  чой қошиқдан ичилсин.

Рр.: Olei Hippophaes 200,0  
D.t.d. N.2 in flae  
S. Ични юмшатиш учун ичакни ҳуқна қилиб тозалатгандан кейин 50 мл дан тўғри ичакка юборилсин.

#### ЧЕРКЕЗ (РИХТЕР ЧЕРКЕЗИ), РИХТЕР ШЎРАГИ

*Солянка рихтера — Salsola richteri Karelin*

**Ўсимлик тасвири.** Шўрадошлар — Chenopodiaceae иласига мансуб, бўйи 2—3, баъзан 5 м бўладиган бутакли дароҳт. Йўғон шохларининг пўстлоғи оч қулранг, ш, бир йиллик новдалариники оқ рангли бўлади. Барглари цилиндрсимон ёки ипсимон, тукли, серсув бўлиб, ояси билан шохларида кетма-кет ўрнашган. Май ойларида барглари сарғайиб тўкила бошлайди ва кузга келиб симликнинг барглари қолмайди. Қўнғир рангли, беш ўлакли барг қўлтиғига жойлашган гуллари пояси илан шохлари учиди бошоксимон гул тўпламини ҳосил илади. Меваси — гулкўргони билан бирлашган бир рўғли ёнғоқча.

Май ойининг охиридан бошлаб ноябргача гуллайди, еваси июлда пища бошлайди.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиёнинг Қизилқум ва орақум чўлларида, темир йўл ёқаларида ўсади.

**Кўлланиладиган қисми.** Меваси. Сентябрь — ноябрь йларида, меваларнинг асосий қисми кизарганда уларни симликдан сидириб (брезент қўлқоп кийиб) олинади, эзаланнади ва очик ҳавода (тагига бирор нарса ёйиб) уритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Мевалари таркибида 0,6 % гача (сальсолин, сальсолидин ва ҳоказо) алкалоидлар бор.

Сальсолин алкалоидининг гидрохлорид тузи таблетка а эритма ҳолида қон босими ошганда, бош оғриганда ўлланилган.

Халқ табобатида черкез оғрик қолдирувчи, гижжа айдовчи дори сифатида ва юрак қасалликларини даволлаш

учун қўлланилади. Ер устки қисми дамламаси қон босимини пасайтириш ва бош оғригини қолдириш мақсадида беморларга ичишга берилади.

## ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

Ўсимликнинг ер устки қисмини майдалаб, 20 г чамаси олинади-да, 70° ли 100 г спиргга солиб, 1 хафта саклаб қўйилади. Сўнг тайёр бўлган доридан юкорида кўрсатиб ўтилган касалликларда кунига 3 маҳал 50 томчидан ичилади.

### ЧИЛОНЖИЙДА, ОДДИЙ ЧИЛОНЖИЙДА

*Унаби обыкновенный — Zizyphus jujuba Mill.*

**Ўсимлик тасвири.** Чилонжийда жумрутдошлар (чилонжийдадошлар) — Rhamnaceae оиласига мансуб, бўйи 2—3 м бўладиган тиканли дарахт. Барглари чўзик тухумсимон, тишсимон қиррали бўлб, қиска банди ёрдамида поя ва шохларида кетма-кет ўрнашган. Майда, сариқ рангли, кўримсиз гуллари барг қўлтиғидан ўсиб чиққан ярим соябонга жойлашган. Меваси — тўк сариқ-кизил рангли, думалоқ ёки бир оз чўзик, нордон-ширини мазали данакли мева.

Июнь — июль ойларида гуллайти, меваси — август-сентябрда пишайди.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиё ва Кавказ тоғларида, уларнинг ўрта қисмидаги курук қияликларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Халқ табобатида чилонжийданинг барги ва меваси ишлатилади. Баргини ўсимлик гуллаганда ва меваси пишшидан олдин йиғилади ва соя ерда қуритилади. Меваси яхши етилиб пишганда йиғиб олинади ва очик хавода — куёида қуритилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Чилонжийда барги таркибида 0,36 % сапонинлар, 3,7 % флавоноидлар (рутин, гиперозид, кверцимеритрин), 6,6% қандлар, 292,5 мг % витамин С, смолалар, 8,84 % шиллик, 9,46 % ошловчи моддалар, мевасида — 30% гача қандлар, 25% гача органик кислоталар, 3,5% флавоноидлар (рутин ва бошка), витамин С, ошловчи моддалар бор.

Чилонжийда меваси қадимдан халқ табобатида турли касалликларни даволашда қўлланилади. Абу Али ибн Сино ҳам чилонжийдани кўкрак оғриғи, ўпка, буйрак ва сийдик пуфағи касалликларини даволаш учун ишлатган.

Чилонжийда мевасидан тайёрланган дахлама халқ табобатида кўкрак оғриғи ва йўталда кўкракни юмша-



тувчи, йўтал қолдирувчи дори сифатида, камқонлик, астма, чечак, ич кетиши, иситма, ичак, ўпка, жигар, буйрак ва қовуқ касалликларини даволаш учун ҳамда оғрик қолдирувчи, қон босимини пасайтирувчи ва сийдик ҳайдовчи восита сифатида қўлланилади.

Чилонжийда барги ва мевасининг гипотензив (қон босимини пасайтирувчи) ва сийдик ҳайдовчи таъсирга эга эканлиги аниқланди ва шу мақсадда илмий тиббиётда ишлатишга тавсия этилди.

## ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

Чилонжийдадан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 1 стакан қайнаб турган сув қуйиб, устига майдаланган мевасидан 20 г солинади ва 1 соат дамлаб қўйилади. Докада сузиб юқорида айтиб ўтилган касалликларни даволаш учун кунига 3 маҳал овқатдан ярим соат олдин 2 ош қошиқдан ичилади.

## ШАФТОЛИ, ОДДИЙ ШАФТОЛИ

*Персик обыкновенный — Persica vulgaris Mill.*

**Усимлик тасвири.** Раъногулдошлар — Rosaceae оиласига мансуб, бўйи 3—5, баъзан 8 м га етадиган д а р а х т. Барглари эллипссимон-ништарсимон ёки чўзик ништарсимон, ўткир учли, аррасимон қиррали бўлиб, банди ёрдамида пояси билан шохларида кетма-кет ўрнашган. Оқиш, пушти ёки қизил рангли, йирик беш бўлакли гуллари якка-якка ҳолда пояси билан шохларида жойлашган. Меваси — тухумсимон, чўзик эллипссимон ёки думалок шаклда, турли рангдаги ейиладиган, ёқимли мазали ва сершира данакли ҳўл мева.

Март — апрель ойларида (барг чиқармай) гуллайди, меваси июнь — сентябрда пишади.

**Географик тарқалиши.** Урта Осиё, Қавказ, Қрим, Молдавия ҳамда собик СССР Европа қисмининг айрим туманларида ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Данаги. Барг ва гуллари халқ табобатида ишлатилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Уруғи таркибида 55—57% мой, 0,4—0,7% эфир мойи, амигдалин гликозиди, эмульсин ферменти ва бошқа моддалар бўлади. Мевасининг юмшоқ қисмида каротиноидлар, 15% гача қандлар, витамин С, органик (олма, вино, лимон, хин, хлороген) кислоталар, эфир мойи, пектин, калий ва магний тузлари бор.

Шафтоли мойн фармацевтика амалиётида суюқ суртма дорилар тайёрлашда ҳамда баъзи дори моддаларни (камфора ва бошка) эритишда қўлланилади.

Абу Али ибн Сино шафтоли меvasини иштаха очиш ва ичакни юмшатиш учун қўллаган. У шафтоли мойн билан қаттиқ бош оғриғини (мигрени) ва кулок оғриғини даволаган. Қуритилмаган барг ёки гул ширасидан киши организмидаги гижжаларни туширишда фойдаланган. Барг ширасини яраларда пайдо бўлган қуртларни ўлдириш учун ишлатган.

Ҳозирги вақтда ҳам халқ табобатида шафтоли барги шираси билан яраларда бўладиган (айниқса уй ҳайвонларидаги ярада) қуртлар ўлдирилади. Баъзан шу мақсадда қуритилмаган баргни эзиб ярага боғланади. Эрта баҳорда шафтоли гулларида тайёрланган чучвара ўткир сурги дори сифатида ич юмшатиш учун қўлланилади. Шу йўл билан йилига бир марта ични тозалаб олиш фойдали.

Шафтоли баргидан тайёрланган қайнатма (қуритилмаган барг шираси ҳам) халқ табобатида бош оғриғи, баъзи меъда-ичак касалликлари, бод ва шамоллаш касалликларида қўлланилади. Иссиқ қайнатмасидан экзема (гуш) касаллигида ванна қилинади.

Шафтоли данагидан заводларда мой олинади.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Қирқиб майдаланган шафтоли баргидан 1 стакан олинади-да, 2 литр сувга солиб, бир қайнатиб олинади. Сўнг иссиқ ҳолида докадан ўтказиб, терининг экзема бор ери ванна қилинади. Қунига 1—2 маҳал ванна қилиш мумкин.

2. Шафтоли қокисидан 1 стакан олиб 1 литр сувда бироз қайнатиб олинади. Сўнг докадан ўтказиб ични юргизиб туриш учун илиқ ҳолида ҳар куни нахорда 1 стакандан ичилади.

3. Ҳайвонлар терисининг бирор ерида яра ёки жароҳат бўлиб, қурт тушган ҳолларда шафтоли баргидан 1 стакан олиб ҳовончада янчилади-да, сиқиб олинган ширасини жароҳатга қўйилади. Қунига 1—2 маҳал бундай муолажа қилинса, 5—10 кунда жароҳат битиб кетади.

## ШИЛДИРБОШ (ШҮР БҮЯН)

*Сферофиза солонцовая — Sphaerophysa salsula*  
(Pall.) D.C.

**Ўсимлик тасвири.** Дуккакдошлар (капалакгулдошлар) Fabaceae оиласига мансуб, бўйи 25—100 см бўладиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, шохланган. Барглари тоқ патли мураккаб, 6—10 жуфт эллипсимон, майда, қисқа бандли баргчалардан ташкил топган бўлиб, банди билан пояси ва шохларида кетма-кет ўрнашган. Қизил рангли, беш бўлакли гуллари барг қўлтиғидан ўсиб чиққан шигил гултўпламига жойлашган. Меваси — чўзиқ шарсимон, туксиз, шишган, пишганда очилмайдиган дуккак.

Май — июль ойларида гуллайди, меваси июль — августда етилади.

*Ўсимликнинг ҳамма қисми заҳарли!*

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиё, Қозоғистон, Закавказье, Сибирнинг жанубидаги чўл, ярим чўл, шўр тупроқли ерларда, қумликларда, арик бўйларида, тўкайзорларда, бегона ўт сифатида экинлар орасида ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Ер устки қисми. Ўсимлик гуллаш даврида уни ўриб олинади ва тезликда соя ерда куритилади. Поясининг йўғон қисми қолдирилиб, қолган қисми ундан алкалоид олиш учун фармацевтика заводларига юборилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Ер устки қисми таркибида 0,12—0,4 % алкалоидлар (сферофизин ва хоказо), изофлавонолар, кумаринлар, β-ситостерин ва бошқа моддалар бор.

Сферофизин бензоат қон босими ошиши (гипертония) нинг бошланғич даврида, акушерлик амалиётида туғиш жараёни сустлашган ҳолларда уни тезлатиш ҳамда тукқандан кейинги даврда қон кетишини тўхтатиш учун ишлатилади. Сферофизин бензоат порошок, таблетка, ампула ҳолида чиқарилади ва қўлланилади.

### РЕЦЕПТЛАР

Rp.: Sphaerophysini benzoatis 0,03

Sacchari 0,2

M.f. pulv. D.t.d. N. 24

S. Қунига 2—3 маҳал 1 порошокдан ичилсин.

Rp.: Sol.Sphaerophysini benzoatis 1 % — 1,0

D.t.d.N. 6 in amp.

S. Қунига 1 маҳал 1 мл дан мускул орасига юборилсин.

## ШИРАЧ (РЕГЕЛЬ ШИРАЧИ)

*Ширач Регеля — Eremurus regelii Wed.*

**Ўсимлик тасвири.** Регель ширачи пиезгулдошлар (лолагулдошлар) — Liliaceae оиласига мансуб, бўйи 60—180 см бўладиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Илдизи йўғон, бармоксимон шаклда. Илдизолди тўпбарглари кенг чизиксимон, тарновчасимон. Тўп барг ўртасидан баланд, йўғон, шингил тўпгули билан тамомланадиган гул ўқи ўсиб чиқади. Гуллари кўп сонли (500—800 дона бўлади), оқ, сарик, пушти ёки жигар ранг, 6 та гул баргидан ташкил топган. Меваси — пишганда очиладиган кўп уруғли, думалоқ кўсақ.

Май — июль ойларида гуллайди, меваси июнь — августда етилади.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиёдаги тоғларда, тоғ этагидан ўрта қисмигача бўлган юмшоқ тупроқли қияликларда, қирларда, чўлларда ва бошқа ерларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Халқ табиобатида ширачнинг барги ва илдизи ишлатилади. Баргини ўсимлик гуллаган вақтида йиғилади ва соя ерда қуритилади. Илдизи мевалари пишиб тўкилиб кетгандан сўнг ёки кузда ковлаб олинади, сув билан ювиб тупроқдан тозаланади ва очик ҳавода — қуёшда қуритилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Регель ширачи барги таркибида витамин С, каротин, кислоталар, илдизиди — 30 % эремуран полисахариди (глюкоманнан), 0,012 % эремурсин алкалоиди, 33,85 % елим (ширач), бўёқ ва бошқа моддалар бор.

Барги халқ табиобатида ел ҳайдовчи, илдизи — меъданичак касалликларида ўраб олувчи дори сифатида қўлланилади.

Илдизидан олинган эремуран полисахарид фармацевтика амалиётида ёғ эмульсиялари тайёрлашда эмульгатор сифатида ишлатишга тавсия қилинган.

## ШИРЧОЙ (ГЕУМ)

*Гравилат — Geum L.*

**Ўсимлик тасвири.** Ширчой турлари раъногулдошлар — Rosaceae оиласига мансуб, бўйи 25—75 см бўладиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, юқори қисмидан шохланган. Илдизолди тўп барглари узун бандли, тухумсимон, ромбсимон, тишсимон қиррали бўлақларга лирасимон-патсимон ажралган, учидаги бўлағи йирик; поясидаги барглари майдарок, уч бўлақли, йирик

иссимон киррали бўлиб, калта банди ёрдамида ёки андсиз кетма-кет ўрнашган. Оч сарик, оқ ёки кизгиш англи, беш бўлакли гуллари якка-якка жойлашган. Меваси — мураккаб писта.

Май — июнь ойларида гуллайди, меваси июнь — олда етилади.

**Географик тарқалиши.** СССР Европа қисми, Кавказ, рта Осиё ва Сибирнинг тоғ қияликларида, бутазорларда, эмонларда, ариқ бўйларида ва бошқа ерларда ўсади.

Халқ табобатида икки тури: **Шаҳар ширчойи — равилат городской — G. urbanum L.** ва **Дарё ширчойи — равилат речной — G. rivale L.** ишлатилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Ширчой турларининг ҳамма исми халқ табобатида ишлатилади. Уларнинг ер устки исми ўсимлик гуллаган вақтида ўриб олинади ва соя ерда уритилади. Ер остки органлари (илдизпояси ва илдизла-ди)ни кузда, мевалари пишиб тўкилиб кетгандан сўнг эвлаб олинади, тупроқдан тозаланади ва сувда ювиб очик эвода куритилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Ширчой турларининг ер устки қисми таркибида 7,65—13,09 % ошловчи моддалар, 13—14 мг % каротин, 73,92—80,96 мг % витамин С, органик кислоталар, қандлар ва бошқалар бор. Ер остки органларида (илдизпояси билан илдизда) шкалоидлар, генн гликозиди, 0,02—0,2 % эфир мойи генн гликозиди парчаланишидан ҳосил бўлади), қандлар, органик кислоталар, 11,64—35 % ошловчи моддалар икланади.

Ўсимликнинг ер устки қисмидан тайёрланган дамлама, илдизпояси билан илдиздан тайёрланган қайнатма халқ табобатида меъда-ичак (ич кетганда), жигар, ширинча, ингга, иситма ва бошқа касалликларни даволаш ҳамда дурли қон оқишларни тўхтатиш учун қўлланилади. Оғиз ўшлигининг касалликларида (стоматит, гингивит, милкан қон оқиши ва бошқалар), томоқ оғриганда оғиз ва эмокни шу дамлама ва қайнатма билан чайиш яхши натижа беради.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

Ширчойнинг ер остки ҳамда ер устки органларидан дори турлари қуйидагича тайёрланади.

1. Илдизпояси билан илдиздан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишдаги 1 стакан сувга майданган ер остки органларидан 2 чой қошиқда солиб, бир оз айнатилади ва 1 соат дамлаб қўйилади. Сўнггра докада

сузиб, юқорида кўрсатилган касалликларга даво қилиш учун кунига 3—4 маҳал овқатдан олдин 1 ош қошиқдан ичилади.

2. Ер остки органларидан дамлама тайёрлашда қопқокли идишга 1 стакан қайнаб турган сув қўйилади, устига майдаланган илдизпояси билан илдизидан 2 чой қошиқда солиб, 1 соат давомида дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузилади ва ҳар кун 3—4 маҳал овқатдан олдин 1 ош қошиқдан ичилади.

3. Ер устки қисмидан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишдаги 1 стакан қайнаб турган сувга майдаланган ер устки қисмидан 2 чой қошиқда солинади ва 2 соат давомида дамлаб қўйилади. Кўрсатилган вақт ўтгандан сўнгра докада сузилади ва юқорида айтиб ўтилган касалликларни даволаш учун кунига 3—4 маҳал овқатдан олдин 1 ош қошиқдан ичилади.

4. Томоқ оғриғида ва оғиз касалликларида қўлланиладиган дамлама тайёрлаш учун қопқокли идишга қайнаб турган сувдан 2 стакан қўйилади, устига майдаланган ер устки қисмидан ёки илдизпояси билан илдизидан 2 ош қошиқ солиб, 2 соат дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузилади ва оғиз ҳамда томоқ чайилади.

#### ШОТАРА, ВАЯЯН ШОТАРАСИ

*Дымянка ваяяна — Fumaria vaillantii Loisl.*

**Ўсимлик тасвири.** Шотара кўкнордошлар — *Paravega seae* oilасига мансуб, бўйи 10—25 см бўладиган биёр йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, асос қисмидан бошлаб шохланган. Барглари чизиксимон-ништарсимон бўлакчаларга уч марта ятсисимон ажралган бўлиб, узун банди билан поя ва шохларида кетма-кет ўрнашган Майда, пушти-бинафша рангли гуллари шингил тўпгулга жойлашган. Меваси — бир уруғли ёнғоқча.

Март — июль ойларида гуллайди ва меваси етилади.

**Географик тарқалиши.** Шотара собиқ СССР нин Европа қисмида, Кавказ ва Ўрта Осиёда, бегона ўт сифатида боғларда, экинзорларда, экин экилмай қолган ерларда адирларда, тоғларнинг ўрта қисмигача бўлган жойларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Тиббиётда шотаранинг ер устки қисми ишлатилади. Уни ўсимлик гуллаган вақтида йиғиб олинади ва соя ерда қуритилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Шотаранинг ер устки қисми таркибида 0,22—1,59 % алкалоидлар 400 мг % гача витамин С ва К, 1,3 % кислоталар

кандлар, 4 % гача смолалар ва бошқа моддалар бор. Алкалоидлар суммасидан протопин, фумаридин, гидрастин, фумвайлин ва бошқа алкалоидлар ажратиб олинган.

Ер устки қисмининг қайнатмаси халқ табобатида сийдик ҳайдовчи, қон тозаловчи, иситмада ҳароратни пасайтирувчи восита сифатида ҳамда бавосил, сариқ касаллиги, баъзи тери (кўтир, эшакем) касалликларини даволашда қўлланилади. Қайнатмаси яна қон оқишини тўхтатиш учун ҳам ишлатилади.

Шотара ўсимлигининг доривор препаратлари қон томирни тарайтириш, бачадон силлиқ мускуллари тонусини кўтариш, қон оқишини тўхтатиш ва юрак ишини тартибга солиш таъсирига эга эканлиги аниқланган. Шунинг учун илмий тиббиётда унинг суюқ экстракти бачадондан қон оқишини тўхтатиш учун ишлатишга тавсия қилинади.

### ШУВОК

*Полынь — Artemisia L.*

Шувок турлари астрадошлар (мураккабгулдошлар) — *Asteaceae* (*Compositae*) оиласига мансуб бир ва кўп йиллик ўт ўсимлик ёки бута.

Тиббиётда шувокнинг қуйидаги 6 туридан фойдаланилади:

1. Аччик шувок (эрмон) — *полынь горькая — Artemisia absinthium L.*

**Ўсимлик тасвири.** Бўйи 50—100 см бўладиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, юқори қисми шоҳланган. Илдизолди, поясининг пастки ва ўрта қисмидаги барглари узун ёки қисқа бандли (юқори қисмидагилари бандсиз), икки-уч марта ништарсимон бўлакчаларга патсимон ажралган (юқоридагилари уч бўлаккли) бўлиб, пояси билан шоҳларида кетма-кет ўрнашган. Майда, сариқ рангли саватчага жойлашган гуллари шингил гул тўпламини, шингиллар эса рўваксимон гултўпламини ҳосил қилади. Меваси ўткир учли, кўнғир рангли писта. Ўсимликнинг ҳамма қисми сертук бўлгани учун қумуш ранг бўлиб кўринади.

Май — июнь ойларида гуллайди, меваси сентябрь — октябрь ойида етилади.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиёда, Кавказ, Фарбий Сибирь ва Қозоғистоннинг ҳамма туманларидаги йўл ёкаларида, ўтлоқларда, ўрмон четларида, тоғларнинг ўрта қисмигача бўлган қияликларда, сув бўйларида, аҳоли яшайдиган жойларда, бегона ўт сифатида эса экинзорларда, боғларда ўсади.



38-расм. Аччиқ шувок.

**Қўлланиладиган қисм**  
 Ер устки қисми. Уни ўсимл  
 гуллаган даврида поясини  
 юкори қисмидан 25 см  
 узунликда (поясининг йўғ  
 қисми олинмайди) қирқ  
 олинади ва илдизолди бар  
 лари йиғилади, салқин ер,  
 куритилади.

**Қимёвий таркиби ва и  
 латилиши.** Аччиқ шувокни  
 ер устки қисми таркиби;  
 0,5—2 % эфир мойи, абси  
 тин ва анабсинтин аччи  
 гликозидлар, органик (олм  
 каҳрабо) кислоталар, флаво  
 ноидлар, хамазулен, витамин  
 С, каротин, ошловчи ва бо  
 қа моддалар бор. Эфир  
 мойи 24,1—35,2 % туй  
 спиртидан, унинг эфирлар  
 дан, пинен, кадинен ва бош  
 терпеноидлардан таркиб  
 топган.

Аччиқ шувокнинг дор  
 вор препаратлари (дамла  
 ва қуюқ экстракти) ишта  
 очувчи ва овқат хазм бўл  
 шига ёрдам берувчи, жиг  
 ва ўт қопи касалликлари,  
 ўт хайдовчи восита сифати,  
 ҳамда гастрит касаллиги  
 даволаш учун қўлланилад  
 Ўсимликдан олинган хамаз  
 лен бронхиял астма, ревм  
 тизм, экзема касалликлари  
 ва рентген нури таъсири  
 куйган ерларни даволаш  
 ишлатилади. Ўсимликнинг  
 устки қисми, кукун ишта  
 очувчи ва ўт хайдовчи йиғи  
 лар — чойлар, меъда кас  
 ликларида қўлланиладиг  
 таблеткалар, экстракти э  
 аччиқ настойка таркиби  
 киради.



Аччиқ шувок қадимдан халқ табобатида турли касалликларни даволаш учун ишлатиб келинади. Унинг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмаси билан Ибн Сино кўз касалликларини даволаган, сийдик, ўт, гижжа ҳайдовчи восита сифатида ва аёлларда тўхтаб қолган ҳайзни келтириш учун қўллаган. Ёсимлик ширасини истиско ва сариқ касалликларига даво қилган, иштаха очиш учун ишлатган. Жигар ва қорин оғриганида аччиқ шувокни янчиб, атиргул ва хина мойлари билан аралаштириб, оғриган ерга суртиб боғлаган.

Ер устки қисмидан тайёрланган дамламаси халқ табобатида иштаха очиш ва овқат ҳазмини яхшилаш учун ишлатилади. Бундан ташқари, жигар, ўт пуфағи, безгак, бавосил, ичак яраси, ич кетиш ва бошқа касалликларга даво қилинади, терлатувчи, ухлатувчи ҳамда гижжа ва ел ҳайдовчи дори сифатида ҳам ишлатилади. Аччиқ шувок ва зарпечак қайнатмалари биргаликда камқонлик ва тутқаноқ касалликларида берилади.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОНДАЛАНИШ

Аччиқ шувокдан дахлама тайёрлаш учун қопқоқли идишдаги 2 стакан қайнаб турган сувга аччиқ шувокнинг майдаланган ер устки қисмидан 1 чой қошиқда солиб ярим соат дахлаб қўйилади. Сўнгра доқада сузиб, юқорида кўрсатилган касалликларни даволаш учун ҳар кўни 3 маҳал овқатдан ярим соат олдин чорак стакандан ичилади.

**2. Бир йиллик шувок (бурган) — *Polypodium monophyllum* L.**

**Ўсимлик тасвири.** Бўйи 30—100 см га етадиган бир йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, юқори қисми шохланган, яшил ёки қизғиш рангли. Баргларининг умумий кўриниши тухумсимон, пастки қисмидагилари узун бандли, ўрта қисмидагилари калта бандли, 2 марта патсимон ажралган, энг юқоридагилари майда ва бандсиз бўлиб, ҳамма барглари пояси билан шохларида кетма-кет ўрнашган. Барг бўлақчалари тухумсимон, ништарсимон, ўткир учли, тишсимон ёки текис қиррали. Майда, сариқ рангли гуллардан ташкил топган шарсимон саватчалар шохлари учида тўпланиб кенг рўваксимон тўпгулни ҳосил қилади. Меваси — писта.

Июль ойида гулдади, меваси октябрда етилади.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиё республикаларида кенг тарқалган бўлиб, тоғларнинг ён бағирларида, ялангликларда, тўқайларда, аҳоли яшайдиган ва бошқа ерларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Ер устки қисми. Уни ўсимлик гуллаган вақтида поясининг сербарг ва гулли юқори қисми ўриб олинадилар ва соя ерда куритиладилар.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Ер устки қисми таркибида 0,21—0,64 % эфир мойи, 73,9 мг % витамин С, витамин К, каротин, алкалоидлар, 5,5 % қандлар, смола, 2,4—4,15 % ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Ўсимлик эфир мойи 20 % пинен, 10—25 % цинеол, 8,22 % камфора, 30 % кадинен, 7 % кампфен, борнеол, 12—16 % альдегид, 8,3—18,33 % спирт, 8 % кислота ва бошқа бирикмалардан таркиб топган.

Ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмаси хал табобатида иштаҳа очиш ва юқумли ичак касалликларини даволаш учун қўлланилади. Барг порошогидан тайёрланган суртма дори ва барг шираси кўтир, теридаги йирингли яралар ва бошқа тери касалликларига ишлатиладилар.

Бир йиллик шувокнинг гижжа ҳайдаш таъсирига эг эканлиги тажрибада аниқланган ва тиббиётда шу мақсадда ишлатишга тавсия этилган. Болгарияда шувокнинг ер устки қисмидан гижжа ҳайдовчи дори олинган.

**3. Дармана шувок (дармина) — *Polynia citvarna* (дармина) — *Artemisia cina Berg.***

**Ўсимлик тасвири.** Бўйи 40—70 см га етадиган ярим бутча. Поялари бир нечта, қизғиш рангли, тик ўсади. Пастк қисми ёғочланган, юқори қисми шохланган. Барглари калта, қизиксимон бўлақларга икки марта патсимо ажралган. Бандлари (поясининг пастки қисмидагилари) ёрдамида ёки бандсиз (поясининг юқори қисмидагилари) пояси билан шохларида кетма-кет жойлашган. Майда кўримсиз гуллари саватчага тўпланиб, рўвак гултўплами ҳосил қилади. Меваси — тухумсимон писта.

Август — сентябрь ойларида гуллайди, меваси октябрнинг охирида етилади.

**Географик тарқалиши.** Еввойи ҳолда фақат Қозоғистоннинг Чимкент вилоятида ва Тожикистоннинг Ленинск бод вилояти ҳамда Тоғли Бадахшон мухтор жумҳуриятидаги текис ва тоғли ерларда, чўлларда, дарё водийларида сойликларда ва сув бўйларида ўсади. Чимкентда «Дармина» совхозидан маҳсус ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Гуллари (очилмаган гунчалари) ва ер устки қисми. Сербарг ер устки қисми июл ойининг бошларида (барглари яшил пайтида) ўроқ билан ўриб олинадилар. Гунчаларини барглари қуриб тўкилга пайтда, августнинг иккинчи ярмида йиғиладилар. Йиғилган маҳсулот 1—2 кун тўилаб қўйиладилар, сўнгра хирмонда

куритилади, майдаланади ва ёғоч қисми ташлаб юборилади. Тозаланган ер устки қисми ва гунчалари сантонин олиш учун фармацевтика заводларига юборилади. Гунчалари қисман «дармана уруги» номи билан дорихоналарда ҳам сотилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Дармана таркибида асосий таъсир этувчи модда — сантонин (гунчасида 7 % гача, ер устки қисмида — 5,41 % гача), 1,5—3% эфир мойи, олма ва сирка кислоталар, аччик, бўёқ ва бошқа моддалар бор. Дармананинг эфир мойи 70—80 % гача цинеол, пинен, камфора ва бошқа терпенлардан таркиб топган.

Дармананинг доривор препаратлари (сантонин порошок ва таблеткалар ҳолида ҳамда турли дориларнинг таркибида) думалок гижжаларни (айниқса аскаридаларни) туширишда ишлатилади. Эфир мойи — дарминол антисептик дори сифатида ҳамда бод, невралгия ва бошқа шамоллаш касалликларини даволашда қўлланилади.

Дармананинг эфир мойидан сесквитерпен-гвайазулен олинади. У яллиғланишга қарши кучли таъсирга эга бўлгани учун бронхиал астма бод, экзема ва рентген нуридан куйган жойларга даво қилинади.

**4. Оддий шувок (оддий эрмон) — *Polynh obykно-венная* (чернобыльник) — *Artemisia vulgaris* L.**

**Ўсимлик тасвири.** Бўйи 100—150 см га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Поялари бир нечта бўлиб, тик ўсади, қизғиш рангли, юкори қисми шохланган. Поясининг пастки ва ўрта қисмидаги барглари бандли, эллипсимон, ништарсимон ёки ништарсимон-чизиксимон, ўткир учли, тишсимон ёки текис киррали бўлакларга патсимон ажралган, юкоридагилари бандсиз, уч — етти бўлакка ажралган. Ҳамма барглари пояси билан шохларида кетма-кет ўрнашган, уларнинг устки томони туксиз, тўқ яшил, пастки томони сертук, окиш бўлади. Майда, қизғиш рангли, саватчага жойлашган гуллари поясининг учи ва ён шохларида рўваксимон гултўпламни ҳосил қилади. Меваси — кўнғир писта.

Июль ойида гуллайди, меваси сентябрда етилади.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиё республикаларидаги текисликлардан то тоғларнинг ўрта қисмигача бўлган ерларда, ариқ бўйларида, нам ерларда, бегона ўт сифатида экинзорларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Ер устки қисми. Ўсимлик гуллаган даврида поясининг учидан 25—30 см узунликда (поясининг йўғон қисми олинмайди) қирқиб олинади ва сояда куритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Ер устки қисми таркибида 0,03—0,61 % эфир мойи, 11,9 мг % каротин, 175 мг % витамин С, алкалоидлар ва бошқа моддалар бор. Эфир мойи *динеол*, *туйон*, *борнеол*, *альдегидлар* ва бошқа терпенлардан таркиб топган.

Абу Али ибн Сино оддий шувокнинг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмаси билан бачадон ярасини, тумов ва буйрак-тош касалликларини даволаган, аёлларда тўхтаб қолган ҳайзни келтириш учун қўллаган. Қайнатмасига ботириб олинган дока ёки сочикни бош оғриганда бошга боғлаган.

Ер устки қисмидан тайёрланган дамламаси халқ табобатида тутқанок, менингит, ўпка сили ва асаб касалликларини даволашда ишлатилади. Дамламаси яна туғруқни тезлатиш ва оғрик қолдириш учун қўлланилади. Шамоллаган болалар шувок қайнатмасига чўмилтирилади. Қуритилмаган оддий шувок баргини майдалаб, янчиб яраларга боғланади.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Оддий шувокдан дамбама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 1 стакан қайнаб турган сув қўйилади ва майдаланган ер устки қисмидан 2 чой қошиқда солиб, 4 соат давомида дамбаб қўйилади. Сўнгра докада сузиб юқорида кўрсатилган касалликларга даво қилиш учун кунига 3—4 маҳал овқатдан ярим соат олдин чора: стакандан ичилади.

2. Ўсимликнинг идишдан 30 г олиб, 0,5 л оқ мусалласга солинади ва бир қайнатиб олинади. Совига ч докада ўтказиб, ҳар кун наҳорда 3—4 қошиқдан ичилади.

5. Шеролғи шувок (шеролғи) — *Polynia эстрагон — Artemisia dracunculus L.*

**Ўсимлик тасвири.** Бўйи 40—80 см га етадиган кўйиллик ўт ўсимлик. Поялари бир нечта бўлиб, тин ўсади, юқори қисми шохланган, кўнғир-сарик ёки кизғиш рангли. Барглари бутун (баъзан поясининг пастки қисмидагилари уч бўлаккли), чизиксимон-ништарсимон ёки чизиксимон бўлиб, поясида кетма-кет ўрнашган. Оч сариқ ёки кизғиш рангли саватчаларга жойлашган гуллари сийрак рўваксимон гултўпламни ҳосил қилади. Меваси — тўқ жигарранг ёки қорамтир пиета.

Июнь ойида гуллайди, сентябрда меваси пишади.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиё республикаларидаги (айниқса Ўзбекистоннинг Тошкент, Андижон, Фарғона Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қирғизис

тондаги) тоғларда тоғ этакларидан бошлаб то ўрда қисмигача бўлган юмшоқ ва тошли қияликларда, ариё ёкаларида, ўтлоқларда, қирларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Ер устки қисми. Ўсимлик гуллаган даврида унинг ер устки қисми йиғиб олинади ва соя ерда қуритилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Ер устки қисми таркибида 0,1—0,72% эфир мойи, 190 мг% витамин С, 15 мг% (баргида 41,8 мг%) каротин, оз микдорда алкалоидлар бор.

Шеролғи эфир мойи 85% гача сабинен, 10% атрофида мирцен, 5% сесквитерпен фракцияси ва бошқа терпенлар ҳамда 7—15% смоласимон бирикмаларда таркиб топган.

Ер устки қисмидан тайёрланган дамламаси иштаҳа очувчи, овқат ҳазмини яхшиловчи, ел ҳайдовчи восита сифатида ҳамда истиско, цинга ва оғиз бўшлиғидаги касалликларни даволашда қўлланилади.

Ўсимликнинг суяқ экстракти сурункали гастрит ва меъда шираси кислоталилиги камайиб кетганда ишлатилади.

Ўсимликнинг гижжаларни тушириш хусусиятига эриққанлиги тажрибада тасдиқланган.

**6. Қизил шувок (қизил бурган) — *Polynia metilchitay* — *Artemisia scoparia* W. et K.**

**Ўсимлик тасвири.** Бўйи 30—70 см бўладиган бир ёки икки йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, юқори қисми шохланган, сарғиш-қўнғир ёки тўқ қизил рангли. Поясининг пастки қисмидаги барглари бандли, ўткир учли чизиксимон ёки чизиксимон-ништарсимон бўлақларга икки — уч марта патсимон ажралган, ўртадагилари қисқара бандли, икки ёки учта чўзиксимон бўлақларга ажралган. Энг юқоридагилари бутун, ипсимон, бандсиз бўлиб, ҳамма барглари пояси билан шохларида кетма-кет ўрнашган. Сарик ёки қизғиш гуллари тухумсимон саватчаларга жойлашиб, ўсимликнинг юқори қисмида кенг рўваксимон тўшгулли ҳосил қилади. Меваси — жигарранг писта.

Июль ойида гуллайди, меваси сентябрда етилади.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиё республикаларида кенг тарқалган бўлиб, текисликларда, тоғларнинг пастки қисмидаги ўтлоқларда, далаларда, дарё водийлари, чўллаларда, бегона ўт сифатида суғориладиган ерларда, қумлик ва бошқа жойларда ўсади. Россия, Кавказ ва Сибирда ҳам кўп учрайди.

**Қўлланиладиган қисми.** Ер устки қисми. Ўсимлик гуллаган вақтида унинг сербарг қисми ўриб олинаиб, соя ерда қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Ер устки қисми таркибида 0,96 % гача эфир мойи, 2,2—3,3 % органик (лимон, олма, оксалат, сирка) кислоталар, 3,9—4,11 % кандлар, 3,61—4,74 % ошловчи моддалар бор.

Қизил шувок ер устки қисмининг 10 % ли қайнатмаси ва эфир мойи кучли сийдик ҳайдаш таъсирига эга эканлиги (қайнатмаси каламушларда сийдик ажралишини 58,9 % га, эфир мойи 53 % га оширган) тажрибада аниқланган. Унинг эфир мойи асосида артемизол препарати яратилган. Уни СССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Фармакология қўмитаси 1963 йилда тиббий амалиётда ишлатишга рухсат этган.

Артемизол буйрак санчиғида оғрик қолдиради, анти-септик, антиспазматик, тинчлантирувчи, бактерицид ва сийдик ҳайдаш таъсирига эга. У цистенал, роватинекс, энатин, роватин препаратлари каби оғрик қолдириш, сийдик-тош касалликларини даволаш, сийдик йўлларини дезинфекция қилиш ҳамда шу касалликларнинг олдини олиш учун ишлатилади.

Артемизолнинг асосий таъсири сийдик кислота ва сийдик тошларини ажратишдир.

#### РЕЦЕПТ

Rp.: Artemisoli 10,0

D.t.d. N. 3 in laq. orig.

S. Кунга 2—4 маҳал 1 чақмоқ кандга 2—4 томчи томизиб овқатланишдан 15 минут олдин тил остига қўйилсин. Нафи сезилмаган ҳолларда томчилар сонини 15—18 тагача етказиш мумкин. Даволаш курси 10—20 кун.

#### ЭВКАЛИПТ

*Эвкалипт — Eucalyptus L. Herit*

**Ўсимлик тасвири.** Миртадошлар — Myrtaceae оиласига мансуб, бўйи 15—70 (баъзан 150) м гача етадиган доим яшил дароҳт. Барглари икки хил. Еш барглари зангори (ёки кулранг), тухумсимон бўлиб, пояси билан шохларида бандсиз қарама-қарши ўрнашган. 3—4 йиллик барглари эса тўқ яшил, ингичка (баъзан кенг) ништарсимон, ўроққа ўхшаш эгилган, бир оз эгилган ёки тўғри бўлиб, қиска банди ёрдамида пояси билан шохларида кетма-кет ва ерга нисбатан тик (соя бермайди) ўрнашади. Қўримсиз гуллари якка-якка ҳолда бандсиз барг қўлтиғига жойлашади. Меваси — тўрт қиррали чаноқ.

Октябрь ойида гуллайди, меваси 1,5—4 йилдан сўнг етилади.



39- расм. Эвкалипт.

**Географик тарқалиши.** Ватани Австралия. Кавказнинг Қора денгиз ва Каспий денгизи бўйидаги субтропик зоналарида (Аджария, Абхазия ва Озарбайжон), Крим, Молдавиянинг жануби ҳамда Туркменистоннинг Каспий денгизи бўйидаги субтропик зоналарида ўстирилади.

Тиббиётда куйидаги уч тури ишлатилади: Кулранг эвкалипт — Эвкалипт пепельный — *E. cinerea* F. et. Mill; Чивиксимон эвкалипт — Эвкалипт прутевидный — *E. viminalis* Labill ва Шарсимон (зангори) эвкалипт. — Эвкалипт шариковый (голубой) — *E. globulus* Labill.

Эфир мойини цинеолга бой эвкалиптнинг бошқа турларидан ҳам олса бўлади.

**Қўлланиладиган қисми.** Барглари ва улардан олинган эфир мойи, чивиксимон эвкалиптнинг барги ва ёш новдалари. Барглари йил бўйи териб олинади ва соя ерда куритилади. Эфир мойи олиш учун йиғилган барглари ва ёш новдалари куритилмасдан фармацевтика заводларига юборилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Барги таркибида 1,5—3% эфир мойи, 10% гача ошловчи ва бошқа моддалар бор. Эфир мойи 60—80% цинеол, пинен, эйдесмол, миртенол каби терпеноидлардан ташкил топган.

Доривор препаратлари (барг дамламаси, қайнатмаси

ва эфир мойи) безгак, бўлма, кизилча, иситма, грипп, бронхит ва нафас йўлларининг бошқа касалликларини, йирингли яраларни, меъда-ичак, гинекологик ва бошқа касалликларни даволашда ҳамда гижжаларни ҳайдаш учун қўлланилади. Эфир мойи хоналарга (айниқса касалхоналарда) пуркаш учун ишлатилади ва гриппда қўлланиладиган ингafen ҳамда нафас йўллари ва бошқа касалликларда қўлланиладиган баъзи комплекс препаратлар — «Пектусин», «Камфомен», «Сунореп», «Эвкатол», «Эфкамон» суртмаси ва бошқалар таркибига киради.

Эвкалипт баргидан тайёрланган дамлама ва қайнатма ҳамда баргидан олинган эфир мойи антисептик таъсирга эга бўлиб, улар танглай, томоқ ва оғиз бўшлиғидаги бошқа яллиғланишлар ҳамда ўпка, кекирдак (трахея) ва бронхларнинг йирингли яраларида ингалиция қилиш учун ишлатилади. Баргининг янги тайёрланган дамламаси билан оғиз бўшлиғи яллиғланганда оғиз чайилади, меъда касаллиги даволанади, дамламаси балгам кўчирувчи восита сифатида ҳам қўлланилади. Баргидан тайёрланган қайнатмаси йирингли яраларни, чипқонни ювиш учун ҳамда гинекология амалиётида ишлатилади. Эфир мойи ҳам гинекологияда зарарланган бачадон, қин шиллик кавати ва теридаги турли йирингли яраларга даво қилинади.

#### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Дамлама тайёрлаш учун оғиз ёпиладиган бирор идишга 1 стакан қайнаб турган сув қуйиб, устига майдаланган баргидан 10 г солинади ва 10—15 минут қайнатиб, хона ҳароратига келгунча дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузилади ва юқорида кўрсатилган касалликларни даволаш учун кунига 3—4 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади. Томоқни чайиш ёки ингалиция қилиш учун дамламадан 1—2 ош қошиқда олиб, уни 1 стакан сувда суюлтирилади.

2. Қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишдаги 1 стакан сувга майдаланган баргидан 30 г солиб, 30 минут қайнатилади ва совигунича дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузилади.

Йирингли яраларни, чипқонни ва терининг бошқа касалликларида ўша жойни ювиш учун қайнатмани 4 баробар ортик миқдордаги қайнатилган сув билан суюлтириб, кейин ишлатилса яхши наф беради.

3. Эвкалиптдан настойка тайёрлаш учун 70°ли спиртдан 100 мл олиб унга ўсимликнинг майдаланган баргидан



20 г солинади ва 1 ҳафта сақлаб қўйилади. Сўнг докада сузиб юқорида айтиб ўтилган касалликларда 20—30 томчидан кунига 2—3 маҳал ичилади.

#### РЕЦЕПТЛАР

Rp.: Inf. fol. Eucalypti ex 15,0—300, 0  
D.S. Оғиз чайилсин.

Rp.: T-rae Eucalypti 25,0  
D.S. Кунига 3 маҳал 15—20 томчидан ичилсин.

#### ЭМАН

Дуб — *Quercus L.*

**Усимлик тасвири.** Қорақайиндошлар — Fagaceae оиласига мансуб, бўйи 40 (баъзан 50) м гача етадиган дарахт. Шохлари ёрилмаган, қумуш рангли, пояси ёрилган, кўнғир кулранг тусли пўстлок билан қопланган. Барглари тескари тухумсимон, патсимон бўлакли бўлиб, қисқа банди ёрдамида пояси билан шохларида кетма-кет жойлашган. Гуллари майда, кўримсиз, бир уйли ва бир жинсли. Оталик гуллари кучалага, оналиги 1—3 тадан бўлиб ёш наваларида тўпланган. Меваси — гул кўргонининг қолдигига жойлашган, узун бандли чўзик ёнғоқча.

**Географик тарқалиши.** Собик СССР Европа қисми ўрмонларидаги дарахтларнинг асосийси, жанубда у дарё бўйларида ўсади. Кавказ ва Узоқ Шарқда бошқа турлари тарқалган. Истироҳат боғларида, хиёбонларда ва кўчаларда манзарали дарахт сифатида ўстирилади.

Қўлланиладиган қисми. Икки тури — Оддий эман (Кўнғир эман, Бандли ёки Ез эмани) — Дуб обыкновенный — *Q. robur L.* (*Q. pedunculata Ehrh.*) ва Бандсиз гулли эмас (Қиш эмани)нинг пўстлоғи — Дуб скальный — *Q. petraea Liebl.* (*Q. sessiliflora Salisb.*)

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Таркибида 7—20 % ошловчи моддалар, 1,6 % галлат ва элаг кислоталар, флавоноидлар ва бошқа бирикмалар бор.

Пўстлоғи қайнатмаси буруштирувчи ва антисептик восита сифатида оғиз бўшлиғи касалликларида (гингивит, стоматит ва бошқа) ҳамда томоқ шиллик пардаси яллигланишида, милк қонаганда, оғизда ҳид пайдо бўлганда оғизни чайиш учун ишлатилади. Баъзан 20 % ли қайнатмаси терининг куйган жойига ишлатилади.



40- расм. Эман.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Эман пўстлоғидан дамлама тайёрлаш учун унинг майдалаб қуритилган ёш новдалари пўстлоғидан 1 чой қошиқда олиб, 2 стакан қайнаб турган сувга солинади ва 8 соат қўйиб қўйилади. Сўнг докадан ўтказиб, оғиз чайилади.

2. Эман пўстлоғини дорихонадан олиб, унинг 40 г га 200 г қайнаб турган сув қўйилади ва пича қайнагандан кейин совитиб докадан ўтказилади. Тайёр бўлган қайнат-мани юқорида айтиб ўтилган касалликларда ишлатилади.

3. Шу нисбатда кўпроқ миқдорда дори тайёрлаб, яра-чақаларни ювиш, ванна қилишга ишлатилса тузуккина наф беради.

#### РЕЦЕПЛАР

Rp.: Dec. cort. Quercus ex 40,0—200, 0  
D.S. Оғизни чайиш учун ишлатилсин.

Rp.: Dec. cort. Quercus ex 20,0—300, 0  
Aluminis 4,0  
Glycerini 30,0  
M.D. Томоқни чайиш учун ишлатилсин.

Кр.: Dec. cort. Quercus ex  
100,0—500,0

D.S. Теридаги яра-чака-  
ларни, жароҳат-  
ларни ювиш, дока  
хўллаб босиш ва  
вайна қилиш учун  
ишлатилсин.

**ЭРКАК ПАПОРОТНИК  
(КИРККУЛОК)**

Папоротник (шитов-  
ник) мужской —  
*Dryopteris filix  
mas (L.) Schott.*

**Ўсимлик тасвири.**

Кирккулоқдошлар —  
*Polypodiaceae* овласига  
мансуб, кўп йиллик,  
юқори спорали ўт  
ўсимлик. Илдизпо-  
яси қисқа, йўғон, майда  
илдизли, қорамтир кўн-  
ғир тангача барглар  
билан қопланган; пояси  
бўлмайд. Барглари чў-  
зиқ эллипсимон, ўткир  
учли, йирик (узунлиги  
1 м ва ундан ортиқ),  
бандли, кўшпатесимон  
ажралган. Биринчи тар-  
тибдаги барг бўлақла-  
ри ништарсимон ёки ин-  
гичка ништарсимон, ўт-  
кир учли, қисқа банд-  
ли, иккинчи тартибдаги  
бўлақлари юмалоқ ёки  
чўзинчок тухумсимон,  
тўмтоқ тишсимон кир-  
рали бўлади.

Эркак папоротник  
споралари август —  
сентябрь ойларида ети-  
лади.

Географик тарқали-  
ши. Барча салкин ўр-



41-расм. Эркак папоротник.

монларда, буталар орасида, нам жойларда ва Ўрта Осиёдаги тоғли жойларда учрайди.

**Қўлланиладиган қисми.** Илдизпояси. Уни кузда ковлаб олинади, майда илдизлари ва илдизпоясининг қуриб қолган қисмидан ҳамда барг қолдиқларидан тозаланади. Йўғон илдизпоялари майда бўлақларга қирқиб, бир неча кун усти берк жойда, кейин ҳарорати 40° ли қуритғида қуритилади. Қўпинча илдизпояси қуритилмасдан экстракт тайёрлаш учун заводларга юборилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Илдизпояси таркибида 3—4 % хом филицин, соф ҳолда флороглюцидлар (филикс кислота, флаваспид кислота, альбаспидин, флаваспидин ва бошқа), эфир мойи, флавоноидлар, 6% гача ёғ, крахмал, сахароза, 8% гача ошловчи моддалар бўлади. Хом филицин таркибида флороглюцидлар бор.

Илдизпоясидан тайёрланган куюқ экстракти (капсулада чиқарилади) ва экстракт таблеткаси — филиксан лентасимон гижжаларни ҳайдаш учун ичилади.

Халқ табобатида ҳам эркак папоротник (қирққулоқ) қадимдан гижжаларни ҳайдаш учун ишлатиб келинади. Шу мақсадда уни Абу Али ибн Сино ҳам қўллаган.

Ҳозирги вақтда унинг экстракти 0,5 г дан капсуларда, 15 донадан шиша идишларда чиқарилади. Уни врач рецепти ва кўрсатмаси билан гижжаларни туширишда ичилади. Дозаси болалар ёшига қараб қатъий белгиланади.

Жигар, буйрак касалликларида, меъда, ўн икки бармоқ ичак ярасида, юрак иши етишмовчилигида, иситмада, камқонликда ва бошқа бир қатор касалликларда уни ичишга рухсат этилмайди.

#### РЕЦЕПТЛАР

Rp.: Extr. Filicis maris aetherei 0,5

D.t.d. N. in caps gelat.

S. Наҳорга 2 капсуладан 1 тасини олдин ичиб орадан 20 минут ўтказиб иккинчиси ичилсин. (Гименолепидозда 13 яшар боллага).

#### ЯНТОҚ

*Янтақ (верблюжьѧ колючка) — Alhagi Adans*

**Ўсимлик тасвири.** Янтоқ турлари дуккакдошлар — Fabaceae оиласига мансуб, бўйи 30—130 см бўладиган тиканли кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, тиканли, пастки томони ёғочланган, пастки тиканлари калта ва қаттиқ, юқоридагилари узун ва юмшоқ; пояси шохланган. Барглари ланцетсимон, эллипссимон ёки кенг тесқари тухумсимон бўлиб, қисқа банди ёрдамида поя ва

шоҳларида кетма-кет ўрнашган. Бинафша, пушти ёки қизил рангли, беш бўлакли гуллари 2—7 тадан тиканларига жойлашган. Меваси тасбеҳсимон, кўп уруғли дуккак.

Май — сентябрь ойларида гуллайди, меваси август — октябрда етилади.

**Географик тарқалиши.** Собик Иттифок Европа қисмининг жануби-шарқий туманларида, Кавказ ва Ўрта Осиё текисликларида, тоғ ён бағирларида, тепаликларда, арик, канал, дарё, кўл бўйларида, йўл ёқаларида, нам, кумли, шағалли ерларда ўсади.

Халқ табобатида янтоқнинг тўртта тури ишлатилади: Қирғиз янтоғи — Янтақ киргизский — *A. kirghisorum* Schrenk, Сохта янтоқ — Янтақ ложный — *A. pseudalhai* (M.B.) Desv, Шакар янтоқ — Янтақ персидский — *A. persarum* Boiss. et Buhse, Сийрак барг янтоқ — Янтақ рыхлолистный — *A. sparsifolia* Shar.

**Қўлланиладиган қисми.** Халқ табобатида янтоқ турларининг ер устки қисми ва илдизи ишлатилади. Ер устки қисми ўсимлик гуллаган вақтида ўриб олинади ва соя ерда қуритилади. Илдизини эрта баҳорда ёки кузда қовлаб олинади, сув билан ювиб, тупроқдан тозаланади ва очик ҳавода қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Янтоқ турларининг ер устки қисми таркибида сапонинлар (0,3 % урсол кислота) 1,3—3, 90 % флавоноидлар (рутин, кверцетринлар ва изорамнетин гликозидлари), 0,11—0,9 % кумаринлар, 0,33—0,87 % эфир мойи, витаминлар С, В<sub>2</sub> ва К, каротин, 3,22—6,19 % органик кислоталар, кандлар, 8,6—9,2 % шиллик, 1,7—5,7 % ошловчи ва бошқа моддалар, илдизида — 0,19 % алкалоидлар, сапонинлар (0,75 % урсол кислота), 0,19 % кумаринлар, 2,7 % органик кислоталар, С, В, гуруҳ витаминлари, 3,9—6, 65 % ошловчи моддалар бор.

Шакар янтоқ август — сентябрь ойларида ўзидан ширин суюқлик чиқаради. 2—3 кундан сўнг суюқлик қотиб қанд заррачаси — маннага айланади. Манна таркибида 5,5 % сув, 1,9 % елим, 49,9—50,6 % трисахарид ва бошқа бирикмалар бўлади.

Янтоқ турлари қадимдан табобатда турли касалликларни даволаш учун қўлланиб келинади. Абу Али ибн Сино янтоқ турларининг ер устки қисмидан тайёрланган дамламани йўтални қолдириш учун ҳамда терлатувчи, кўкракни юмшатувчи ва сурги дори сифатида ишлатган.

Янтоқ илдизидан тайёрланган қайнатма (баъзан дамламаси ҳам) халқ табобатида ичдан қон оқишни (қон аралаш ич кетганда) тўхтатиш, дизентерия, бавосил,

жигар, меъда яраси ва бошқа касалликларни, яраларни даволаш учун ҳамда ўт ва сийдик ҳайдовчи, терлатувчи ва сурги дори сифатида қўлланилади. Ер устки қисмидан тайёрланган дамлама юқорида кўрсатилган касалликларда ҳамда ангина, тонзиллит, стоматит, йирингли отит (қулоқнинг йирингли яллиғланиши), бурун-томоқ яллиғланишида, бачадон ярасида ва буруштирувчи восита сифатида ич кетиш, меъда-ичак касалликларини даволашда ишлатилади.

Шакар янтоқ маннаси ёш болаларга сурги сифатида берилади, лекин бола чечак билан касалланган бўлса манна берилмайди.

Илдизи ва ер устки қисмининг қайнатмаси, суяқ экстракти ва дамламаси сийдик ҳайдаш, терлатувчи, кон оқишини тўхтатувчи, яллиғланишга қарши таъсир этувчи ва яраларни даволовчи хоссага эга эканлиги тажрибада тасдиқланган ва илмий тиббиётда ишлатишга тавсия этилган.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОНДАЛАНИШ

Янтоқ турларидан қуйидаги дорилар тайёрланади:

1. Ер устки органларидан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир ярим стакан сув қуйилади, устига қуритиб майдаланган илдиздан 1 ош қошиқда солиб, 15 минут қайнатилади ва 2 соат давомида дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузилади. Юқорида кўрсатилган касалликларни даволаш учун кунига 3 маҳал қайнатмадан 1 ош қошиқдан ичилади.

2. Дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишдаги 1 стакан қайнаб турган сувга қуритиб майдаланган ер устки қисмидан 2 чой қошиқ солиб, 2 соат дамлаб қўйилади. Сўнг докада сузилади. Юқорида кўрсатилган касалликларга даво қилиш мақсадида ҳар куни 3—4 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

#### ЯПОН СОФОРАСИ (ТУХУМАҚ)

*Софора японская — Sophora japonica L.*

**Усимлик тасвири.** Дуккакдошлар Fabaceae оиласига мансуб, бўйи 20 м гача етадиган д а р а х т. Ёш новдалари тукли, яшил-сарғиш рангли пўстлоқ билан қопланган. Барглари тоқ патли мураккаб, 5—7 жуфт чўзиқ эллипсимон, чўзиқ тухумсимон, ёки кенг ништарсимон, ўткир учли баргчалардан ташкил топган бўлиб, қисқа банди ёрдамида пояси билан шоҳларида кетма-кет ўрнашган. Сарик рангли, беш бўлакли гуллари рўваксимон гултўпламни ҳосил

қилади. Меваси — киска бандли, тўк кўнғир-қора рангли дуккак.

Июнь — июль ойларида гуллайди, меваси август — сентябрда етилади.

**Географик тарқалиши.** Ватани Хитой ва Япония. Собик Иттифокнинг жанубий туманларида манзарали дарахт сифатида ўстирилади. Ўрта Осиё республикаларида кўплаб экилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Гули (ғунчаси) ва меваси. Гуллари очилишидан олдин йиғилади ва соя ерда қуритилади. Сўнгра ундан рутин олиш учун фармацевтика заводларига юборилади. Меваси етилган вақтда йиғиб олинади ва очик ҳавода қуритилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Гули ва меваси таркибида флавоноидлар (рутин, кверцетин, кемпферол, генистеин ва уларнинг гликозалари), витамин С, бўёқ ва бошқа моддалар бор. Асосий флавоноиди бўлган рутин софора гули ғунчасида 0,3—44 % гача бўлади. Ундан яна кверцетин олинади.

Мева настойкаси йирингли ва трофик яраларни ҳамда куйган жойни даволаш учун қўлланилади. Рутин ва кверцетин витамин Р таъсирига эга бўлиб, таблетка ҳолида шу витамин етишмаслигида — гипо-ва авитаминоз, қон томирлар девори ўтказувчанлигининг бузилишидан келиб чиққан касалликлар, геморрагик диатез, кўз пардасига қон қуйилиши, капилляр токсикоз, нур касаллиги, қон босимининг ошиши (гипертония), бод, кизамик, бўғма, тиф ва бошқа касалликларни даволаш ҳамда олдини олиш учун ишлатилади.

#### ЎСИМЛИҚ ПРЕПАРАТИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ

1. Япон софорасининг тайёр настойкаси 100 мл дан шиша идишларда (флаконларда) чиқарилади. Уни ёруғлик тушмайдиган салкин жойда сақлаб яра-чақаларга, куйган жойларга бинтни ҳўллаб қўйилади.

2. Рутин ва кверцетинни таблетка шаклида дорихоналардан врач рецепти билан олиш мумкин.

#### РЕЦЕПТ

Rp.: Rutini 0,02  
D.t.d. -N. 20 in tab.  
S. Куйига 1 таблеткадан 3 маҳал ичилсин.

## ЎРИК, ОДДИЙ ЎРИК

*Абрикос обыкновенный — Armeniaca vulgaris Lam.*

**Ўсимлик тасвири.** Разногудлошлар — Rosaceae оила-сига мансуб, бўйи 5—8, баъзан 17 м гача етадиган дарахт. Танаси ва шохлари қўнғир рангли пўстлоқ билан қопланган. Барглари тухумсимон, чўзиқ тухумсимон, ўткир учли, аррасимон киррали бўлиб, узун банди ёрдамида пояси билан шохларида кетма-кет ўрнашган. Гуллари ок ёки пушти рангли, беш бўлакли. Меваси — сарик, зарғалдоқ, кизғиш рангли, турли шакл ва катта-кичикликдаги сершира, мазаси ва ҳиди ёқимли данакли хўл мева.

Март — апрель ойларида барг чиқармай гуллайди, меваси июнь — августда пишди. Унинг товук тухумидек келадиган навлари ҳам бор.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиёнинг тоғли районларида 500—2000 м гача бўлган баландликларда ёввойи ҳолда ўсади. Ўрта Осиё, Кавказ, жанубдаги бошқа ерларда маданий ўсимлик сифатида ўстирилади, катта-катта ўрикзорлар ташкил қилинган.

**Қўлланиладиган қисми.** Уруғидан олинадиган мойи ва дарахтидан олинадиган елими.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Мевасининг юмшоқ қисмида 27 % гача қанд, 2,5 % органик кислоталар (олма, лимон кислота), каротин, витамин С ва РР, флавоноидлар, пектин, минерал, ошловчи моддалар, уруғида (мағзида) 30—50% ёғ, эмулсин ферменти бор. Ўриқнинг аччиқ данакли навида 8,43 % гача амингидлин гликозиди бўлади.

Ўрик мойи баъзи дори моддалар — камфора, турмонлар ва бошқалар тайёрлашда, дарахтининг елими ёғли эмульсиялар тайёрлашда эмульгатор сифатида араб елими ўрнида, аччиқ данакли ўрик уруғи эса аччиқ бодом суви тайёрлашда ишлатилади. Ўрик елими араб елими сингари арабиндан иборат бўлиб, сувда яхши эрийди.

Туршакни ивйтиб қўйиб ичилса, ични юмшатади, сийдик ажралишини қўпайтиради (буйрак-тош касалликларида). Уни яна қон босими кўтаришган ҳолларда ва сарик касаллигида ичилса, нафи тегади.

Ўрик меваси таркибида калий элементи кўп бўлгани учун уни юрак-томир касалликларида истеъмол қилиб туриш фойдали. Меваси таркибида қанд борлигини ҳисобга олиб, уни диабетда бериб бўлмайди.

Ўрик меваси озик-овқат саноатида мураббо, шарбат, туршак, баргак, компот, консервалар тайёрлашда кенг миқёсда ишлатилади.



2 л. сувга 1 кг туршакни солиб, 1 соат милдиратиб қайнатилади. Ҳосил бўлган қайнатмани кабзиятда ични юмшатиш учун 1 стакандан 3 марта ичилади. Айниқса кечаси ичиб ётилса, нафи кўпроқ тегади.

### ЎРМОН ҚУЛУПНАЙИ (ЕРТУТ)

*Земляника лесная — Fragaria vesca L.*

**Ўсимлик тасвири.** Раъногулдошлар — Rosaceae оиласига мансуб, бўйи 5—20 см келадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси битта ёки бир нечта бўлиб, тик ўсади. Илдизолди барглари кўлтигидан узун, ипсимон жингалаклар ўсиб чиқади. Барглари асосан илдиз олдидан чиқади (баъзан пояда битта ёки иккита яхши тарақкий этмаган барг бўлади). Улар узун бандли, уч бўлакли бўлиб, мураккаб тузилган. Барг бўлакчалари бандсиз, эллипсимон ёки ромбсимон, йирик тишсимон қиррали. Оқ йирик, узун бандли гуллари пояси учуда сийрак қалқонсимон гултўпламни ҳосил қилади. Меваси — тухумсимон ёки кенг эллипсимон, хушбўй, қизил рангли, серсув сохта мева.

**Географик тарқалиши.** Собиқ СССРнинг Европа қисми, Сибирь, Кавказ, Ўрта Осиё (Тяньшань тоғларида) нинг ўрмон-чўл зонасидаги игнабаргли ўрмонларда, ўрмондаги очик ерларда ва далаalarda ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Барги ва меваси.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Меваси таркибида 5—10 % қанд, 1,2—1,7 % органик (олма, салицил) кислоталар, 20—50 мг % витамин С ва В, каротин, антоцианлар, флавоноидлар, пектин, ошловчи моддалар, баргида — 250—300 мг % витамин С, оз миқдорда алкалоидлар, флавоноидлар (кверцетин ва кемпферол ҳосилалари), ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Мева ва баргининг дамламаси подагра, буйрак ва жигар-тош касалликларида сийдик ҳайдовчи восита сифатида, шамоллаш касалликларида, цинга ва бошқа авитаминозларда ҳамда бачадондан қон кетишини тўхта-тишда қўлланилади. Меваси яна даволовчи восита сифатида атеросклероз, гипертония, меъда ва ўн икки бармоқ ичак яраси, подагра, кабзиятда ва бошқа касалликларда ҳамда организмда туз алмашинуви бузилганда истеъмол қилиш тавсия этилади.

Халқ табobatiда яраларни даволаш учун қуритилмаган баргини эзиб уларга кўйилади.



42-расм. Қайин.

## ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФЙДАЛАНИШ

1. Ҳсимлик баргидан (куритилгани) 1 ош қошиқда олиб 1 стакан сувга солинади-да, 10 минут қайнатилади. Сўнг доқадан ўтказиб тайёр бўлган қайнатмадан юқорида айтиб ўтилган касалликларда кунига 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади.

2. Ҳсимликнинг ер устки қисми ва илдизини майдалаб 3 ош қошиқда олинади, 500 мл қайнаб турган сувга солинади-да, 1 соат дамлаб қўйилади. Сўнг доқадан ўтказиб 2 маҳал (эрталаб ва кечкурун) ярим — бир стакандан ичилади.

### ҚАЙИН, ОҚ ҚАЙИН

*Береза повислая —  
Betula pendula Roth.*

**Ҳсимлик тасвири.** Қайиндошлар — *Betulaceae* оиласига мансуб, бўйи 10—20 м гача ўсадиган д а р а х т. Барги учбурчак, ромбсимон ёки юраксимон, ўткир учли, қирраси кўштишли бўлиб, банди ёрдамида поя ва шохларида кетма-кет жойлашган. Шохчалари билан барглари смолали хушбўй безлар ёки сўгалчалар билан қопланган. Гуллари майда, кўримсиз, бир жинсли кучалага тўпланган. Меваси — ёнғоқча.

Апрель — май ойларида гуллайди, меваси августда етилади.

**Географик тарқалиши.** Собик СССР Европа қисми-

нинг ўрмон зонаси ва Сибирдаги аралаш ўрмонларда, Ўрта Осиёда тоғ қияликларида ва водийларда ўсади. Баъзан қайиизорларни ташкил қилади. Манзарали дарахт сифатида кўчаларда, боғларда ва паркларда ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Куртаги, барги ва қатрони.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Куртаги таркибида 3,5—8 % эфир мойи, флавоноидлар (апигенин, акацетин, кемпферол, изорамнетин), 3 % сапонинлар, смолалар, витамин С, ошловчи моддалар, баргида 0,04—0,05 % эфир мойи, 28 мг % гача витамин С, 3,2 % гача сапонинлар, флавоноидлар (гиперозид, кверцетин, апигенин, кемпферол), 5—9 % ошловчи моддалар бор. Куртагининг эфир мойида соф (41—47 %) ва сирка кислотанинг мураккаб эфери (30—45 %) ҳолидаги бициклик сесквитерпен спирти — бетулол, бетулен, карнофиллен ва бошқа терпеноидлар бор.

Куртак ва барг дамламалари сийдик ҳайдовчи восита сифатида юрак ва буйрак фаолияти бузилиши натижасида баданга шиш келиши (баданга суюқлик йиғилиши — истиско касаллиги) ни даволашда қўлланилади, баргининг дамламаси яна авитаминозларда, куртак дамламаси — ўт ҳайдовчи восита сифатида холецистит ва бошқа жигар касалликларида ишлатилади. Қайин дарахтининг қатрони — Вишневский суртмаси таркибида яраларни, Вилькинсон суртмаси таркибида кўтир ва тери касалликларини даволашда қўлланилади.

Қайин баргидан тайёрланган дамлама халқ табобатида сийдик ва ўт ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади. Куртак дамламаси билан меъда оғриғи ва шамоллаш касалликлари даволанади. Шу дамлама яна сийдик ҳайдовчи дори сифатида қўлланилади. Куртак настойкаси бод касаллигида ва бўғинлар оғриганда оғриган ерга суртилади.

Қайин дарахтидан эрта баҳорда таркибида қандлар, олма кислота, ароматик ва бошқа моддалар бўлган шира (битта дарахтдан 30—60 л гача) олинади. Шу шира яралангандан сўнг вужудга келган камқонликда, томоқ оғриғида, ангина, оғир битадиган яралар, чипқон ва бошқа касалликларда қўлланилади ҳамда кўп чипқон чиқиши натижасида бемор қувватсизланиб қолган ҳолатларда дармонга киргизувчи ва яраларни даволовчи восита сифатида ишлатилади.

## ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФЙДАЛАНИШ

1. Қайин дарахти куртагидан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув қуйиб, устига 2 чой қошиқ куртак солинади ва бир соат дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузиб, икки кун давомида 3 маҳалдан (тенг 6 қисмга бўлиб) ичилади.

2. Қайин дарахти баргидан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув қуйиб, устига 20 г майдаланган барг солинади ва 6 соат давомида дамлаб қўйилади. Кейин докада сузилади ва дамламани иккига бўлиб, ҳар 4 соатда ичилади.

3. Қайин дарахти куртагидан 3 г олиб устига 100 г арақ қуйилади ва 7 кун мобайнида қуйиб қўйилади. Сўнг уни докада сузиб 1 ош қошиқ сувга 15—20 томчи томизиб 3 маҳал ичилади.

4. Дорихонадан қайин куртагидан 100 г олиб унинг 20 г ни (100 г ни 5 га бўлиб) 200 г қайнаб турган сувга солинади ва ярим — бир соат дамлаб қўйилади. Сўнг докадан ўтказиб сийдик ҳайдовчи восита ўрнида 1—2 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади.

## РЕЦЕПТЛАР

Rp.: Gemmae Betulae 50,0

D.S. Куртақдан 2 чой қошиқда олиб, 1 стакан қайнаб турган сувга солиб дамлама тайёрланади ва 3 маҳал 1—2 ош қошиқдан 2 кун ичилади.

Rp.: Inf. fol. Betulae ex 20,0—200,0

Natrii hydrocarbonatis 2,0  
M.D.S. 1 марта ичилсин.

## ҚАЛАМПИР (ГАРМДОРИ), БИР ЙИЛЛИҚ ҚАЛАМПИР *Перец стручковый однолетний — Capsicus annuum L.*

**Ўсимлик тасвири.** Итузумдошлар — Solanaceae оила-сига мансуб, бўйи 30—60 см бўладиган бир йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, асос қисмидан шохланган. Барглари эллипсимон ёки тухумсимон, ўткир учли, текис киррали бўлиб, банди ёрдамида поя ва шохларида кетма-кет ўрнашган. Оқ рангли, йирик гуллари шохлар ва барг қўлтиғида яқка-яқка ёки иккитадан пастга осилган ҳолда жойлашган. Меваси — кам сув, қалин пўстли, кўп уруғли, турли ранг ва шаклдаги данаксиз хўл мева.

Июнь ойидан бошлаб гуллайди, меваси июль — ноябрда пишади.

**Географик тарқалиши.** Ватани Мексика ва Гватемала.

Украинанинг жанубида, Молдавия, Кавказ, Куйи Волга бўйидаги жойларда ва Ўрта Осиёда ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Аччиқ навларининг меваси. Мевалар тўлиқ етилганда териб олинади ва қуёшда қуритилади. Сўнгра дори шакллари тайёрлаш учун фармацевтика заводларига юборилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Меваси таркибида 0,22 % капсаицин алкалоиди, 1,5% гача эфир мойи, 0,4 % гача каротин ва бошқа каротиноидлар, витамин С (400 м %), Р, В ва В<sub>2</sub>, стероид сапонинлар, ёғ ва бошқа моддалар бор.

Қалампир мевасининг дори препаратлари — настойка, қалампирли малҳам ҳамда таркибида қалампир настойкаси бўлган (совук урганга қарши) суртма, капситрин ва суюқ суртмалар: капсин, қалампир-аммонийли линимент, қалампир-камфорали линимент радикулит, миозит, невралгия, бод каби шамоллаш касалликларида тананинг оғриган ерига суртилади. Настойкаси кам миқдорда (10—20 томчидан) иштаҳани очиш ва овқат ҳазмини яхшилаш учун овқатдан олдин ичишга буюрилади.

Халқ табobatiда ҳам қалампир меваси баъзан шамоллаш касалликларида қўлланилади. Соч, кош ва тукларга суртилса, ачиштириб қон айланишини яхшилаши орқасида уларни тез ўстиради.

Қалампир меваси зиравор ўсимлик сифатида кенг миқёсда овқатга ишлатилади.

Дорихоналардан унинг настойкасини олиб невралгия, радикулит, бод, миозит, люмбагишалгия касалликларида терига суртилса, яхши наф беради.

Шиша идишларда (флаконларда) 50 ва 100 мл дан чиқарилади.

#### РЕЦЕПТ

Rp.: T-rae Capsici 100,0  
D.S. Терига суртиш учун.

#### ҚАЛАМПИР ЯЛПИЗ

*Мята перечная — Mentha piperita L.*

**Ўсимлик тасвири.** Қалампир ялпиз ясноткадошлар (лабгулдошлар) — Lamiaceae (Labiatae) оиласига мансуб, бўйи 30—100 см келадиган кўп йиллик ўт ўсимлики. Пояси бир неча, тик ўсади, тўрт қиррали, барглари чўзиқ тухумсимон ёки ништарсимон, ўткир учли, аррасимон нотекис қиррали бўлиб, киска банди ёрдамида пояда қарама-қарши ўрнашган. Қизил бинафша рангли, майда



43- расм. Қалампир ялпиз.

гуллари пояси билан шохла-ри учида гуж жойлашган бошқоксимон тўпгулни ҳосил қилади. Меваси — тўртта ёнғокча.

Июнь — сентябрь оила-рида гуллайди.

**Географик тарқалиши.** Собик Иттифоқда қалампир ялпиз ёввойи ҳолда учрамай-ди. У Украина, Белоруссия ва Молдавия республикалари-да, Краснодар ўлкаси ҳамда Воронеж вилоятида ўстири-лади.

**Қўлланиладиган қисми.** Тиббиётда қалампир ялпиз-нинг барги, баъзан, эфир мойи олиш учун бутун ер устки қисми ва ўсимликдан олинган эфир мойи ишлати-лади. Барги (ёки ер устки қисми) ўсимлик гуллай бош-лаганда ўриб олинади, хир-монда сўлитилади, сўнгра сўри устида ёки қуритгичда қуритилади. Шу вақтда поя-сидан барглар тўкилади. Поя-си эса ташлаб юборилади. Кейин баргларики қуёшда охирги марта қуритиб олина-ди. Ўсимлик кузда янгитдан кўкариб, гуллаш даврида яна бир марта ўриб олинади. Эфир мойи олиш учун ўрил-ган ер устки қисми қури-тилмай фармацевтика завод-ларига юборилади.

**Кимёвий таркиби ва иш-латилиши.** Қалампир ялпиз барги таркибида 2,4—2,75% эфир мойи, каротин, гесперидин, бетаин, урсол ва олеанол тритерпен кислота-лари бор. Эфир мойи 41—65% ментол, 9—25% мен-

тон, 4—9 % ментол эфирлари ва бошқа бирикмалардан ташкил топган.

Қалампир ялпизни қадимдан табобатда турли касалликларни даволаш учун ишлатилган. Абу Али ибн Сино қалампир ялпиз билан бош ва кулок оғриғини даволаган, ҳамда қон оқишини ва қон аралаш қусишни тўхтатиш, овқат ҳазмини яхшилаш, яраларни, сарик ва бошқа касалликларни даволаш учун ишлатган.

Қалампир ялпиз барги ва эфир мойининг доривор препаратлари (дамламаси, настойкаси ва ялпиз суви) кўнгил айнишини ва қусишни тўхтатишда ҳамда овқат ҳазмини яхшилашда ишлатилади. Ялпиз суви яна оғиз чайқаш ва суюқ дорилар таъмини яхшилаш учун қўлланилади. Ментол препаратлари кулок, бурун, нафас йўллари касалликларида ҳамда тиш оғриғини қолдириш учун ишлатилади. Ментолдан бош оғриғини қолдирадиган мигрен қалами тайёрланади. Ментол препарати — валидол стенокардия (кўкрак қисиш касаллиги)га даво қилишда ишлатилади. Барги тинчлантирувчи, ўт ҳайдовчи ва меъда касалликларида ишлатиладиган йиғмалар — чойлар, эфир мойи қорин оғриғини қолдирувчи таблетка ва томчилар, ментол нигофен таркибига киради.

Эфир мойидан озик-овқат саноатида ва парфюмерияда фойдаланилади.

Ўрта Осиё халқ табобатида ялпизнинг яна икки туридан фойдаланилади:

Осиё ялпизи — Мята азиатская — *M. asiatica* Boriss. ва Дала ялпизи — Мята полевая — *M. arvensis* L.

**Географик тарқалиши.** Осиё ялпизи фақат Ўрта Осиёда, Дала ялпизи Ўрта Осиё, собиқ СССР Европа қисми, Кавказ ва Сибирдаги нам ерларда, арик бўйларида, адирларда, тоғ этакларидан бошлаб, то ўрта қисмигача бўлган ерларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми ва ишлатилиши.** Халқ табобатида ялпизнинг бу турларининг ер устки қисми ишлатилади. Ўсимлик гуллашидан олдин ёки гуллаш даврида ер устки қисми ўриб олиниб, соя ерда қуритилади, йирик поялари ташлаб юборилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Ялпизнинг бу турлари ер устки қисми таркибида 0,34—1, 58 % эфир мойи, флавоноидлар ва бошқа моддалар бор. Эфир мойи карвон, цитронеллол, пулегон, ментол, ментон, карвакрол, силвестрен ва бошқа терпенондлардан ташкил топган.

Ялпиз турлари табобатда қадимдан қўлланилади. Абу Али ибн Сино овқат ҳазмини яхшилаш, қусишни тўхтатиш учун ҳамда гижжа ҳайдовчи ва қон оқишини тўхтатувчи дори сифатида ишлатган.

Ялпиз турларининг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатма ёки қуритилмаган ўсимликдан олинган шира халқ орасида истиско, кўтир, бод, кўкрак огриғи, йўтал, ширинча, сарик касаллиғи, меъда ва бошқа касалликларни даволаш учун ҳамда чанков босувчи, балғам кўчирувчи дори сифатида қўлланилади.

Қалампир ялпизни республикамызда Ўзбекистон ФА га қарашли Ф. Н. Русанов номидаги Ботаника боғи етиштиради. Ўсимлик баргларида тайёрланган маҳсулотни дорихоналардан олиш мумкин.)

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

Қалампир ялпиз баргларида қайнатма тайёрлаш учун 2 стакан қайноқ сувга 1 ош қошиқ маҳсулот солиб қайнаб турган иккинчи идишдаги сувга идиши билан қўйиб 15 минут аралаштириб туриб қайнатилади. Сўнг докада сузиб устига ҳажми 400 мл га етгунча қайнаган сув қўйилади. Кейин юқорида айтиб ўтилган касалликларда овқатланишдан 15 минут олдин кунига 3 маҳал чорак — ярим стакандан ичилади.

#### РЕЦЕПТ

Rp.: Inf. fol. Menthae piperitae 5,0—200, 0  
D. S. Куняга ҳар 3 соатда 1 ош қошиқдан ичилсин

Rp.: T — gae Menthae piperitae 25,0  
D. S. Ҳар гал 15—20 томчидан ичилсин.

#### ҚАРАФС, ХУШБҒҮН ҚАРАФС

*Сельдерей пахучий (сельдерей обыкновенный)* — *Api. graveolens L.*

**Ўсимлик тасвири.** Қарафс селдердошлар (соябон, дошлар) — *Apiaceae (Umbelliferae)* оиласига мансуб, бўйи 50 см гача ўсадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади, ўрта қисмидан бошлаб шохланган. Барглари чўзиқ ёки ланцентсимон бўлакчаларга патсимон ажралган (поянинг юқори қисмидагилари уч бўлакка қирқилган) бўлиб, узун банди (илдизолди ва поянинг пастки қисмидагилари) ёки бандсиз пояси билан шохларида кетма-кет ўрнашган. Майда, ок рангли, беш бўлаккли гуллари мураккаб соябон тўпгулига жойлашган. Меваси — юмалоқ кўшалок писта.

Июль — ойида гуллайди, меваси август — сентябрда пишади.



**Географик тарқалиши.** Россиянинг Европа қисми, Ўрта Осиё, Кавказда канал ва ариқ бўйларида, дарё қирғоқларида, суғориладиган ва нам ерларда, тоғ этакларида ўсади. Зиравор ўсимлик сифатида кенг миқёсда ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Тиббиётда қарафснинг ер устки қисми, меваси ва баъзан илдизи ишлатилади. Ер устки қисми ўсимлик гуллаган вақтида йиғилади, соя ерда қуритилади ёки қуритмай қўлланилади. Меваси пиша бошлаганда ўсимлик ўрилади, хирмонда қуритиб, янчиб, элаб меваси ажратиб олинади. Илдизи кузда қовлаб олинади, сув билан ювиб тупроқдан тозаланади ва очик ерда — қуёшда қуритилади (йириклари бўлакчаларга бўлинади).

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Қарафснинг ер устки қисми таркибида 0,1 % эфир мойи, витамин С (20 мг %) ва В<sub>1</sub>, каротин, флавоноид, гликозид — апинин, мевасида — 1,03—6 % эфир мойи, 12—17 % ёғ, фурукумаринлар ва бошқа моддалар бор. Эфир мойи 60—78 % лимонен, 10—13 % селинен, седанолид ва бошқа терпеноидлардан ташкил топган.

Қарафс меваси ва унинг дамламаси халқ табобатида кўнгила айнаши, иситма, ҳикичок тугганда ва оғриқ билан ўтадиган ҳайзни даволашда ҳамда ел ҳайдовчи ва иштаҳа очувчи дори сифатида қўлланилади. Ер устки қисми ва илдизидан тайёрланган дамламаси ҳам халқ табобатида иштаҳа очувчи, овқат ҳазмини яхшиловчи, ел ва сийдик ҳайдовчи (истиско касаллигида), енгил сурги дори сифатида ҳамда буйрак, сийдик пуфаги касалликларини, бод, темиратки, эшакем тошгани даволашда қўлланилади. Барг ёки илдиз дамламаси билан йирингли яралар ювилади. Қуритилмаган баргини майдалаб, эзиб яралар устига қўйилади.

Қарафс ўсимлигининг сийдик ҳайдаш таъсирига эга эканлиги тажрибаларда аниқланган ва қуритилмаган ер устки қисмидан олинган сукапигравеол препарати шу мақсадда илмий тиббиётда қўллашга тавсия қилинган.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

Қарафс барги ва мевасидан дахлама қуйидагича тайёрланади.

1. Бирор оғзи ёпиладиган идишта бир ярим стакан қайнаб турган сув қуйилади, унга ўсимликнинг майдаланган ер устки қисмидан (ёки баргидан) 1 ош қошиқда солиб, тўрт соат давомида дахлаб қуйилади. Сўнг доқада



44- расм. Қизилмия.

сузиб юкорида кўрсатилган касалликларни даволаш учун кунига 3—4 маҳал овқатдан олдин 1 ош қошиқда ичилади.

2. Оғзи ёпиладиган идишдаги 2 стакан қайнаб турган сувга 1 чой қошиқда қарафс мевасидан солинади ва 4 соат дамлаб қўйилади. Сўнгра доқада сузиб, ҳар куни 3—4 марта овқатдан ярим соат олдин 1 ош қошиқда ичилади.

#### Қизилмия, СОЛОДҚА

Солодка — *Glycyrrhiza L.*

Қизилмия турлари дуккакдошлар — *Fabaceae* оиласига мансуб — бўйи 50—100 см бўладиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Урта Осиёда ўсадиган турларидан қуйидаги иккитаси тиббиётда ишлатилади:

Оддий қизилмия (чучукмия) — Солодка обыкновенная — *G. glabra L.* ва Урал қизилмияси *G. uralensis Fisch.*

Ўсимлик тасвири. Қизилмия турларининг ер остки қисми яхши таракқий этган бўлиб, кўп бошли, калта, йўғон илдиэпояли. Ундан ер остида горизонтал ва вертикал новдалар (4—5 м чуқурликда) тарқалади. Пояси бир нечта, тик ўсади, шохланмаган ёки кам шохланган. Барглари ток патли мураккаб, 3—7 жуфт эллипсимон, чўзик - тухумсимон ёки ништарсимон, текис қиррали баргчалардан ташкил топган

бўлиб, банди ёрдамида пояси билан шохларида кетма-кет ўрнашган. Оқиш бинафша рангли, беш бўлакли гуллари барг қўлтиғидан ўсиб чиққан шингил гултўпламга жойлашган. Меваси — тўғри (ёки Урал қизилмиясида ўроксимон қайрилган), безли тиканчалар билан қошланган ёки силлик, пишганда очилмайдиган, кўп уруғли дуккак.

Июнь — август ойларида гуллайди, меваси август — сентябрда етилади.

**Географик тарқалиши.** Қизилмия турлари Ўрта Осиёнинг чўл ва ярим чўлларида, айниқса Туркменистон ва Ўзбекистонда (Амударё ва Сирдарё бўйида), Қозоғистонда (Сирдарё ва Урал дарёлари ҳамда Балхаш кўли бўйида), Қаваказ, собиқ СССР Европа қисмининг жанубида ва Сибирдаги шўр тупроқли чўлларда, чўллардаги ариқ, канал, дарё ва кўл бўйларида, бегона ўт сифатида экинзорларда ва бошқа қумли ерларда, қумли қияликларда ҳамда тўқайзорларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Ер остки қисми (илдизпояси билан илдизи). Уларни ўсадиган жойига қараб йил бўйи (кўпинча баҳордан кеч кузгача, Туркменистонда октябрь ойидан келаси йилнинг апрелигача) йиғиш мумкин. Қизилмия илдизи белкурак, кетмон, кўп ўсадиган жойларда трактор ва сўқа ёрдамида ҳайдаб қовлаб олинади, тупроқдан тозаланади ва қуритилади. Баъзан илдизнинг пўстлоғи пўкак қисмидан тозаланади ва очиқ ҳавода қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Илдизи таркибида 3,2—24 % тритерпен сапонин — глицирринин бирикмаси, 4 % гача флавоноидлар, 20 % гача қандлар, 34 % гача крахмал, аспарагин, эфир мойи, витамин С, аччик, 6 % гача пектин ва бошқа моддалар, Урал қизилмияси илдизида яна тритерпен сапонин — ураленоглюкурон кислотаси бор.

Илдиз флавоноидларидан ликвиритин, ликвиритозид, ликурозид, глалбозид ва бошқа бирикмалар ажратиб олинган.

Қизилмия илдизидан тайёрланган қуюқ ва қуруқ экстрактлари ҳамда шарбати нафас йўллари касалланганда балғам кўчирувчи, сурункали қабзиятда эса енгил сурги дори сифатида қўлланилади. Илдиз препаратларидан глицирам — астма, экзема, аллергия дерматит ва бошқа касалликларни, ликвиритон, ликуразид ва флакарбон яллиғланишга ва спазмага қарши таъсирга эга бўлганлиги учун меъда ва ўн икки бармоқ ичак яраси ҳамда яллиғланиш касалликларини даволаш учун ишлатилади.

Қизилмия илдизининг порошоги, қирқилган илдизи, қуюқ ва қурук экстрактлари ҳамда шарбати фармацевтика амалиётида ҳаб дори тайёрлашда, суюқ дори шакллари ва чой — йиғмаларнинг таъмини яхшилаш учун қўлланилади. Илдизининг порошоги сурғи дори сифатида ишлатиладиган мураккаб қизилмия порошоги, экстракти нафас йўллари касаллигида қўлланиладиган кўкрак эликсирини, қирқилган илдиз бўлакчалари ўпка касалликларида ишлатиладиган балғам кўчирувчи ҳамда сийдик ҳайдовчи ва ич юмшатувчи чойлар — йиғмалар таркибига қиради.

Қизилмия илдизи халқ табobatiда қадимдан турли касалликларни даволашда кенг ишлатиб келинган. Абу Али ибн Сино бу ўсимликнинг илдизи билан буйрак, қовуқ ва меъда яллиғланиши ҳамда иситма, ўпка касалликларини даволаган.

Халқ табobatiда қизилмия илдизидан тайёрланган қайнатма кўкрак оғриғи, кўкйўтал, нафас қисиши, томоқ қуриши, меъда-ичак (меъда ва ичак яллиғланиши, қабзиятда) ва бошқа касалликларда ичилади. Илдизининг қайнатмаси яна йўтал ва нафас олиш йўллари шамоллаганда балғам кўчирувчи ҳамда сийдик ҳайдовчи ва сурункали қабзиятда енгил сурғи дори сифатида қўлланилади.

Қизилмия ўсимлигининг илдизидан озиқ-овқат саноатида (пиво, қвас қабилар тайёрлашда) ҳамда техникада, тўқимачилик, кимё саноатида ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида кенг фойдаланилади.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

Қизилмия илдизидан қайнатма тайёрлаш учун қопқокли идишга 1 стакан сув қуйиб, устига майдаланган қизилмия илдизидан 15 г солинади, 10 минут қайнатилади ва 1 соат давомида дамлаб қўйилади. Кейин докани сузилади ва юқорида айтилган касалликларга даво қилиш мақсадида кунига 4—5 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

#### ҚИЗИЛЧА (ЭФЕДРА)

*Эфедрa (хвойник) — Ephedra L.*

Қизилча турлари қизилчалашлар — *Ephedraceae* оиласига мансуб, икки уйли, сершоҳ буга. Ўрта Осиёда ўсадиган қуйдаги уч туридан тиббиётда фойдаланилади.

**Оддий қизилча (Кузьмич ўти) — Эфедра двухколосковая (Кузьмичева трава) — *Ephedra distachya* L.** бўйи 10—12 см (баъзан 50 см гача) бўладиган бута.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиё (Қорақалпоғистон, Туркманистонда Каспий олди текислигининг шимол қисмида), собиқ СССР Европа қисмининг жанубида, Қозоғистон, Кавказ ва Ғарбий Сибирдаги чўл, ярим чўл ва тоғларнинг майда тош-тупрокли ён бағирларида ўсади.

**Тоғ қизилчаси (қирқбўғимсимон қизилча) — Эфедра хвощевая — *Ephedra equisetina* Vge.** — бўйи 1,5—2, 5 м га стадиган сершоҳ бута.

**Географик тарқалиши.** Асосан Ўрта Осиё республикаларида, Қозоғистонда, қисман Олтой ва Кавказдаги тоғларнинг пастки ва ўрта қисмида, денгиз сатҳидан 1000—1800 м (жанубий қияликларда 3400 м гача) баландликдаги тоғ ёнбағирларида, қуруқ, шағалли тоғ қияликларида ўсади.

**Чўл қизилчаси — Эфедра средняя — *Ephedra intermedia* Schrenk** — бўйи 1 м гача бўлган бута.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиё республикаларидаги ярим чўлларда, кумли тепаликларда, тоғ этакларида ҳамда тоғларнинг пастки қисмидаги шағалли ва тошли ёнбағирларида, қуруқ ерларда ўсади.

**Ўсимлик тасвири.** Қизилча турларининг пояси тик ўсади, шохлари ва шохчалари бўғимли, ёғочланган, цилиндрсимон. Барглари ниҳоятда редуцияланган (ўзгарган), тангачасимон бўлиб, пояси билан шохларининг бўғимларида карама-қарши ўрнашган. Гуллари бир жинсли, оталик ва оналик гуллари алоҳида ўсимликларда жойлашган. Меваси — шарсимон ёки думалоқ эллипссимон, қизил ёки сарғиш қизил рангли, бир ёки икки уруғли, серэт гудда мева.

Май — июнь ойларида гуллайди, меваси июль — августда етилади.

**Кўлланиладиган қисми.** Ўсимликнинг яшил рангли, ёғочланмаган шох ва шохчаларини апрель ойида қўл билан синдириб ёки пичок, ўрок билан қирқиб олинади ва очик ҳавода, қуёшда қуритилади. Ўсимликнинг янги новдалари ўсиб етилганда, яна июнь ёки июль ойларида қайтадан ўриб олинади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Қизилча турларининг ер устки қисми таркибида 0,25—3, 2 % алкалоидлар, фенол кислоталар (бензоат, долчин, п-кумар, протокатех ва бошқалар), 240—660 мг % витамин С, 2,34—14,04 % ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Алкалоидларнинг асосий қисмини эфедрин (сумманинг

90 % и атрофида), қолган қисмини псевдоэфедрин ва метилэфедрин ташкил қилади.

Қизилча турларининг алкалоидларидан фақат эфедрин гидрохлорид тузи тиббиётда ишлатилади. Тоғ қизилчаси эфедрин олиш учун асосий манба ҳисобланади. Агарда тоғ қизилчаси етарли бўлмаса, у ҳолда чўл қизилчасидан олинади. Оддий қизилчадан эфедрин олинмайди, чунки унинг таркибда алкалоидлар миқдори кам (0,25—1,7 %) ҳамда ўзи жуда кичкина, бўйи паст бута.

Эфедрин гидрохлориднинг порошок, таблетка ва ампуладаги эритмаси оғир операция ёки травмадан сўнг кўп қон йўқогилиши натижасида юз берган қолланс ҳолатида, қон босими пасайганда (гипотония), миостения, аллергия, бронхиал астма, пичан иситмаси (пичан астма-си), эшакем тошганда, вазомотор тумов ва бошқа касалликларда қўлланилади. Эфедрин гидрохлорид яна морфин ва скополамин алкалоидлари ҳамда наркотик ва ухлатувчи дорилар билан заҳарланганда ҳам ишлатилади.

Тоғ (қирқбўғимсимон) қизилчасининг ёш новдаларидан тайёрланган дамлама ва қайнатма халқ табобатида қаттиқ шамоллаш, безгак, бод, юрак, ўнка, бош оғриғи, меъда яраси ва бошқа касалликларни даволашда ишлатилади. Шу дамлама ёки қайнатма билан кўтир, тери қичиши ва терининг бошқа касалликлари даволанади. Тоғ қизилчаси мевасидан тайёрланган мураббо иситмане тушириш учун қўлланилади.

Қизилча ер устки қисми ёндирилгандаги тутуни билан беморларнинг кийимлари дезинфекция қилинади (дудланади).

Оддий қизилча (Кузмич ўти) ёш новдаларидан тайёрланган дамлама ва қайнатма билан халқ табобатида юрак, нафас йўллари, меъда-ичак дардлари, бод, подагра ва бошқа касалликлар даволанади.

#### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

Оддий қизилчадан қайнатма тайёрлаш учун қолқокли идишга 2 стакан сув қўйиб устига майдаланган ер устки қисмидан 1 чой қошиқ солинади ва идишдаги сув 1 стакан қолгунча қайнатилади ва 1 соат давомида дамлаб қўйилади. Сўнгра доқада сузилади ва юқорида кўрсатилган касалликларда кунига 1 ош қошиқдан 3—4 маҳал ичилади.

Ўсимликнинг заҳарли эканлигини унутмаган ҳолда кўрсатилган миқдордан ортиқча истеъмол қилинмасин!

## КИЗИЛЮГУРИК, НАШАНАМО ДАТИСКА

*Датиска коноплевая — Datisca cannabina L.*

**Ўсимлик тасвири.** Кизилюгурик датискадошлар — *Datisca* оиласига мансуб, бўйи 2,5 м га етадиган икки йўли кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, шохланмаган. Барглари ништарсимон, ўткир учли, ўткир иррасимон қиррали бўлакчаларга патсимон қирқилган бўлиб, банди ёрдамида поясида кетма-кет ўрнашган. Майда, кўримсиз, бир жинсли гуллари барг қўлтиғидан ўсиб чиққан узун шингил тўпғулига жойлашган. Меваси — кўсакча.

Июнь — июль ойларида гуллайди, меваси август — сентябрда етилади.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиё ва Кавказнинг тоғли жойларидаги катта-кичик ариқ бўйларида, шагалли, майда тошли ва қумли нам ерларда ўсади.

**Кўлланиладиган қисми.** Тиббиётда кизилюгурикнинг ер устки қисми, баъзан халқ табобатида меваси ишлатилади. Ўсимликнинг ер устки қисми гуллаган вақтида, поясининг ўғон қисмидан алоҳида ўриб олинади ва соя ерда қуритилади. Меваси пишганда ўсимликнинг юқори қисми қурилади, қуёшда — очик ҳавода қуритиб, янчиб мевалани ажратиб олинади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Кизилюгурик (нашанамо датиска) ер устки қисми таркибида 6% гача флавоноидлар (датисцетин, галангин, каннабин), 1,3—4,43% органик кислоталар, 1—5% кандлар, 70,4—126,7 мг % витамин С, 1,16—2,95% ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Халқ табобатида мевасининг қайнатмаси (ёки дамламаси) сурги ва кучли қустирувчи восита сифатида қўлланилади.

Ер устки қисмидан олинган препарати — дитискан флавоноидлар йиғиндиси — суммаси) илмий тиббиётда т ҳайдовчи, спазмага қарши таъсир этувчи ва яраларни аволовчи восита сифатида жигар, ўт копи ва ўт йўллари амда меъда ва ўн икки бармоқ ичакнинг яра касаллигини аволашда қўлланилади.

## КОВОК

*Тыква — Cucurbita L.*

**Ўсимлик тасвири.** Қовоқдошлар — *Cucurbitaceae* оиласига мансуб, осилиб ўсувчи, палагининг узунлиги 2—8, баъзан 10 м га етадиган бир йиллик ўт ўсимлик.

Пояси қиррали, дағал тукли, жингалаклари ёрдами осилиб ўсади. Барглари йирик, юраксимон, чуқур бўлаккли, дағал тукли бўлиб, узун банди ёрдамида поя билан шоҳларида кетма-кет ўрнашган. Йирик, сар рангли, ёқимли ҳидли, бир жинсли, беш бўлаккли гулла барг қўлтигига тўп-тўп бўлиб (эркак гуллари) ёки якк якка ҳолда (урғочи гуллари) жойлашган. Меваси йирик, серэт ва ширали, ҳар хил ранг ва шаклдаги к уруғли ҳўл мева. Уруғи сарик рангли ва япал эллипсимон.

Июнь ойидан бошлаб гуллайди, меваси август сентябрда пишади.

**Географик тарқалиши.** Ватани Мексика, кўпчил ноҳияларда полиз экини сифатида ўстирилади.

Тиббиётда уч турининг уруғи ишлатилади: **Картош қовоқ** — **Тыква крупная С. maxima Duch**; **Ош қовоқ (Ойим қовоқ)** — **Тыква мускусная — С. moschata Duch**; **Оддий қовоқ (Сапча қовоқ)** — **Тыква обыкновенная С. реро L.**

**Қўлланиладиган қисми.** Уруғи ва юмшоқ ейиладиган эти. Пишган қовоқ мевасини ёриб, уруғи ажратиб олинган тозаланган ва очик ҳавода — қуёшда қуритилган. Уруғидан тозаланган этили қисми пишириб истеъм қилинади ёки пиширмасдан эзиб, шираси олинади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Уруғи таркиби 50% гача ёғ, витамин С ва В, органик кислотала смолалар, каротиноидлар ва бошқа моддалар бор. Қовоқ мевасининг юмшоқ, ейиладиган қисмидан тиббиётда ҳафойдаланилади. Унинг таркибида 4—11% қандлар, витамин РР, С, В ва В<sub>2</sub>, 16 мг % гача каротиноидлар, элатерицин А, минерал (калий ва бошқа) тузлар сақланади.

Қовоқ уруғи ва унинг порошоғи (майдаланган ҳолда) қайнатмаси, аталаси ҳамда эмульсияси лентасимон (баъзан юмалоқ) гижжаларни тушириш учун қўлланилади. Мевасининг юмшоқ — этили қисми парҳез таом сифатида атеросклероз, қабзият ҳолларда ва жигар, буйрак қовоқ касалликларида сийдик ҳайдовчи восита сифатида истеъмол қилишга тавсия этилади. Мевасининг юмшоқ қисмидан (этидан) олинган каротиннинг ёғли эритмаси экзема, қийин битадиган ва йирингли яралар, қуйган совуқ олган ерларни, шиллик парданинг зарарланган ерлари ва терининг бошқа сурункали касалликларини даволашда ишлатилади. Қовоқ мевасининг юмшоқ, ейиладиган қисмидан каротин олинади.

Қовоқ мевасидан тайёрланган қайнатмани Абу Али



Сино кўкрак оғриғида ва йўталга қарши қўллаган. Кўрда кўмиб пиширилган ва қанд билан аралаштирилган ковокни ични юмшатиш учун истеъмол қилишга буюрган. Пиширилмаган ковок шираси билан Иби Сино томоқ оғриғини ва мия касалликларини (миядаги шишларни, мия яллиғланишнини) даволаган.

Сувда ёки кўрда кўмиб пиширилган ковок халқ табобатида пархез таом сифатида сариқ ва жигарнинг бошқа касалликларида, буйрак ва сийдик-тош касалликларида сийдик ҳайдовчи дори сифатида қўлланилади. Темиратки касаллигида ковокнинг этли қисмини майдалаб эзиб, унинг устига қўйиб боғланади.

Халқ орасида ковок уруги гижжаларни тушириш учун қадимдан ишлатиб келинади.

### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ҚОЙДАЛАНИШ

1. Қовок уруги қовурилади-да, 2—3 кун мобайнида хунига наҳорга 150—200 г (болалар учун 50—100 г) дан истеъмол қилинади. Хом уругини ейиш ҳам мумкин. Ҳар иккала ҳолда ҳам 3—4 соат ўтказиб сурги дори ичилади. Ёш болаларга ҳукна (қлизма) қилинади. Умуман, гижжаси борлигига шубҳа қилинган болаларга ковок уругидан еб юриш маслаҳат берилади.

2. Юраги операция қилинган ёки юраги тез-тез ўйнаб турадиган мадорсиз одамлар ҳам қувват бўлсин учун, ҳам ковокда калий бўлганлиги учун япроқ-япроқ қилиб қозонга ёпиб пиширилган ковок эти билан думба ёғини бирга қўшиб истеъмол қилсалар юракка жуда яхши дармон бўлади.

3. Тозаланган ковок уругидан 200 г олиб 500 мл сувда 1 соат мобайнида (бевосита оловда эмас, балки қайнаб турган сувга идиши билан қўйиб) қайнатилади. Совигач доқадан ўтказиб, наҳорга болаларга 2 бўлиб ичирилади.

4. Тозаланган ковок уругидан 250 г олиб ҳовончада яхшилаб эзилади ва устига 50 мл қайнаган сув, 50 г асал ёки мураббо қўшиб яхшилаб аралаштирилади. Сўнг тайёр бўлган препаратни гижжани тушириш учун эрталаб наҳорда ўринда ётган ҳолда 1 соат мобайнида оз-оздан еб уғатилади. 3 соатдан сўнг сурги дори ичилади ёки ҳукна (қлизма) қилинади. 7—10 яшар болаларга шу микдорнинг ярми берилади.

5. Қовок уруги тозаланган ҳолда қоғоз халталарда 30 г дан чиқарилади. Уни дорихонадан олиб ишлатиш анча қулай.

## РЕЦЕПТ

Rp.: Semenae Cucurbitae 130,0

D. S. Маҳсулотни ховончада эзиб 30 мл су  
30 г асал (ёки мураббо) қўшиб нахорга 1 соғ  
мобайнида ўрнида ётган ҳолда ейишга 10 яш  
болга берилин.

### КОНТЕПАР, ҚУП ҚИЙҚЛИ КОНТЕПАР

*Биберштейния многонадрезная — Biebersteinia multifi-  
da D. C.*

**Ўсимлик тасвири.** Контепар ёронгулдошлар — Geraniaceae оиласига мансуб, бўйи 10—16 см га етадиган сертун йўғон илдизи кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси биттёки бир нечта бўлиб, тик ўсади. Кам шохланган. Барглари чўзиқ ёки ништарсимон, 3 та чизиксимон ёки ништарсимо бўлакли сегментларга уч марта патсимон ажралган бўлиқ киска банди (пастки барглари) ёрдамида ёки бандсиз (эн юқоридагилари) поясида кетма-кет ўрнашган. Тўқ сарик сарик рангли, беш бўлакли гуллари пояси билан шохларнинг юқори қисмидаги шингил гул тўпламига жойлашган. Меваси — нишганда 5 та қуруқ мевачага ажралувчи тўмева.

Апрель — июнь ойларида гуллайди ва меваси етилади.

**Географик тарқалиши.** Ўрта Осиё ва Кавказ тоғларида; тоғларнинг пастки қисмидан то ўрта қисмигача бўлга шағалли ва тошли қияликларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Халқ табобатида контепарнинг йўғон, туганаксимон илдизи ишлатилади. Уни кузд қовлаб олинади, туңроқдан тозалаб, сувда ювилади в бўлақларга бўлиб, қуёшда қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Илдизи таркибид 33,9 % углеводлар (моносахаридлар, крахмал, декстрин в бошқалар), 0,1 % алкалоид вазицин, 0,45 % флавоноидлар, 8,36 % ошловчи ва бошқа моддалар, ер устқ қисмида эфир мойи, тритерпен санонинлар, алкалоидлағ ошловчи ва бошқа бирикмалар бор.

Илдизидан тайёрланган қайнатмаси Ўрта Осиё халқ табобатида ичакдан ва бачадондан (туққандан сўнг) қокетишини тўхтатиш учун, меъда касалликларини давлашда қўлланилади. Сутда тайёрланган қайнатмаси бил: астма, сарик касаллиги, нафас йўллари касаллиги, мижа сустлиги ва бошқа касалликлар даволанади.

**ҚОНЧҮП, КАТТА  
ҚОНЧҮП**

*столет большой —  
elidonium majus L.*

Ўсимлик тасвири.  
чўп кўкнордош —  
Paravegaseae

исига мансуб, бўйи  
100 см гача ўсади-  
кўп йиллик ўт  
млик. Пояси тик  
и, юкори қисми  
ланган. Илдизолди  
поясининг пастки  
сидаги барглари  
ли, юкоридагилари  
сиз, поя ва шохла-  
и кетма-кет ўрнаш-

Барглари юпка,  
р 3—5 бўлакка  
юкоридагиси йирик-  
патсимон кир-  
ав. Оч сарик ранг-  
гуллари поя ва  
лари учиди 4—8 та-  
оддий соябонга  
лашган. Қосача бар-  
иккита, гуллаганда  
иб кетади, тожбар-  
тўртта. Меваси —  
уруғли, чўзник кў-  
а.

Ҳай — сентябрь  
рида гуллайди, ме-  
июнь — октябрда  
ади.

еографик тарқали-  
Собиқ СССР нинг  
па қисми, Қрим,  
ан Қозоғистон, Си-  
ва Узоқ Шарқдаги  
ин ерларда, бута-  
эрасида, ўрмон чет-  
да, жар бўйлариди,  
и яшайдиган жой-  
а, боғ ва полиз-  
а ўсади.



45-расм. Қончўп.

**Қўлланиладиган қисми.** Тиббиётда қончўпнинг ер устки қисми ишлатилади. Уни ўсимлик гуллаган вақтида ўриб олинади ва соя ерда қуритилади.

**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Қончўп ер устки қисми таркибида 0,97—1, 87 % алкалоидлар (хелидонин халэритрин, сангвинарин, протопин ва бошқалар), эфир мойи, 171 мг % гача витамин С, 14,9 мг % гача каротин органик (хелидон, олма, лимон ва бошқа) кислоталар флавоноидлар, сапонинлар ва бошқа моддалар бор.

Ер устки қисми дамламаси жигар ва ўт пуфағи касалликларида ўт ҳайдовчи восита сифатида, ер устки қисмидан тайёрланган паста тери силлини даволашда қўлланади. Ер устки қисми ўт ҳайдовчи чойлар — йиғмалар таркибига киради.

Қуритилмаган ўсимлик тўқ сарик рангли сут ширага бой. Бу шира билан халқ табobatiда сўғал ва қадон йўқотилади, тери касалликлари (тери сили ва бошқалар) даволанади.

Иби Сино қончўп ер устки қисмини винода аралаштириб учукни даволаган, тиш оғриғида оғриқни қолдириш учун илдизини чайнашни буюрган. Қуритилмаган қончўп ер устки қисмининг ширасини ярми қолгунча буғлатиб қолган ширасини кўз қувватини кучайтириш учун бе морларга ичишга буюрган.

#### ҚОРА АНДИЗ

*Девясил высокий — Inula helenium L.*

**Ўсимлик тасвири.** Астрадошлар (мураккабулдошлар) — Asteraceae (Compositae) oilасига мансуб, бўйи 100—80 см келадиган йирик кўп йиллик ўт ўсимлики. Пояси битта ёки бир нечта, тик ўсади, юқори қисми шохланган. Илдиз олди барглари йирик, узун бандли эллипсимон ёки чўзиқ тухумсимон ва ўткир учли бўлади. Поясидаги барглари майдарок, чўзиқ тухумсимон бўлиб банди ёрдамида (пастки қисмидагилари) ёки бандиси (поясининг юқори қисмидагилари) поя ва шохларида кетма-кет ўрнашган. Ҳамма барглари сертук (айниқса пастки томони) ва тишсимон қиррали. Тилла сариқ гуллари пояси билан шохчалари учида қалқонсимон ёки шингилсимон тўпгул ҳосил қилувчи саватчаларга жойлашган. Меваси — тўрт қиррали, чўзинчоқ писта.

Июль ойидан бошлаб сентябргача гуллайди, меваси август — октябрда етилади.

**Географик тарқалиши.** Собиқ СССРнинг Европа қисми, Кавказ, Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Фарбий



46- расм. Қора андиз.

Сибирдаги тоғ этакларидан то тоғларнинг ўрта қисмигача бўлган тўқайзорларда, дарё водийларида, буталар орасида, ўтлоқларда, ўрмонлардаги очик жойларда ва бошқа нам ерларда ўсади.

**Қўлланиладиган қисми.** Илдизпояси билан илдизи. Улар кузда меваси пишиб тўкилгандан сўнг ёки эрта баҳорда ковлаб олинади, тупроқ ва лойдан сув билан ювиб тозаланади, йўғонларини майдалаб, очик ҳавода — қуёшда қуритилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Ер устки қисми таркибида 1—3 % эфир мойи, 44 % гача инулин ва бошқа углеводлар, сапонинлар, 0,16 % алкалоидлар, смола, аччик, бўёк, шиллик ва бошқа моддалар бор.

Илдизпояси билан илдизининг қайнатмаси нафас йўллари касаллигида балғам кўчирувчи восита сифатида қўлланилади. Ер остки органларидан олинган аллантон препарати меъда ва ўн икки бармоқ ичак яраси касаллигини даволаш учун ишлатилади.

Қора андиз препаратлари ва эфир мойи яллиғланишга қарши, антисептик ва гижжа ҳайдовчи (айниқса эфир мойи таркибидаги аллонталактон ва изоаллонталактон бирикмалари) таъсирга эга. Қора андиз илдизи билан илдиз пояси йўталга қарши ва балғам кўчириш учун ишлатиладиган йиғмалар — чойлар ҳамда Эдренко йиғмаси таркибига киради.

Қора андиз қадимдан халқ табобатида турли касалликларни даволаш учун қўлланиб келинган. Уни Абу Али ибн Сино бўғим оғриганга, радикулит касалликларига даво қилган, илдиз қайнатмасини балғам кўчирувчи, сийдик ҳайдовчи восита сифатида ишлатган, илдизи билан баргининг қайнатмасига докани хўллаб эт узилган жойга боғлаган.

Илдиз ва илдизпоясидан тайёрланган қайнатма ёки дамлама ва уларнинг порошоғи ҳозирги вақтда ҳам халқ табобатида балғам кўчирувчи, кситмани туширувчи, терлатувчи, сийдик ва гижжа ҳайдовчи, иштаха очувчи восита сифатида ишлатилади. Нафас йўллари шамоллаши ва яллиғланиши, буйрак ва сийдик йўллари ҳамда меъда касалликларида, грипп, бавосил ва бошқа касалликларни даволашда қўлланилади. Қайнатмаси билан яна кўтир, гуш (экзема), турли яралар ва терининг бошқа касалликларни даволанади.

Халқ табобатида андизнинг бошқа турлари — Сарик андиз — Девясил крупный — *I. grandis Schrenk*, Британия андизи (чачалбош) — Девясил британский — *I. britannica L.* ва бошқалар юқорида кўрсатилган касаллик-

ларни даволашда қора андиз билан бир қаторда ишлатилади.

Сариқ андизнинг ер остки органлари таркибида 2,20—3,17 % эфир мойи (асосий қисми аллантолактонлар), 2—20 % қандлар, 12—32 % икулин, 5,68—13,71 % смолалар (20,4—30,1 % эфир мойи ташкил этади) ва бошқа бирикмалар бор. Баргида яна флавоноидлар, хромонлар, сапонинлар, алкалоидлар ва бошқа моддалар учрайди. Сариқ андизнинг ҳамма органларидан грандилин, ивалин, грандин, игалин ва бошқа сесквитерпен лактонлар олинган.

Сариқ андиз илдизи илмий тиббиётда қора андиз билан бир қаторда ишлатилади. Унинг препаратлари яна меъда ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги ва меъда яллиғланишида ишлатишга тавсия этилган.

### ДОРИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув қўйилади, устига майдаланган илдиз ва илдизпоясидан бир чой қошиқда солиб, 8 соат дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузиб, юқорида айтиб ўтилган касалликларда кунига 4 маҳал овқатдан 20 минут олдин чорак стакандан ичилади.

2. Қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан сув қўйиб, устига майдаланган илдиз ва илдизпоясидан 20 г солинади, бир оз қайнатиб 4 соат дамлаб қўйилади. Сўнгра докадан ўтказиб кунига 3—4 маҳал овқатдан 20 минут олдин бир ош қошиқдан ичилади.

3. Тери касалликларига даво қилиш учун қайнатмани кўпроқ қилиб тайёрланади. Бунинг учун оғзи ёпиладиган идишга 1 л сув қўйилади, устига майдаланган илдиз ва илдизпоясидан 100 г солиб, бир оз қайнатилади ва 4 соат дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузиб, яра, экзема ёки кўтир бўлган ерлар кунига бир неча марта ювилади ва охири ҳар гал докани хўллаб ўша жойга боғланади.

### РЕЦЕПТЛАР

Rp.: Dec. rad. Inula ex 18,0—180,0

D. S. Кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилсин.

Rp.: Rad. Inulae

Rad. Liquiritiae an 30,0

D. S. Маҳсулотдан 2 чой қошиқда олиб 1 стакан сувда 30 минут қайнатилсин. Сўнг докадан ўтказиб илик ҳолида кунига 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилсин.

**КОРАЗИРА, ОДДИЙ  
КОРАЗИРА**

*Тмин обыкновенный* — *Carum carvi* L.



47- расм. Қоразира.

**Ўсимлик тасвири.** Селдердошлар — (соябонгулдошлар) — *Ariaceae* (*Umbelliferae*) оиласига мансуб, бўйи 25—80 см га етадиган икки йиллик ўт ўсимлик. Пояси (иккинчи йил ўсиб чиқади) тик ўсади, юқори қисми шохланган. Барглари икки ва уч марта чизиксимон бўлақларга ажралган, илдиэолди барглари узун бандли, поядагилари қисқа бандли бўлиб, пояси билан шохларида кетма-кет ўрнашган. Майда, оқ ёки пушти рангли, беш бўлакли гуллари мураккаб соябон гултўпламига жойлашган. Меваси — чўзиқ кўшалок писта.

Июнь — июль ойларида гуллайди, меваси июль — августда пишади.

**Географик тарқалиши.** Собик СССР Европа қисмининг ўрмон ва ўрмон чўл зоналарида, Сибирнинг жанубидаги, Кавказ ва Урта Осиёдаги тоғли ўрмонларда, ўрмон четларида ва ўтлоқларда ўсади. Украинада ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Меваси ва ундан олинадиган эфир мойи. Ўсимликни биринчи соябонларидаги мевалари пиша бошлаганда (июль — август ойларида) ўриб олиб хирмонда қуритилади. Сўнг ўсимлик янчиледи ва мевалари махсус машиналарда еллиб, ажратиб олинади.



**Кимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Меваси таркибида 3—7 % эфир мойи, 14—22% ёғ, 20—23 % оксил, флавоноидлар (кверцетин ва кемпферол), ошловчи ва бошқа моддалар бор. Эфир мойи 40—50 % лимонен, 40—70 % карвакрол, 50—60 % карвон ва бошқа терпеноидлардан ташкил топган.

Мева дамламаси ичак атониясини даволаш, оғрик қолдириш, овқат ҳазмини яхшилаш учун, диспепсия ва энтерит касалликларида ҳамда қорин дам бўлганда (метеоризм) ел хайдовчи восита сифатида қўлланади. Меваси сийдик ва ел хайдовчи ҳамда меъда касалликларида ишлатиладиган чой — йиғмалар таркибига киради. Баъзан мевасидан мева суви тайёрланади ва уни ичак санчиғида (айниқса, болаларда), тиш оғриғида оғрик қолдириш учун қўлланилади ва миозитда баданнинг яллиғланган жойига суртилади. Эфир мойи фармацевтика амалиётида суюқ дориларнинг ҳиди ва таъминини яхшилаш учун ишлатилади.

Қоразира меваси қадимдан халқ табобатида турли касалликларни даволаш учун ишлатиб келинган. Унинг мевасини Ибн Сино терлатувчи, ел хайдовчи ва гижжани туширувчи восита сифатида қўллаган.

Мевасидан тайёрланган дамлама ёки қайнатма халқ орасида меъда-ичак касалликларини (ичак ишининг бузилиши, ичакнинг заифлашиши, диспепсияда), сил ва бошқа касалликларни даволашда ҳамда ел ва сийдик хайдовчи дори сифатида ишлатиб келинади, дамламаси билан экземада тери ювилади.

Қоразиранинг эфир мойи парфюмерияда, меваси эса озик-овқат саноатида қўлланилади.

## ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Қоразирадан дамлама тайёрлаш учун қопқоқли идишга 1 стакан қайнаб турган сув қуйиб, устига 1—2 чой қошиқда мевадан солинади ва 2 соат дамлаб қўйилади. Сўнг доқада сузилади ва юқорида кўрсатилган касалликларга даво қилиш учун кунига чорак стакандан 3 маҳал овқатдан 20 минут олдин ичилади.

Болаларга эса шундай дамламасидан 3 маҳал овқатдан 20 минут олдин 1 чой қошиқда берилади.

2. Қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишдаги 2 стакан сувга қоразира мевасидан 2 чой қошиқда солинади ва 3 минут қайнатилади. Сўнг устига 1 ош қошиқда шакар қўшиб аралаштириб, тиндириб қўйилади. Кейин қайнатма доқада сузилади ва юқорида кўрсатилган

касалликларда ҳамда эмизикли аёлларнинг сутини кўпайтириш мақсадида овқатдан олдин ярим стакандан кунига 3 маҳал ичилади.

3. Иштаҳа очиш учун овқатланишдан 20—30 минут олдин қоразира кукунидан пичоқ учида ичиш ҳам мумкин.

#### РЕЦЕПТ

Rp.: Fructus Carvi 100,0

D. S. 1 стакан қайнаб турган сувга 1 ош қошиқда мевадан солиб, 3—4 минут қайнатилсин. Хоҳишга қараб шакар солиш мумкин. Тайёр бўлган қайнатмадан 3 маҳал 1 ош қошиқдан ичилсин.

#### ҚОРА ҚОРАҚАТ

*Смородина черная — Ribes nigrum L.*

**Ўсимлик тасвири.** Қоракатдошлар — Saxifragaceae оиласига мансуб, бўйи 1—1,5 м га етадиган бутта. Барглари панжасимон 3—5 бўлакли бўлиб, банди ёрдамида пояси билан шохларида кетма-кет ўрнашган. Беш бўлакли, пушти-қулранг гуллари шингил гултўпламига жойлашган. Меваси—хушбўй, юмалоқ шакли, тўқ-бинафша ёки қора рангли, кўп уруғли хўл мева.

Май — июнь ойларида гуллайди, меваси июль — августда пишади.

**Географик тарқалиши.** Собик Иттифоқ ўрмон зонасидаги нам ўрмонларда, нам ўтлоқларда, ботқоқлик четларида ва ариқ бўйларида ўсади. Собик СССР Европа қисмида, Кавказ, Ўрта Осиё, Қозоғистон, Сибирда ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Барглари билан меваси. Барглари ўсимлик гуллаши олдидан ёки гуллаш даврида йиғилади ва соя ерда қуритилади. Меваси тўлиқ етилганда териб олинади ва қуёшда ёки печларда кўпи билан 65°C даги ҳароратда қуритилади. Кўпинча қуритилмаган меваси шарбат тайёрлаш учун ишлатилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Барги таркибида 400 мг% гача витамин С ва Р, эфир мойи, мевасида — 568 мг % гача витаминлар: С, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, В<sub>6</sub> ва К, каротин, 2,5—4 % органик (олма, лимон ва бошқа) кислоталар, 4,5—16,8 % қандлар, флавоноидлар (кверцетин, изокверцитрин, антоцианлар), пектин, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Барг ва мева дамламаси лавша (цинга) ҳамда бошқа гипо-ва авитаминоз касалликларини даволаш учун, меваси терлатувчи ва сийдик ҳайдовчи восита сифатида қўллана-



48- расм. Қора қоракат.

ди. Барг ва меваси витаминли чойлар — йиғмал таркибига киради.

Қора қорақат мевасидан озик-овқат саноатида ке фойдаланилади.

Қора қорақат баргидан тайёрланган дамламаси ха табобатида бод, тери ва буйрак касалликларига да қилинади, қон босими ошганда уни пасайтириш уч беморларга берилади, терлатувчи ва сийдик ҳайдов восита сифатида кенг қўлланилади. Барги билан ё новдаларидан тайёрланган қайнатмасига тери сил ширинча ва бошқа диатез касалликлари билан оғриг болалар чўмилтирилади.

#### ДОРИ ТАЙЕРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ

1. Ҳсимлик мевасидан 10 ош қошиқда олиб, қайн турган 1 л сувга солинади ва 15 минут дамлаб қўйилади. Тайёр бўлгач, докада сузиб юқорида айтиб ўтилг касалликларда кунига ярим — бир стакандан бир не марта ичилади.

2. Ҳсимлик баргини майдалаб тахминан 30 г олинади, 3 стакан қайнаб турган сувга солинади ва совигуни қадар дамлаб қўйилади. Сўнг докадан ўтказиб ярм стакандан 3 маҳал ичилади.

#### РЕЦЕПТ

Rp.: Fructus Ribis nigri 100,0

D. S. 1 стакан қайнаб турган сувга 1 ош қоши да солиб дамлаб қўйилсин ва совигач ярим стакандан 2—4 маҳал ичилсин.

#### ҚОРА ТЕРАК (МИРЗА ТЕРАК, БАҚА ТЕРАК)

*Тополь черный (осокорь) — Populus nigra L.*

**Ҳсимлик тасвири.** Толдошлар — Salicaceae оиласи мансуб, бўйи 25 м гача ўсадиган д а р а х т . Танаси йўғо хира кулранг тусли пўстлоқ билан қопланган. Барглари учбурчак-тухумсимон, майда аррасимон қиррали бўли узун банди ёрдамида шоҳларида кетма-кет ўрнашга Қалта новдаларидаги барглари тўртбурчак шаклида, ас қисми понасимон, аррасимон қиррали ёки қўпинча теки қиррали. Майда, бир жинсли гуллари қопловчи тангач лар қўлтиғига жойлашган кучалага тўпланган. Меваси пишганда 2—4 паллага бўлинадиган, қўп уругли қўсақча.

Март — апрель ойларида гуллайди ва меваси етилади.

**Географик тарқалиши.** Собик СССР Европа қисмини

жанубида, Кавказ ва Урта Осиёда ўсади. Манзарали дарахт сифатида шаҳар ва кишлоқларда ўстирилади.

**Қўлланиладиган қисми.** Барг куртаги. Уни эрта баҳорда (март — апрель ойларида), куртаклар шишган вақтида, лекин ҳали барг чиқармасдан олдин йиғилади. Куртаклар олдин соя ерда сўлителиб, кейин қуёшда қуритилади.

**Қимёвий таркиби ва ишлатилиши.** Барг куртаги таркибида 0,3—0,7 % эфир мойи, салицин, популин ва хризин гликозидлари, олма ва бошқа кислоталар, смолалар, ошловчи, бўёқ ва бошқа моддалар бор.

Барг куртагининг эфир мойи ёқимли бальзам ҳидли ярим қаттиқ масса бўлиб, кариофиллен, дитерпен, цинеол, сесквитерпен, популен ва бошқа бирикмалардан таркиб топган.

Қора терак барги таркибида салицин гликозиди, 150—285,7 % витамин С, 33,69 мг % каротин, эфир мойи ва бошқа моддалар бор.

Пион уклоняющийся	Огма саллагул	Илдизпоеси би- лан қлдизи	Настойкаси	Седатив (тинчлантирувчи)
Плацы-баранец (ба- ранец обыкновенный)	Оддий хунерзая	Ер устки қисми	Дамламаси, кайтатмаси	Алкоголизм ва кашандаликка қарши
Подорожник большой	Бурга зубтуруми	Ер устки қисми	Шираси	Тери касалликларига Меъда-ичак касаллигида
Подорожник боль- шой	Катта зубтурум	Барги	Шираси Плантаглоцид	Меъда-ичак касаллигида Слазмолитик, яллиғланшига қарши
Подорожил шитовид- ный	Қалқонсимон подо- филлум	Илдизпоеси билан илдкаси	Дамламаси Настойкаси	Меъда-ичак касалликларига Меъда-ичак касалликларига
Подснежник Воро- кова	Воронов галантуси	Гибзчаси	Подофиллин Галантамин гидробромид	Ўсмага (ракка) қарши ва ўт хайдовчи Миастения, миопатия, полко- миелит, полиневрит ва ради- кулит касалликларига

Глобальный одно- летний	Кунгабокар	Мой, барга	Кунгабокар мой	Сурма, малхам тайёрлашда Иштаха очувчи, иситмага карши
Польнь горькая	Анчик шувок (эр- мон)	Ер устки кисми	Меъда томчилар Анчик настойкаси Меъда таблеткалар' Дамламаси	Спазмолитик Иштаха очувчи Спазмолитик Иштаха очувчи Иштаха очувчи Меъда-ячак касаллигида
Польнь обыкновен- ная	Оддий шувок	Ер устки кисми	Здренко йиғмаси'	Юрак-томир касаллигида Думалок гижжани хад- дашда Сийдик хайдовчи
Польнь таврическая	Крым шувоғи	Ер устки кисми	Тауремизин таблеткаси	Пес касаллигига карши
Польнь цитоверная	Дармана шувок	Гули	Гулидан тайёрланган дон- чалари (грануладалари) Дамламаси	Тинчлантирувчи
Почечный чай (орго- сифон тыченечный)	Буйрак чойи (орго- сифон)	Барги	Песорален	Тинчлантирувчи
Песоралея костяноко- вая	Данакли оккурай	Уруги, илдизи	Настойкаси	Меъда-ячак касаллигида Тинчлантирувчи
Пустырник сердеч- ный (обыкновенный)	Оддий арслонкуйрук	Ер устки кисми	Здренко йиғмаси' Дамламаси	Тинчлантирувчи
Пустырник пятило- пастный	Беш бўлакли арс- лонкуйрук	Ер устки кисми	Суюк экстракти Митрошини суюклиги	Актисептик, терига ишлати- лади
Пшеница обыкновен- ная	Бугдой	Уруги	Аймалин	Аритмияга карши
Раувольфия змеиная	Раувольфия	Илдиз пўстоғи	Роунатин	Кон босимани туширувчи
Ревень тангутский	Тангут равочи	Илдизи	Кайнатмаси, шарбати, таблеткаси, курук экс- тракти	Меъда-ячак касаллигида
Родiola розовая	Пушти родиола	Илдизпоясн билан илдизи	Суюк экстракти Кайнатмаси	Тонусни оширувчи
Ромашка аптечная	Киркма барг (дори- вор), Мойчечак (га- закут)	Гули	Дамламаси	Яллиғланништа карши, спаз- молитик

Ҷумланинг русча номи	Ҷумланинг ўзбекча номи	Қўлланадиган қисми	Олинган ёки тайёрланган дорӣ воситалари	Асосий таъсири ва ишлатилиши
1	2	3	4	5
Ромашка душистая (зеленая)	Хушбўй (яшил) мой-чечак		Здренко йиғмаси <sup>1</sup> Арфазетин <sup>1</sup> Ротокан <sup>1</sup> Алором <sup>1</sup>	Меъда-ичак касаллигида Диабетга қарши Яллиғланишга қарши Миозит, ётоқ яраларга илла-тилади Бод, ревматизм, плексит Витамин дори
Рута душистая	Хушбўй рута	Ер устки қисми	Настойкаси	Марказий нерв системаси стимулятори
Рябина обыкновенная	Олдий четан	Меваси	Комплекс препаратларда қайнатмаси	Балғам кўчирувчи
Секуринега полукус-таряжковая	Ярим бутасимон	Новдалари	Секуринин нитрат	
Синюха голубая	Зангори подчешонум	Илдзюяси билан илдизи	Кайнатмаси	
Скородня кавказская	Кавказ скополияси	Илдзюяси билан илдизи	Гиосциамин Камфорат М-холинolitik Аэрон <sup>1</sup> М-холинolitik Атропин сульфат Тансал <sup>1</sup> Флакумин <sup>1</sup> Галаскорбин <sup>1</sup> Кафкол <sup>2</sup> Дамламаси	Буруштирувчи ва яллиғланишга қарши
Скумпия кожевенная	Ошловчи скумпия	Барги	Глицирам	Ўт хайдовчи, буруштирувчи ва витамин дори
Слива обыкновенная	Олхўри	Меваси	Глицирам	Сурги дори
Смородина черная (смородина)	Қора қорақат (смородина)	Меваси	Кўкрак элиқсири Ликвиритон	Сурги дори Терматувчи, сийдик хайдовчи, витамин дори
Солодка голая	Туксиз (оддий) қизилия	Илдизи		Яллиғланишга қарши, астмага қарши, аллергияга қарши
Солодка уральская	Урал қизилияси	Илдизи		Балғам кўчирувчи Спазмolitik, яллиғланишга қарши, меъда-ичак ярасига

Шәрбати	Дорилар таъминн яхшिलाш учун, Балғам кўчирувчи Балғам кўчирувчи, сурги дори Ярага қарши Балғам кўчирувчи, юмшоқ сурги Балғам кўчирувчи, юмшоқ сурги Балғам кўчирувчи, дезин- фекция қилувчи, сийдик хай- довчи Хоналарга пуркаш учун Дингага (авитаминоз) қарши Шинфобахш ванна қилиш учун Яралар, кўтирни даволаш учун
Иўтал таблетка <sup>1</sup> Қизилмия мураккаб поро- шоги Флакарбон Дамламас	Бод, нервалгия, бошқа шамол- лаш касаллиқларида Ганглиларни блокаде қи- лувчи Антисептик, яраларга дори Витамин дори (Р) Витамин дори (Р) Витамин дори Анальгезияловчи, витамин дори Меъда касаллигида Седатив, спазмолитик Бачадон касаллигида Бачадон касаллигида
Куюк ва куруқ экстракт- лари Дамламаси	Скипидар (суртмалар тар- кибиди) Пахикарпин гидробидид
Эфир мойи Қайнатмаси Экстракт Қорамойи Вишневский суртмасида ва Вилькинсон суртмаси таркибиди	Настойкаси Кверцитин Рутин Аскорутин <sup>1</sup> Кверсалин <sup>1</sup>
Барглари	Викалин <sup>1</sup> Беллагаминнал <sup>1</sup> Эрготал Дигидроэрготамин
Еғоч қисми ва тўнкалари	Склероция
Ер устки қисми	Шоқуя
Фунчаси	Споруныя
Софора тоқстоплод- ная	Калин жевали ач- чиқмия (эшакмия)
Сосна обыкновенная	Одний қарағай
Куртақлари	

Ўсимликнинг русча номи	Ўсимликнинг ўзбекча номи	Қўлланиладиган қисми	Олинадиган ёки тайёрлаётган дори воситалари	Асосий таъсири ва ишлатилиши
1	2	3	4	5
Стальник полевой пшеничный Стержулия платано- листная Стефанья	Дала оюнқиси Чинор баргли стержулия Туксиз стефанья	Илдизи Барги Туганага илдизи билан	Эрголамин тартрат Эргометрин малеат Настойкаси Кайнатмаси Настойкаси Стеролабурин сульфат	Бачадон касаллигида Бачадон касаллигида Бавосилга қарши Сийдик хайдовчи Стимулловчи, тонус оширувчи восита сифатида ишлатилган Седатив, антихолин эстера- зик модда
Строфант Комбе Сумах дубильный	Комбе строфант Ошлагач сумах (Тотум)	Уруғи Барги	К-строфантин-Р Таннин Тансал	Юрак-томир дори Буруштирувчи, яллиғланиш- га қарши Буруштирувчи, яллиғланиш- га қарши
Сухоцвет однолетний Сушенница топяная Сферофиза солонцо- вая	Бир йиллик ксерал- темум Ботқоқ нафалиуми Шўр бўян (шилди- бош)	Ер устки қисми Ер устки қисми Ер устки қисми	Галаскорбин Здренко йнгмаси Дамламаси Сферофизин бензоат	Буруштирувчи, витамин дори Меъда-ичкак касаллигида Яраларни битиради Туғиш заифлашганда, туқ- қандан сунг қон қетганда ва гипертониянинг бошлани- шида
Термопсис лавцето- видный	Наштарсимон термопсис	Ер устки қисми	Дамлама, порошок, таблет- ка, суюқ ва куруқ экстракт- лар, йўталга қарши куруқ микстураси Цитизин	Аналгетик, Балғам кўчирувчи, йў- талга қарши Нафас марказини кўзга- тириши

Термосис очерё- ноцветковый	Қаторгулли термос- сис	Ер устки қисми Уруғи	Суюқ экстракти Дамламасы, порошог Цитязин Цитинтон.	Қоя босымбиди кўгарувчи Сурункали бронхитда Аналептик зотилжамда Нафас марказини кўзға- тувчи
Тимьян обыкновен- ный	Оддий тоғжамбил	Ер устки қисми	Табекс Суюқ экстракти Дамламасы	Чекишга қарши Балғам кўчирувчи Балғам кўчирувчи
Тимьян ползучий	Судралаиб ўсувчи тоғжамбил	Ер устки қисми	Пертуссин <sup>1</sup> Суюқ экстракти Дамламасы	Балғам кўчирувчи Балғам кўчирувчи Балғам кўчирувчи
Тмин обыкновенный	Оддий қоразира	Меваси	Меваси йиғмаларда	Меъда-ичак касаллигинда, меъда дам бўлганда ел хайдовчи
Толокнянка обыкно- венная	Оддий толокнянка	Барги	Дамламасы	Спайдик хайдовчи, дезин- фекцияловчи
Тополь черный	Қоратерак	Қуртаги Уруғи	Дамламасы Уруғ мағиз	Исентма туширувчи Гижжага қарши
Тыква обыкновен- ная	Оддий ковок	— * — — — — — — * — — — — —	— * — — — — — — * — — — — —	— * — — — — — — * — — — — —
Тыква крупная	Қартошқа ковок	— * — — — — —	— * — — — — —	— * — — — — —
Тыква мускусная	Ош ковок	— * — — — — —	— * — — — — —	— * — — — — —
Тысячелистник обыкновенный	Бўймодарон	Гули Ер устки қисми	Здренко йиғмасы <sup>1</sup> Дамламасы	Меъда-ичак касаллигинда Қон тўхтатувчи, иштаха очувчи
Укроп огородный (укроп пахучий)	Хушбўй шивит	Меваси	Суюқ экстракти Ротокан <sup>1</sup>	Қон тўхтатувчи Яллиғланшга қарши
Унтерния Виктора	Виктор қорақовуғи	Барги	Порошог, дамламасы	Меъда-ичак касаллигида
Унтерния Северцова	Северцов қорақову- ғи	Барги	Галантамин гидро- бромид Ликорин гидрохлорид	Антиколлин эстеразик молда Балғам кўчирувчи
Фасол обыкновен- ная	Ловия	Мева пўчоғи	Арфазетин <sup>1</sup>	Диабетга қарши

1	2	3	4	5
Ушмакнинг русча номи	Ушмакнинг ўзбекча номи	Қўлланиладиган қисми	Олинмаган ёки тайёрланган дорн воситалари	Асосий таъсир ва ншлатилиши
Фенхел обыкновенный	Дорихона укропи (Фенхель)	Меваси	Дамламаси Эфир мойи, Укропная вода Дамтамаси	Меъда-ичак касаллигида, балғам кўчирувчи Ет хайдовчи Балғам кўчирувчи, сийдик хайдовчи
Фиалка трехцветная	Уч рангли гунафша (капазакут)	Ер устки қисми	Здренко йиғмаси <sup>1</sup> Дамламаси Марсални <sup>1</sup>	Меъда-ичак касаллигида Сийдик хайдовчи
Фиалка полевая	Дала гунафшаси	Ер устки қисми	Арфазетни <sup>1</sup> Госсилол	Сийдик-тош касаллигида Диабетга қарши
Хвощ полевой	Дала киркўрғини	Уруғи, толаси	Мойи Бинт, дока	Вирусга қарши Суюқ суртмаларда;
Хлопчатник мохнатый	Америка гўзаси	—><—	—><—	—><—
Хлопчатник барбалоосский	Миср гўзаси	—><—	—><—	—><—
Хлопчатник травянистый	Осиё гўзаси	—><—	—><—	—><—
Хмель обыкновенный	Оддий кўтмоқ	Гўддаси Эфир мойи	Уролесан <sup>1</sup> Воложардин	Ўт хайдовчи, сийдик хайдовчи Тинчлантирувчи, ухлатувчи —><— —><— —><— —><— —><— —><—
Цимицифуга лаурская	Даурия цимицифугаси	Илдизлоқчи дан илдин	Волоселни настойкаси Суюқ экстракт Тасият Дорн препаратлари	Қон босимини туширувчи



Цинхона (хинное дерево) ледгера	Ледгер цинхонаси (хин дарахти)	Пўстлоғи	Ханин сульфат ва хинин гидрохлорид	Безгакда ва туғиш жа- раёини тезлатиш учун
Цинхона (хинное дерево) красносого- вая	Кизил ширали цин- хона (хин дарахти)		Ханидин сульфат	Юрак аритмия касал- лигида
Цитрус китайский (апельсин сладкий)	Апельсин	Мева пўсти ва эфир мойи	Р-Витамин препара- тици	Витамин дорн
Цитрус лимон (ли- мон)	Лимон	— * — —	Эфир мойи	— * — —
Цитрус уншу (мандарин уншу)		— * — —		
Чемерица лобеля	Лобель маралкудо- ғи	Илдиэояси би- лан илдиэи	Суви, Дамламаси	Фармацевтика амалиётида
Черда трехраз- дельная	Уч бўлакди коракди (иттиканак)	Ер устки қисми	Здренко йиғмаси' Дамламаси	Паразитларга (ҳащарот- ларга) қарши
Черемуха обыкновен- ная	Олдий шумурт	Меваси	Дамламаси	Меъда-ичак касаллигида
Чеснок	Саримсоқ	Пивэзи	Аллохол'	Диатезларда, терматувчи, юмшатувчи
Члябуха	Кучала ўсямлиғи	Уруғи	Настойкаси	Ич кетганда
Чистец буквице- цветный	Тоғ кудуси	Ерустки қисми	Курук экстракти	Ут ҳайдовчи
Чистотел большой	Катта қончўп	Ерустки қисми	Стрихнин нитрат	Атеросклерозда
Шалфей лекарст- венный	Дорнвор (маврак)	Барғи	Суяк экстракти	Толусенн оширувчи
			Дамламаси	— * — —
			Здренко йиғмаси' Дамламаси	Бачадон касаллиқларида
			Сальвин	Жигар ва ўт пуфағи ка- саллигида ўт ҳайдовчи
				Меъда-ичак касаллигида
				Буруштирувчи, анти- септик
				(оғиз-томоқ қайдалди), буруштирувчи, антисептик

Усимларнинг русча номи	Усимларнинг ўзбекча номи	Кулланиладиган қисми	Олимларнинг ёки тайёрланадиган дори воситалари	Асосий таъсир ва ишлатилиши
1	2	3	4	5
Шалфей эфюлский	Эфюлия мармараги	Ер устки қисми	Заренко йиғмаси <sup>1</sup>	Меъда-ичак касаллигида
Шалфей мускатный	Хушбўй мармарақ	Ер устки қисми	Самуc	Тери касалликларида
Шиповник майский	Май наъматаги	Меъаси	Эфир мойи Каротин	Трофик яраларда, гуш (экзема) да, шидлик пар- далар емирилганда, яра- ли қолитда
Шиповник Беггера	Беггер наъматаги	Меъаси		
Шиповник даур-ский	Даурия наъматаги	Меъаси		
Шиповник иглистый	Тиканли наъматақ	Меъаси		
Шиповник рыхлый	Сўтган наъматақ	Меъаси		
Шиповник Федченко	Федченко наъматаги	Меъаси	Наъматақ мойи Аскорбин кислота	Яра битишида Витамин дори
Шиповник собачий и другие	Наъматақ итбурун ва бошқалар	Меъаси	Витаминли йиғмалар <sup>1</sup> Шарбатки Арфазетин <sup>1</sup> Холосас	Витамин дори Витамин дори Диабетта қарши Ут хайдовчи, жигар касал- ликларида
Шлемник байкаль-ский	Байкал кўкамарани	Илдизи	Кайнатмаси	Кон босимини туширади, тинчлантирувчи
Шавель коңский	Доривор отқулоқ	Илдизи	Кайнатмаси Заренко йиғмаси <sup>1</sup> Дамламаси	Меъда-ичак касаллигида — *c— Антисептик, яллиғланнишга қарши
Эквалипт лепель-ный	Кулранг эквалипт	Барги		

ний	лифт	Барги	Эфир мойи	карши
Эвкалипт шариковый (голубой) и другие	Шарсимон (зангори) эвкалипт ва бошқалар	Эвкатол'	Эвкамон'	Антисептик, яллиғланишга карши
		Эвкамон'	Пектусин'	Антисептик, яллиғланишга карши
		Камфомен'	Ингакамф'	Антисептик, яллиғланишга карши
		Суноэрф'	«Сангитас» линименти	Яллиғланишга карши, антисептик
		Пустлоги	Хлорофиллилт	Ринит (тумов) касаллигида
Эвкомния вязлистная	Кайрағоч баргли эвкомния	Илдиэляси билан илдиэ	«Сангитас» линименти	Ревматизмда, артритларда
Элеутерококк колочий	Тикангли элеутерококк	Брустқи қисми	Дамламаси	Антисептик
Эфедра хвошевая	Тоғ кизилчаси	— * —	Суюк экстракти	Кон босимини пасайтирувчи
Эфедра средняя	Ўл кизилчаси	— * —	Эфедрин	Тоғус оширувчи
			Цефедрин	α- ва β- адренорецепторларни стимулловчи
			Эфедрин гидрохлорид	Ринит (тумов) касаллигида
				α- ва β- адренорецепторларни стимулловчи
				α- ва β- адренорецепторларни стимулловчи

Усимловнинг русча номи	Усимловнинг ўзбекча номи	Қўлланмодадаги қисми	Олинмаган ёки тайёрланган дори воситалари	Асосий тазвир ва ишлатилиши
1	2	3	4	5
Эхинадея пурпурная Юкка славная	Қизил эхинация Юкка	Илдизояси : Би- лав илдиз Барги	Дори препаратлари Стероид сапонинлар	Ангинада Гормонал препаратлар синтез қилнади Атеросклерозда ишлати- лади.
Якорцы стелющихся Ятрышник разные виды	Ер бағнрлаган те- миртыкан Солаб турлари гим- ноденция турлари	Ер устки қисми Туғанаги	Трибуспонин Дамламаси, Қайнатмаси	Меъда-ичак касаллигида, қонлаб олувчи, нафас йў- ли касалликларида бағлам кўчирувчи, юмшатувчи

1 Маъжур препаратлар таркибига бошқа дори моддалар ҳам кирди.

## МАЪЛУМОТНОМАДА ТАҚРОР-ТАҚРОР ТИЛГА ОЛИБ ЎТИЛГАН ТИББИЁТГА ОИД ТЕРМИНЛАР БИЛАН ИФОДАЛАНГАН КАСАЛЛИКЛАРГА ҚИСҚАЧА ТАЪРИФ

**АВИТАМИНОЗ** (юнонча а — сўзнинг иккинчи қисми ифодалаб келган нарсанинг йўқлигини билдирувчи олд қўшимча + Vita — ҳаёт + оз — «жараён», «касаллик», «касаллик ҳолати» кабиларни ифодаловчи суффикс) — организмда витамин етишмаслигининг бир тури. Бунда организм етарли миқдорда витамин билан таъминланмайди, организм витаминлардан маҳрум бўлган бўлади.

**АНГИНА** (латинча angina — қисқ. б. бўғиш) асосан томоқдаги бодомчасимон безларнинг, камроқ томоқдаги лимфаденоид тўқималарнинг яллиғланishi. Аксарият ҳолларда уларни стрептококклар ёки стафилококклар, баъзи ҳолларда бошқа тур микроблар келтириб чиқаради ва юқумли бўлади. Унга ҳамisha енгил-елли ўтиб кетадиган касаллик деб қарамаслик керак. Унинг интоксикацияси бутун организмни захарлайди. Ангина халқимиз орасида аксарият «томоқ оғриғи» деб ўритилади. Келиб чиқиши, касаллиқнинг кечishi жараёни ва жойлашган ўрнига кўра бир неча хил бўлади: *катарал ангина, лакунар ангина, фибриноз ангина, фолликуляр ангина* ва ҳоказо.

**АЛЛЕРГИЯ** (юнонча allos — бошқа + ergon — таъсир) бирор-бир модда таъсирига нисбатан организм сезгирлигининг ошиб кетишидан юзага келадиган организм реактивлигининг ўзгарган ҳолати. У келтириб чиқарувчи сабабчилари ва кечилишига кўра бир неча хил бўлади: *бактериал аллергия, чанг аллергияси, касб аллергияси, дори аллергияси* ва ҳоказо.

**АРИТМИЯ** (юнонча а — сўзнинг иккинчи қисми ифодалаб келган нарсанинг йўқлигини ифодаловчи олд қўшимча + rhythos — маром, ритм) — кўзгалиш импульси шаклланишининг умумий равишда бузилиши ёки унинг юрак миокардидан ўтишининг издан чиқиши. Аритмия одатда юрак нотўғри қисқариши билан юзага чиқади. Юрак уришининг мароми бузилиши келиб чиқиш сабабларига, кечилиш табиқатига кўра бир неча хил бўлади: *пароксизмал аритмия, экстракардиал аритмия, титровчи аритмия, постконверсион аритмия* ва ҳоказо.

**АСТМА** (юнонча asthma — бўғилиш) — келиб чиқиш сабаблари ҳар хил бўлган, ammo ўткир (тўсатдан) бошланадиган бўғилиш хуружларининг умумий номи. У ҳикилдоқ қисилишдан (спазмидан) ёки бронхлар қисилишдан бўлиши ҳам мумкин. Бинобарин, жойлашган ўрни ва келтириб чиқарган сабабларига кўра астма бир неча хил бўлади.

**АТЕРОСКЛЕРОЗ** (юнонча athero — суюқ бўтқа, атала + sklerosis — қаттиқлашиш, зичлашиш) — артериал томирларнинг ички пардасига (ичига) липоид (ёғ)лар ўтириб қолиши ва кейинчалик уларнинг деворида бириктирувчи тўқималар ривожланиб бориши билан кечадиган қон томир касаллиги. Атеросклероз маълум бир томирларда бўлиши ҳам, бир йўла ҳамма томирларда бўлиши ҳам мумкин. Қон айланиши шунга қараб ё маҳаллий равишда, ёки умумий равишда бузилади.

**БАВОСИЛ** (латинча геморрой — юнонча haimorrhoids — қон оқиши) — тўғри ичак вена қон томирлари чигалининг кенгайиб қолиши билан кечадиган касаллик. Вақти-вақти билан тўғри ичакнинг ана шу томирлари ёрилиб қон оқишлар кузатилади, у оғриқли бўлади.

**БОД** (латинча радикалит *radicula* — илдиэча + *um* — яллиғланишни ифодаловчи суффикс) — орқа миң илдизчаларнинг шамоллаши (яллиғланиши). Буида қаттиқ оғриқ туриб гоҳ илдизчалар бўйлаб, гоҳ узокдаги шохчалари бўйлаб парезлар вужудга келади, яъни улар идора этадиган мускуллар (аъзолар) ҳаракати сусайиб қолади. Бод жойлашган ўрнига кўра бир неча хил бўлади: *дискоген бод*, *бел-думғаза боди* (буниси кўпроқ учрайди), *бўйиң-кўкрак боди*.

**БРОНХИАЛ АСТМА** (латинча *asthma bronchiale* — бронхларнинг бирор-бир аллергенга нисбатан сезгирлиги ошиб кетганлиги оқибатида тўсатдан қисилиб (слазм бўлиб) қолиши. Одатда у хуруж кўринишида пайдо бўлади ва ўлкага олинган ҳавонинг торайиб қолган бронхлардан чиқиб кетолмай қолиши билан кечади. Келтириб чиқарган сабабларига (аллергенларга) кўра у бир неча хил бўлади. Борди-ю, бронхиал астма касб билан боғлиқ бўлса касби, турар жой билан боғлиқ бўлса яшаш жойини ўзгартиришга тўғри келади. Даво тадбирлари унинг олдини олишга ва хуружнинг енгил-елпи ўтиб кетишига қаратилади.

**БРОНХИТ** (юнонча *bronchos* — нафас томоғи + *um* — яллиғланишни ифодаловчи суффикс) — бирор сабабга кўра бронх шиллик пардаларининг яллиғланиши. У бирламчи касаллик сифатида келиб чиқиши ҳам, бошқа касалликлар туфайли иккинламчи касаллик сифатида келиб чиқиши ҳам мумкин. Аксарият ҳолларда шамоллаш туфайли келиб чиқади ва енгил ёхуд оғир турда кечади. Унинг бир қанча турлари тафовут қилинади: *астматик бронхит*, *йирингли бронхит*, *катарал бронхит*, ўткир бронхит, хроник бронхит ва ҳоказо.

**БУЙРАК-ТОШ КАСАЛЛИГИ** (латинчаси *concrementum renale* буйрак битиши, *значланиш демек*) — буйрак ичига — қосача ва жомчаларига тош табиатига эга бўлган қаттиқ моддаларнинг тўпланиб қолиши. У яхлит бўлиши ҳам, бир неча майда бўлакчалар кўринишида бўлиши ҳам мумкин. У ўрнидан кўзгалганда одатда қаттиқ оғриқ беради. Қоида ўларок, даво уни парчалаб тушириб юборишга қаратилади.

**ГАСТРИТ** (юнонча *gaster, gastricus* — меъда (ошқозон) — шиллик пардасининг яллиғланиши. У тўсатдан бошланиши ҳам, секин-аста келиб чиқиши ҳам мумкин. Ҳар иккала ҳолатда ҳам шиллик парда структуралари у ёхуд бу даражада ўзгаришга учрайди. Баъзан у юққолашиб (атрофияланиб) хроник тус олади.

Гастрит *ўткир* (к.) ва *сурункали* (к.) бўлиши мумкин. Келтириб чиқарган сабабларига ва кечиш жараёнларига кўра ҳам у бир неча хил бўлади.

**ГЕПАТИТ** (юнонча *hepar, hepaticus* — жигар + *um* — яллиғланишни ифодаловчи суффикс) — турли хил сабабларга кўра у ёхуд бу даражада жигарнинг яллиғланиши. У кечишига кўра ўткир (к.) ва сурункали (к.) бўлиши мумкин. Келиб чиқиш сабабларига ҳамда касаллиқнинг кечиш табиатига қараб гепатит бир неча хилга тафовут қилинади: *аллергик гепатит*, *аъбвали гепатит*, *диффуз гепатит*, *токсик гепатит*.

**ГИНГИВИТ** (латинча *gingiva* — милк + *um* — яллиғланишни ифодаловчи суффикс) — милк шиллик пардасининг яллиғланиши. Келиб чиқиш сабаблари ва кечишига кўра гингивитлар бир неча хилга тафовут қилинади: *атрофик гингивит*, *геморрагик гингивит*, *диабетик гингивит*, *катарал гингивит*, *ярали гингивит*.

**ГИЖЖА КАСАЛЛИГИ** (латинчаси *гельминтоз* — юнонча *helmins, helminthos* гижжа, чувалчанг, қурт + *оз* - касалликни, касаллик ҳолатини ифодаловчи суффикс) — одам ва ҳайвонлар ичигада паразитлик қилиб яшовчи қуртлар — гижжалар келтириб чиқарадиган касаллик. Одатда гижжаларнинг бир неча тури тафовут қилинади. Ҳар қайси тури ўзига белгиланган дорни моддалар билан даволанади.

**ГИПЕРТОНИЯ КАСАЛЛИГИ** (гипертония юнонча *hypere* — «ҳаддан ташқари юқори», «катталашган» + *tonos* — тарангланиш, зўри

киш) — артериал қон томир босқинлиги ошиши ва муайян томирлар тонуси бузилиши билан текадиган касаллик. Ўрта яшар одамда нормада артериал босим симоб устуни ҳисобининг 70/130 атрофида бўлса, мазкур касалликда у 120/200 дан ҳам ошиб кетиши мумкин.

**ГИПОВИТАМИНОЗ** (юнонча *hypo* — «паст», «ост», «паст», «кам», «етарилмас» каби маъноларни ифодаловчи олд қўшимча + *vita* — ҳаёт + *оз* — «жараён», «дард», «касаллик ҳолати» кабиларни ифодаловчи суффикс) — организмда витамин етишмаслигининг бир тури. Бунда организмга витаминлар (у ёхуд бу хил) етарли даражада тушмайди, буюбарин, организмда витаминлар етишмай қолади.

**ГРИПП** (французча сўз бўлиб, *grippe* — ушлаб қолмоқ деган маънони англатади) ҳаво-томчи йўли орқали жуда тез юқадиган ўткир юққан касаллик. Уни уч хил туркумга кирувчи А, В, ва С гурппа вируслари келтириб чиқаради. Касаллик одатда тўсатдан бошланади, иситма кўтариледи, умумий интоксикация беради ва кўпроқ юқори нафас йўллари касалланади. Грипп берадиган асоратлари билан оғир касаллик саналади.

**ДЕРМАТИТ** (юнонча *derma, dermos*, тери + *ит* — яллиғланишни ифодаловчи суффикс) — урилиш, тирналиш, иссиқдан, химёвий моддалардан куйиш, микобактериялардан зарарланиш каби ҳолатлардан келиб чиққан терининг яллиғланиш касаллиги. Дерматит аслида терининг дерма қавати яллиғланишни ифодаласа ҳам, аксарият, бутун терининг яллиғланишини шу термин билан аташ расм бўлиб кетган.

**ДИАБЕТ** (юнонча *diabetes, diaibano* — тешиб ўтмоқ, оқиб чиқмоқ деган сўздан олинган) — танадан ортикча микдорда сийдик чиқиши ва организмда қанд алмашинуви бузилиши билан таърифланадиган касалликдир. Диабет келтириб чиқарган сабаблари, кечиши ва бошқа сабабларига кўра бир неча турга тафовут қилнади: *қандли диабет*, *қандсиз диабет*, *қариллик диабет*, *ёшлар диабет*, *тиреогем диабет* ва ҳоказо.

**ДИАТЕЗ** (юнонча *diathesis* — мойиллик) — айрим касалликларга берилувчанлик ёки одатдаги таъсирловчиларга одатдан ташқари реакция кўрсатиш билан юзага келадиган касаллик. У келтириб чиқарган сабабларига ва жойлашган ўрнига кўра бир неча хилга тафовут қилнади: *геморрагик диатез*, *невропатик диатез* (болаларда), *экссудатив-катарал диатез* ва ҳоказо.

**ЁТОҚ ЯРА** (латинчаси *decubitus*) — юмшоқ тўқималарнинг ўзок вақт босқилиб туришидан юзага келадиган некроз. Некрозга одатда: тери ва тери ости тўқималари, шиллик пардалар, жинсий аъзоларнинг девори, қон томирлар ва бошқалар учрайди. Аксарият ҳолларда ётоқ яралар беморлар узок вақт ётиб қолганда юзага қолади. Номи ҳам буни кўрсатиб турибди.

**ИСТИСҚО** (латинча *ascit* — юнонча *askites hydrops* — қорин суви) айрим сабабларга кўри қорин бўшлиғига сув (трансудат) тўпланиши.

**ИЧКЕТАР** (латинча *diarrea*) — ич тез-тез ва суюқ кетади. Сабаблари ҳар хил бўлиши мумкин: *алиментлар ичкетар*, *диетрофик ичкетар*, *яббо ичкетари*, *энтерил ичкетар*.

**КАМКОНЛИК** (латинча *anemia* юнонча *an* — сўзнинг иккинчи қисми англатиб келган нарсанинг йўқлигини ифодаловчи олд қўшимча + *кон*) — қон таркибиде гемоглобин микдорининг, аксарият, эритроцитларнинг ҳам камайиб кетиши билан таърифланадиган касаллик. Келиб чиқиш сабабларига кўра камқонлик бир неча хил бўлади: *алиментлар камқонлик*, *гемолитик камқонлик*, *гиперхром камқонлик*, *темир етишмаслиқдан келиб чиқадиган камқонлик*.

**КОЛИТ** (юнонча *kolon* — йўғон ичак, чамбар ичак + *ит* — яллиғланишни ифодаловчи суффикс) — йўғон ичак шиллик пардасининг

яллиғлаңиши (шамоллаңиши). У келтириб чиқарган сабаблар ва кечииш табиатига кўра бир неча хил бўлади: алиментар колит, амёбали колит, юқумли колит, ўтқир колит, хроник колит.

**ЛАВША** (латинчаси scorbilus — русчаси — цинга) организмга витамин С нинг етарли даражада тушмай қолғиши ёки унинг айрим сабабларга кўра танага сўрилмаслиги оқибатида келиб чиқадиган касаллик. Бунда асосан милк дардга чалинади: тез-тез қонайди, қочади, тишлар ишдан чиқади ва тушиб кетади, мускулларга, бўғимларга, тери остига ва ички аъзолар деворига кон қуйилиши кузатилади.

**ЛЮМБАГО** (латинча lumbus — бел) — бел соҳасида бўладиган каттик хурожсимон оғриқ. Бунда оғриқ зўридан умуртканинг бел-думғаза қисмида ҳаракат чеқланиб қолади. Аксарият ҳолларда люмбаго умуртқаларо дискларнинг остеохондрозидан юзага келади.

**МЕНИНГИТ** (менинг — юнонча meninx, meningos — парда, мия пардаси + it — яллиғлаңиши инфодаловчи суффикс) — бош мия ёхуд орка мия пардасининг бирор сабабга кўра яллиғлаңиши. Жойлашган ўрнига ва келтириб чиқарган микроорганизмлар турига кўра у хар хил бўлади. Масалан: базал менингит — яллиғлаңиш жараёнининг мия чуқурроқ юзасида жойлаңиши (локализацияси), бактериал менингит — бактериялар келтириб чиқарган менингит, ўчоқли менингит — яллиғлаңиш жараёнининг муайян жойда, яъни ўчоқ ҳолида жойлашган бўлиши, стрептококкли менингит — стрептококк микроблари келтириб чиқарган менингит ва шу кабилар.

**МЕТЕОРИЗМ** (юнонча meteorismos — дўмбаёиш, дам бўлиш) — ичакларда ел (газ) ҳосил бўлиши орқасида қориннинг дам бўлиши. У ҳам келиб чиқиш сабаблари ва кечиишга кўра алиментар метеоризм, динамик метеоризм, жеханик метеоризм, рефлектор метеоризмларга бўлинади.

**МИАСТЕНИЯ** (юнонча mys, myos — мушак + astheneia — бўшанг, кучсиз) — нерв ва мускуллар касаллиги бўлиб, дардга чалинган мускулларнинг ёки мускуллар гуруҳининг кучсизлиани қолиши, тонусининг пасайиб кетиши демақдир.

**МИГРЕН** (французча migraine сўзидан олинган) — бошнинг аксарият бир томонининг ҳамдан-кам ҳолларда ҳаммасининг хурожсимон оғриши. Кўп ҳолларда бош оғриши, бош айлаңиши, кўнгил айиңиши, кайт қилиш ва ёруелиқдан таъсирлаңиш билан кечади.

**МИОЗИТ** (юнонча mys, myos — мушак) мускуллар шамоллаши (яллиғлаңиши). Мускуллар ҳолсизланади, оғриқиди, оғир ҳолларда кичрайиб кетади. Шамоллаған мускуллар иштирок этадиган ҳаракатларни ёки жисмоний ишларни одам оғриқдан бажара олмайди.

**МИОПАТИЯ** (юнонча mys, myos — мушак + pathos — дард) — мускул толалари қисқариш қобилиятининг издан чиқиши натижасида мускулнинг кучсизлаңиши, эркин ҳаракатлана олмаслиги ва тонуснинг пасайиб кетиши, оқибатда эса атрофияга учраши билан таърифланади. У туғма ёки ҳаётда орттирилган бўлиши мумкин. Миопатиянинг Гоффман миопатияси, илсимои миопатия, сохта гипертрофик миопатия каби бир қанча турлари тафовут қилинади.

**НЕВРАЛГИЯ** (юнонча neuron — чандир, пай, тола, нерв + algos оғриқ) — нерв ёки унинг шохчалари бўйлаб тарқайдиган зўрайиб борувчи оғриқ. Вужда мазкур нерв ёки унинг шохчалари идора этадиган соҳа ё ўта сезувчан бўлиб қолади, ёки сезувчанлиги ўта пасайиб кетади. Қайси нерв ва унинг шохчалари касалликка чалинганлигига қараб невралгия бир неча хил бўлади: вегетатив невралгия, эмса невралгияси, қовурғаларо невралгия, уч шохли нерв невралгияси ва бошқалар. Невралгияларнинг аксарияти шамоллаңидан, совуқ олишдан келиб чиқади.

**НЕВРАСТЕНИЯ** (юнонча neuron — пай, томир, тола + astheneia — бўшанг, кучсиз) — руҳий изтироблардан сўнг нерв системасининг ўта



зўриқшидан, чарчашидан юзага келадиган асабийлик холати. Одам ўта таъсирчан, жинзакчи ва тез толиқадиган бўлиб қолади; салга ҳаяжонланадиган, арзимаган нарсага куйинадиган, серзарда бўлиш мазкур касалликка хос холатдир.

**НЕВРИТ** (юнонча *нейрон* — чандир, пай, тола, нерв + *итис* — яллиғланишни ифодаловчи суффикс) — нерв толасининг бирор сабабга кўра яллиғланиши. Қайси нерв шикастланганлигига боғлиқ равишда у идора этадиган аъзо, мускул иши бузилади. Келиб чиқиши, жойлашган ўрни ва кетишига кўра невритлар *аксиал неврит*, *кўтарилувчи неврит*, *вегетатив вибрацион неврит*, *кўрув нерви невритига* тафовут қилинади.

**ПЕС** (вятилиго) — терининг идиопатик дисхромияга учраши. Бунда терининг у ер-бу ери ҳар хил катталиқда ўзининг табиий пигментли рангини йўқотиб оқариб қолади. Гарчи атрофи қалинроқ тери пигменти билан ўралиб турса-да, кенгайиб кетишга мойил бўлади.

**ПЛЕКСИТ** (латинча *plexus* — янгал) — орқа мия нервларининг олдинги шохларидан тузилган нерв чигалларининг зарарланиши. Бунда бир йўла сезиш, ҳаракат ва трофик (тўқималарнинг озикланиши) жираён бузилади. *Бўйин, елка ва бел-думгаза плекситлари* тафовут қилинади.

**ПОДАГРА** (юнонча *pus, podos* — оёқ, оёқ қафти + *агра* — ушлаб қолиш, хуруж) — организмда пуриин моддалари алмашинуви издан чиқиши оқибатида келиб чиқадиган хроник касаллик. Бунда тўқималарда сийдик кислота тузалари тўпланиб қолиб, яллиғланиш, кейин деструктив склеротик ўзгаришлар юзага келади, ўтқир ва қайталаниб турадиган сурункали артритлар пайдо бўлади, тери остида катта-кичик тугунчалар ҳосил бўлади.

**ПОЛИОМИЕЛИТ** (юнонча *polios* — қуланг + *юнонча myelos* — орқа мия + *итис* — яллиғланишни ифодаловчи суффикс). Марказий нерв системасининг шу номли вирус келтириб чиқарадиган, хусусан, орқа мия олдинги шохчаларининг хужайралари, бош ва орқа мия пардалари яллиғланиши. Аксарият болаларда қузатилади ва кўл ҳамда оёқларнинг шол бўлиб қолишигача олиб келади. Ўта оғир ва юқумли касаллик.

**РАК** (латинчаси *carcinoma, cancer* — эпителиал тўқимадан тараққий этадиган хавфли ўсма). Келиб чиқишига кўра рак бир неча турга тафовут қилинади: *ўлка раки*, *меъди раки*, *сут бези раки*, *буйрак раки* ва бошқалар.

**РЕВМАТИЗМ** (юнонча *rheumatismos* — оқим, ажралма, касаллик *ажралмасарни*) — А.труппшисиз қирувчи сўрастқикжжгагжжқтириб чнқаруадиган юқумли аллергия касаллик. Бу касаллик бириктирувчи тўқималарнинг яллиғланиши, аксарият юрак-томир системасида жойлашиши билан таърифланади ва тез-тез қайталаниб туради. Олимлар ревматизм бўғимларни ялайди, юракни тишлайди деб жуда тўғри баҳо берганлар. Бялобарин, ревматизм аксарият қолларда юракка асорат бериб эндокардит касаллигини келтириб чиқаради.

**РЕЙНО КАСАЛЛИГИ (РЕЙНО 1834—1881 йилларда Францияда яшаб ўтган)** — аксарият кўл панжаларининг, қамдан-кам оёқ панжалари артериал томирларининг хуружсимон спазми, оғриқ, увишиш ва сезгининг бир оз йўқолиши билан кечади. Келиб чиқиш сабаби ҳозирча номаълум.

**САРИҚ КАСАЛЛИГИ** — қонда билирубин моддасининг кўпайиб кетиши оқибатида кўз шидлик пардалари ҳамда терининг саргайиб кетиши билан кечадиган жигар касаллиги. У келиб чиқиш сабабларига кўра юқумли ҳамда юқумсиз бўлиши мумкин. Унинг *вирусли сариқ*, *сохта сариқ*, *гемолитик сариқ*, *сифилитик сариқ* каби турлари бор. Булардан *вирусли сариқ касаллиги*, яъни *юқумли гепатит* (қ.) кўпроқ тарқалган.

**СИЛ** (туберкулёз — латинча *tuberculum* — дўмбоқча + *оз*) сил бак-

териялари — таёкчалари келтириб чиқарадиган юкумли, узок вақт давом этувчи касаллик. Турли хил аъзоларда ва тўқималарда (аксарият ўпқада) ўзига хос «доначалар» — катта-кичик ўчоқлар ҳосил қилади. У кечишига кўра актив ва пассив бўлади. Жойлашини ўрнига кўра: *тери сили, йиқа сили, суяк сили, умуртқа сили* ва бошқаларга тафовут қилинади.

**СПАЗМ** (юнонча *spasmos* ёки *spasma*) кўидаланг-тарғил ёки силлик мускулларнинг беихтиёр қисқариб қолиши. У юзага келган ўрнига кўра бир неча хил бўлади. *Аккомодация спазми, лаб-тил спазми, қон томир спазми, қизилўнғач спазми* ва ҳоказо.

**СТЕНОКАРДИЯ** (юнонча *stenos* — тор, ингичка + *kardia* — юрак) — юракнинг ишемиқ касаллиги бўлиб, бир неча секунддан 15—20 минутгача давом этадиган қаттиқ оғриқ хуружи билан кечади. У енгил-елли ўтиб кетиши ҳам, қаттиқ санчикли оғриқдан азоб бериб узок вақт ушлаб туриши ҳам мумкин. Халқ орасида уни *юрак санчили* деб юритулади.

Стенокардия хуружларида, одатда, тил тагига нитроглицерин ташлаб шимилади, натижада, оғриқ тез қўйиб юборади. Миокард инфарктида эса оғриқ шунга ўхшаган бўлса-да, нитроглицерин қабул қилган билан у босилмайди (к.).

**СТОМАТИТ** (юнонча *stoma*, *stomatos* — оғиз, тешик + *itis* — яллиғланишни ифодаловчи суффикс) — оғиз бўлиши шиллик пардасининг яллиғланиши. У келиб чиқиш сабабларига ва кечиш жараёнига кўра бир неча хил бўлади: *афтоз стоматит, гангреноз стоматит, катарал стоматит, кашандалар стоматити* ва ҳ.

**ТАХИКАРДИЯ** (юнонча *tachys* — тез, зудлик билан + *kardia* — юрак) юрак уришининг тезлашиши — юракнинг минутига 100 мартадан ортиқ уриши. Халқ орасида уни кўпинча «*юрак ўйнаши*», «*дил ўйнаши*» деб юритулади. У келиб чиқиш сабаблари ва кечиш табиятига кўра бир неча турга тафовут қилинади: *невроген тахикардия, физиологик тахикардия, пироксизмал тахикардия, ўнг қоринча тахикардияси* ва ҳоказо.

**ТЕМИРАТКИ** (латинчаси *lichen* — дерматоз касалликларининг умумий номи бўлиб, бунда терининг устки (дерма) қавати кепаксимон бўлиб кўчиб тушиб туради ёки майда пуфакчалар кўрнинишида тошмалар тошади. Келиб чиқиш сабаблари ва кечишига кўра у бир неча хил бўлади: *асбестсимон темиртки, оқ темиртки, халқасимон темиртки, кепаксимон қизил темиртки, ясси қизил темиртки*.

**ТРОМБОФЛЕБИТ** (юнонча *thrombos* — қон лаҳтаси) қон лаҳталарининг вена ичига ёпишиб қолиши.

**ТУТҚАНОҚ** (латинча *accessus*) — киска муддатли, тез-тез қайталаниб турадиган, ҳушни йўқотиш, тиришини, талваса тутғи билан юзага чиқадиган миёнинг касаллик ҳолати. Ҳозирги вақтда унинг бир неча тури маълум.

**СҮРУНКАЛИ ГАСТРИТ** (*g. chronica*) — меъда шиллик пардасининг узок вақт мобайнида яллиғланиши. Бунда шиллик парда структуралари турли хил ўзгаришларга, жумладан, атрофияга (юпқаланишга), метаплазияга (бошқа шаклга) учрайди, яъни хужайра ва тўқималар тузилиши қайта қурилади.

**ЧИПКОН** (латинча *фурункул*) — соч фолликуллари ва атроф тўқиманинг йирингли-некротик яллиғланиши. Дастлаб яра ва унинг учиди мадда пайдо бўлади ва кўп ўтмай атрофлари қизариб яллиғланади. Уни аксарият стафилококк микроблари келтириб чиқаради.

**ШАМОЛЛАШ** — совуқ (шамол) тегнишдан келиб чиқадиган, йўтал, аксирин билан кечадиган (нафас йўли шамоллаган бўлса) ёки бутун бадан зирқираб, эт жунжиқиб турадиган (бутун тана шамоллаган бўлса), ёхуд бирор аъзо касалликка чалинадиган (муайян орган шамоллаган бўлса) касалликларнинг умумий номи.

**ШИРИНЧА** (латинчаси *scrofulosis*) -- лимфа гилопластик ва экссу-  
датурал-катарал диватез касалликларининг умумий номи.

**ЭКЗЕМА** (юнонча *ekzema* -- тери тошмаси демак) -- вақти-вақти  
билан қайталаниб турадиган нейроаллергик дерматоз. Бунда тери дерма  
қаватининг сўргичсимон қатлами намиқиб яллиғланади, эпидермис  
қаватига эса майда-майда пуфакчалар кўринишида тошмалар тошиб,  
тери эритема тусини олади. У ҳам келиб чиқиб сабаблари ва кечиш  
табиатига кўра бир неча хил бўлади: *варикоз экзема, болалар экземаси,*  
*микробли экзема, офтоб экземаси* ва Ҳ.

**ЭНТЕРИТ** (юнонча *entera* ичаклар, *itis* яллиғланишни ифода-  
ловчи суффикс) ичгичка ичак шиллик пардасининг яллиғланиши  
(шамолланиш). У келиб чиқиб сабабига ва кечиш табиатига кўра бир  
неча хил бўлади: *юқумли энтерит, ярали некротик энтерит, ўткир энтерит,*  
*хроник энтерит* ва Ҳокказо.

**ЮРАҚ-ТОМИРЛАР ИШИ ЕТИШМАСЛИГИ** -- бирор сабабга  
кўра юракнинг ва у билан боғлиқ қон томирларнинг фаолияти издан  
чиқиб оқибатида организмда юзга келган касаллик ҳолати.

**ЮҚУМЛИ ГЕПАТИТ** (син. вирусли гепатит, юқумли сарик  
касаллиги, Боткин касаллиги) -- жигарни вируслар шикастлаши оқибат-  
ида келиб чиқадиغان жигар яллиғланиши. У ўта оғир ва юқумли  
касаллик саналади.

**ЯЛЛИҒЛАНИШ** (латинча *inflammatio*) -- организмнинг касал-  
лик келтириб чиқарувчи таъсирларга қарши химоя мослашув реакцияси-  
нинг пасайиши. Келиб чиқиб сабаблари, жойлашган ўрни, кечиши ва  
клиникасига кўра яллиғланиш бир неча турга тафовут қилинади:  
*аллергик яллиғланиш, йирингли яллиғланиш, катарал яллиғланиш,*  
*фибриноз яллиғланиш, флегманоз яллиғланиш* ва *экссудатив яллиғла-*  
*ниш.*

**ЯРА** (латинча *ulcus*) -- тери шиллик пардаси ёки тўқималарнинг  
бирор сабабдан чақаланиши натижасида ҳосил бўлган нуқсон. Яра  
келиб-чиқиб сабаблари, жойлашган ўрни ва кечишига кўра бир неча хил  
бўлади: *атеросклеротик яра, хроник яра, қизилўнганч яраси, трофик яра,*  
*фунгоз яра* ва Ҳокказо.

**ЎСМА** (латинчаси *tumor* -- тўқималарнинг патологик ҳолатда ўсиб  
кетишидан ҳосил бўлади. Бунда ҳужайралар, тўқималар тузлиши  
жиҳатидан ҳам, сифати жиҳатидан ҳам ўзгаришга учрайди. Ўсмалар  
келиб чиқиб сабаблари, жойлашган ўрни, кечишига кўра ҳам бир неча  
ўнлаб турларга тафовут қилинади: *bronхиоген ўсма, вирусли ўсма,*  
*ворсинкали ўсма, мукоэпидермоид ўсма* ва Ҳокказо. Ўсмалар икки катта  
гурухга бўлинади: *хавфли ўсма* ва *хавфсиз ўсма*. Хавфли ўсмалар раққа  
ўхшаб ўлимга олиб борали, хавфсиз ўсмалар ҳаёт учун ҳеч қандай хавф  
туғдирмайди.

**ЎТКИР ГАСТРИТ** (*f. acuta*) бирор сабабга кўра меъда шиллик  
пардасининг тўсатдан яллиғланиши. У бирор нарсадан заҳарланншдан,  
қайноқ суюқлик ичиб юборишдан, дориларни нотўғри ичишдан, дағал  
овқатни яхши чайнамай истеъмол қилишдан ва бошқа шу каби  
сабаблардан келиб чиқади. Вақтида даволанмаса у сурункали турга (к.)  
ўтиб кетади.

**ЎТ-ТОШ ҚАСАЛЛИГИ** -- ўт пуфаги, жигар орасидаги ёки жигар  
ташқарисидаги ўт йўлларида пайдо бўлувчи тош касаллиги. Тош асосан  
холестерин, ўт пигментлари ва кальций тузлари бир-бири билан  
бирикишидан ҳосил бўлади. Тош жойлашган ўрнидан қўзғалганда  
одатда жуда қаттиқ оғриқ беради ва ўша жойни таъсирлаб яллиғланти-  
риши мумкин. Мазкур касалликда аксарият ҳолларда жигарда ҳосил  
бўлган ўтнинг ўт пуфагига тушиши ва ундан ўн икки бармоқ ичакка  
ўтиши қийинлашади.

**ҲАЙЗНИНГ ТҶХТАБ ҚОЛИШИ** (латинчаси менопауза -- юнонча

мен — ой + pausis — тўхташ, тугаш, узилиш) — ўз муддатда келиб турган ҳайзинг бирор сабабга кўра келмай қолиши. У климактерик давр туфайли, бўйида бўлиб қолиш сабабли ва бирор касаллик оқибатида бўлиши мумкин. Бундан ташқари, у жинсий органлар активлиги пасайиши ва жинсий гормонлар кам рашланиб чиқиши натижасида ҳам юз беради.

**ХҲППОЗ** (латинчаси *carbunculus* — *carb* — кўмир сўзидан олинган) — ёнма-ён турган бир нечта ёғ безчалари билан соч (тук) фолликулларининг ўткир йирингли некротик яллиғланиши. У одатда атрофдаги тери ва тери ости тўқималарини ҳам яллиғланишга сабабчи бўлади. Жуда каттик оғрик ва иситма билан кечади. Ерилганида талайгина ўлган тўқималар ва йиринг ажралади.

## **ЎСИМЛИК ДУНЕСИ ИНСОН ҲИМОЯСИГА МУҲТОЖ**

Еш болани нозик ниҳолга, гулга қиёслайдилар, улар хотиялар меҳрига, ёрдамга, муҳофазасига муҳтож дейдилар. Йиқилса кўтариб олиш, қокилса тиклаб қўйиш кераклигини юз бор, минг бор уқтирадилар, насиҳат қиладилар. Шундан ҳам англашиладики, ниҳол, гул табиатнинг ҳам нозик, ҳам зарур инъоми. Болани ниҳолга ўхшатиш эса уларнинг кадрили, қимматини яна бир қарра оширади.

Доривор ўсимликлар хусусида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Атрофимизни ўраб турган, бизни боқиб катта қилган табиат ўз навбатида бизнинг ёрдамимизга муҳтож. Бинобарин, биз ҳам табиатни, ўсимлик дунёсини ўз ҳимоямизга олмоғимиз, ардоқлаб парвариш қилмоғимиз лозим. Буни инсоният ўз тарихида ҳамниша тушуниб келган ва ҳўлидан келганча уни сақлашга ҳаражат қилган.

Табиатни муҳофаза қилиш бўйича илгари чиқарилган қатор қарорларда ўсимлик дунёсини асраб-авайлаш ва кўпайтириш тадбир чоралари белгилаб берилган. Аммо булар қутилган натижани бермади. Табиатдан кўр-кўрона фойдаланиш дэвом этаверади. Шундан кейин ҳайвонлар, паррандалар, балиқлар ва ниҳоят ўсимликлар ҳақида «Қизил китоблар» пайдо бўлди.

Собиқ СССР Олий Совети 1972 йил 20 сентябрда «Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан раціонал фойдаланиш» тўғрисида яна қарор қабул қилди. Бу илгари жорий қилинган қонунларни, унда кўрсатилган ақтларни тўлдирди ва мустаҳкамлади. Буларнинг ҳаммасида заминимизнинг табиий бойликларига, экологиясига, ўсимлик дунёсига ва умуман атроф-муҳитга тўғри ёндошиш масалалари қонун йўли билан кўрсатилган. Бу биздан табиатга меҳр билан қарашимизни, омиқролик, ишбилармонликни талаб этади.

Биз биргина доривор ўсимликларни ўз ҳимоямизга олиш билан аавало ер қуррасининг чиройини, унинг водийлари гўзаллигини, турли туман шифобахш ўсимликларини-ю, оромбахш табиатини ҳимоя қилган бўламиз. Қолаверса, улардан тўғри фойдаланиш билан ўзимизнинг соғлиғимиз учун, келажак авлодларимиз соғлиғи учун жуда катта фойда келтирган бўламиз. Ўсимликни ҳимоя қилишининг, ундан тўғри фойдаланишнинг бирадан-бир йўли унинг қайси қисмини қачон йиғиб олишни билишликдадир. Шунда у ўз қимматини ва шифобахш хусусиятини сақлаб қолади. Ўсимликдан нотўғри фойдаланиш эса унинг қайта ўсиб чиқмаслиғига, натижада шу турнига ер юзасидан йўқолиб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

Республикамиз ер-сувга, тоғ-ўрмонларга, дашт-чўллارга, яйлов ва ўтлоқларга бой ўлкадир. Унда талайгина суғориладиган ва суғорилмайдиган кенг экин майдонлари мавжуд ва буларнинг барчасида инсталганча шифобахш ўсимликлар бор. Уларнинг баъзилари ёввойи ҳолда ўсса, айримлари маданийлаштириб ўстирилади ва кўпайтирилади. Шифобахш

маданийлаштирилган ўсимликларни заруриятга қараб экиб, кўпайтирса бўлади, аммо ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликларни кўпайтириш биров кийин. У биздан меҳр-шафқат, ақл-идроқ билан муносабатда бўлишни талаб этади. Бунинг учун эса миллий боғлар, кўрикхоналар сонини кўпайтириш, доришunosлар тўғарақлари зарур.

«Табиатни муҳофаза қилиш жамияти», «Еш табиатшunosлар», «Фитонатуралистлар» ва бошқа бир қатор катта-кичик жамиятлар ҳамда тўғарақлар ташкил қилиш лозим. Бу ишга аввало болаларни, қолаверса катталарни жалб қилиш зарур. Бинобарин, кенг қулоч ёйган тушунтириш ишларини жорий қилиш, слётлар, конкурслар ташкил қилиш, экскурсиялар, туристик походлар уюштириш, камёб ўсимликлар, йўқолиб бораётган ва ҳозирда «Қизил китобга» киритилган доривор ўсимликлар билан уларни таништириш, боғ-роғли хўжаликлар, истироҳат боғлари ташкил қилиш зарур. Фитотерапия кабинетлари, доривор ўсимликлар сотадиган дорихоналарнинг очилиши «Қизил китобга» кирувчи ноёб ўсимликлар сонининг бир оз ортишига олиб келади. Ҳозирги кунда 600 хилга яқин ўсимлик давлат химоясига олинган. Аммо шунга қарамай, уюшган ҳолда ҳамда яқка тартибда табиат қўйнига дам олишга чиққанлар табиатни асраб авайлаш ўрнига ўт-ўланларни босиб-янчиб, пайхон қилмоқдалар. Шифобахш ўсимликларни узиб табиатга талайгина зиён-заҳмат етказмоқдалар. Қир-адирларда, тоғ ёнбағирларида тобора узунлиги ортиб бораётган ёлғиз оёқ йўлларнинг ўзи ҳам қанчадан-қанча ўт-ўланларнинг босилиб кетиб қайта ўсиб чиқмайдиган аҳволга солиб қўймоқда. Тошкентимизга яқин биргина Оқтош, Хумсон ёки Чимён зонасини олайлик. Бундан 15—20 йил муқаддам тоғ этакларининг анчагина қисмини эгаллаб олган долазорлар, ровоқ, кийикўт, тоғрайхон, наъматак, бўймодарон, далачай, эрмон каби шифобахш ўсимликлар ўсадиган майдонлар кейинги йилларда йўқолиб кетмоқда.

Юқоридагилардан шундай хулоса чиқарамизки, болани ёшлигидан ҳовлига, мақтаб боғига, хонада тувақларга гул ўтказиб узи парвариш қилиб боришга ўргатиш, унда табиатга, ўсимликларга кизиктиш уйғотиш керак экан. Ўз қўли билан гул, ниҳол ўстирган бола ўсимликнинг қадрига етадиган бўлади. Бунада катталар болага ўрناк бўлмоқлари лозим.

## МАЪЛУМОТНОМАДА ҚЕЛТИРИЛГАН КАСАЛЛИҚЛАРНИНГ, СИМПТОМ ВА СИНДРОМЛАРИ НОМИНИ ИФОДАЛАБ КЕЛГАН ТЕРМИНЛАР ИЗОҲИ

Маълумотномада бир талай касалликларнинг турли хил жараёналарини, белги ва симптомларини, синдромларини ифодалаб келган ўйлаб атама ва терминлар келтириб ўтилган. Маъно жиҳатидан улар аксарият ҳолларда умумлаштирувчи номлар вазифасида ишлатилган. Масалан, «нафас қисishi» бирикмаси ўпка ва бронхларнинг турли хил — эмфизема, астма, спазма ва бошқа касалликлари, шунингдек, юрак-томир иши етишмаслиги оқибатида келиб чиққан нафас олишдаги оғир бир ҳолатни ифодалаб келади. Тиббиёт тили билан айтадиган бўлсак, мазкур бирикма номи юқорида эслатиб ўтилган бир қатор касалликларнинг синдромидир. Бинобарин, касалликларнинг, улар қандай касаллик бўлишидан қатъи назар, ана шу синдромни бартараф этиш зарур бўлганда (кисқа бўлиши учун) китобда усимлик препаратларидан у ёхуд буниси «нафас қисishi»да «қўлланилади» ёки «фойда қилади» деб кисқа йўсинда тушунтириб кетилди. Яна бир мисол: «Кўкрак оғриғи» — бу халқ орасида юртиладиغان ибора бўлиб, муайян бир касаллиқни ифодаламай, балки бир қатор нафас олиш аъзолари касалликлари — зотилжам, ўткир ва сурункали бронхитлар, трахеитлар, камдан-кам ҳолларда, кўкс оралиғи шамоллашлари ва бошқа кўкрак қасасида жойлашган аъзолар касалликларининг бир белгисини, синдромини ифодалайди. Одамларга тушунтиришда эса одатда шу иборани мазкур касалликларда қўллаш расм бўлган. Бу — халқ тилига яқинроқ келади. Ҳақиқатда эса бу хилдаги касалликларда кўкрак остида оғрик, ачишиш, оғирлик ҳис қилинади. Маълумотномада келтириб, тавсия қилинаётган усимлик препаратлари қандай касаллик бўлишидан қатъи назар худди мана шу оғрик ҳиссини бартараф этишга қаратилгандир. Шунинг учун бундай ҳолларда ҳамма ўринларда бир неча хил касалликлар учун умумий тарзда хизмат қилган белги, симптом ва синдромлар бир бирикма билан ифодаланди;

